



ХЕРМАНН ХЕССЕ

ЧУД  
БУРИСИ





2016/98-4307

ҲЕРМАНН ХЕССЕ



Чўл  
Бўриси

РОМАН  
қайта нашр

ТОШКЕНТ – «O'ZBEKISTON» – 2015

821.112.2 - 51 - Неллис

~~УЎК. 821.512.133~~

КБК 84(4Гем)

X - 48 49

адабиёт

Оломон тилидан  
Мирзаали АКБАРОВ таржимаси

Ko'chi fond

ISBN 978-9943-28-162-2

Alisher Navoiy

2016/98

4304

Ўзбекистон МК

© Херманн Хессе, 2015

© «O'zbekiston» НМИУ, 2015

Устидор

## РУҲИЙ ОЛАМ ИЗТИРОБЛАРИ

• • •

Тил билган дил билади, дейишади. Дархақиқат, Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти (бугунги Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети)нинг олмон филологияси факультетида ўқиб юрган талабалик пайтларимиздаёқ дунё адабиёти, хусусан олмон адабиёти билан илк бор ошно бўлганмиз. Меҳридарё устозларимиз тилга ва адабиётга дилимизда ҳавас, иштиёқ уйғотиб, бизни адабиётнинг сеҳрли оламига олиб кирган ва бунинг учун биз улардан бир умр миннатдормиз.

Бироқ тан олиб айтиш керакки, олмон адабиётига мансуб кўпгина асарлар ўша даврда биз, талабалар учун бамисоли «тошёнғок» бўлиб, уларга кўпам «тишимиз ўтавермаган». Мисол учун, XX аср нафакат олмон, балки жаҳон адабиётининг ҳам улкан намояндаларидан бири, халқаро Нобель мукофоти совриндори Херманн Хессе (1877–1962) ижодини олайлик. Маълумки, адибнинг кўплаб роман, қисса, хикоялари, шеърлари, сиёсий, адабий-танқидий руҳдаги асарлари чоп этилган. Улар орасида, айниқса, «Чўл бўриси», «Маржонлар ўйини», «Демиан» каби китоблари довруқ қозонган. Адиб шунингдек, маънавий-маърифий йўналишда ҳам баракали ижод қилган. «Ғилдираклар остида» романи, «Нюрнбергга саёхат» сафарномаси, «Курортдаги киши» киссаси ва бошқа кўпгина асарлари шулар жумласидандир.

Илк бор 1927 йилда босилиб чиққан «Чўл бўриси» романи теран психологик асар бўлиб, муаллифга оламшумул шуҳрат келтирди. «Чўл бўриси»да ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ҳал этилмаган маънавий-руҳий зиддиятларни енгиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар қаламга олина-

ди. Унда муаллифнинг аввалги асарларида озми-кўпми акс эттирилган Рухга мурожаат этиш услуги ўзининг якуний ҳамда тўлақонли ифодасини топган. Ёзувчи Томас Манн ушбу роман ҳақида шундай деган эди: «**Чўл бўриси**» экспериментал дадилликда «**Улисс**» ва «**Faux Mopnauteurs**» сингари асарлардан қолишмайдиган китоб эканлигини айтиб ўтиришга ҳожат бормикин? «**Чўл бўриси**» менга анчадан буён илк бор ҳақиқий китоб мутолааси нималигини қайтадан ўргатган асардир».

Дарҳақиқат, мазкур роман Хессе ижодининг дурдонаси ҳисобланади. Адиб ушбу асар устида 1924–1927 йиллар мобайнида ишлаган ва у китоб ҳолида дастлаб Фишер нашриётида 1927 йилнинг ёзида – ёзувчи 50 ёшга тўлган чоғида босилиб чиққан. Асарнинг яратилиши кўп жихатдан адиб ўтган асрнинг йигирманчи йилларида ўз бошидан кечирган руҳий инқироз билан боғлиқдир. Рут Венгер хоним билан бўлган никоҳнинг барбод бўлиши, ижодий ишларнинг мажбуран тўхтаб қолиши, ўша даврдаги пул кадрсизланиши ва бошқа иқтисодий қийинчиликларга боғлиқ танг аҳвол, шунингдек, Германиядаги сиёсий вазият – буларнинг барчаси ёзувчини тушкун бир ҳолатга, боши берк кўчага олиб келади. У ўзини чиндан ҳам ёлғиз, хорғин ва холдан тойган «чўл бўриси» янглиғ ҳис эта бошлайди. Роман нима учун «Чўл бўриси» деб аталади? Эътибор берган бўлсангиз, асарнинг асосий қисмини Харри Халлер — «Чўл бўриси»нинг ёзишмалари ташкил қилади. Асарда воқеалар биринчи шахс номидан, яъни ёлғизланиб қолган элик ёшлар атрофидаги инсон тилидан ҳикоя қилинади. Мазкур шахс тимсолида инсон ички дунёсининг, ботиний вужудининг бениҳоя серкирра эканлиги ибратли тарзда очиб берилади. Чўл бўриси — ҳаётдан тўйган, яшашдан безган, тарки дунё қилган дарвешдир. У ҳатто элик ёшга тўлган кунида ўзини ўзи бўғизлаб ўлдириш учун уйда устарани ҳам шай қилиб қўйган. Ўзини ярим инсон, ярим бўри, деб ҳисоблайди. Ўз вужудидаги ҳам инсон, ҳам бўридан иборат бўлган иккиёклама бўлинишни енга олмайди.



Бирок яна шуни алохида таъкидлаш жоизки, «Чўл бўриси» ёзиб қолдирган эсдаликлар ёлғизланиб қолган, асаб хасталигига учраган невротик хастанинг шунчаки «патологик ёзишмалари»гина эмас, балки янада муҳимроқ бир нарсаки, у муайян давр хужжати, «давр хасталиги», яъни «Халлер мансуб бўлган авлод чалинган невроз касаллиги тарихи» ҳамдир. Ҳессе ана шу хасталик аломатларини чуқур таҳлил қилиб, аёвсиз фош этади. Адиб романнинг Швейцарияда чоп этилиши муносабати билан (1941) ёзган «Чўл бўриси»га, «сўнгсўз»ида шундай сатрлар бор: «Мен, албатта, китобхонларга ушбу қиссамни қандай тушунишлари хусусида маслаҳат бера олмайман ва бермоқчи ҳам эмасман. Ҳар бир ўқувчи ундан ўзига керакли ва фойдали хулосани ўзи чиқариб олаверсин! Чўл бўриси хақидаги ҳикоя, гарчи хасталик ва тангликни тасвир этса-да, бирок бу хасталик ўлимга олиб бормади, бу танглик таназзул эмас, балки аксинча: шифо, даво, муолажадир».

«Чўл бўриси» романида Фарб ва Шарк ғоялари, Фарб ва Шарк фалсафаси, шу билан бир қаторда инсоннинг ўз мураккаб «мен»ига бўлган қувнок ва вазмин муносабати, ўз-ўзини билиш ва англаш, ўз-ўзини топиш сари концепция ўзининг ёркин ифодасини топган. Бу эса Ҳессенинг Шаркка, Шарк фалсафаси ва анъаналарига азал-азалдан ихлоси ҳамда ҳурмати сарбаланд бўлганлигидан далолатдир. «Чўл бўриси» — теран мазмун ва чуқур фалсафий мушоҳадаларга бой психологик асар бўлиб, тили ҳам шунга яраша мураккаб дейиш мумкин, бирок бу нарса асарнинг китобхон томонидан енгил ва равон ўқилишига асло монелик қилмайди.

«...Мен бутун бир асрлик олмон адабиёти билан шу қадар батафсил танишиб чиқдимки, — деб ёзади Херманн Ҳессе ўзининг «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» номли мақоласида, — ҳатто мутахассислар ҳам у билан менчалик кенг танишмаган бўлсалар керак. Бир қисми аллақачонлар эскириб кетган бу китоблардан мен учун бениҳоя қадрдон бўлган жонажон она тилим — олмон

тилининг муаттар бўйи уфуриб турарди. Бу тил айна XVIII асрда ўзининг гуллаб-яшнаш даврига қадам қўйиш арафасида турган эди. Олмон тилини мен ана шу мажмуалардан, ана шу чанг босиб ётган романлару қахрамонлик дostonларидан ўрганганман». Ўзини у ёки бу миллат намояндаси, деб билган ҳар бир киши учун Ҳессенинг қуйидаги фикрлари ибратомуздир: «Ўз тилини яхши билмаган, уни севиб ардоқламаган, парваришламаган ва химоя қилмаган халқнинг шоири бўлиш уятдир».

Чиндан ҳам Ҳессе асарларидан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Унинг тили ширали, таъсирчан, камалак янглиғ турфа бўёқларга, тагдор, нозик кочириmlарга, рамзлар, ўткир ибораларга, асарлари эса теран мазмун ва фалсафий мушоҳадаларга, фантазияларга бой. Бундан ташқари, адибнинг ҳар бир асари зиммасидаги «юк» ниҳоятда салмоқли. Мисол тариқасида яна «Чўл бўриси» га мурожаат қилайлик. «Чўл бўриси», энг аввало, табиат фарзанди, у Она табиат билан узвий уйғунликда ҳаёт кечиради. Роман қаҳрамони Ҳарри шахсида табиатга яқинликни, инсонийликдан кўра кўпроқ бўриларга хос ёввойилашиш ҳодисасини кузатамиз. Табиат фарзанди эмасми, унда бу ҳолат тобора кучая боради. Бундай ҳолатдан қутулишнинг бирдан-бир йўли, унинг назарида ўз жонига қасд бўлиб кўринади. Ҳаррининг Ҳерминани учратиб қолиши эса тасодиф эмас, балки ёзувчи бадиий тўқимаси воситасида инсонга хос табиатнинг иккинчи хил кўринишидир. Ҳерминани ўлдирар экан, гўё у ўзининг иккиламчи, енгил-елпи ҳаётдан лаззат олувчи «мен»ини маҳв этади. Яшашдан мақсад — Инсоннинг Табиат олдидаги бурчи майда унсурлардан устун туришини англаб етади. Шу билан бирга, Чўл бўриси ҳалол, камтар, камсуқум, иккиюзламачилик, хушомадгўйликни билмайдиган диёнатли, маънавиятли, маърифатли инсон, китоб ўқийди, асарлар ёзади, кўп вақтини кутубхоналарда ўтказиши, у урушга қарши, тинчлик учун астойдил курашади. Одамларнинг ўткинчи хою ҳавасларга ўчлигини, ўлиб-тирилиб елиб-югуришларини тушунолмай-

ди, замон ва макон тушунчаси унга бегона, чунки у Табиат фарзанди, қандай яралган бўлса, шундай яшашга маҳкум, табиий мувозанатнинг бузилишига жон-жаҳди билан қарши, бунга ҳеч қачон йўл қўя олмайди.

Қолаверса, ёзувчи Херманн Хессенинг бутун ҳаёти-ни бағрикенглик ва сабр-қаноат билан яшашнинг намунаси, деб аташ мумкин. Адиб бутун умри мобайнида ўз ижодига суяниб яшади. У ўз асарларида илгари сурган ғоялар — бутун дунёда тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик, ахиллик ва баҳамжихатликка эришишга бугун жаҳондаги барча халқлар, эл-элатлар интилиб яшаётганининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Бу эса ушбу асарларнинг, ёзувчи ижодининг умрбоқийлигига яна бир қарра далилдир.

Яна шуниси қизиқки, Хессенинг Ватани — Германиянинг ўзида адабий танқиднинг умуман Хессе ижодига муносабати аксарият салбий бўлган. Адиб номи ўтган асрнинг иккинчи ярмида, айниқса, 1946 йили унга Нобель мукофоти берилгандан сўнг, бутун дунёга танилди. Ҳарвард университетининг собиқ профессори Тимоти Лири шундай деган эди: **«Чўл бўриси»нинг якуний қисми — бебаҳо дарслиқдир».**

Юртимиз мустақилликка эришгач, жуда кўп ажойиб нашрлар дунё юзини кўрди. Улардан бири — севимли журналимиз «Жаҳон адабиёти» саҳифаларида 2002 йил «Чўл бўриси»нинг чоп этилиши. Асарнинг халқаро микёсда қабул қилиниши нуктаи назаридан олганда, унинг бевосита олмон тилидан илк бор таржима қилиниб, босилишини маданий ҳаётимиздаги ўзига хос воқеа, деб аташ мумкин. Натижада ўзбек китобхони Херманн Хессенинг ижоди билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди.

Мазкур асардан оддий китобхон сифатида ғоят мутаассир бўлганман ва турли ёшдаги кўплаб китобсеварлар катори камина ҳам унда... ўзимни топганман. Менимча, китобнинг оламшумул доврुक қозонишига хизмат қилган муҳим омиллардан бири ҳам айнан мана шу нарса, яъни асарнинг ўқувчи калбига руҳан яқинлиги бўлса

керак, деб ўйлайман. Қолаверса, Харри рухига кириш, баъзан унга таклид этиш, унга ўхшашга ҳаракат қилиш, асарни ўқиб, гўё ёзувчи менинг ўзимни тасвирлагану унда ўзимни топганман, кабилидаги ҳис-туйғулар, кечинмалар — буларнинг барчаси пировардида асар бош қахрамони яшаб, нафас олган ёки олаётган бой маънавий-рухий олам билан ошно бўлишимда озми-кўпми, омил сифатида хизмат қилган бўлса ажаб эмас.

«**Ҳар ҳолда менга «Чўл бўриси» китобларим орасида кўпроқ нотўғри тушунилган асар бўлиб кўринади, кўпинча унинг ўқувчилари хайрихоҳ, инкор қилиш у ёқда турсин, ҳатто қойил қолишган китобхонлардир»**, — дейилади муаллиф «Сўнгсўз»ида, — «улар каминанинг китобидан мутаассир бўлишган, лекин кизиғи шундаки, улар асар мазмун-моҳиятининг атиги ярминигина тушуниб етишган, холос. Ушбу ўқувчилар, менинг назаримда, «Чўл бўриси»да ўзларини топишган, ўзларини унга ўхшатиб, у билан тенглаштиришган, унинг изтиробларига шерик бўлишиб, орзуларини баҳам кўришган...»

Хулоса ўрнида асар бош қахрамонининг маънавий-рухий дунёсидаги ўзлик ва ўзига хосликни «Чўл бўриси ҳақида трактат (фақат жиннилар учун)»дан ҳамда «Чўл бўриси» шеъридан ҳам яққол англаб олиш мумкин. Жумладан, 1925 / 26 йиллар қиш фаслида ёзилган ушбу шеър қуйидагича жаранглайди:

Мен — Чўл бўрисимап, изғийман бетин,  
Дунё қор кўйнида ухлайди сокин.  
Қайинзорда қанот қоқар қарға, зот.  
На қуён кўринар, на кийик, эвоҳ.  
Охуларга ишқим тушган азалдан,  
Уларнинг тўшлари ширин асалдан.  
Қанийди, биттаси дуч келса шу он,  
Таппа босардиму, ғажирдим чакқон!  
Лаззат борми, менга бундан зиёда,  
Бундай роҳатижон бўлмас дунёда.  
Ул гўзални севар эдим юракдан,  
Тутиб олсам яйраб кетар эди тан.  
Сон гўштин еб, қонин ялаб тўярдим,  
Сўнг кечаси ёлғиз «ув»лаб қўярдим.

Майли эди хозир учраса куён,  
 Менинг шодлигимга бўлмасди поён!  
 Эх, кўлдан кетдим, барчаси наҳот?  
 Хаётнинг кизиғи қолмади, хайхот!  
 Кўниб думимдаги тукларга киров  
 Кўзларим ҳам хира тортиб қолди-ёв.  
 Хотин ўлиб кетди, йиллардир ёху!  
 Ёлғиз тентирайман, хаёлда оху.  
 Тушларимга кирар хатто қуёнлар,  
 Қиш кечаси шамол увлаган онлар,  
 Томок ёнар, қордир унга тасалли,  
 Энди иблис жоним олса ҳам майли.

Мухтасар қилиб айтганда, ёзувчи Херманн Хессе-нинг юқорида тилга олинган «Чўл бўриси» асарини му-толаа қилиб, ундан шу қадар мутаассир бўлдимки, оқибат-да уни ўзбек тилига таржима қилишга ҳам журъат эт-дим. Албатта, тил ва услуб жиҳатидан ўзига хос, юксак дид билан ёзилган асар таржимаси мутаржимдан катта маҳорат талаб қилиши табиий. Шубҳасиз, асар тар-жимаси жараёнида бир қатор қийинчиликларга дуч ке-лингани айни ҳақиқат. Шу ўринда улардан атиги иккита-сига, яъни муайян сўз ва иборалар таржимасига тўхталиб ўтмоқчиман. Аслиятга мурожаат қиламиз: «**Giottosche Engelscharen aus einem kleinen blauen Kirchengewölbe in Padua**». Ушбу жумлани биринчи марта таржима қилаёт-ганимда **Giottosche Engelscharen** иборасидаги «**Giottosche**» сўзини кўриб, кўнглимда мабодо бу мат-баа хатоси эмасмикин, балки «**Giottische**» бўлиши ло-зимдир, деган шубҳа туғилди. Бир ҳамкасб дўстимизга шу ҳақда мурожаат қилсам, у ҳам ушбу фикримни маъ-қуллади. Хуллас, дастлабки хомаки таржимада мазкур жумла шундай янгради: «**Падуадаги кичкинагина мовий тусли черков гумбазидан тушган тангри фаришта-ма-лонкалари**», яъни «**Giottosche**»ни «**Gottische**» бўлса керак, деган ўй билан худога менгзаб, «тангри» деб ўзбек-чалаштирдим. Бироқ кейинги тинимсиз изланишлар на-тижасида мазкур сўз таржимасининг бутунлай нотўғри бўлганига амин бўлдим, яъни «**Giottosche**» сўзи муал-лиф томонидан итальян мусаввири **Жотто ди Бондоне**

(1266–1337)га нисбатан қўлланилган экан. Энг сўнгги вариантда **Giottosche Engelscharen** иборасини, ниҳоят «**Жоттонинг фаришта-малоикалари**» деб таржима қилдим.

Шунга ўхшаш яна бир англашилмовчилик олмонча «**Bürger**» сўзи билан содир бўлди. Маълумки, ушбу сўз полисемантик (кўп маъноли) бўлиб, таржимада «**фуқаро**», «**бюргер**» (**шаҳарлик**), «**мешчан**» каби маъноларни англатади. Аслиятдан мисол келтирамиз: «...**den ich aber im Traum mit Bürger verwechselte**». Илк таржимада ушбу жумла қуйидагича янгради: «...**тушимда уни фуқаро билан алмаштириб юборибман**». Бир қарашда ҳеч қандай хато йўқ, жумла таржимаси бинойидек. Таасуфки, «**Bürger**»ни биз ҳам «**фуқаро**» билан алмаштириб қўйибмиз. Натижада биринчи таржимада жиддий хатога йўл қўйилган: «**Bürger**» «**фуқаро**» эмас, балки олмон шоири **Готфрид Август Бюргер (1747–1794)** бўлиб чиқди. Бунга олмон тилида кўпроқ атокли отлар, номлар, умуман отларнинг бош ҳарф билан ёзилиши сабаб бўлгандир, эҳтимол. Бошқа кўпгина тилларда бундай хусусият мавжуд эмас. Умуман, таржимада тилни билишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Таржимондан чуқур билим, юксак маҳорат, таъбир жоиз бўлса, заргар маҳорати талаб этилади. У жаҳон тилларини яхши билиши, шунингдек, дунёдаги бошқа тиллардан, аввало, она тили, адабиёт, тарих, санъат, қўйингки, дунёвий ва диний илмлардан ҳам яхши хабардор бўлмоғи лозим. Таржима — бирор асарнинг бошқа бир тилдаги «сўзма-сўз» баёни эмас, билъакс, унда мутаржим аслият руҳини сақлай олиши, аввало, уни ўзи теран ҳис этиб, ўқувчига етказиши, унга «юқтириш»и керак. Тасаввур қилинг, агар ёзувчи ўз асарини ёзаётганда йиғламаган бўлса, уни ўқиётган китобхоннинг кўзларига нам қаёқдан келсин. Таржимон хусусида ҳам худди шундай фикрни билдириш мумкин. Мутаржим асар таржимаси жараёнида даставвал ўзи тўлқинланмоғи лозим. Агар у асардаги воқеалар гирдобига шўнғиб, қахрамон руҳига кирмас экан, унинг ба-

жарган иши китобхон қалбига, онгига етиб бориши даргумон. «Чўл бўриси» романини олмон тилидан ўзбекчага ўгириш жараёнида мен айнан мана шундай ҳолатларни ўз бошимдан кечирдим. Яна тасодифни қарангки, роман бош қаҳрамони — Ҳарри Ҳаллер 47 ёшда, — камина ҳам асарни қирк етти ёшимда таржима қилдим.

**Инсон дунёни қанчалик билса, ўзлигини ҳам шунчалик англайди**, деб ёзган эди улуғ олмон шоири ва мутафаккири Йоханн Вольфганг Гёте. Мен бу фикрни, киши дунё маданиятини, маънавиятини ва адабиётини қанчалик чуқур ўрганса, ўзлигини ҳам шу қадар теран англай олади, деб тушундим. Дарҳақиқат, бугун истиқлол туфайли дунёга юз тутган юртимиз жамолида, халқимиз камолида буни ҳар биримиз кўриб, билиб, ҳис қилиб турибмиз.

*Мирзаали АКБАРОВ*

## МУҚАДДИМА

*Китобнинг илк наشري  
масъул муҳарриридан*

Бу китоб ўзини «Чўл бўриси» деб ҳисоблаган одамдан қолган эсдалик хотиралардан иборат. Унинг қўлёзма-сига кириш сўзи зарурми-йўқми, буни қўятурайлик; ҳар ҳолда уни эслашга, хотирлашга уриниб кўришга, шу тарика Чўл бўрисининг ёзиб қолдирганларига баъзи бир нарсаларни илова қилишга эҳтиёж сездим. Лекин у ҳақда жуда кам биламан. Бироқ унинг шахсияти менда кучли таассурот қолдирганди.

Чўл бўриси — эллик ёшлар атрофидаги киши, кунларнинг бирида холамникига келиб, ижарага жиҳозланган, тайёр хона излаб юрганини айтган. У юқоридан болохона ва унинг ёнидаги ётоқхонани ижарага олди. Бир неча кундан кейин қўлида иккита чамадон ва китобга тўла катта қути билан келиб, бизникида тўққиз ё ўн ойча яшади. У жуда осойишта, ўзи билан ўзи андармон эди. Ётоқхоналаримизнинг ёнма-ёнлиги сабаб, зина ё йўлакда баъзан рўпара келиб, кўришиб турмаганимизда бир-биримизни умуман билмасмидик. Бу одам камгап ва шу қадар одамови, ўзини ўзи баъзан атаганидек, Чўл бўриси, менга қараганда бошқа оламдан келган, бегона, ёввойи ва журъатсиз, хаттоки юраксиз зот эди. Унинг истеъдоди ва тақдири сабаб нақадар ёлғиз ва ғарибона ҳаётга кўникиб кетганлиги, ўзи бу ёлғизликни онгли равишда қисмат деб билганлигини, албатта, унинг қолдириб кетган ёзишмаларидангина билиб олдим; шундай бўлса-да, у билан илгариги учрашув ва суҳбатлар орқали ҳам ҳар қалай бир оз, бир нави танишгандим, хуллас, шахсан танишлигимиз ва унинг ёзиб қолдирганлари бир бўлиб, у ҳақда тўлиқ бўлмаган, хира тасаввур кўз ўнгимда намоён бўлди.



Чўл бўриси холамникига биринчи бор келганида мен ҳам тасодифан уйда эдим. Ўшанда тушлик пайти эди, стол устида ликоблар турарди. Ишхонага боришимга яна ярим соат вақтим қолган. Хаёлимда у билан илк бор рўбарў келганимда ҳосил бўлган ажиб, ғалати таассурот ҳамон ёдимда. У қўнғирокни тортиб чалди-да, ойнабанд эшикдан кириб келди. Нимқоронғи даҳлизда қарши олган холам ундан муддаоСИ нелигини сўради. Чўл бўриси эса, жавоб ўрнига калта сочли бошини юқорига чўзиб, асабий ҳолатда чор-атрофни димоғи билан искаб кўрди-да, деди: — О, бу ернинг хавоси муаттар экан, — дея кулимсиради. Холам ҳам бунга жавобан жилмайди, бироқ менга бу салом-алик кулгили туюлди ва ичимда уни янидим.

— Ха-я, — деди у, — менга хона керак эди, агарда, ижара қўядиган бўлсангиз...

Учаламиз зинадан юқорига кўтарилганимиздан сўнггина, мен уни аниқ-таниқ кўра олдим. Унинг бўйи айтарли баланд эмас, лекин ўзини тутиши новча одамларни эслатарди. Эгнида замонавий кишки пальто, ўзи баодоб, бамаъни, бироқ пала-партиш кийинган, соқоли силлиқ тарашланган, калта сочининг у ер-бу ерига оқ оралаган. Юриши бошда менга умуман ёқмади; оғир ва қатъиятсиз қадам ташлар, бу эса унинг ташқи кўриниши ва нутқидаги оҳанг ҳамда жўшқинликка мутлақо мос келмасди. Унинг касал эканлиги, юриш малол келишини кейинроқ билдим. У зина, деворлар ва деразаларни, зинахонадаги эски, баланд жавонларни кўздан кечираркан, ўзига хос, ғалати жилмайди, албатта, бу ҳам менга ёқимсиз туюлганди. Хуллас, бу одам бизга бошқа оламдан, ажнабий юртлардан келган-у, уйимиздаги ҳамма нарса унга гўзал, шу билан бирга, бир оз кулгили кўрингандай таассурот қолдирди. Қисқа қилиб айтганда, у очик, хушмуомалали киши эди. Уй, хона, ижара ҳақи ва бошқа барча нарсалар унга сўзсиз маъқул бўлганди. Бироқ шунга қарамай, ундан аллақандай ётсираш, нима десаикини, совуқликми, ёвузликми, шунга ўхшаш нимадир уфуриб турарди. У уйни,

ётоқхонани ҳам кўшиб ижарага олди, иситиш тизими, сув, хизмат кўрсатиш ва уйдаги тартиб-интизом хақида сўраб-суриштирди, барча гапларни диққат-эътибор ва очик чехра билан тинглади, ҳаммасига рози бўлди ва ҳатто ижара ҳақини олдиндан тўлаб қўйишга ҳам тайёр эканлигини билдирди. Лекин, барибир, унда нимадир етишмаётгандек, феъл-атвори, юриш-туриши, хатти-харакатида ғалатлик, ножиддийлик сезилар, ижара туриш, одамлар билан олмон тилида сўзлашиш унга қандайдир ғаройиб янгиликдек туюлар, ботинан ва зоҳиран бошқа бир нималар билан андармондек кўринарди. Хуллас, у менда шундай таассурот қолдирганди ва унга, агар турли-туман хусусият, сифат ва фазилатлар ўзаро қориштирилиб, тузатиш киритилмаганида, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Энг аввало, у менга бошданок ёқиб қолган инсон қиёфаси эди; бегоналик барк уриб турганига қарамасдан, бир оз ўзига хос ва маънос, ғамгин, бироқ сезгир, ўйчан, қоришиқ ва улуғвор кўриниш менга ёққанди. Ундаги хушмуомалалик ва илтифотда (гарчи булар унга бир қадар малол келаётгандек туюлса-да), такаббурликдан асар ҳам йўқ — аксинча, бир оз таъсирчанликми, ўтинчми, илтижоми, шунга ўхшаш нимадир мужассам эди. Мен уларни кейинроқ тушуниб етган бўлсам-да, буларнинг бари, ўшанда менда унга нисбатан хайрихоҳлик уйғотганди.

Иккала хонани кўздан кечириб улгурмасимиздан ва бошқа музокаралар поёнига етмасдан, менинг тушлик вақтим тугаб, ишга боришимга тўғри келди ва мен хайрлашиб, уни холам ихтиёрига қолдирдим. Кечқурун ишдан қайтганимда, холам менга мусофир ижарада турадиган бўлганини, шу кунларда кўчиб келишини, фақатгина бир илтимоси борлигини айтди. Илтимоси шундан иборат эдики, унинг келишини полициядагилар билмай қўяқолсин экан. Сабаби, касалманд бўлгани учун унинг ортиқча расмиятчиликка ҳамда полиция маҳкамаси эшигида сарғайиб туриш ва хоказоларга сира токати йўқ экан. Ўшанда унинг илтимосидан қанчалик ҳайронлигим

холам бу шартга кўнмаслиги юзасидан огоҳлантирганим хануз кечагидек эсимда. Ундаги ишончсизлик ва ётсираш, бунинг устига полициядан ҳадиксираши менда қандайдир шубҳа туғдирганди. Мен холамга, бу ғалати шартни бажарган тақдирда ҳам ўзи учун хунук оқибатлар юзага келишини тушунтириб, рози бўлмасликни уқтирдим. Бироқ холам мусофирга махлиё бўлиб, тилидан илинган, унинг истак-хоҳишини бажо қилишга аллақачонок розилик бергани кейинроқ маълум бўлди, чунки холам ўзига хос бўлган: одамгарчилик, хушмуомала, илтифот, оналарга хос бўлган меҳр-оқибатни ижарачиларга илғари ҳам кўрсатган. Баъзи ижарачилар бундан фойдаланиб қолишарди. Худди шундай, дастлабки ҳафталарда мен янги ижарачимиздан камчилик излаб, полисам, холам ҳар гал уни ўз ҳимоясига оларди.

Полицияга хабар бермаслик ҳақидаги гап менга унча ўтиришмаганиданми, ҳар қалай нотаниш кимса, унинг келиб чиқиши-ю, ният-мақсадлари тўғрисида нималар билишчилигини холамдан сўраб-суриштирдим. Гарчи мен ўшанда, туш пайтида хайрлашиб чиқиб кетганимдан сўнг, у ҳам уйда узоқ қолмаган бўлса-да, холам мусофир ҳақида ул-бул нарсани билиб олишга улгурибди. Унинг айтишича, шаҳримизда бир неча ой бўлиб, кутубхоналардан фойдаланаркан ва шаҳар осори атиқаларини томоша қиларкан. Аслида унинг шу қадар қисқа фурсат ижарада туриши холамга ҳам унча тўғри келмас, бироқ холам уни ёктириб қолганди, чамаси. Қисқаси, хоналар ижарага топширилди, менинг эътирозларим эса, кеч эди.

— У нима учун: «Бу ернинг хавоси муаттар экан», деди? — сўрадим мен.

Шунда, кўп нарсани олдиндан сезадиган холам:

— Буни мен аниқ биламан, — деди. — Бизникида озодалик, саранжом-саришталик ва хушхулқ, бамаъни ҳаётнинг изи сезилиб турибди. У гўё бундай ҳаётга кўникамаган, бундай ҳаётдан маҳрум бўлган кўринади.

Бўлиши мумкин, ўзимча ҳаёлимдан ўтказдим. Лекин борди-ю, саранжом-сариштали ва одобли турмушга ўрган-

маган экан, искирт, палид бўлса-чи, ҳаммаёкни булғаб ташлайверса, ё уйга нуқул ичиб, маст-аласт келаверса-чи, унда нима киламиз?

— Буни ҳали кўрамиз, — деди холам ва жилмайиб кўйди. Мен холамнинг жавоби билан кифояландим.

Ҳақиқатан ҳам менинг ҳадикларим асоссиз бўлиб чиқди. Ижарачининг бизга на оғирлиги тушди, на зиёни тегди. Уни биз ҳалиям яхши ном билан эслаймиз. Бу одамнинг ботини вужуд-вужудимизни, бутун кўнглимизу, қалбимизни ағдар-тўнгар қилиб юборганди, гапнинг очиги, бундан ҳалиям халос бўлолганимча йўқ. Уни баъзан кечалари ўйлай бошлайман. Дунёда шундай зот (гарчи у менга азиз бўлиб қолган бўлса-да), мавжудлигидан вужуд-вужудимда алғов-далғов ва бесаранжомлик сезаман.


Орадан икки кун ўтиб, извошчи мусофир Ҳарри Ҳаллернинг нарсаларини олиб келди. Буюмлари орасида ажойиб чарм чамадон менда яхши таассурот қолдирди. Уларнинг ичида яна бир ясси сафар чамадони ҳам бўлиб, унга турли-туман, ҳатто уммон орти мамлакатларининг меҳмонхоналари ва нақлиёт ширкатларининг фирма белгилари ёпиштириб ташланганди. Улар сарғайиб кетганлигидан чамадон соҳиби илгари кўн сафар ва саёхатларда бўлганини билса бўларди.

Нихоят, унинг ўзи ҳам кириб келди. Вақт сайин мен бу ғалати, ажабтовур одамга аста-секин ўргана бошладим. Гарчи мен Ҳаллерга кўзим тушган илк дақиқаданок кизиқиб қолган бўлсам-да, илк ҳафталарда у билан суҳбатлашишга ҳафсала қилмадим. Шундай бўлса-да, аввалбошданок бу кишини бир оз кузатиб юриб, баъзан унинг йўқлигида хонасигаям кирганман, азбаройи кизиқшим туфайли оз-моз айғоқчилик ҳам қилганман.

Шундай қилиб, Чўл бўрисининг ташки киёфасига доир баъзи бир маълумотларга эга бўлдим. Бир қарашдаёқ, у мислсиз, камдан-кам учрайдиган ва фавқулудда қобилиятга эга инсон сифатида таассурот қолдирар, чехрасидан ақл, нур ёғилар, кутилмаган нозик ғайриоддий,

ғаройиб, хассос рухий ва маънавий ҳаёт барқ уриб турарди. Сухбат чоғида у баъзан, сал ошириб юборгудек бўлса, азбаройи табиатан ғаройиблигидан ўзига хос сўзласа, шунда унга сўзсиз қулоқ солишимизга тўғри келарди. Ҳақиқатан ҳам унда чин маънавиятли инсонларда учрайдиган кенг фикрлилик, билим, мақсадга мувофиқлик сингари фазилатлар бошкаларга қараганда кўпроқ мужассам эди. Бундай тоифадаги кишиларга шуҳратпарастлик бегона; улар кўзга ташланиш, ўзларин бозорга солиш-у, бировга гапини маъқуллатиш фикридан йироқ юришарди.

Шу ўринда бир хикматли фикр, уни хикматли деб ҳам бўлмайди, балки атиги биргина нигоҳ билан боғлиқ бўлган воқеани айтиб ўтмоқчиман. Нима бўлди-ю, машҳур бир тарихчи-файласуф, Оврўпога номи кетган маданият мунаққиди маъруза қиладиган бўлиб қолди. Чўл бўрисини ҳам, (гарчи унинг сира-сира иштиёки бўлмасада), аранг кўндиришга муваффақ бўлдим. Маърузани тинглашга бирга бордик, ёнма-ён ўтирдик. Нотик минбарга кўтарилиб, сўз бошлаши биланок, унга ихлоси баланд бўлган баъзи бир тингловчиларнинг хафсаласи пир бўлди. Чунки, у олифтанамо, кеккайган, қурук савлатнинг ўзи эди. У сўзини бошларкан, тингловчиларга тил-ёғламалик қилиб, маъруза тинглашга кўнчилик келишгани учун миннатдорчилик изҳор қилди. Шунда Чўл бўриси менга бир қараб қўйди. Бу нигоҳ ичида нотикнинг сўзлари-ю, унинг бутун шахсияти устидан кескин танқид зоҳир эди. О, бу шунақанги эрдан чикмайдиган, қўрқинчли нигоҳ эдики, унинг мазмун-моҳияти ҳақида бутун бир китоб ёзса бўларди! Нигоҳ ўзининг асосли, нозик кинояси билан нафақат нотикнинг ўзинигина танқид остига олар, балки минбардаги машҳур одамни ер билан битта қилиб ташларди, бироқ бу хали ҳолва эди. Унинг қарашида киноядан кўра кўпроқ изтироб, хаттоки таг-тубсиз, ноумид қайғу-алам мужассам эди; сокин, бирмунча эҳтиёткорлик, бир қадар шаклланган ва одат тусига кирган тушқунлик мазмун-моҳияти изтироб эди.



Ана шу тушкунлик ва умидсизлик нафакат ўзига бино қўйган нотикни, унинг бир оз такаббуруна маърузасини, шу лаҳзадаги вазиятни, тингловчиларнинг кутган нараси ҳамда кайфиятини ёритиб берарди. Йўқ, Чўл бўриси-нинг бу нигоҳи бутун давримизни, бутун инсоний ғамир-ғамирлик, талоригу ҳаракатларни, бутун амалпарастлик-мансабпарастликларни, бутун шуҳратпарастлигу ўзига бино қўйган, саёз, куруқ зарофатнинг юзаки ўйинларини нур янглиғ ёритиб, тилка-пюра қилганди, — эҳ, афсуски, бу нигоҳ замонамиз, маънавиятимиз ва маданиятимизнинг камчиликлари-ю, умидсизликларидан ҳам чуқурроқ, янада камровлироқ эди, бу — бутун башариятнинг юрак-юрагига етиб борганди... У бу нигоҳ биргина сонияда бир мутафаккир, қолаверса, донишманднинг инсон ҳаёти қадр-қимматини ва умуман, мазмун-моҳияти хусусидаги бутун шубҳа ва гумонларини ҳам очик-ойдин ифодалаб бера олди. Бу нигоҳ: «Кўрдингми, биз ана шунақа маймунлармиз! Билиб қўй, одамзод ана шунақа!» дерди ва шу лаҳзада барча шон-шуҳрат, акл-идрок, унинг эришган барча ютуқ ва муваффақиятлари, юксакликка эришиш йўлидаги ҳаракат ҳамда уринишлари, Инсонга хос бўлган улугворлигу бардавомлик ўпирилиб кулади ва буларнинг барчаси майнавозчиликдан ўзга нараса эмаслиги аён бўлиб қолди!

Мен, ўз режам ва истак-хоҳишимга зид бўлса-да, анча илгарилаб кетдим: Ҳаллер ҳақида бутун ҳақиқатни айтиб бўлдим, ҳисоб. Ҳолбуки, менинг ниятим унинг сувратини аста-секин, хикояма-хикоя тасвирлаш, қиёфасини босқичма-босқич очиб бериш эди. Шундай бўлгандан кейин энди Ҳаллернинг сирли «ғайриоддийлиги» ҳақида яна гапириб, батафсил тўхталиб ўтиришим ортиқча, инчунин камина мана шу ғайриоддийлининг, мана шу фавқулодда ва даҳшатли узлатнинг сабаб ҳамда мазмун-маъносини аста-аста англаб, тушуниб етганман. Менимча, шундай бўлгани маъқул, чунки ўзим имкон қадар парда ортида туриб, воқеани зимдан кузатмоқчиман. Мен ўз фикрларимни тикишпирмоқчи ёки хикоянавислик ё бўлма-

сам, рухшунослик қилмоқчи эмасман, балки фақатгина бир гувоҳ, шохид сифатида Чўл бўриси ҳақидаги қўлёзмаларни қолдирган ўзига хос, ғалати бир инсоннинг сура-тига баҳоли қудрат чизмоқчиман, холос.

Мен сездимки, бу одам бетоб, қандайдир рухий касал ёки бўшанг, иродасиз шахс ва ундан ўзимни соғлом хис-туйғу, сезги билан химоя қилдим. Бу химояланиш вақт ўтиши билан унга нисбатан ҳамдардлик ва ачиниш-ла йўғрилган хайрихоҳликка алмашилиб борди, чунки унинг ёлғиз, кимсасиз, ғариблиги ҳамда доимий равиш-да ич-ичидан эзилиб, азобланиб юришига ўзим шахсан шохид бўлардим-да. Бу даврда менга унинг дарди-табиатида қандайдир камчилик ёки қусурлар сабабли эмас, балки аксинча, ундаги бир-бири билан уйғунлашмаган бой туғма истеъдод ва куч-қудрат орқасида намоён бўлаётгани бот-бот аён бўла борди. Нитшенинг айрим фикрлари билан айтганда, Ҳаллер ўзида ҳад-худудсиз, даҳшатли азоб-уқубатга қодирликни шакллантирган чинакам изтироб даҳоси эканлигини англаб етдим. Айни пайтда ундаги умидсизлик дунёдан нафратланиш эмас, балки ўз-ўзидан нафратланиш эканлигини ҳам англадимки, алаҳхусус, у муассасалар ва шахслар ҳақида аямасдан, очик-ойдин, ҳаттоки, уларнинг гўрига гишт қалаб гапирган пайтида ҳам зинҳор-базинҳор ўзини истисно қилмас, биринчи ўқларни у доимо ўзига қаратар, энг аввало, ўзини ўзи нафратлар ва инкор этарди...

Шу ерда бир психологик эслатмани қистириб ўтишимга тўғри келади. Гарчанд мен Чўл бўриси ҳаёти ҳақида қўп нарса билмасам-да, барибир, унинг ота-онаси ва муаллимлари ҳам меҳр-оқибатли, талабчан, қаттиққўл ва ўта художўй, такводор одамлар бўлганлигига аминман. Улар берган тарбия асоси «иродани синдириш» га қаратилганлиги маълум. Бирок бу уриниш мазкур ўқувчида кутилган натижани бермаган; у хийла кучли, иродали, хийла мағрур ва ақлли бўлган. Иродани синдириш, шахсиятни йўқ қилишга йўналтирилган сабоқлар уни нафратини ўз-ўзидан қўзғаб келган. Шу тарика у

хаёти давомида ўзининг бутун тахайюлий истеъдодини, бутун ақл-идрок, заковатини ўз-ўзига — мана шу беайб ва олийжаноб вужудга қаратади. Чунки бу борада у ўтакетган насроний ва жафокаш эдиким, қўлидан келган ҳар қандай кескинликни, ҳар қандай танкидни, қаҳру ғазабни, нафратни у, энг аввало, ўзига қарши йўналтирарди. Унинг ён-беридаги одамларга келсак, уларнинг дилини оғритмасликка ҳаракат киларди, чунки «якин кишингни севиш» унинг вужуд-вужудига худди нафрати сингган каби чуқур илдиз отган эди. Шундай қилиб, ўз-ўзингни севмаслик, якин кишингни ҳам сева олмаслигинга далил, қолаверса, ўз-ўзингга нафрат ҳам пировард натижада худди ўтакетган худбинлик янглиғ даҳшатли якка-ёлғизлик ва тушқун-умидсизликни келтириб чиқаришига яққол мисол бўлиб хизмат киларди.

Ўрни келганда фикрларимни далиллар билан тўлди-рарман. Ҳозирча шуни айтишим мумкинки, қисман ай-юкчилигим, қисман холамнинг кузатувлари сабаб бўлиб, Харри Халлернинг турмуш тарзини аниқлашга муваф-фақ бўлдим. Тез орада унинг муайян бир касб билан шуғулланмаслиги, тафаккур соҳиби ва китоб шинаван-даси эканлиги маълум бўлди. У ўриндиғида туш маҳа-лига қадар чўзилиб ётар, уйқудан тургач, эғнида халат билан ётоқ бўлмасидан хонаси томон бир-икки қадам юриб кўярди. Хона — кўш деразали, кенг ва ёруғ боло-хона, аввалги ижарачилар турган пайтдагига қараганда бошқачароқ кўрина бошлаганди. Деворларга суратлар, журналлардан қирқиб олинган расмлар осилар, улар тез-тез алмаштирилиб турарди. Жануб манзараси акс этган суврат, олмон шаҳарчасининг фотосурати, афтидан, Хал-лер туғилиб ўсган юрт бўлса керак, яна қандайдир ранг-баранг акварель тасвирлар ҳам осиглик турарди. Бадий сувратларни унинг ўзи чизганлигини биз кейинроқ бил-дик. Ёш, гўзал бир аёл ёки қизнинг ҳам сурати бор эди. Деворда бир муддат Сиём Буддаси осиглик турди, кейин унинг ўрнини Микеланжелонинг «Тун» асари эгал-лади. Вақт ўтиб у ҳам ғойиб бўлиб, ўрнига Маҳатма



Ганди\* сурати илинди. Китоблар нафақат хонадаги катта китоб жавонини тўлдириб турар, балки ҳамма жойда — столлар, бежирим эски ёзув столи устида, диванда, курсилар, ерларда сочилиб ётарди. Китоблар орасига аллақандай қоғозчалар қистириб қўйилар, улар ҳам тез-тез ўзгариб турарди. Китоблар тобора кўпайиб борарди, чунки у китобларни нафақат кутубхоналардан кўтариб келар, балки почта орқали ҳам тез-тез олиб турарди. Хуллас, кўрган одамда бу хонада яшаётган одам олим бўлса керак, деган тасаввур уйғонарди. Ҳаммаёкни сигара тутуни қоплар, сигара қолдиклари ва кулдонлар ҳар ерда ётар, хона манзараси ҳам китоблар сочилиб ётишига мос тушарди. Бироқ китобларнинг аксарият қисми илмий мазмунда эмас, балки турли халқларнинг турли замонларда яшаб, ижод этган шоир ва адиблари асарларидан иборат эди. У ҳар доим чўзилиб ётадиган диван устида бир муддат ўн саккизинчи аср охирига тааллуқли бўлган «Софиянинг Мемелдан Саксонияга саёҳати»\*\* номли асарнинг қалин-қалин олти жилдини кўриш мумкин эди. Афтидан, у Гёте ва Жейн Паулнинг, шунингдек, Новалис, Лессинг, Якоби ва Лихтенбергнинг тўлик асарлар тўпламларидан кўпроқ фойдаланарди. Достоевский асарларининг бир неча жилдлари ёзиб ташланган қоғозчалар билан тўла эди. Каттароқ стол устидаги кўплаб китоблар ва асарлар ўртасида кўпинча гулдаста турарди. У ерда акварель (бўёқ) қутичаси ҳам қалинчанг босиб ётарди. Унинг ёнгинасида эса кулдонлар ва яна, яшириб нима қилдим, турли-туман шишаларда ичимликлар муҳайё эди. Атрофи похол билан тўқилган шишада кўпинча италияликларнинг кизил виноси бўлар, уни яқин атрофдаги дўкончадан олиб келар, баъзан бур-

---

\*Маҳатма Ганди (1869–1948) – хинд сиёсатчиси, давлат ва жамоат арбоби.

\*\* «Софиянинг Мемелдан Саксонияга саёҳати» – Йоҳанн Тимотеус Ҳермес (1738 – 1821) асари, беш жилддан иборат бўлиб, 1769–1773 йй. Лайпцигда нашр этилган. (Шу ва бошқа барча изохлар таржимонники – М. А.).

гунд ва малага виноси ҳам пайдо бўлиб қоларди. Бир гал олча ширасидан тайёрланган спиртли ичимлик шипасининг киска фурсат ичида анча бўшаб қолганига кўзим тушди. Шундан сўнг, у охиригача ҳам ичилмасдан бир бурчакда чанг босиб қолиб кетди. Менинг бу қилган айбқчиликларим юзасидан ўзимни ўзим оқламоқчи эмасман, балки шуни ҳам очиқ айтишим керакки, аввалига унинг маънавий-маърифий қизиқиш-у, хавасларга тўла бўлиб кўринган, аслида эса бемаъни, беҳуда ва бесамар ўтаётган ҳаёти менда шубҳа ва нафрат уйғота бошлади. Мен нафакат ўзига тўқ, туб жойли, бир маромда ҳаёт кечирувчи, ишни ва вақтни аниқ тақсимлашга ўрганган одамман, спиртли ичимликларни умуман оғзимга олмайман, кашанда ҳам эмасман, шунинг учунми, менга Ҳаллернинг хонасидаги турли-туман манзара тўс-тўполондан ҳам кўра айри ботди.

Иши билан уйкуси қандай ўлда-жўлда бўлса, мусофирнинг ейиш-ичиши ҳам шунчалик тартибсиз эди. Баъзи кунлари у умуман ташқарига чикмас ва нонуштага қахва билангина кифояланар, бошқа ҳеч нарса емасди. Холам унинг нонуштасидан сўнг столида ликобчадан бошқа ҳеч вақони учратмасди. Бирок айрим кунлари у бинойидеккина, ҳашаматли ресторанларда, шаҳар атрофидаги мўъжазгина ковоқхоналарда тамадди қиларди. Саломатлиги ҳам яхши эмасди чамамда; зинадан чиқаётганида оёқларини базўр кўтариб босарди, менимча, унинг бошқа аъзолари ҳам анча-мунча безовта қиларди. Бир куни у менга йўл-йўлакай, анча йиллардан буён овқатни яхши ҳазм қилолмаслиги, тиникиб ухлаёлмаслигини гапириб берганди. Мен унинг камчиликларини ичкилик ичишида деб билдим. Кейинчалик, у билан ресторанларга борганимда, унинг винони тез, лик эткизиб ичиб юборишига гувоҳ бўлардим. Бирок унинг маст бўлганини ё мен, ё бошқа биров ханузгача кўрган эмасмиз.

У билан бўлган илк учрашувимиз сира ёдимдан чикмайди. Биз бир-биримизни шунчаки, ижарада турадиган қўшнилар бир-бирларини қандай билса, шундай танир-

дик. Қайсидир куни кечкурун ишдан уйга қайтаётган эдим. Биринчи ва иккинчи каватлар ўртасидаги зина пиллапоюсида ўтирган жаноб Ҳаллерни кўриб, ниҳоятда ажабландим. У зинапоюннинг энг юқори поғонасида ўтирарди. Мени кўриб, йўл бериш учун бир томонга энгашди. Шунда ундан, бирон жойингиз оғримаяптими, деб сўрадим. Юқорига чиқаётган бўлсангиз, ёрдамлашай, бирга чиқайлик, дедим. Ҳаллер менга худди уйқудан hozир уйқонгандек қараб турарди. Сўнг аста жилмайди, у хар доим ана шундай ўзига ярашган, чиройли табассуми билан юракларни эзиб юборарди. Мени ёнига ўтиришга таклиф килди. Мен унга миннатдорчилик билдириб, бировларнинг уйлари олдида зинапоёда ўтиришга одатланмаганлигимни айтдим.

— Ҳа-я, — деди у ва яна кўпроқ жилмайди. — Гапингиз тўғри. Агар бирпас шошмасангиз, мен сизга бу ерда нима учун ўтириб қолишим сабабини тушунтириб бераман.

У шундай деб, биринчи каватдаги бир бева аёл турадиган хонадоннинг олд майдончасига ишора килди. Паркет қопланган майдончада зинапоё, дераза ва ойнабанд эшиклар ўртасида баланд, устига кўхна қалай қопланган, кизил ёғочдан ишланган жавон турар, жавон олдида — хона сахнида иккита кичкина, пастаккина поё устунчага ўрнатилган каттакон гултувакларда ажойиб манзарали ўсимликлар: азалия ва араукария барқ уриб, ўсиб ётарди.

Ўсимликларнинг тоза, озодалигидан хонадон соҳибаси уларни эринмай, меҳр билан парвариш қилаётгани шундоқкина кўриниб турар, уларга қараган сайин кўз қувварди.

— Кўрянсизми, — сўзида давом этди Ҳаллер, — мана шу ўсимликлар ўсиб турган мўъжазгина олд майдонча ёнидан ўтаётганинда димофингга анвойи, муаттар хидлар урилади. Бу ерда бир зум тўхтамасдан ўтиб кетолмайман. Холангиз хонадонида ҳам худди шундай саранжом-саришталик, покизалик хукм сураarkan. Бирок

бу ерда ҳаммаёк шунақанги тоза, озода, ялтиратиб ар-  
тилганки, чанг-ғубор деган нарсадан асар ҳам йўк. Шу  
сабаб димоғимни тўлдириб нафас оламан — сиз ҳам шуни  
сезяпсизми? Полни ишкалаб артиш учун ишлатиладиган  
мумнинг, терпентин\* мойи-ю, қизил ёғочнинг, меҳр би-  
лан ювиб артилган ўсимликлар япроқ хидлари ўзаро  
қўшилиб, шунақанги ажойиб бўй таратадики, буни меш-  
чанларга хос бўлган озодалик, аниқлик, пухталиқнинг,  
бурчга садоқат-у, уни виждонан адо этишлиқнинг ёрқин  
намунаси деса бўлади. Бу ерда ким истиқомат қилиши-  
ни билмадим-у, аммо мана шу ойнабанд эшик ортида  
покизалиқ, саранжом-саришталик, батартиблиқ, бурч ва  
одатларга иккиланганнамо ҳамда таъсирчанликми, фи-  
дойилиқми, худди шунга ўхшаш хотиржамлик ҳукм-  
рон.

Мен жим қолганимни кўриб, у сўзида давом эт-  
ди: — Пичинг қияпти, деб ўйламанг тагин! Азизим,  
мана шу мешчанлик ва батартиблиқ устидан заррача кул-  
моқчи эмасман. Тўғри, ўзим бу дунёда эмас, ўзга бир  
оламда яшайман. Эхтимол, мана шундай араукариялар  
ўсиб ётган хонада бирор кун ҳам туролмасман. Лекин  
мен ўзим қариган, бир оз ночор Чўл бўриси бўлсам ҳам,  
барибир, она фарзандиман. Менинг онам ҳам худди  
шундай, келиб чиқиши оддий, мешчан аёл бўлган. Гул-  
лар ўстирган. Хонадонга, зиналарга, мебель ва дарпарда-  
ларга кўз-қулоқ бўлиб, уйда ва турмушда ҳаминша тоза-  
лик, озодалик ва тартиб бўлиши учун тиришиб, ҳаракат  
қилган. Терпентин хиди ва барқ уриб ўсиб турган арау-  
кария мана шуларни ёдимга солди. Бу ерда ўтириб, со-  
кингина саранжом-саришталик бўстони томоша қилар-  
канман, ана шундай маъволарнинг ҳали ҳам мавжудли-  
гидан қувониб кетаман.

---

\* *Терпентин* — ницабаргли дарахтлар танасидан олинадиган  
қуюқ ширали елим бўлиб, унинг таркибидаги терпентин мойидан  
бўёқларни эритиш воситаси сифатида ҳамда уй-жойларни тоза-  
лашда фойдаланилади.

У ўрнидан турмоқчи бўлди, бир оз қийналди, шекилли, ёрдамлашиб юборганимга индамай ройиш бўлди. Мен нима дейишни билмай турардим. Афтидан, бу ғалати инсон холамга ўхшаб, мени ҳам ўзининг аллақандай сеҳри билан чулғаб, ўзига ром қилиб олгандек эди. Биз зинадан жимгина юқорига кўтарилдик. Эшик олдига етгач, у кўлида калитни ушлаб тураркан, менга яна бир бор бошдан-оёқ разм солди-да, қувноқ оҳангда деди:

— Хизматдан келяписизми, дейман? Ҳа-я, бу нарса менга бутунлай қоронғи, биласиз-у, мен бир чеккада яшайдиган одамман. Аммо ишончим қомилки, сиз ҳам китоб ва шунга ўхшаш нарсаларга қизиқасиз. Холангиз айтгандилар, гимназияни тугаллаган экансиз, юнонлар тилини ҳам дурустгина биларкансиз. Бугун эрталаб денг, Новалисдан бир хикматли гап топиб олдим, кўрсатайми? Сиз ҳам қизиқиб қоласиз.

У шундай деб, мени хонасига бошлади. Ичкари киришим билан димоғимга «гуп» этиб тамаки хиди урилди. У уюлиб ётган китоблар орасидан биттасини суғуриб олди-да, варақлай кетди.

— Буям яхши, жуда яхши гап, — деди у. — Эшитинг-а: «Азобланишдан фахрланиш лозим — ҳар бир азобуқубат бизга унвонимиз юксаклигини эслатади». Ажойиб! Нитшедан саксон йил олдин айтилган! Бирок бу мен сизга айтмоқчи бўлган ибора эмас — шошманг — ҳозир кўрсатаман. Демак: «Кўпчилик инсонлар ўргангунларига қадар ҳам тезроқ суза қолишни истамайдилар». Қулгили-а? Албатта, сузишни хошлашмайди-да! Улар сувда эмас, ерда яшаш учун туғилган-ку, ахир. Ва, албатта, ўйлашни ҳам ишташмайди; улар яшаш учун яратилган, ўйлаш учун эмас! Ҳа, кимки нуқул ўйлайверса, тафаккурни моҳият деб билса, у албатта, кўп нарсага эриша олади, бирок, ер билан сувни алмаштириб, чўкиб кетиши ҳам ҳеч гапмас.

У мени ўзига жалб қилиб олган, қизиқтириб қўйганди. Шу боисданми, унинг олдида бир оз ушланиб қолдим. Ўша кундан бошлаб, зинада ё кўчада учрашиб қол-

сак, оз-моз гурунг киладиган бўлдик. Аввалига у менга, худди араукария хақида суҳбатлашган пайтимиздагига ўхшаб, киноя-пичинг билан гапираётгандек туюлаверди. Аслида у араукарияга нисбатан қандай бўлса, менга ҳам худди шундай ҳурмат-эҳтиром кўрсатарди. У ўзининг ҳад-худудсиз, таг-тубсиз ёлғизлиги-ю, ҳатто сувда сузиб юриши хусусида ҳам шу қадар комил ишончли эдики, кундалик ҳаёт ҳаракат-ташвишларига, масалан, менинг ишга аниқ, ўз вақтида бориб-келишимга кўзи тушиб қолса ёки хизматкор оқсоч ё бўлмаса, трамвай кондуктори бирор фикр-мулоҳаза билдирса-да, у ҳеч қандай киноя-кесатиксиз, бундан самимий таъсирланиб, тўлқинланиб кетарди. Бошида менга унинг беғам-беташвиш хожалардек ялло қилиб юриши, нождий эрка-тантиклиги, гапнинг очиғи, кулгили ва муболағали бўлиб туюлганди. Бироқ бора-бора мен унинг хақиқатан ҳам бизнинг майда, мешчан дунёмизни ўзининг бўшлиқ оламидан — ёт, нотаниш, Чўл бўрисигагина хос бўлган маъводан кузатиб, хайратланишини, севишини аста-секин билиб олдим. Бу эса унга мустаҳкам ва ишончли, олис ва эришиб бўлмайдиган, ватан ҳамда тинчлик рамзи бўлиб туюлар, буларга, афсуски, унинг йўли айри тушган эди. У янги кўчиб келган кўшни хотин — бамаъни аёл билан ҳар гал рўпара келганида, бошидан қалпоғини олиб, ҳурмат-эҳтиром билан саломлашарди. Холам у билан баъзан бир оз суҳбатлашган ёки унинг нарсаларидаги айрим жузъий камчиликларни, айтайлик, палтосидаги осилиб қолган тугмани кўрсатганларда, у ажиб бир эътибор билан кулоқ солар, бундай пайтларда унинг хижолатдан ерга киргудек бўлиб кетганлигини сезиб олиш кийин эмасди.

Ўша, араукария хақидаги илк суҳбат чоғидаёқ у ўзини Чўл бўриси деб атаганди. Бу, албатта, менга ўшанда бир оз ғалати туюлган эди. Шунақаям таъриф-тавсиф бўладими ахир? Лекин кейинчалик мазкур иборага шунчалик кўникиб кетдимки, тез орада Чўл бўриси деган ном фикр-хаёлимда турғун бўлиб қолди ва бугунги кунга келиб ҳам бу ҳодисани бундан бошқа бир тузукрок, дурустрок

ном билан ифодалаб беролмасам керак. У — шаҳарга, одамлар орасига оралаган, галасидан адашган Чўл бўриси эди. Унинг яккаю ёлғизлиги, ёввойилиги, бесаранжомлиги, ватанини соғиниши, кўмсаши ва дарбадарлигини бундан-да ортиқроқ таъриф билан тавсифлаб бўлмас эди.

Бир куни кечқурун симфония концертига тушгандим. Кутилмаганда уни кўриб колдим. У менинг шундоқ яқингинамда ўтирар, бироқ мени кўрмасди. Уни анчагина кузатишга муваффақ бўлдим. Аввал Ҳеidelнинг гўзал ва ажойиб мусикаси ижро этилди. Бироқ Чўл бўриси ўзи билан ўзи овора, на мусикага, на атрофидагиларга эътибор қилар, ёлғиз, ёт, лоқайд, аммо ўйчан, серташвиш киёфада пастга қараб ўтирарди. Шундан кейин Фридеман Бахнинг кичик симфонияси янгради. Шу пайт унга қараб, таажжубдан қотиб колдим: мусофирим бир неча тактдан сўнг ўзича кулимсиради, кейин хаёл уммонига бутунлай фарк бўлди шекилли, ўзи билан ўзи андармон эди. Мен энди мусика бу ёқда қолиб, унга кўпроқ эътибор бера бошладим. Чамаси, у ёкимли, оромбахш орзулар оғушида сузар, кайфи чоғ, бахтиёр ва масрур кўринарди. Бу хол ўн дакикадан мўлроқ давом этди. Мусика ниҳоясига етгач, у ўзига келди, тўғри ўтириб олди. Бир ўрnidан турмоқчи ҳам бўлди, йўқ, яна жойида ўтирганича мусика тинглай бошлади. Бу галгиси Регернинг вариациялари\* бўлиб, кўпчиликда оғир ва зерикарли таассурот колдирди. Уни диққат билан тинглай бошлаган Чўл бўриси ҳам энди қўлларини чўнтагига тикиб, бўшашиб қолганди. Унинг юз-кўзида бояги сурурдан асар ҳам колмаган, аксинча, ковоқ-тумшуғи осилган, қаримсиқ, рангпар ва домангир киёфада эди.

Концертдан сўнг уни кўчада яна кўриб колдим ва ортидан юрдим; у пальтосига ўралиб олганича дилгир ва хорғин киёфада мавзесимиз томон аста қадам ташлаб борарди. Эскича урфда қурилган меҳмонхона-ресторан ол-

---

\* *Вариация* — бир мусикий мавзунинг айрим унсурлар — ритмоҳанг ва уйғунлик ўзгариши натижасида юзага келган кўриниши.

дидан ўтаётиб, тўхтади. Ҳардамхаёллик билан соатига каради-да, ичкарига кирди. Азбаройи кизикқанимдан мен ҳам унинг ортидан эргашдим. У менчанларга хос киёфада стол атрофида ўтирар, бека ва официант уни эски танишлардек кутиб олишганди. Салом бериб, унинг ёнига ўтирдим. Орадан бирор соат вақт ўтди. Мен бу орада икки қадах маъданли сув ичдим, у эса олдин яримта, кейин яна чорак литр қизил вино буюрди. Унга концертга тушганимни эслатдим, бироқ у бунга жавобан лом-мим демади. Маъданли сув шишасидаги ёрликни ўқий туриб, вино ичишичмаслигимни сўраб, лутфан таклиф қилди. Вино ичмаслигимни эшитгач, яна ночор ахволда қолди.

— Ҳа, тўғри қиласиз, — деди у. — Мен ҳам узок йиллар давомида нафсни тийиб яшаганман. Бироқ ҳозир эса яна қорамтир ва рутубатли Далв буржи остида яшапман.

Мен шунда ҳазиллашиб, унинг илми нужум — астрологияга ихлоси борлигига ҳам унчалик ишонқирамаслигимни билдиргандим, у яна юракни эзадиган хушмуомалалик билан деди:

— Тўппа-тўғри, бу илмга ҳам, афсуски, ишона олмайман.

Мен у билан хайрлашиб, уйга кетдим. Бу окшом у жуда кеч қайтди, аммо қадам ташлаши одатдагидек эди. Ҳамишагидек дарҳол ётиб қолмади (хоналаримиз ёнмаёن эмасми, буни аниқ билдим) — хонасида бирор соат давомида чирок ёник турди.

Яна бир бошқа окшом ҳам эсимда қолган. Ўшанда уйда холам йўқ, ўзим ёлғиз эдим. Эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Очсам, остонада ёш, келишган бир хоним турарди. Жаноб Ҳаллерни сўрагач, уни таниб қолдим: у хонада осифлик турган суратдаги аёл эди. Унга эшикни кўрсатдим. Бир оздан сўнг, уларнинг бирга зинадан пастга тушиб, бир-бирлари билан ҳазиллашиб, чакчақлашиб, ўзаро суҳбатлашиб бораётганликлари қулоғимга чалинди. Мен бу дарвешнинг шу қадар ёш, гўзал ва келишган маҳбубаси борлигидан таажжубга тушдим. Унинг ҳаёти



хамда ўзи хақидаги барча фараз, тахмин, гумонларим тушунарсиз, айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Бирок орадан бирор соат ўтар-ўтмас у зинадан оғир қадамлар билан кўтарилиб, бир-бир босиб уйга ёлғиз, ғамгин кириб келди. Ўша оқшоом хонасида тонгга қадар чирок ўчмади — бамисоли қафасга камалган бўридек соатлаб бедор юриб чиқди.

Мен уларнинг бир-бирига бўлган муносабатлари хақида ҳеч нима билмайман. Фақат шуни ҳам қўшимча қилмоқчиман: мен уни ўша аёл билан шаҳар кўчаларидан бирида яна бирга бораётганини кўрдим. Улар қўл ушлашган кўйи бахтиёр эдилар. Беихтиёр бу одамнинг ташвишли қиёфасида вақти келса қанчалар жозоба, болаларча соддалик мужассам бўлишидан таажжубландим ва холамнинг унга бўлган хайрихоҳлигини ҳам, ўша аёлни ҳам тушунгандек бўлдим. Лекин у ўша куни кечқурун ҳам уйга бир ахволда, маъюс ва маҳзун кириб келди; мен уни уй эшиги олдида учратдим. Гоҳи-гоҳида бўлганидек, у ўша куниям пальтоси остида италян виноси шишасини тутиб турарди. У кулбасида ярим тунгача ўша аёл билан бирга бўлди. Унга раҳмим келарди. Унинг ҳаёти нақадар ночор, тушкун ва ожиз эди!..

Бас, етар!.. Энди Чўл бўрисининг ўз жонига қасд қилган кишидек турмуш кечираётганини тасвирлаб, бу ҳақда ҳикоя қилиб ўтиришга ҳожат ҳам йўқ, деб ўйлайман. Бирок нима бўлгандаям, мен унинг қайсидир куни, қутилмаганда барча қолган қарзларини тўлаб ва хайрмаъзурни насия қилиб, шаҳримиздан тўсатдан ғойиб бўлганидан кейин ўз ҳаётига зомин бўлган, деган фикрдан йирокман. Шундан кейин ундан ҳеч қандай хат-хабар бўлмади, фақат унинг номига бир нечта мактуб келди ва биз уларни ҳамон асраб, сақлаб келаяпмиз. Ундан бизникида яшаган пайтида ёзилган қўлёзмадан бошқа ҳеч вақо қолмаган. У қўлёзмани менга қолдираётгани, уни нима қилишим менинг ихтиёримда эканлиги хусусида бир-икки сатр дастхат ҳам илова қилган.

Ҳаллернинг қўлёзмасида баён этилган воқеа-ҳодисалар мазмун-моҳияти жиҳатидан вокеликка қанчалик тўғри келиш-келмаслигини тафтиш қилиб ўтиришнинг иложи

йўк эди. Шундай бўлса-да, унинг каттагина қисми хаёлот маҳсули эканлигига шак-шубҳа қилмайман. Бирок бу тўқималар атайин ўйлаб топишган уйдирмалар эмас, балки бошдан кечирилган чуқур рухий кечинмаларни муқаррар, рўй берган воқеалар либосида маънодор, жонли ва ифодали тасвирлаб беришга бўлган уриниш эди. Халлернинг қўлёзмасидаги қисман хаёлий кечинмалар унинг бизникида яшаган даврдан хикоя қиладики, уларнинг замирида, шак-шубҳасиз, вокелик мужассамдир. Ўша даврда миждозимизнинг рафтори ва юриш-туриши ўзгариб қолган, кўпинча уйда бўлмас, баъзан кечалари ҳам келмай қолар, китоблари ҳам мутлақо қўл тегмай, қолиб кетарди. Уни гоҳо учратган пайтларимда эса, у ниҳоятда жўшқин ва ёшариб кетгандек, баъзан хаттоки, хурсанд-шодон ҳам кўринарди. Шундан сўнг, ундаги офир рухий сиқилиш ҳолатини кузатишимга ҳам тўғри келди. У бир неча кун ўрнидан қўзғалмай, туз тотмасдан ётиб қолди. Ўша кунлари яна пайдо бўлиб қолган маҳбубаси билан бутун уйни бошларига кўтариб, каттик даҳанаки жанг ҳам бўлиб ўтди. Бунинг учун Халлер эртасига ҳоламдан кечирим сўраган.

Йўк, у ўз жонига қасд қилмаган. Бунга имоним қолмади. У ҳамон яшаб юрибди. Аллақаерларда, аллақайси бегоналарнинг уйларидаги зиналардан ҳориб-тўзиб чиқиб тушиб юргандир, ялтиратиб артилган хонанинг паркет саҳналарига, меҳр билан парвариш қилинаётган араукарияларга суқланиб боқаётгандир, кундузлари кутубхоналарда китоб титиб, тунларни ресторанларда ўтказаётгандир, ижара уйлардаги диванларда ётиб юргандир, эҳтимол. Ким билсин, дераза олдида туриб, кенг оламини, одамлар ҳаётини кузатаётгандир, бунда ўзини ортиқча сезса-да, ўз жонига жабр қилмаётгандир. Инчунин, ундаги ўз-ўзига ишонч бу азобни, бу машъум изтиробни умрининг поёнига қадар бошдан кечиришга ундайди. Мен уни бот-бот эслаб турман. У менинг ҳаётимни енгиллаштирмади, аксинча, на вужудимдаги куч-қудратни ўстирди, на дилимдаги шодонликни қўпайтирди! Лекин мен у эмасман ва унга ўхшаб

яшай олмайман, балки ўзимнинг майда ва мешчанларга хос бўлган, бироқ бадастир ва бурчга тўла турмуш тарзим бор. Шундай қилиб десангиз, холам иккаламиз уни хотиржамлик ва дўст-биродарлик туйғулари билан эсга оламиз. Холам мендан кўра ҳам у ҳақда кўпроқ билади, бироқ буни хайрихоҳ қалбида пинҳон тутати. Ҳаллернинг эсдаликларига келсак, уларни ғалати, ғаройиб, антиқа, қисман алам-изтиробли таассуротлар, қисман гўзал ва мазмундор, серфикр хаёлий асар ҳам дейиш мумкин. Очигини айтишим керак, борди-ю, бу варақалар кўлимга тасодифан тушиб қолганида ёки уларнинг муаллифи менга нотаниш бўлганида, мен уларни аччиқ устида ташлаб юборган ҳам бўлардим. Лекин Ҳаллер билан бўлган танишлигимиз туфайли уларни қисман тушунишимга ва маъқуллашимга имкон туғилди. Агар мен бу эсдаликларда фақатгина ёлғиз бир бечора руҳий бемор одамнинг ғайритабиий хаёлий уйдирмаларинигина кўрганимда эди, уларни бошқаларга ҳавола этишдан ўзимни тийган бўлардим. Бироқ мен уларда кўпроқ нарсани — маълум бир даврга хос ҳужжатни кўраётиман, десам муболаға бўлмайди, чунки Ҳаллернинг руҳий хасталиги — буни мен бугун аниқ биламан — танҳо бир шахсгагина хос бўлган эмас, балки у муайян даврнинг, замоннинг дардидир. У ўша, Ҳаллер мансуб бўлган авлоднинг асаб хасталигидирким, унга ҳеч қачон кучсиз, нимжон ва порасо шахслар эмас, балки кучлилар, энг ақлли, қобилиятлиларгина чалинган кўринади.

Мазкур хотиралар — улар замирида воқелик қанчалик — кўп ё оз бўлмасин, барибир, катта бир давр хасталигини четлаб ўтиш ва бўяб-бежаш орқали эмас, балки шу хасталикнинг ўзини тасвир мавзусига айлантириш йўли билан бартараф этишга бўлган уринишдир. Улар, айнан, ҳамгин руҳий оламнинг тартибсизликлари узра дам кўрқув, дам жасорат билан қўйилган қадамларга ўхшайди; бу ҳаракатлар замирида тартибсизликларга зарба бериш ва азоб-мусибатни охирига қадар тотиш, тортиш истаги ётади.

Ҳаллернинг бир гапи шунинг англаб-тушуниб етишимга қалит бўлиб хизмат қилди. Бир кунни ўрта асрдаги

вахшийликлар тўғрисида суҳбатлашиб ўтиргандик, у шундай деб колди:

— Бу вахшийликлар аслида хеч гап эмас. Биласизми, ўрта аср одами бугунги ҳаётимизнинг бутун услубидан дахшатли, вахшиёна ва варварларча деб эмас, балки бундан бутунлай бошқачароқ нафратланган бўларди! Ҳар бир давр, ҳар бир маданият, ҳар бир урф-одат ва анъана ўз услубига, унгагина тегишли бўлган оғир ва енгилликларга эга. Маълум бир азоб-уқубатларни табиий, шундай бўлиши керак, деб ҳисоблайди, маълум бир кулфат-мусибатларни сабр-чидам билан қабул қилади. Одамзоднинг ҳаёти икки замон, икки давр, икки маданият ва динлар бир-бири билан тўғри келиб колгандагина ҳақиқий азобга, дўзахга айланади. Антик давр одами, агар ўрта асрда яшашига тўғри келганда борми, бизнинг тамаддунимизга тушиб колган ёввойи қандай бўғилса, у ҳам шундай аянчли тарзда бўғилган бўларди. Шундай замонлар бўладики, бутун бир авлод икки давр, икки ҳаёт услуби орасига тушиб қолади, натижада унинг ҳар қандай табиийлиги, ҳар бир урф-одати, хотиржамлиги ва бегунохлиги изсиз йўқолади. Албатта, буни ҳар ким ҳам бирдек ҳис қилавермайди. Нитшедек инсон бугунгидек кулфатни бир авлод умридан зиёд олдинроқ бошидан кечирган — у ёлғиз ўзи тушуниб-тушунмай бошидан кечирган нарсани бугунги кунда минглаб кишилар ўз бошидан кечирмоқдалар.

Эсдаликларни ўқиётган пайтимда бу сўзларни тез-тез эслашимга тўғри келди. Ҳаллер ана шундай икки давр орасига тушиб колган. Унинг қисмати ўз шахсий изтиробларидан ҳам кўра инсон ҳаётининг барча шубҳа ва гумонларини ўз бошидан кечиришдан иборат эди.

Бу эсдаликларининг биз учун аҳамиятли бўлиб туюлган тарафи ҳам шунда бўлса керак, деб ўйлайман. Худди шунинг учун ҳам уларни сизга ҳавола этишга қарор қилдим. Қолаверса, мен уларни оқламоқчи ё қораламоқчи ёки бўлмасам, бирор ҳукм чиқармоқчи ҳам эмасман — бу энди, ҳар бир ўқувчининг ўз виждонига ҳавола!

## ҲАРРИ ҲАЛЛЕР ЭСДАЛИКЛАРИ

Бу кунни ҳам, бошқа кунлар каби тинч, сокин, ёкимли, ўзимнинг жўн ва журъатсиз турмуш тарзимга мос равишда ўтказдим; бир неча соат эски китобларни титкилаб ўтирдим, икки соатлар саломатлигим яхши бўлмай, у ербу ерим оғриб чиқди, бу ҳолат ёши ўтган одамларда учраб туради, сўнг дори ичдим. Оғриқлар бир оз тўхтагандек бўлди, ўзимни енгил хис қилганимдан иссиққина роҳатбахш сувда чўмилиб чиқдим. Уч маҳал почта келди. Барча керак-керакмас хат ва китобларни кўздан кечирдим, нафас олиш машқларини бажардим. Фикрлаш машқларини эса бошқа кунга қолдирдим. Бир соат очик ҳавода сайр қилдим. Сайр пайтида осмондаги патсимон чўзилган юпқа булутчаларнинг қимматбаҳо сурат янглиғ ажойиб манзарасини томоша қилдим. Ушбу манзарани кузатиш кўхна китобларни ўқишдек мароқли, илиққина сувда чўмилишдек ёкимли, ҳузурбахш эди, бироқ бу кунни ажойиб, омадли ва қувончли деб бўлмасди, балки у мен учун ўзим анчадан бери кўникиб қолган одатдаги: ёши ўтиб қолган, домангир бир хожанинг ўртамиёна, чидаса бўладиган, бефарқ кунларидан бири эди. Бу кунлар у қадар азоб-уқубатлар, ўта ғам-ташвиш ва тушқунликлардан холи бўларди, шу билан бирга, бундай кунларда Адалберт Штифтернинг қилганини қилиб,\* соқол олаётиб, ўз жонингга қасд қилиб қўяқолиш пайти келмадимикан, деган саволни ҳаяжонланмасдан ва кўркмасдан ўйлаб кўриб, мулоҳаза қилишга ҳам фурсат топарди, киши.

\* Адалберт Штифтернинг қилганини қилиб, ажоб-иштироблар исқанжасида қолган Штифтер 1868 йилнинг 18 январидан 19 январига ўтар кечаси устара билан томоғини кесиб, ўз жонига қасд қилган.

Кимнидир дармонини олган — машъум, подагра\* ёки ундан ҳам ёмонрок, кўз билан қулоқнинг ҳаракатини роҳатдан азобга айлантирадиган бош оғриғи ёки руҳсизлик, ботиний бўшлиқ ва тушкунликдан иборат беҳузур кунлар — бундай кунларда эса сиз билан бизга вайрон қилинган ва бутун шираси хиссадорлик жамиятлари томонидан сўриб олинган еру кўк, токат қилиб бўлмайдиган, фақат ўзини ўйлайдиган сохта ва қурук инсоният олами ва маданият деб аталадиган бир нимарсадай, бозордагидек ялтир-юлтир, қустирадиган доридек ҳар қадамда ишшайиб, учраб туради. Агар кимки бундай дўзахона дамларни бошидан кечирган бўлса, бугунгидек ўртача, мўътадил, ярим-ёрти кунлардан, албатта, жуда мамнун бўлади ва печка атрофида ўтирволиб, тонгги рўзнома-ларни ўқийди; бугун ҳам ҳар қалай уруш-пуруш бошланмаганини, бошқа янги диктатура ўрнатилмаганини, сиёсат ва иктисодиётда бошқа ўтакетган разолат, палидлик фош этилмаганини билиб олади, қотиб қолган ижодилҳом созини шукроналик билан кўлига олиб, уни ўрта-миёна, пардаларда шодон созлай бошлайди. У ўзининг сокин, майин, ёқимли ва табиатдан бир оз сармаст мамнунлигининг ярим-ёрти эътиқодини зериктириб юборади ва мана шу зерикешнинг, мана шу раҳматга лойиқ шодонликнинг маънос ва тушкун кайфияти узра — зериканидан мудраётган ярим-ёрти эътиқоди ва сочига оқ оралаган, паст, бўғиқ, хира овоз билан илоҳий кўшиқ куйлаётган ярим-ёрти Инсон бир-бирларига худди эгизаклардек қараб туришади.

Мана, шундай мамнуният, дарднинг билинар-билинемаслиги, ёш ўтинқираб қолган бир пайтда, чидаса бўладиган бир нави кунларни кўрганнингга ҳам кўнгил кўтарилади, бундай кунларда дардни ҳам, қувончни ҳам сезмайсан, ҳаммаси ими-жимида, билинар-билинемас, охиста, бами-соли оёқ учида юргандек бўласан. Фақат ёмон тарафи шундаки, мен мана шу қониқиш, мамнуният билан сира чиқиша олмайман-да, бир оз вақт ўтгандан сўнг, у кўзимга

\* *Подагра* — бўғинларни зиркиратиб оғритадиган касаллик.

балодек кўрина бошлайди, тоқат килиб бўлмас даражада кўнгилни айнитади ва буткул тушкун кайфиятда бошқа бир маъволарга — мумкин қадар қувонч-шодлик, зарур бўлса — дард, ғам, изтироб йўлларида бўлса ҳам қочиб кетишимга тўғри келади. Агар мен бир оз муддат қувончсиз ё ғамсиз қолсам ва мана шундай ўртамиёна кунлар ҳавосидан баҳраманд бўлсам, ана ундан кейин менинг болаларча вужудимда шунақанги бетайин, ҳавойи, англаб бўлмайдиган оғрик-азоб пайдо бўладики, бунга чидай олмай, занг боса бошлаган шукроналик созимни мудраётган ярим-ёрти Эътиқодимнинг мамнун башарасига қараб улоқтираман, бутун аъзойи баданимни эса шу ёқимли ҳарорат, муҳит эмас, балки иблисона бир азоб-уқубат эгаллаб олади. Ана шундан сўнг вужудимда кучли ҳистуйғуларга, шов-шувларга ёввойи бир хирс, мана шу вазмин, бир текис, мўътадил ва бичилган ҳаётга нисбатан қаҳр-ғазаб кўзғалади. Шу дамда бирон нарсани, универсал дўконними ё бўлмасам, катта бир бутхонаними ё ўзимни ўзим уриб, синдириб, майдалаб ташлагим, мусибат келтирувчи аҳмоқлик-тентакликлар қилгим, одамлар сажда қиладиган бут, санамлардан бир нечтасининг риёкорлигини очиб ташлагим, исёнкор мактаб болаларидан бир қанчасига ўзлари орзиқиб кутган Ҳамбургга йўл чипталари олиб бергим, ёш қизга яқин бўлгим ёки мешчанлар олами тартиботлари вакилларида баъзи бирларининг каллаларини тескари бураб қўйгим келади. Чунки мен ҳаммасидан ҳам мана шу мамнунлик, шу соғломлик, шинам қулайликни, фуқаронинг паҳпаҳлаб парвариш қилинган некбинлигини, ўртачалик, мўътадиллик ва ўртамиёналикнинг шу семириб кетган зот-зурриётларини ёмон кўрардим, улардан нафратланардим ва уларни лаънатлардим.

Шундай килиб, мен мана шу жўн, ўртамиёна кунни қоронғи тушай деганда, шундай кайфиятда кеч қилдим. Мен кунни бирор дарддан азоб чекаётган одам сифатида ёқимли, яъни ўринда ётволиб, грелка қўйиб эмас, балки кундалик ишимдан коникмай, кўнглим

айниб ўтказдим — шарт кийиндим-да, пальтога ўралиб олиб, қоронғида, туманда шаҳарга отландим. Мақсадим — «Пўлат дубулға»га\* бориб, ичувчилар тили билан айтганда «бир култум вино» ютиш эди.

Болохонадаги ётоғимдан зинада пастга тушдим. Бу зиналарни энди қўяверасиз, улар ёғ тушса ялагудек то-залаб артилган, саранжом-сариштали, ўта баодоб, бироқ менга бегона бўлган мешчанларнинг уч оилага мўлжалланган уйи зиналаридан юқорига кўтарилиш шунақаям оғирки... Бу қандай бўлади, билмадим-у, аммо-лекин мен — майда мешчанлар оламини ўлгудек ёмон кўрувчи беватан, ёлғиз Чўл бўриси ҳар доим улар орасидаги одамгарчилиги бор инсонларнинг уйларида яшаб келаман, бу менинг эски инжиқлигим. Мен на саройларда, на пролетарларнинг уйларида яшаб ўрганмаганман, балки айнан шундай майда мешчанларнинг ўта тартибли, бекамикўст ва ўта зерикарли хонадонларида истиқомат қиламан. Бу уйлاردан бир оз терпентин ва бир оз совун ҳиди анқиб туради, иннайкейин десангиз, эшикни тарақлатиб ёпишгаям, ифлос пойабзал билан кириб боришгаям қўрқадим, одам. Мен мана шундай мухитни, шубҳасиз, болалигимдан яхши кўраман ва ватан соғинчим, ватанни қўмсаш ҳисси иложсизликдан мени ҳамон мана шу эски, аҳмоқона йўллардан юришга ундайди. Қолаверса, ёлғизликдан иборат бўлган, тошбағир, оғули, ўта ва ўта бетартиб ҳаётим кечаётган, манави хонадондаги мухитнинг тескари-си бўлган карама-қаршилиқларга ҳам кўнгил қўйганман. Мен зинада туриб, мана шу сукунатни, тартиб, саранжом-саришталик, тозалик, одоб ва беозорлик хавосидан баҳраманд бўлишни жуда ёқтираман, чунки шунда мендаги мешчанликка бўлган нафрат аллақандай меҳр-шафқат туйғуси билан алмашинади ва мен остонадан хонамга кириб бораман. Хонадаги китоблар уюми орасида сизга қолдиқлари ётган, вино шишалари турган, ҳамма нарса бетартиб, ташландик ва қаровсиз, хатто китоблар,

---

\* «Пўлат дубулға» — Хессе Базелда ўтказган икки киши фасли чоғида бориб турган, балиқ бозори ёнида жойлашган бар-ресторан.



кўлёмалар, фикрлар ҳам ёлғиз бўлган бир жойда ким-санинг ғурбати, одам бўлиш қийинлиги-ю, маъносиз ўтган инсон ҳаётига янгича маъно бахш этишга бўлган зўр иштиёқ руҳи ила йўғрилган хонага кириб боришим биланок, буларнинг барчаси ўз-ўзидан барҳам топади.

Мана, араукария ёнидаман. Уйнинг биринчи каватидаги зинапоя бир хонадон олдидаги майдонга олиб чиқади. Бу ерда бошқа жойлардагига қараганда ақл бовар қилмайдиган орасталик ҳукм сурарди, бир сўз билан айтганда, саранжом-саришталик маскани эди бу ер. Паркет қопланган ер сахни ёғ томса ялагудек, оёқ босгани ҳайкасан, киши. Бу ерда иккита нафис, нозик, бежирим курсича бўлиб, уларнинг ҳар бирида биттадан каттакон гултувак. Гултувакларнинг бирида азалия барқ уриб, ўсиб ётибди. Иккинчисида эса, салобатли, соғлом, текис, тўғри ўсган болалар дарахти — араукария. Унинг охириги шоҳидаги игнабарг ҳам ҳафсала билан ювиб, артилганидан яшнаб турарди. Мени ҳеч ким кузатмаётган пайтларда, мана шу масканга келиб, зина пиллапоясига ўтираманда, араукарияга кўз ташлаб бир оз тин оламан. Мана шу тартиб, саранжом-саришталик боғи-бўстонидан завқланиб ўтирарканман, у бутун вужуд-вужудимга аллақандай таъсир ўтказгандек бўлаверади. Ўйлайманки, шу майдон узра, араукариянинг табаррук сояси остида бир хонадон бор — унда яшнаб турган кизил ёғочга кўзингиз тушади. Бу хонадонда одоб, хушхулқ, тансихатлик, эрта туриш, бурчни адо этиш, оилавий байрамлар ва якшанба кунларида ибодатхонага қатнаш ҳамда эрта ётишдан иборат бўлган турмуш тарзи мужассам десам, янглишмаган бўламан.

Ўзимни чакқон ҳис қилиб, тор, сернам асфальт йўлдан чопиб кета бошладим. Кўча чироқларининг хира нурлари рутубатли ҳавода намикқан ер бетини аранг ёритарди. Шу дамда ўспиринлик йилларим эсимга тушиб кетди — ўша бўз бола пайтларимда мана шунанганги қоронғи, хира, рутубатли куз, киш оқшомларини нақадар яхши кўрардим. Ярим кечалари пальтога ўралиб

олиб, ёмғиру бўронларга қарамасдан кимсасиз, хувиллаган табиат кўйнида ёлғиз, ярим, бироқ танҳолик ва дилгирлик кайфиятидан сармаст ҳолатда югуриб кетаверардим ва ўша лаҳзаларда миямга куйилиб келган шеърый сатрларни ётоғимга қайтгач, каравот четида ўтириб, қоғозга тушириб кўярдим.

Мана энди, ўша кунлар ҳам ўтиб кетибди, ўша қадаҳлар ҳам сипқориб бўлинибди қайта тўлатилмабди. Бунга афсусланиб бўладими? Асло! Афсусланишнинг сираям ҳожати йўқ. Ўтган ишга салавот, унга ҳеч бир афсуснадомат чекиш керак эмас. Фақат, мана шу бугунги кунимга, менга на ҳадялар ва на рухий изтироблар келтирган, бой берилган беҳисоб соатлару кунларимга ачинардим, холос. Лекин худога шукурки, ора-сира менга рухий азоблар, ҳадялар тортик қилган, мен гумроҳни тўсиқлар оша олиб ўтиб, ҳаётнинг қайнаган кучоғига қайтарган онлар ҳам, кунлар ҳам бўлганди. Мен шу дамда ана шундай онларни эслашга зўр бериб уринардим. Ҳамон эсимда, концертга тушгандим ўшанда. Аввалига ажойиб бир кўхна мусиқа ижро этилди. Сўнг ёғочдан ишланган, пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоблари ижрочилари фортепьяно куйини чала бошладилар. Худди шу куйнинг иккала такти ўртасида тўсатдан кўз олдимда у дунё эшиги очилса денг... Мен осмону фалакка чиқиб, қандайдир маконда пайдо бўлдим. Бутун вужудимни роҳатбахш азоб чулғаб олди, энди ўзимни дунёдаги ҳеч бир нарсадан ҳимоя қилмас, оламдаги ҳеч бир нарсадан қўркмас эдим. Ҳамма нарсага рози бўлиб, вужудимни, инон-ихтиёримни буткул топириб бўлгандим. Бу нарса узок чўзилмади, чорак соатча давом этди чамамда. Бироқ бу воқеа ўша кунни окшом тушимда яна такрорланди. Ўшандан кейин онда-сонда такрорланиб турди. Аниқ эсимда қолган. Олтинранг, жуда гўзал, беназир бир из ҳаётим узра сирли тарзда чакнаб, бора-бора пастлай бошлади. Қарасам, уни чанг ва ахлат босиб ётибди, сўнг яна тилларанг учқунлар ёруғида пайдо бўлди. Энди у сира ҳам ғойиб бўлмайдигандек туюларди. Бироқ кўн ўтмай,

из пастга шўнғиб, яна кўздан йўқолди. Бир куни кечаси ухламай ётгандим, тўсатдан шеър айта бошладим. Шунанганги гўзал, шанақанги ажиб шеърларки, уларни ёзиб кўймоқчи ҳам бўлдим. Аммо эрталаб туриб, сира эслолмадим — шу тарика улар эски косадаги тошёнғокдек ичимда қолиб кетаверди. Бошқа сафар бир шоирнинг асарларини ўқиётганимда, Декарт, Паскал фикрларини мушоҳада қилаётганимда ҳам шундай бўлди. Яна бир гал, махбубам билан биргалигимда, ўша олтиндек товланадиган из чараклаб, осмону фалакка ўрлади. Эҳ, бу илохий изни шу ҳаётимиздан, мамнун, ўта мешчан, ўта руҳсиз замонамиздан, бизни қуршаган архитектуралар, дўконлар орасидан, сиёсат, одамлар орасидан топиш жуда-жуда қийин! Бу дунёнинг мурод-мақсадларига тушунолмасам, қувончларига шерик бўлолмасам, мен ночор зоҳид Чўл бўриси бўлмай, яна ким бўлай, ахир?! Мен на театрда ва на кинода узок қоламан, на рўзнома, на бир замонавий китоб ўқий оламан. Мен тушунолмайман, одамлар бу тикилинч темир йўлларда ва меҳмонхоналарда, оғир, бўғик мусиқа янграётган қахвахоналарда, хашаматли шаҳарларнинг бар ва варьетеларида\* излаётган қувонч ва шодлик... нима ўзи у? Жаҳон кўрғазмаларидаги, карнавал сайил-томошаларидаги, билимга чанқок кишиларнинг маърузаларидаги, катта спорт майдончаларидаги менинг ўзим ҳам эриша олсам бўладиган ва минглаб одамлар ўзларини ўтга-чўкка уриб, бир-бирлари билан талашиб-тортишадиган бу қувончларнинг барчасини мен сира-сира тушунолмайман. Ва аксинча, мен учун онда-сонда содир бўладиган қувончли дамлардаги ҳузур-ҳаловат, лаззат, завқ-шавқ ва кўтаринкилик ҳисобланган нарсани дунё жуда бўлмаса шеърятдан, шеърӣ асарлардан излайди, ҳаётда эса буларнинг барчасини жинилик деб ҳисоблайди. Агар ҳақиқатан ҳам бу дунё ҳақ бўлса, қахвахоналардаги бу мусиқа, бу оммавий кайф-сафолар, бу амриқоликлар, озгина нарсага қаноатланадиган мамнун одамлар ҳақ бўладиган бўлса, унда мен

\* *Варьете* — енгил жанрли эстрада театри.

ноҳақ эканман, унда мен жинни эканман, унда мен ўзимни ўзим атагандек, ҳақиқатан ҳам Чўл бўриси — ўзи учун ёт, бегона ва англаб бўлмас оламга кириб колган, адашган, ўзининг ватанини, мухитини ва емишини топа олмаётган йирткич эканман.

Мана шу ўзим кўникиб колган ўй-хаёллар билан банд бўлиб, шаҳарнинг энг сокин ва энг кўхна мавзеларидан бири бўйлаб, нам кўчадан чопиб кетавердим. Рўпарамда, тор кўчанинг нариги тарафида, қоронғилик қаърида мен ўзим илгари ҳам томоша қилиб ўтадиган эски, кулранг тошдевор кўринди. У ҳалиям ўша эски жойида — кичкина черков билан эски касалхона ўртасида мунғайиб турарди. Кундузлари тошдевор жойлашган нотекис майдонга қараб туриб, бир оз тин олардим, чунки бундай тинч, сокин, хилват жойлар шаҳар ичкарасида анқонинг уруғи эди. Боз устига ҳар ярим квадрат метр жойда бир дўкон, қандайдир адвокат, ихтирочи, дўхтир, сартарош ёки товукларнинг кўзини даволовчининг ишхоналари манаман деб олдингдан чиқиб турарди. Мана, ҳозир ҳам эски девор сокин уйқуда эди, бироқ унда нимадир ўзгаргандек кўринди, ҳа, девор ўртасида учи гумбазли, чиройли, ажойиб пешток пайдо бўлибди. Тушунмай колдим, бу пешток илгариям бормиди ёки янги ўрнатилдимикан? Шубҳасиз, у эски, кўхна кўринарди; афтидан, қорамтир ёғоч эшикли бу дарвозадан қачонлардир сокин монастир ҳовлисига кириб-чиқилган. Бутхона аллақачонок йўқ бўлиб кетган бўлса-да, дарвоза ҳамон ўз жойида эди. Эҳтимол уни юз марталаб кўргандирман, шундай бўлса ҳам, эътибор бермаган бўлишим мумкин, балки у таъмирланган, бўялгандир, шунинг учун кўзга ташлангандир, ким билади. Мен у тарафга ўтмасдан, йўлкада тўхтадим, чунки ёмғирда ер бўшаб, лой бўлиб кетган эди, диққат билан разм солдим. Ҳаммаёқ қопқоронғи, кўзим илғгани шу бўлдики, дарвоза атрофига гулчамбарми ё бўлмасам, ола-була баргакми, шунга ўхшаш нимадир ўрнатилгандек туюлди. Астойдил тикилиб

карагандим, пешток устида бир лавҳа оқариб кўринди, чамамда унда бир нима ёзилгандек эди. Кўзларимни каттарок очдим. Ниҳоят, лой ва кўлмакларга қарамасдан нариги томонга ўтдим. Шунда пешток устида, деворнинг кўк-кулранг тусдаги устки қисмида хира бир нуктага кўзим тушди. Нукта устида ранг-баранг ҳарфлар пайдо бўлар, ҳаракатланар ва тезда ғойиб бўларди. Ана холос, ўйладим ўзимча, келиб-келиб энди шу эски, беозор деворни ҳам тинч қўйишмай, ундан тижорат мақсадида фойдаланишибди-да!.. Бу орада баъзи бир сўзларни англагандек бўлдим, уларни ўқиш кийин, ҳарфлар ораси узук-юлук, бунинг устига хира, туссиз, тез ёниб, тез ўчарди. Буни ўйлаб топган тадбиркорга ҳам қойил қолмадим. Уям менга ўхшаб Чўл бўриси, бечорагина одамми дейман-да; нимага энди у ўзининг шундай ранг-баранг ҳарфлардан иборат лавҳасини келиб-келиб, шаҳарнинг эски қисмидаги қопқоронғи тор кўчада, ҳеч ким уйдан оғтона хатлаб, кўчага чиқмайдиган шундай бир ёмғирли, рутубатли ҳаво ҳукм сураётган кунда, бунинг устига, шу қадар тез, липлип ўтадиган, ўқиб бўлмайдиган ва ғалати қилиб ўрнатдийкин?.. Бирок шу пайт орқама-орқа келаётган бир қанча сўзларни илғаб олишга муваффақ бўлдим. Улар қуйидагича эди:

Мағиявий театр

Ҳар ким ҳам киравермайди

— ҳар ким ҳам...

Мен дарвозани очишга уннаб кўрдим, бироқ эскирган, оғир лўкидон ҳалеганда сурилавермади. Ҳарфлар ўйини ҳам, бефойдалигини англагандек, поёнига етганди. Бир неча қадам орқага тислангандим, оёғим лойга ботди. Ҳарфлар ҳам энди кўринмас, ўйин тугаганди, чамаси. Мен турган жойимда қолдим, узок кутдим, бироқ фойдаси бўлмади. Энди йўлкага чиқиб, орқага қайта

бошлагандим, кўз олдимда, шундок ҳўл асфальт устида бирданига бир неча рангли ҳарфлар акси пайдо бўлди:

Фа-қат – жин-ни-лар – у-чун!

Оёқларим нам тортиб, совқота бошладим. Шундай бўлса-да, яна бирпас кутиб турдим. Бошқа ҳеч нарса бўлмади. Бу ажойиб, нафис, бежирим ранг-баранг ҳарфларнинг алдамчи нурларининг нам девор ва қорамтир тусда ялтираётган асфальт устидаги лип-лип ўйинини ўйларканман, бир нарса эсимга тушди: шу қадар тез, олис ва изсиз йўқолган олтинранг товланувчан нур билан нақадар ўхшашлик.

Мен совқотдим ва кета бошладим. Ҳаёлимда ҳамон ўша нур, қани энди дейман, жиннилар учун мўлжалланган ўша мўъжизавий театрга тезроқ кираколсам. Бу орада оқшомлари тез-тез мулоқотлар, суҳбатлар уюштириб туриладиган бозор майдонига бориб қолибман. Ҳар икки кадамда плакатлар ва эълонлар кўзга ташланади: хотин-қизлар хор жамоаси, варьете, кинотеатр, ракс кечаси ва хоказо, бироқ буларнинг барчаси менга, балки соғлом, ақли расо, эс-ҳуши жойида бўлганлар учун эди, уларни эса ҳамма ёқда, ҳамма жойда кўплаб учратардим. Шундай бўлса-да, ҳар ҳолда диққатлигим бир оз ёзилгандек бўлди. Ўзга олам билан мулоқот, ранг-баранг ҳарфлар руҳиятимга таъсир қилиб, ботиний товушлар ҳамоҳанглигини келтириб чиқардим, билмадим, олтинранг товланувчан нур кўз олдимда яна бир бор намоён бўлди.

Кичкинагина, эскидан қолган қовоққонани излаб топдим. Бу ерда, шаҳарга биринчи бор келганимдан буён — йигирма беш йилдан бери деярли ҳеч нарса ўзгармаганди. Бека ҳам ўша-ўша, мижозлар ҳам, айримлари ҳамон ўша ўтирган жойларида, аввалгидек, олдиларидаги қадахларига термилиб ўтиришарди. Ичкари

кирдим, бу ер мен учун, худди араукария ёнидаги зина-  
пояга ўхшаб, яхшигина бошпана эди, бироқ бу манзилда  
хам на макон топдим, на бир хамдард, гўё оғзига толкон  
солган томошабинлар сахна олдида тўпланишган, сахна-  
да эса бегона одамлар ўзга асарларни ўйнашяпти, аммо  
ковокхонада сокинлик, қандайдир маъни бордек эди:  
ур-йикит, тўполон, бақир-чақир, кулокни батанг қила-  
диган мусика йўк, беозор, вазмин фуқаролар оддийги-  
на ёғоч (мармар, сирланган тунука, духобали ёки жез  
эмас) стол атрофида ўтиришар, олдиларида эса ичим-  
лик — асл, тоза вино. Мана, шу мен танийдиган кунда-  
шунда мижозлар хам ҳақиқий тор фикрли, факат ўз  
хузур-халоватини ўйлайдиган одамлар бўлса керак, эхти-  
мол. Уйларининг ташландик, қаровсиз меҳробларида  
калтафаҳм мамнуният бут-санамлари хам тургусидир,  
балки. Улар хам менга ўхшаб якка-ёлғиз, ғариб ва адаш-  
ган йигитлар, сароб бўлган омонларнинг аламини ши-  
шадан олаётган майхўрлар, Чўл бўрилари ёхуд бечора  
бахтиқаролардир эхтимол, билмадим. Уларнинг ҳар би-  
ридан ватан соғинчи уфуриб турар, юз-кўзларида кўнги-  
л қолганлик аломатлари зохир, йўқотилган ниманидир  
ўрнини тўлдиришга эхтиёж сезардилар. Оиласи бор бу  
ерда ўзининг бўйдоқлик пайтидаги кунларини, собик  
мансабдор эса талабалик йилларини эсларди. Уларнинг  
барчаси жимгина ўтириб ичишар ва улар менга ўхшаб,  
аёллар хор жамоасидан хам кўра, ярим литр эльзас ви-  
носини афзал кўришарди. Мен хам шу ерда лангар таш-  
ладим, бу ерда бир-икки соат ўтирса бўларди. Эльзас  
виносидан бир қултум ичган хам эдимки, бугун нонуш-  
тадаги нонни хисобга олмаганда, ҳеч вақо емаганим  
эсимга тушди.

Буни қаранг, одамзод ҳамма нарсани юта олиши ғалати-  
да! Битта газетада ўқиб қолдим, бир масъулиятсиз одам  
бошқаларнинг сўзларини оғзида чайнаб-чайнаб, уларни  
ҳазм қилмасдан, тупуклаб, яна оғзидан қайта чиқарар-  
кан. Бу ҳақда бутун бошли бир устунчада ёзишибди...  
Кейин янги сўйилган бузюкнинг жигаридан анчагина едим,

чакки эмас экан. Бирок, барибир, эльзас виносига етмайди. Кучайиб кетган, кучли, махсус таъми билан машхур бўлган виноларга унчалик хушим йўқ. Ҳаммасидан ҳам кўра, тип-тиник, тоза, енгил, оддий, маҳаллий виноларни ёктираман, уларнинг махсус номлари, ёрлиқлари ҳам йўқ. Ҳар қанча ичса бўлаверади, мазаси ҳам дуруст, ёғоч таъмини беради, кишлокни, бепоён еру осмонни ёдингга солади. Бир қадах эльзас виноси-ю, бир парча яхши пишган нон - бундан ортик, бундан яхшироқ нонушта бўлмас. Лекин каминадек кам гўшт ейдиган одам учун бир лукма жигар тансиқ таом хисобланади, шунинг учунми, иккинчи қадахга ҳам йўқ дея олмадим. Бунинг ажойиблигини қаранг-а. Ям-яшил водийларда, олийжаноб инсонлар егиштирган узумлардан солинган виноларга гап йўқ эди. Авваламбор, улар ўзларидан узок-узоклардаги, кўнгли совиган, ихлоси қайтган, ҳафсаласи пир бўлган баъзи бир, жимгина ўтириб, ичкилик ичувчи фуқароларни ва ожиз, паришон Чўл бўриларини ўйлашган бўлса ажаб эмас, токи уларнинг кайфиятлари кўтарилиб, кучларига куч, ғайратларига ғайрат қўшилса.

Менимча, бундан ортик бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам, фойдаси тез билинди, кайфиятим кўтарилди. Газета мақоласидаги сўз ўйини эсимга тушиб, ич-ичимдан енгил кулги келди ва кутилмаганда ёдимдан кўтарилган фортепяно куй-охангини эсладим, у бир дам совун кўпигидек ялт-юлт қилди-да, сўнг яна оҳиста тарқаб кетди. Агар бу гўзал, ажойиб куй менинг вужудимда томир отиб, кунлардан бир кун ундан турли рангдаги ғоят гўзал, жонон гуллар ўсиб чиққанида борми, мен ўзимни буткул йўқотиб қўйган бўлармидим? Ўз атрофидаги оламни тушуниб етмаган, гўмроҳ бир жонзот бўлганимда ҳам, телбаларча ҳаётим маъно-мазмун касб этган, вужудимда туриб, акс-садо берган, олис, юксак оламлар муждаларига кулоқ тутган бўларди. Миямда эса, минглаб сувратлар пайдар-пай чарх урарди:



Падуадаги кичкинагина мовий тусли черков гумба-зидан тушган Жоттонинг\* фаришта-малоикалари, уларнинг ёнларида эса Ҳамлет ва гулчамбар билан безанган Офелия\*\* боришар, дунёдаги барча қайғу-алам ва ғурбатнинг, барча англашилмовчилик, келишмовчилик ва зиддиятларнинг гўзал ҳикоятлари-ю, ёнаётган ҳаво шари ичида туриб, бурғу чалаётган аэронавт Жаноццо\*\*\*, унинг янги қалпоғини қўлида тутиб, Аттила Шмелцле\*\*\*\* турар, Боробудур\*\*\*\*\* эса ўзи ясаган ҳайкаллар уюми-ни ҳавога итқитарди. Барча бу гўзал образлар минглаб бошқа қалбларда яшасалар ҳам, барибир, улар мен учун ўн минглаб бошқача сурат ва бошқача оҳанг бўлиб туюлаверар ва менинг вужудим улар учун кўрар кўз, эпитар кулоқ ва бирдан-бир макон бўлиб қолган эди. Эски касалхона деворининг шамол ялаган, нураган, доғ-дуғ босган кулранг-яшил тусли ёрик-тиркишларида минглаб фреска (деворга солинган расм)ларни пайкаш мумкин эди — ким уларнинг саломига алик олди, ким уларга бағрини очди, ким уларни меҳр билан сева олди, ким аста сўнаётган, ўчаётган рангларнинг мўъжизасини ҳис эта олди? Роҳибларнинг ёкимли, ёрқин, ажойиб миниатюралар ишланган кўҳна китоблари ва олмон шоирларининг ўз халқи томонидан унутилган бундан икки юз ва юз йил илгариги асарлари, бу китобларнинг барчаси титилиб, моғор босиб кетган, шунингдек, қадимги мусиқачиларнинг нашр этилган асарлари ва қўлёзмалари — оҳанглар билан бирга орзу-мақсадлар муҳрланган сарғиш нота ёзилган варақлар — уларнинг зукко ва жўшқин, соғинч тўла овозларига ким кулоқ солди, ким уларнинг

---

\* *Жотто* – Жотто ди Бондоне (1266–1337) – италян мусавири.

\*\* *Офелия* – Шекспирнинг «Ҳамлет» фожиасидаги образ.

\*\*\* *Жаноццо* – Жан Полнинг «Аэронавт Жаноццонинг денгиз китоби» асарининг титул варағига ишланган расм.

\*\*\*\* *Аттила Шмелцле* – жан Полнинг «Ҳарбий воиз Шмелцлеининг Флэтцга сафари» асарининг бош қаҳрамони.

\*\*\*\*\* *Боробудур* – Марказий Ява оролида жойлашган Будда ибодатхонаси.

рухи, уларнинг мўъжиза-ю, сеҳрини қалбига жо этиб, бошқа, уларга бегона бўлиб қолган замонларга олиб ўтди? Губио\* тепасида, баланд, юксак тоғлар бағридаги устига тош қулаб, шикастланган, танаси қоқ иккига бўлинган, бироқ шунга қарамасдан, ўз ҳаётини сақлаб қололган, сийраккина бўлса-да, тириклик нишонаси — яна қайтадан барг ёзган ўша кичкинагина, матонатли сарв дарахтини тагин ким ёдга олди? Биринчи қаватдаги тиниб-тинчимас онахон ва унинг озода, ялтиратиб ювибартилган, меҳр билан парвариш қилинган араукариясига тан берган ким? Ким у, кечалари Райн (дарёси) узра чўзилиб кетган туманли булут қарвонларининг ажиб манзарали асарларини завқ-шавқ ила мутолаа қилган? Чўл бўриси. Ҳаёт харобаларидан дудмал маъно излаган, бир қарашда бемаъни, тутуриқсиз, телбаларча ҳаёт кечирган, сўнгги хато ва чалкашлик, алғов-далғовлар ичра ҳам яна яширинча илоҳий хабар кутган, унинг яқинлигига умид боғлаган-чи, у ким эди?..

Кўлимдаги, бека яна тўлдирмоққа тутинган қадахни маҳкам тутиб, ўрнимдан турдим. Менга энди вино керак эмас эди. Олтинранг товланувчан нур чакнаб бўлган, у абадиятни, Моцартни, юлдузларни ёдимга солган эди. Мен энди яна бирор соат эркин нафас олиб, яшай олардим, азоб-уқубат чекишимга, кўркиб-пусишимга, уялиб-кимтинишимга ҳожат йўқ эди.

Жимжит кўчага чиққанимда, ёмғир майдалаб ёғар, совуқ шамол таъсирида кўча чироқларига чирсиллаб урилар, шиша янглиғ жилва қиларди. Энди қаерга борсамикин? Шу лаҳзада агар кўнглим тусаган мўъжиза рўй бераверганда, Луи-Сез услубидаги мўъжазгина, гўзал бир зал бўлса-ю, унда бир неча ажойиб мусиқачилар менга Ҳендел ва Моцартнинг иккита-учта асаридан ижро этиб беришса, дердим. Шу дамда мен вазмин, осойишта ва ғоят гўзал мусиқани, жон қулоғим билан тинглашга тайёр эдим. О, қани энди ҳозир бир дўстим бўлсайди,

---

\* Губио – Марказий Италиядаги шаҳар.

майлиди, болохонада яшаётган бўлса ҳам, канийди, скрипкасани ёнига қўйиб, шам ёруғида у билан бирга хаёл суришиб ётсак... Мен тунда унинг олдига билдирмай писиб бориб, зинахонадан сездирмай чиқиб, уни хайратда қолдирган бўлардим ва у билан бирга ширин суҳбат қуриб, мусиқа тинглаб, тунни нақадар ажойиб, мўъжизавор бир тарзда ўтказган бўлардик! Бундан анча йиллар муқаддам, шундай бахтга тез-тез мушарраф бўлардим, бироқ бу омад дегани ҳам вақт ўтган сайин, бора-бора мендан узоқлашиб, ташлаб кетган эди. Энди у йиллардан хотираларгина қолган, холос.

Иккиланиб, уйга истар-истамас қайта бошладим. Пальтомнинг ёқасини қўтариб, таёк билан хўл тош йўлни туртиб қўйдим. Йўлни шу қадар секинлик билан босиб ўтганимда ҳам, жуда тез орада болохонада — кичкинагина, номигагина ватан ҳисобланган маконимда ўтирган бўлардим. Бу ерни у қадар севмасам-да, ундан маҳрум ҳам бўлолмасдим, чунки ёмғирли қиш оқшомларини очик хавода югуриб ўтказадиган даврларим ўтиб кетган эди. Инсоф билан айтганда, оқшомги яхши кайфиятимни ҳозир на ёмғир, на подагра ва на араукария бузишини истамасдим. Энди камер оркестрини, скрипкали ёлғиз ҳамдард дўстни ҳам тополмасам-да, барибир, ўша гўзал оҳанг вужудимда янграр ва мен уни секин, бир маромда ўзимга ўзим хиргойи қилиб ўйлай олардим. Шундай ўй-хаёллар билан йўлимда давом этдим. Тавба, камер мусикасиз ҳам, ёр-оғайнисиз ҳам иш битар экан-ку. Бирор нарсани сўраганимда ёки қилганимда, ожизлик қилиб қолсанг, ҳарорат томон интилиб, ўзингни адойи тамом қилишинг кулгили эди. Ёлғизлик — мустақилликдир, буни мен узоқ йиллар истаган ва ниҳоят, унга эришган эдим. У совук, лекин сокин, юлдузлар айланадиган жимжит коинот сингари ажойиб улкан ва бепоён эди.

Мен ёнгинасидан ўтиб бораётган рақсхонадан янги сўйилган гўштнинг хилидек кайноқ, беўхшов, шўх жаз мусикаси янграрди. Бир зум жойимда туриб қолдим; мусиканинг бу тури, гарчи менга ёқмаса-да, сирли бир

сеҳри билан мени ўзига ром қилиб қўйди. Жазга тоқатим йўқ эди, бироқ у менга бугунги барча академик мусикага қараганда ўн баравар кадрлироқ эди. У ўзининг қувноқ, тўпори ёввойилиги билан мендаги кучли хис-туйғу, эҳтирос оламига ҳам чуқур таъсир этар ва содда, ҳалол ҳиссиёт-ла нафас оларди.

Мен бир лаҳза янграётган бераҳм, кулоқни коматга келтирадиган, сершовкин мусиканинг «исини олиб» туриб қолдим, залдаги баджаҳл, баттол, оч, сук, ҳирсли вазиятни хис қилдим. Бу мусиканинг биринчи, яъни лирик ярми ширали, бироқ бачкана, чучмал ва сентиментал, бошқа бир қисми — иккинчи ярми эса ёввойи, ғалати ва кучли эди, иккала ёрти жўнгина бирлашиб, бир бутунни ташкил этарди. У ҳалокат мусикаси эди. Сўнгги императорлар ҳукмронлиги даврида Римда худди шунга ўхшаш мусика бўлган, шекилли. Албатта, уни Бах, Моцарт ва ҳақиқий мусика билан ҳам муқояса қилишган, бироқ ҳақиқий маданият билан солиштирилди дегунча, барча санъатимиз, барча тафаккуримиз, барча сохта маданиятимиз разолатга айланарди-қоларди. Ва бу мусика, қатта бир самимиятга, муҳаббатга лойиқ, сохта эмаслиги, хабашларгагина хослиги ва қувноқ, шодон, болаларга хос кайфияти билан афзалликка эга эди. Унда хабашлардан ва америкаликдан олинган нимадир бор, мана шу нарса ўзининг бутун бўй-басти билан биз европаликларга шу қадар болаларча беғубор ҳамда болаларга хос бўлиб кўринади. Хуллас, шу томон, шу йўлдан бориляптими? Биз, қадимги Европанинг, ҳақиқий кўхна мусиканинг, шеъриятнинг билимдон заршунос ва муҳлислари, эртага унутилиб кетадиган ва кулги бўладиган, тушуниб бўлмайдиган бир ҳовучгина аҳмоқ ва асабий одамлар бўлиб келмадикмикин? Биз «маданият» деб, руҳ, қалб, кўнгил деб, гўзал, муқаддас атаган нарсалар аслида аллақачон ўлган ва биз, бир ҳовучгина аҳмоқлар ҳалигача ҳақиқий ва барҳаёт санаб юрган нарса шарпа, кўланкагина эмасмиди? Балки умуман ва ҳеч қачон ҳақиқий, жонли бўлмагандир? Биз эришиш учун астой-

дил тиришиб ҳаракат қилган нарса, балки ҳамиша кўланка, курук хаёлотгина бўлиб келгандир, эҳтимол?..

Эски шаҳар мавзеи мени ўз бағрига олди. Кулранг тусдаги кичкинагина черков билинар-билимас, гўё ўрнида йўқдек туюларди. Шу пайт тўсатдан окшомги кўрган-кечирганларим эсимга тушди — учи жумбоқли, гумбази эшик, унинг тепасидаги тушуниб бўлмас лавҳа, масҳаромуз, истехзоли «ракс» тушаётган, рангли, нурли ҳарфлар... Дарвоқе, у ерда нима деб ёзилганди ўзи? «Ҳар ким ҳам киравермайди». Ва яна: «Фақат жиннилар учун». Кўҳна девор тарафга синовчан назар ташладим. Ичимда, мўъжиза қани энди қайтадан бошланса-ю, лавҳа мен жиннини чорлаб, мўъжазгина дарвозадан ичкари кирсам, деб турибман. Балки мен истаган, мен орзу қилган, мен ташна бўлган нарса ўша ердадир? Балки у ерда менинг мусиқам ижро этилар, ким билади?..

Қорамтир тусли тошдевор менга вазминлик билан маҳдуд боқди, у аллақачонок чуқур уйқуга чўмган эди. Ҳеч қаерда дарвоза, учли гумбаз кўринмас, фақат туйнук-тешиксиз, сокин девор қорайиб кўзга ташланарди. Кулимсираб йўлимда давом этдим, кўҳна тошдеворга илтифот билан бош ирғадим. «Тинч ухлайвер, деворжон, мен сени безовта қилмайман. Вакти келиб, сени балки бузишар ёки ўзларининг очкўз, сук фирма пешлавҳалари билан ёпиштириб ташлашар, лекин ҳали шу ердасан, ҳали гўзал, сокин ва менга азиз, қадрлисан».

Қорайиб турган тор кўча оралиғида шундоқ олдимдан бир одам кўккисдан чикиб, кўркитиб юборди. Тунда ёлғиз тентираган кечки йўловчи ҳорғин қадам ташлар, бошида шапка, эғнида хаворанг гимнастёрка, елкасида плакат ўрнатилган узун таёқ, қорнида — ярмарка сотувчиларига ўхшаб, камарига маҳкам танғилган очиқ катмон. У олдимда ҳорғин одимлаб бораркан, менга қайрилиб ҳам қарамади, йўқса унга салом бериб, сигара ҳадя қилмоқчийдим. Кейинги кўча чирок ёруғида мен унинг байроғида — калтакка маҳкамланган алвон плакатида нималар ёзилганини ўқишга харчанд уриниб кўрдим,

бўлмади. Бу киши у ёк, бу ёкка тебраниб бораётгани сабабли ҳеч нимани илғай олмадим. Шунда уни чақирдим, тўхтаб, плакатини кўрсатишини сўрадим. У тўхтади ва таёғини бир оз тўғрилаб ушлаб турди, мен эса «ракс тушаётган» ҳарфларни ўқий бошладим:

Анархистлар кечаси!  
Мағиявий театр!  
Ҳар ким ҳам киравер...

— Мен худди сизни излаб юргандим! — кичкириб юбордим хурсанд бўлганимдан. — Бу ўзи қанақанги кеча, қанақа ўтириш? Қачон, қаерда бўлади?

У индамай йўлида кета бошлади.

— Ҳар кимга эмас, — деди у лоқайд оҳангда, мудроқ овоз билан ва йўлида давом этди. Афтидан, у уйига шошиларди.

— Тўхтанг, — дедим ва унинг кетидан югурдим. — Қутичангизда нима бор ўзи? Сиздан бир нима сотиб олсам, девдим.

Йўлида давом этаркан, ҳалиги киши қутичасини қовлаштириб, ундан битта кичкинагина китобча олди ва менга узатди. Уни дархол чўнтакка солдим. Пальтомнинг тугмаларини кадаб бўлиб, энди пул чиқармоқчи бўлгандим, у ён тарафдаги дарвозаси бор йўлга бурилди-да, кетидан дарвозани ёпиб, кўздан ғойиб бўлди. Ховлидан унинг аввал тоштўшама устидан, кейин ёғоч зинадан босган оғир кадамлари эшитилди, сўнгра ҳаммаёкка сукунат чўмди. Шу пайт мен ҳам ўзимни жуда хорғин хис қилдим, вақт алламаҳал бўлиб қолган бўлса керак, миямдан уйга қайтаколсам яхши бўларди, деган ўй кечди. Мен тез югура бошладим ва бирпасда мудроқ, шаҳар атрофидаги тор кўча орқали эски шаҳар деворлари ўрнида барпо этилган боғ-роғлар, хиёбонлар ўртасига етиб келдим, бу ерда — майсазор ва бир озгина печакўт босган сайхонликлар ортидаги озода ижара уйларида хизматчилар ва майда нафақахўрлар истиқомат қилишарди. Сайхонлик, майсазор ва кичкина арча ёнидан ўтиб, уй эши-

гига етиб келдим, калит турадиган тирқишни, чирокни ёқиш учун тугмачани излаб топдим. Ойнабанд эшикдан, ойнадек силлик сайқал берилган жавонлар ва туваклардаги ўсимликлар ёнидан «лип» этиб ўтиб, хонамни очдим. Соғлом, акли расо, эс-хуши жойида бўлган бошқа одамлар уйларига келганда онаси ёки оиласи, болалари, хизматкорлари, итлари, мушуклари кутиб олишганидек, мени бу ерда — номигагина ватан бўлган маконимда оромкурси ва печка, сиёҳдон ва рассомлар кутичаси, Новалис ва Достоевский кутишарди. Хўл бўлиб кетган пальтомни ечишим билан кичкина китобча қўлимга илинди. У юпқагина, ёмон қоғозга сифатсиз босилган, «Январь ойида туғилганлар учун» ёки «Саккиз кун ичида қандай қилиб йигирма ёшга яшариш мумкин?» қабилидаги ярмаркаларда сотиладиган китобча эди.

Оромкурсига жойлашиб ўтириб, кўзойнагимни тақиб, китобчани қўлимга олдим. Унинг муковасидаги сарлавҳани ўқиб, ғоят ажабландим, тақдир-кисматимга боғлиқ хис-туйғулар шу он миямга шиддат билан урилди: «Чўл бўриси ҳақида трактат. Ҳар ким учун эмас».

Китобчани бир ўтиришда, саҳифама-саҳифа зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Асар мазмуни қуйидагича эди:

## ЧЎЛ БЎРИСИ ҲАҚИДА ТРАКТАТ

Бор экан-да, йўк экан, Ҳарри исмли Чўл бўриси ўтган экан. У фақатгина икки оёқда юрадиган, уст-бош киядиган Инсон бўлибгина қолмай, Чўл бўриси ҳам эди. Одамзод ўз акли, фаҳм-фаросати билан нимаики ўрганишга қодир бўлса, шунчалик кўп нарсани ўқиб-ўрганган, эсли-аклли одам бўлган. У биргина нарсани, бу ҳам бўлса: ўзидан, ўз ҳаётидан мамнун бўлишни ўрганолмаган. Йўк, бу унинг қўлидан келмасди. Ана шу Чўл бўриси домангир инсон эди. Бунинг сабаби, балки шу билан ҳам боғлиқ эдики, у ўзини ҳамиша юрагининг туб-тубидан инсон эмас, балки чўлдан келиб қолган Бўри деб билар (ёки шундай деб ишонар)ди. Ақлли одамлар у ҳақида турли ҳаёлларга боради: туғилмасидан олдин сеҳр-жоду билан бўридан инсонга айлантирилган; у инсон бўлиб туғилган-у, бироқ вужуди Чўл бўрисиники қилиб яратилган; у ҳақиқатан ҳам бўри деган тушунча-ишонч фақатгина унинг ўй-хаёли, касаллиги маҳсули. Мисол учун бу одам болалигида бир оз ёввойи, бебош ва бетартиб бўлган бўлиши, мураббийлари унинг вужудидаги йиртқич махлуқни ўлдиришиб, онгига шундай бир тасаввур, ўй-хаёл ва ишонч уруғини сепаган бўлишлари мумкин: сен аслида йиртқичсан, фақатгина устингга тарбия ва одамзод боласининг юпкагина филофи сирилган. Бу ҳақда узок гапириш, қизғин баҳслашиш, ҳатто китоблар ҳам ёзиш мумкин; бироқ бундан Чўл бўрисига заррача наф йўк, чунки бўрилик унинг вужудига сеҳр-жоду, афсун билан сингдирилганми ёки уриб, қоқиб киргизилганми ё бўлмаса, фақат тасаввур маҳсулининг ўзгинасимми, бу унга барибир эди. Бошқалар нима деб ўйлашлари-ю,



Харрининг ўзи бу ҳақда қандай фикрда бўлиши унинг учун сарик чақалик аҳамияти йўқ — ахир Бўри унинг танасидан мана мен деб ташқарига чиқиб қўя қолмасдида...

Шундай килиб, Чўл бўрисида инсонийлик ва бўрилиқ хусусиятлари мужассам эди. Бу қисмат у қадар ғайриоддий ҳамда камдан-кам учрайдиган қисматлардан эмасди, дейиш мумкин. Не-не замонлардан буён қанчадан-қанча одамлар ўтган. Баъзи бирлари кўпроқ итга ё тулкига, балиққа ёки илонга ўхшаш бўлишган. Бу ўхшашликлар уларнинг ўзларига заррача қийинчилик туғдирмаган. Ўша одамлар вужудида ёнма-ён яшаган икки хиллик бир-бирларига озор етказмаган, аксинча, бир-бирларига ёрдам берган. Иши юришган, маълум бир соҳада муваффақият қозонган, кўпчилик ҳавас қиладиган баъзи бир одамда, буни қарангки, ўша бахт-омадга эришган инсоннинг ўзига қараганда тулки ёки маймун нисбатан кўпроқ бўлар экан. Бу энди ҳар бир кишига маълум нарса. Ҳаррида эса, бутунлай бунинг акси эди. Унда Инсон ва Бўри ёнма-ён яшар, бироқ улар бир-бирларига камдан-кам ёрдам бериб, доимий хусумат, ашаддий душманлик муносабатида бўлишарди. Бир жон, бир тан бўлатуриб, икковлон бири-бирига душман бўлса, бундан ёмони йўқ. Албатта, ҳар кимнинг ўз тақдир-қисмати дегандай, бу йўлда ҳеч кимга осон тутиб бўлмайди.

Бизнинг Чўл бўримизда ҳолат шундай эдики, у ўзининг ҳиссиёти ичра ҳаммаси аралаш, қоришим: дам бўри, дам инсон бўлиб яшарди. Бироқ шуниси ҳам бор эдики, бўрилиқ пайтида унинг вужудида одам ҳамиша ҳушёр, сергак ва огоҳ бўлиб турар, инсон бўлган пайтида эса, бўри худди шундай ҳаракат қиларди. Масалан, Ҳарри инсон сифатида гўзал фикрга, ажойиб, олийжаноб ҳиссиётга эга бўлган ёки бирор эзгу иш қилаётган пайтида, унинг вужудида бўри тишлари каби бераҳм, қаҳрли, мас-хараомуз кулги қўзғалиб олийжаноб ҳатти-ҳаракатлар Чўл йиртқичига нақадар култили туюлишини билдириб қўярди. Бу бўри, ўзининг кўнгли нима тусабини яхши биларди,

чунончи, унга чўлма-чўл изғиб, вақти-вақти билан қон сўриб турса-ю, урғочи бўрини қувиш бўлса бас — инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати бўри наздида ўта қулгили, хижолатли, аҳмоқона ва такаббуруна, қуруқ бўлиб қоларди. Ҳарри ўзини гўё бўри ҳис қилиб, ҳаракат қилган, тишларини ғижирлатиб, барча инсонларга, уларнинг алдамчи, сохта ва айниган одат, қилиқ ҳамда муомалаларига нисбатан ўзида ашаддий душманлик ва нафрат туйган пайтда ҳам худди шундай бўлар эди. Бундай дамларда Инсон сергак бўлар, Бўрини қузатар, уни «мол», «ҳайвон» деб сўқар, унинг содда, соғлом ва ёввойи бўрилиқ вужудидаги бутун қувончига раҳна солар ва захарларди.

Хуллас, Чўл бўриси шундай яралган эди. Энди Ҳаррининг у қадар бамаъни ва бахтиёр ҳаёт кечирмаганлигини тасаввур этиш қийин эмас. Бироқ бу, у шу даражада, бутунлай бебахт бўлган, деган гап эмасди (гарчи унинг ўзига ҳам, ҳар бир инсон ўз чекига тушган қийинчиликларни улкан азоб-уқубатлар деб ҳисоблаганидек, ҳар ҳолда шундай туюлган бўлса-да). Бундай гапни эса ҳеч қайси бир инсон ҳақида гапириб бўлмайди. Қимнингдир тан-вужудида бўри бўлмагани билан, барибир, у бахтли бўлавермайди-да. Энг бебахт, бахтиқаро ҳаёт ҳам ўзининг қувончли, ёруғ кунларига, гўё қум билан тош ўртасидаги каби майда-майда бахт, омад гулларига эгадир. Чўл бўриси билан ҳам худди шундай бўлганди. Кўп ҳолларда у ўта бахтсиз эди, буни инкор этиб бўлмайди. Баъзилар уни ажойиб, ақлли ва ўзига ҳос инсон сифатида яхши кўрардилар, шунда тўсатдан унинг бўрилиги тутиб қолгач, дахшатга тушиб, ҳафсаласи пир бўларди. Улар шундай қилишга мажбур эдилар, чунки Ҳарри, ҳар бир жонли мавжудот сингари, бутунлай севилмакни истарди ва айнан шунинг учун меҳр-муҳаббатлари билан унга аҳамиятли бўлган одамлар олдида, ўзининг бўри эканлигини яширолмасди, уларни алдай ҳам олмасди. Қолаверса, шундайлар ҳам бўлардики, улар ундаги бўрини, озод, ёввойи, саркаш, хатарли ва қучли бир вужудни яхши кўрардилар, бироқ қўққисдан йиртқич, бешаф-

кат бўри одамга айланиб қолиб, яна эзгулик ва меҳрибонликни соғина бошласа, яна Моцартни тинглаб, шеърлар ўкиса, инсоният омонларига эга бўлишни хоҳлаб қолса, улар энди ундан шунақаям ихлослари қайтар ва ўта аянчли ҳолатга тушиб қолардилар. Худди ана шундайлар кўпинча ундан ўта даражада кўнгиллари қолиб, дарғазаб бўлишар, Чўл бўриси ўзининг иккиёкламалиги-ю, иккиюзламачилигини, ихтилофу зиддиятларини ўзидан мутаассир бўлган бошқа бировларнинг тақдир-қисматларига ҳам шу тарика олиб кирарди.

Ким агар Чўл бўриси ва унинг аянчли, ночор ҳамда зиддиятли ҳаётини яхши биламан деса, янглишади, чунки у ҳали кўп нарсани билмайди. У билмайдики (истисносиз коида бўлмаганидек, бир гуноҳкор банда маълум шароитларда тўксон тўққиз тақводордан кўра, сийланганлар қаторида бўлиб қолиши мумкин), Ҳаррида ҳам истисноли ҳоллар ва омадли имкониятлар кўп бўлган. У дам бўри, дам инсон бўлиб, озод, тинч ва беташвиш яшаб, фикр юритган, икковлон гоҳ-гоҳида, санокли соатлардагина муросага келиб, бир-бирига меҳр-муҳаббат соғинган. Бундай пайтларда икковлон бир бўлиб, икки баравар куч-қудратга эга бўлишган. Бу инсоннинг ҳаётида ҳам, бутун оламда бўлганидек, баъзан барча одатдаги, кўникиб кетилган кундалик турмуш, маълум ва мунтазам, доимий, ўзгармас нарсаларнинг маънисини бир сониялик танаффусдек туюлиб, фавқулудда нарсаларга, мўъжиза ва раҳм-шафқатга йўл бўшатаётгандек кўринган. Энди мана шу қисқа, онда-сонда бўлган бахтли дамлар Чўл бўрисининг оғир қисматини текислаб, тўлдириб, енгиллатиб, барча азоб-уқубатларни ўзига олиб, сингдириб, афзал бир устунликни ҳосил қилгани, бу энди яна бир масалаким, бу хусусда бекорчи одамлар хоҳлаганларича ўйлаб, фикр юритиб, мулоҳаза қилиб кўраверадилар. Чўл бўрисининг бу ҳақда ўйлаб, мушоҳада қилгани бесамар ўтган кунлари ҳисобланарди.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш лозим. Ҳаррига ўхшаган одамлар жуда кўплаб топилади. Кўплаб

санъаткорлар ҳам худди шу тоифага мансубдирлар. Бу одамларда икки дил, икки табиат мавжуддирки, улардаги илохийлик ва шайтонийлик, ота-она қони, бахт-омад, азоб-изтиробга қодирлик Ҳарридаги бўри ва инсон бирига қандай боғланган бўлса, бир-бирлари билан шундай душманларча, бетартиб, чигал ва тумтароқ боғланиб кетган. Бундай одамларнинг ҳаёти ўта беҳаловат бўлади, улар гоҳида, ўзларининг камдан-кам бахтиёр онларида шунақанги қудратли ва таърифга сифмайдиган гўзал воқеаларни бошидан кечиришадики, шу бир лаҳзалик бахт-омад кўпиги кўзларни қамаштирарли даражада қайнаб чикиб, изтироб денгизи қирғоқларидан тошиб кетади ва бу қиска чакнаган бахт-омад бошқаларга ҳам таъсир қилиб, уларни мафтун этади. Барча ўша санъат асарлари ҳам шу тарика ўткинчи, қимматбаҳо бахт-омад кўпиги янглиғ вужудга келади. Бу асарларда ёлғиз, танҳо изтироб чекаётган инсон бирор соатга бўлса-да, ўз тақдири узра ўзини шу қадар юксак намоён этадики, унинг бахти юлдуз бўлиб чараклайди ва буни кўриб турганларнинг барчасига бу нарса абадиятдек туюлади, ўзларининг бахт-омад, орзулари ҳам рўёбга чиқаётгандек кўринади. Бундай инсонлар ўз асарлари ва хатти-харакатларини қандай хохлашса, шундай атайверсинлар, бироқ уларда умуман ҳаёт деган нарсанинг ўзи бўлмайди, бу дегани, уларнинг турмушида ҳаёт асари кўринмайди. Улар энди ҳакам, ҳаким, этикдўз ёки муаллим сингари қахрамон ёхуд санъаткор, мутафаккир эмас, балки ҳаёти абадий азоб берадиган ғимир-ғимир ҳаракат ва шовқин-сурон, бахтсизлик ва изтиробларга тўла, дахшатли, бемаънидирким, токи шундай ҳаёт бетартибликлари узра порлаб турган худди ўшандек, камдан-кам содир бўладиган кечинмалар, фаолиятлар, фикрлар ва асарлардан ортиқ маъно изламай қўядилар. Бундай тоифадаги инсонлар ўртасида бошқа бир фикр ҳам мавжуддирки, гўё Инсон эҳтимол, нафақат чала-ярим, ярим-ёрти онгли хайвон, боқий, абадий яшаш учун яралгандир, деган фикр ҳам пайдо бўлган.

Хар бир инсоннинг ўз белгилари: овози, фазилати ва иллатлар, кечирилмас гуноҳлари бор. Чўл бўрисининг ўзига хос белгиси — у кечкуруннинг одами эди. Эрта тонг пайти унга ҳеч қачон яхшилик келтирмаган, шунинг учун бу ёмон палладан жуда кўрқар эди. У эрталабки чоғлар бирор марта бўлса ҳам хурсанд бўлмаган, эзгу иш қилмаган, миясига яхши бир фикр ҳам келмаган, шунингдек, ўзига ва бошқаларга шодлик улашмаган. Тушдан кейингина у секин-аста ўзига келар, тирилар, кеч тушгандагина чехраси ёришиб, баъзан яшнаб ҳам кетар, хайрли, савоб ишларини жўшқинлик билан давом эттирарди. Ундаги ёлғизликка ва мустақилликка бўлган эҳтиёж ҳам худди шу нарса билан боғлиқ эди. Ҳали ҳеч бир инсон ўзида мустақилликка унингчалик чуқур, эҳтиросли эҳтиёж сезмаган. Ёшлик чоғларида, ҳали у камбағал ва бир бурда нонни қийинчилик билан топиб юрган пайтларидаёқ, бир бахягина мустақилликни сақлаб қолиш илинжида оч қолишни, эски, жулдур кийим кийиб юришни афзал кўрган. У ҳеч қачон пулга ва фаровон ҳаётга, аёлларга ва кучлиларга сотилмаган, эркинлигини сақлаб қолиш учун, керак бўлса, юз марта-лаб, барчанинг кўз ўнгида ўз фойдаси, манфаати ва бахтидан воз кечиб юборган. Унинг учун бу оламда бирор вазифада, мансаб-лавозимда ишлаш, кунлар ва йиллар бўлинишига риоя этиш ҳамда бошқа бировларга бўйсунишдан кўра дахшатлироқ ва жирканчлироқ тасаввур йўқ эди. Идора, ишхона, муассасалардан худди ўлимга дуч келгандек нафратланар эди. У тушида кўриши мумкин бўлган бирдан-бир, энг дахшатли нарса — казармада ҳибсга олиниши. У бундай вазиятлардан катта қурбонлар бериб бўлса-да, кўпинча ўзини усталик билан олиб қочарди. Унинг куч-қудрати ва фазилати шунда бўлиб, шу сабаб, букилмас ва сотилмайдиган, виждонли одамнинг иродаси ҳам мустаҳкам эди. Унинг изтиробли қисмати худди шу химмат-саховат билан чамбарчас боғланган, аҳволи-руҳияси ҳам, барчаники қандай бўлса, шундай эди: у бутун вужуди билан ниманики изласа, истаса,

нимагаки интилса, ўша нарса унга, албатта, насиб этарди. Бироқ бир одамга бу кўплик қиларди. Даставвал, унинг орзулари рўёбга чиқиб, бахти чопган бўлса, кейинчалик аччиқ тақдир чекига тушди. Ҳаёт шундайки, хукмдор ҳокимият деб, пулга тузук қўйган одам пул деб, лаганбардор хушомадгўйлик ортида, ўйин-кулгига ўч одам эса, кайфу сафо, маишат деб, ўзини ҳалок қилади. Чўл бўриси бўлса, мустақиллик деб, ўз бошига етди. У ўз мақсадига эришди, у тобора, борган сайин мустақилроқ бўла борди, ҳеч ким унга буйруқ беролмас, у ҳеч кимнинг изидан, йўлидан бормас, ўз турмуш тарзини ўзи ёлғиз, эркин ва мустақил равишда ҳал этарди. Чунки ҳар қандай кучли инсон ниманики изласа, унга интилса, ўша нарсага, албатта, эришади. Бироқ ана шу эришилган эркинликнинг ўртасига борганда, Ҳарри кутилмаганда шуни сезиб қолдики, эркинлик унинг учун ўлим билан баробар экан. У ўзи ёлғиз қолган, борлик дунё уни буткул ва ваҳимали тарзда холи қўйган, энди унинг одамлар билан ҳам, ўзи билан ҳам иши йўқ эди. Ҳарри энди ёлғизлик ва алоқа-муносабатларсиз муҳитнинг борган сайин торайиб бораётган ҳавосидан аста-секин бўғила бошлаганди. Чунки танҳолик ва мустақиллик унинг истак-хоҳиши, мақсадигина эмас, балки қисмати, унга айтилган ҳукм эканлиги аён бўлиб қолди. Айтилган сирли ният амалга ошиб бўлган, энди уни ортга қайтариб бўлмасди. У энди соғинч ва яхши ният билан қўлларини чўзиб, алоқа-муносабатларга ҳозир бўлгани билан, энди ҳеч нарса унга ёрдам беролмасди: уни ёлғиз ташлаб кетишганди. Бу борада у одамларга ёқмай қолган ёки уни сал бўлса-да, ёмон кўриб қолишган эмасди. Аксинча, унинг дўстлари жуда кўп эди. Уни кўпчилик яхши кўрарди. Бироқ буларнинг барчаси унга нисбатан шунчаки хайрихоҳлик ва илтифотгина эди, холос. Унинг номига таклифномалар келар, унга совғалар инъом қилишар, ажойиб мактублар ёзишарди. Бироқ ҳеч ким у билан алоқа-муносабат қилмас, дардлашмас ва бунга қодир ҳам эмасди. Уни энди ёлғиз бир ғарибнинг дим ҳавоси,

сокин мухит, билинар-билинемас, сирғалиб кўздан ғойиб бўлаётган атроф-олам, алока-муносабатларга ноқобиллик ўраб олгандиким, уларга қарши энди ҳеч қандай бир истақ ёки хоҳиш бирон нима қила олмасди. Бу — унинг муҳим ҳаётий белгиларидан бири эди.

Ҳеррининг яна бошқа белгиларидан бири, ўз жонига қасд қилувчилар тоифасига мансублиги эди. Кучли кўриши, шахсият, қудратли тақдирга эга бўлмаган, ўрта-миёна (ўзига хос сифатларни йўқотган) одамлар орасида ҳам (гарчи улар шахсияти нуқтаи назаридан ўз жонига қасд қилувчилар тоифасига мансуб бўлмасалар-да), ўз жонига қасд қилиб, ҳалок бўладиганлар оз эмас. Айни пайтда эса, табиатан ўз жонига қасд қилувчиларнинг жуда кўпчилиги, эхтимол, аслида ўз жонига қасд қилмайдилар. «Ўз жонига қасд қилувчи» — Ҳарри ҳам уларнинг бири эди. У ўлим билан жуда яқин алоқада бўлиб яшаши шарт эмас — ўз жонига қасд қилувчи бўлмай туриб ҳам бунга эришиши мумкин. Бирок бу тоифадагиларнинг ўзига хос бир хусусияти борки, бу ҳам бўлса, ўзининг «мен»ини, ҳақми, ноҳақми, барибир, ўта хавфли, шубҳали ва хавф-хатар остида қолган табиат ибтидоси, деб билади. Ҳарри ҳам ўзини доимо фавқулодда хавф остида деб ҳисоблайди, гўё у қоя чўққисининг энг учида, энг тор жойида турибди-ю, ташқаридан заррагина туртки ёки ичкаридан зиғирдаққина заифлик бўлса бас, бўшлиққа «гул» этиб қулаши турган гап... Деярли эрта ёшлиқданок намоён бўла бошлайдиган ва бундай одамларга бутун умр бўйи ҳамроҳ, йўлдош бўладиган бундай кайфиятни юзага келтирувчи шарт-шароит ҳаётбахш кучнинг ўта заифлигидагина эмас. Аксинча, «ўз жонига қасд қилувчилар» орасида ҳам фавқулодда сабот-матонатли, чидамли; жасур ва бинойидек инсонлар учраб туради. Аммо салгина дардга иситмаси кўтариладиган, хасталикка мойил кишилар ҳам учрайдики, биз уларни «ўз жонига қасд қилувчилар» деб атаймиз — улар ҳамиша ўта сезгир ва ҳассос бўлишади — бундайлар озгина рухий изтиробга учраши биланок дарҳол ўз

жонларига қасд қилиш хаёлига берилдилар. Агар бизда хадеб хаёт ходисалари механизмлари эмас, балки унинг ўрнига одамлар билан ҳам шуғулланишга ўзида жасорат ва масъулият топа оладиган антропология ёки психологияга ўхшаганми, илм-фан бўлганда эди, бу далиллар ҳар бир кишига маълум ва равшан бўлган бўлур эди.

Биз юқорида ўз жонига қасд қилувчилар хусусида нимаики айтиб ўтган бўлсак, албатта, барчаси ўз-ўзидан сирт, юзага тааллуқли ҳамда психология ва физиканинг узвий бир қисми, дейиш мумкин. Метафизик жиҳатдан олганда, бу масала бошқачарок ва янада равшанроқ кўрилади, чунки бундай қараганда «ўз жонига қасд қилувчилар» бизга ўзларини индивидуаллашишнинг айбдорлик ҳис-туйғулари билан камраб олинганлар қилиб тасвирлайдилар. Шундай бўлса ҳам, улар биз учун, барибир, ўз жонига қасд қилувчилар ҳисобланади, чунки улар ўз нажотларини хаётда эмас, ўлимда деб билдилар, улар ўзларини камситишга, ерга уришга ва қурбон қилишга, ўз хаёт шамларини ўзлари ўчиришга ҳамда ибтидога қайтишга ҳамиша шай турадилар.

Ҳар қандай куч ҳам бир кунмас, бир кун заифлашиши мумкин бўлганидек (маълум шарт-шароитлар шунга олиб келади ҳам), типик ўз жонига қасд қилувчи, аксинча, ўзининг муайян заифлигидан кўпинча куч ва таянч кидиради, кўп ҳолларда уни топишга эришади ҳам. Ҳарри — Чўл бўриси хусусида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин. Ўзига ўхшаган минглаб кишилар сингари, у ҳам ўлим сари йўл унга ҳар доим очик турганлигини тасаввур қилиб, бу фақат ёшликнинг дилгир ўй-хаёлларга берилиш ўйини эмаслигини тушуниб етиб, худди шу фикрдан келиб чиққан ҳолда ўзига таскин ва тасалли, таянч топа олди. Унинг тоифасидаги барча кишиларга ўхшаб, вужудидаги ҳар бир рухий изтироб, ҳар бир азоб, турмушдаги ҳар бир ёмон ҳолат уни ҳам ўлимга чорлар ва даъват этарди. Мана шу мойилликдан у аста-секин хаётга хизмат қиладиган фалсафани ярата борди. Хаётдан кетиш учун эҳтиёт чораларининг ҳамиша мавжудли-



ги хакидаги фикрнинг яқинлиги унга куч-қувват берди, уни азоб-изтиробларни, ёмон ҳолатларни бошдан кечириб кўришга қизиқтириб қўйди. Энди у ўта чор-ночор қолган пайтларида, ичи қораликнинг бир тури бўлган захархандалик билан ўзига-ўзи шундай дер эди:

— Ахир мен бир одамнинг сабр-бардоши қанчага етишини кўришга қизиқяпман-ку! Сабр-бардош сарҳадига етгудек бўлсам, эшикни очаман, у ёғи тамом-вассалом...

Мана шу хилдаги фикрдан фавқулудда, мисли кўрилмаган даражада куч-қувват оладиган ўз жонига қасд қилувчилар жуда кўплаб топилади.

Яна бир тарафи, барча ўз жонига қасд қилувчиларга ўз жонига қасд қилиш васвасасига қарши курашиш ҳам маълум. Ҳар бир кишининг ўз кўнглида, дилида ўз жонига қасд қилишдан қутулиш йўли, чораси бўлса-да, барибир, у ожиз, нотаваон ва ноқонуний йўл эканлигини яхши билади. Аслида ўз ҳаётингга ўзинг зомин бўлгандан кўра, ёшингни яшаб, ошингни ошаб, вақт-соатинг, қисматинг етганда оёқ узатиб кетганга не етсин. Буни билиш имон-сизлик ва унинг бош сабаблари бўлмағур бўлганидек, кўпчилик «ўз жонига қасд қилувчилар»ни ҳам ўз жонига қасд қилиш васвасасига қарши доимий кураш олиб боришга даъват этади. Клептоман\* ўз иллатига қарши қандай курашса, улар ҳам худди шундай кураш олиб борадилар. Чўл бўрисиغا ҳам бу кураш яхши маълум бўлган, уни хилма-хил, турли-туман ўзгарувчан қуроллар воситасида олиб борган. Ниҳоят, салкам қирқ етти ёшида унинг миясига ажойиб ва жиддий бир фикр келиб қолади. Бу фикр унинг ўзини ҳам кўпинча шодлантириб юборарди. У ўзи эллик ёшга тўладиган кунни махсус белгилаб, худди шу куни ўз жонига қасд қилишни режалаштиради. Сўнгги чорани қўллаш ё қўлламаслик масаласини шу куннинг кайфиятига қараб ҳал этишни ўзи билан ўзи қилишиб олади. У истаган нарса содир бўлиши, қутилмаганда касал бўлиб қолиши, қашшоқлашиши, алам ва

---

\* *Клептоман* — ўғирлик қилишга мойиллик уйғотувчи руҳий касалликка чалинган киши.

изтиробларни ўз бошидан кечириши мумкин эди, албатта барчасининг вақти-соати бор эди. Ўша «нимадир» содир бўлиши мумкин бўлган йиллар, ойлар, кунлар сони эса тобора қисқариб борарди! Ҳақиқатан ҳам илгарилари унга нафақат оғирроқ ва узокроқ азоб берган, балки товонигача зиркиратиб юборган айрим кўргилик, ғамкулфатларни энди у бир оз енгилроқ ўтказиб юборарди. Қандайдир сабабларга кўра ахволи ўта оғирлашган, ҳаётидаги рухий тушкунлик, ғариблик ва ёввойиликка энди бошқа азоблар ёки йўқотишлар ҳам келиб қўшилган пайтларда, у ана шу азобларга қарата: «Шошмай туринглар, яна икки йил сабр қилинглар, ана ундан кейин ўзим сизларнинг ҳукмдорингиз бўламан!» дерди ва яна ўй-хаёллар гирдобига кўмилиб кетарди. Эллик ёшга тўлган кунда эрталабдан хатлар ва табрикномалар келишини тасаввур қиларкан, ўз ортидан эшикни аста ёпиб, устасини ишга солиб, барча азоб-укубатлардан биратўла қутулиб қўяқолишни кўнглига тугиб қўярди. Ўшанда балким суяклардаги подагра, дилгирлик, бош оғриғи ва ошқозондаги дарду иллатлар ҳам бутунлай барҳам топармиди...

Чўл бўрисининг шахс феноменини, хусусан, унинг мешчанликка бўлган ўзига хос муносабатини бу ходисаларнинг асосий қонунларига боғлаб, тушунтиришга уриниш ортикчадир. Мисол учун, унинг ўша «мешчанликка» бўлган муносабатини бошланғич нуқта сифатида олиб кўрайлик.

Чўл бўриси, ўзининг фикр-қарашлари бўйича, мешчанлик олаmidан бутунлай ташқарида бўлган, чунки у на оилавий ҳаётни, на ижтимоий шуҳратпарастликни билган. У ўзини мутлақо ўзига хос, бошқача одам, гоҳ касалманд дарвеш, гоҳ эса меъеридан ортик, даҳоларга ўхшаган қобилиятли, ўртамиёна ҳаётнинг майда меъерларидан улуғвор бўлган шахс сифатида хис қиларди. Ҳарри буржуйдан онгли равишда нафратланар, буржуй бўлмаганидан фахрланарди. Шундай бўлса-да, барибир, у баъзи бир жихатдан бутунлай мешчанларга ўхшаб ҳаёт

кечирарди, унинг банкда пули бор эди, камбағал, бева-  
бечора, қариндош-уруғларни ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-  
қувватлаб турарди. У кийинишга унчалик ҳам эътибор  
беравермас, кўзга ташланмайдиган, одми кийим киярди.  
Полиция, солиқ идораси ва шунга ўхшаш бошқа маъ-  
мурлар билан аҳилликда яшашга ҳаракат қиларди. Бирок  
бундан ташқари, у мешчанларнинг майда оламини, озода  
боғчалар, топ-тоза, ялтиратиб тутилган зина майдонча-  
ларига эга бўлган ва тартиб-интизом ҳамда одоб, одам-  
шавандаликнинг камтарона хавоси уфуриб турган со-  
кин, бамаъни хонадонларни доимий равишда кучли, ички  
бир иштиёқ билан соғинар, қўмсарди. Унга ўзининг май-  
да иллат ва тентакликлари, ўзини мешчанлар оламидан  
ташқарида, ўзига хос одам ёки даҳо ҳис қилиб яшаш  
ёқар, лекин таъбир жоиз бўлса, у ҳеч қачон мешчанлик  
йўқ бўлиб бораётган овлок, чекка вилоятларда яшамаса,  
бундай жойларни макон тутмасди. У на зўравон, на фав-  
кулодда қобилият эгаларининг ва на жинойтчилар ёхуд  
ҳақ-ҳуқуқсизларнинг орасида ўзини яхши ҳис қиларди,  
балки ҳамиша шундай фуқаролар билан бирга истиқомат  
қилардики, уларнинг одатлари, меъёр ва муҳити билан  
(гарчи у зиддият, ғулғула ва изтироблардан иборат бўлса  
ҳам), яқин ва доимий алоқада бўларди. Бундан ташқари,  
майда мешчанлар тарбиясини олганлигидан ўша тараф-  
дан ҳам бирталай андаза ва тушунчаларни ўзида саклаб  
қолган эди. У фоҳишалikka назарий жиҳатдан қарши  
бўлмаса-да, шахсан қизлар билан жиддий муносабатда  
бўлиш ва уларни ўзига ўхшаш деб қараи унинг қўлидан  
келмасди. Сиёсий жинойтчи, инқилобчи ёки маънавий  
фосик, давлат ва жамиятни ман қилганларни у ўз оғаси-  
дек яхши кўрарди, бироқ ўғри, томтешар, садист-қотил-  
лар билан, кейин мешчанларга хос афсус-надомат чекиб  
юрмаслик учун, умуман ва ҳеч қачон ош-қатик бўлмасди.

Шу тарика у ўз вужуди ўзгаришлари ҳамда хатти-  
ҳаракатларининг ярмини тан олар ва ҳамиша маъқуллар,  
қолганини эса инкор қилар, унга қарши кураш олиб бо-  
рарди. Авайлаб-асралган, нафис ва гўзал мешчан хона-

донида ўсиб-улғайганидан ва ўз шакл-шамойили, хулқ-одобини сақлаб қолганидан аллақачонок мешчанликка мос мезонлардан чиқиб, мослашиб, ўзини мешчанлик омол ва эътиқодидан халос қилганидан сўнг ҳам, вужудининг бир бўлаги билан у ҳамон ана шу оламнинг тартиботларига илиниб, илакишиб юрарди.

«Мешчанлик» тушунчаси ҳам аслини олганда, инсон хулқи, хатти-ҳаракатлари ўртасидаги сон-саноксиз карама-қарши ҳолатлар ва зиддиятларни мувозанатлаштириш ва бараварлаштиришга бўлган уринишдан, интилишдан бошқа нарса эмас. Ана шу зиддиятлардан биронтасини, мисол учун, такводор билан бузуки ўртасидаги ҳолатни оладиган бўлсак, муқоясамиз дарҳол тушунарли бўлади-қолади. Инсон ўзини буткул маънавиятга бағишлаш, илоҳийликка яқинлашишга ҳаракат қилиш, такводорликка берилиш имкониятларига эга. У аксинча, ўз имкониятларини бутунлай жинсий ҳаётга, кўнглининг майл-истакларини кондирishга йўналтириши, ўзининг бутун интилишларини бир зумлик хою-хавасларга, кайф-сафо, маишатга сарф этиши ҳам мумкин. Биринчи йўл такводорликка, руҳнинг шу йўлда жафо чекишига, ўзни ўзига топширишга олиб боради. Иккинчи йўл эса бузукликка, хою-хаваслар азобига, ўзни айнишга, бузилишга, таназзулга маҳкум этишга элтади. Оддий фуқаро иккаловининг ўртасида муътадил, холисона яшашга ҳаракат қилади. У ҳеч қачон на кайф, на таркидунёчиликдан воз кечади, у ҳеч қачон жафокаш такводор бўлолмайди. Ўзининг махв этилишига ҳам рози бўлмайди, аксинча, унинг омоли садокат, фидокорлик эмас, балки ўз «мен»ини сақлашдир. Унинг интилиши илоҳийликка ҳам, унинг аксига ҳам дахлдор эмас, чексизлик унинг учун жуда оғир. У, албатта, Яратганнинг измида бўлади, лекин шу билан бирга, кайф-сафони ҳам эсдан чиқармайди. У ҳимматли, саховатли бўлиш билан биргаликда, Ер юзида бир оз яхши яшашни ҳам хоҳлайди. Қискаси, у карама-қаршиликлар ўртасидаги муҳитда, кучли бўронлар ва момақалдиروقлар бўлмайдиган ўртамиёна, холисона ва қулай

жойда кўним топишга ҳаракат қилади. Бирок чексизлик ва ноиложликка йўналтирилган ҳаётбахш этадиган ўша турмуш ва ҳис-туйғулар жўшқинлиги эвазига бунга муваффақ ҳам бўлади. Қизғин ва жўшқин яшаш мумкин, фақат энди «мен» эвазига. Фуқаро энди «мен»дан, ҳар ҳолда ўсмай, ривожланмай қолган «мен»дан бошқа ҳеч нарсани тан олмай кўяди. У энди жўшқинлик эвазига хотиржамлик ва хавфсизликка эришади. Яратганга астойдил сифиниш ўрнига виждон хотиржамлигини қўлга киритади, хурсандчилик ўрнига хузур-ҳаловатга, эркинлик ўрнига қулайликка, ўлим талвасасида куйиб-ёниш ўрнига ёқимли ҳароратга эга бўлади. Фуқаро шунинг учун ҳам ўз моҳиятига кўра, заиф ҳаёт омилига эга бўлган мавжудотдир, у кўрқок, юраксиз ва журъатсиз, ҳар бир бой беришдан чўчиб, ҳадиксирайди, уни осон бошқарса бўлади. У шунинг учун ҳам ҳокимият ўрнига (овозларнинг) кўпчилигини, куч ўрнига қонунни, масъулият ўрнига овоз бериш тартибини жорий қилган.

Бу кучсиз, кўрқок одамлар сон жиҳатидан шу қадар кўп бўлса ҳам, ўз хусусиятига кўра, оламда адашиб, дайдиб юрган бўрилар галаси орасига тушиб қолган қўзичоклар бажарадиган вазифадан бошқасининг удласидан чиқолмаслиги кундай равшан. Шундай бўлса-да, кучли шахслар ҳукмронлик қилган даврларда фуқаро исқанжага олингани, шунга қарамасдан, барибир, завол топмай, баъзан дунёни бошқариб келгани тарихдан маълум. Бу қандай мумкин бўлар экан? Уни ҳалокатдан қутқариб қолиш учун на сурув-сурув пода, на хайр-саховат, на «common sense»\* ва на ташкилотчилик етарли бўлмас эди-ку. Қимдаки яшаш жўшқинлиги аввал бошдан заиф, кучсиз бўлган бўлса, унинг ҳаётини дунёдаги ҳеч қандай тиббиёт саклаб қололмайди. Бирок шунга қарамасдан, буржуазия ҳамон яшаб келмоқда, у мудом кучли ва гуллаб-яшнамоқда. «Хўш, нима учун?» деган савол туғилади.

Жавоб эса тайёр: Чўл бўриларининг борлиги туфайли. Аслида буржуазиянинг ҳаётбахш кучи ҳеч қанақаси-

\*Common sense – соғлом ақл (ингл.).

га унинг соғлом, эсли-хушли аъзолари хусусиятларида эмас, балки омолларининг мужмаллиги ва мослашувчанлиги оқибатида кўшиб-камраб олинган фавқулодда кўп сонли ёт, бегона кишиларнинг фазилатларидадир. Буржуазияда ҳамиша бирталай кучли ва ёввойи табиатли шахслар яшаб келади. Бизнинг Чўл бўримиз Ҳарри бунга ёрқин мисолдир. У фуқарога мос мезондан чиқиб, шахс сифатида шаклланган бўлиб, мушоҳаданинг мазасини нафрат ва ўз-ўзидан нафратланишнинг маънос қувончлари янглиғ яхши билса-да, конундан, яхши хислатлардан ва «common sense»дан ҳам нафратланишига қарамасдан, барибир, буржуазиянинг зўрма-зўраки маҳбусидир ва ундан қочиб қутулолмайди. Шундай қилиб, ҳақиқий буржуазия оммаси атрофида инсониятнинг кенг қатламлари, кўп минглаб кишилар ва зиёлилар уюшадики, уларнинг ҳар бири буржуазиядан ўсиб чиққан чексизликда ҳаёт кечириш учун туғилган бўлса-да, барибир, уларга буржуазиянинг бачкана ҳис-туйғулари ҳос ва унинг ҳаёт жўшқинлиги заифлигидан бир чимдим юктириб олган. Улар буржуазияда қандайдир туриб қолишган, унга қандайдир даражада тобе, бурчли ва қарамдирлар. Алалхусус, улуғларнинг: «Кимки менга қарши бўлмаса, у мен тарафдир» — деган тесқари тамойили айнан буржуазияга ҳосдир.

Шунга асосан, Чўл бўрисининг қалб, кўнглини тафтиш қиладиган бўлсак, у ўзини, азвало, Инсон сифатида намоён этади, индивидуаллашишнинг юксак даражаси унинг фуқаро эмаслигини кўрсатади — чунки барча юксак бошқарилаётган индивидуаллашиш «мен»га қарши, қолаверса, унинг парчаланишига ҳам мойилдир. Биз унинг ҳам такводорлик, ҳам фосиклик йўналишлари бўйича ўзида кучли омилларга эга эканлигини кўрамиз, бироқ қандайдир заифлиги ёки ланжлиги туфайли кенг, бепоён коинот томон қанот қоқа олмаган ҳамда буржуазиянинг бачадонидаги буржларга боғланиб, ўралашиб қолган. Бу — унинг дунё сахнидаги ҳолатини, унинг эркин эмаслигини, қўл-оёғи боғланганини кўрсатади. Кўпгина ақл-заковат соҳиблари, санъаткор одамлар худди шу тои-

фага мансубдирлар. Улардан фақат энг кучлиларигина фукаролик худуди атмосферасини ёриб ўтиб, коинотга чиқадилар. Бошқалари эса, ўзларининг кучсиз эканини тан олиб, таслим бўладилар ёки муросага келадилар, улар буржуазиядан нафратланганлари холда, шу тоифага мансуб бўлиб қолаверадилар, уни мустаҳкамлаб, шухратини ёяверадилар, натижада, келгусида яшай олиш учун, тузумни маъқуллашга ҳам мажбур бўладилар. Кўпчиликни ташкил этган бу одамларга фожиа эмас, балки анча-мунча омадсизлик ва аччиқ тақдир ҳам камлик қиладики, шунинг жаҳаннамида уларнинг истеъдодлари қиёмига етади ва сермахсул бўлади. Тўдадан ажралган озчилик қисми эса, чексизликка кириб боради ҳамда таажжубланарли тарзда инкирозга юз тутди — уларнинг қисмати фожиали кечади. Бошқаларига — қўл-оёқлари боғланиб қолганларга — уларнинг иззат-хурматини жойига қўйган буржуазия кўпинча учинчи империя — алдамчи, аммо суверен дунё: юмор очик юзини намоён этиб туради. Доимий ва даҳшатли тарзда изтироб чекадиган тиниб-тинчимас, беҳаловат, жонсарак Чўл бўрилари фожиавийликка, юлдузлар оламига ёриб ўтишга зарур бўлган куч-қувватдан қолганларида ўзларини чексизлик учун туғилган, деб ҳис қилсалар-да, унда яшай олмайдилар. Агар рухлари изтироб туфайли кучли ва мослашувчан бўлиб қолган бўлса, улар учун юмор сари муроса-мадора йўли очилади. Юмор, гарчи уни ҳақиқий фукаро тушунишга кодир бўлавермаса-да, ҳамиша буржуазияга қандайдир даражада мансуб бўлиб қолаверади. Унинг ёлғондакам, сохта моҳиятида барча Чўл бўриларининг чалкаш, чигал ва парчаланувчан омоллари амалга ошаверади: унда бир вақтнинг ўзида нафақат руҳоний ва фосиққа нисбатан ижобий муносабатда бўлиш, кутбларни бир-бирига эгиш мумкин, балки яна фукарони ҳам шунга розилигини олиш имкони туғилади. Тангрини астойдил севган банда вақти келса, жинойтчиға нисбатан ҳам ижобий муносабатда бўлиши мумкин. Аксинча, бошқа барча чексизликка даъват этилганлар, ўша

бетараф, бефарк давра — буржуазияни маъқуллашлари амримахолдир. Ёлғиз Юморгина — ўз вазифа, бурч, қисмати бўйича энг оғир, қийин, танг ахволга тушиб қолган, деярли фожиали, энг қобилиятли, бироқ бахтсиз одамларнинг ажойиб ихтироси — (эхтимол, одамзоднинг ўзига хос ва энг дохиёна ютуғиям шу бўлса керак) умуман шу иложи йўқ нарсани амалга оширади, инсониятнинг барча қатламини ўз призма нурлари билан қамраб олиб, бирлаштиради. Дунёни гўё дунё эмасдек яшаш, қонун билан ҳисоблашган ҳолда ундан юқори туриш, эгалик қилмаётгандек тасарруф этиш, инкор қилмагандек воз кечиш — юксак ҳаёт донишмандлигининг мана шу барчага севимли бўлиб қолган ва кўпинча аниқ ифода этилган талабларини амалга оширишга ёлғиз Юморгина кодирдир.

Агар Чўл бўрисига ўз дўзахининг дим, чигал-чалкашликлари узра мана шу сеҳр-жодули «ичимлик»ни обдан қайнатиб, тер билан чиқариб юбориш насиб қилганда эди, бунинг учун унинг истеъдод ва иштиёқи етарли, ана ўшандагина у халос этилган бўларди. Бу йўлда ҳали унга яна кўп нарса етишмайди. Бироқ умид қилса бўлади, бунинг учун имкониятлар ҳам мавжуд. Кимки уни севса, қисматига шерик бўлса, унга мана шу нажотни тилай олади. Шу туфайли у, албатта, бир умрга буржуазияда қолган бўлар, унинг азоб-изтиробларига чидай олар, улар ўз маҳсулини бера бошлар эди. Унинг мешчанлик оламига бўлган муносабати, муҳаббат ва нафрати ўз ҳассослигини йўқотган ва бу дунёга боғланиб қолишлиги ортиқ бадномлик бўлиб қийнамаган, ўз-ўзидан барҳам топган бўларди.

Бунга эришиш, коинотга етишиш учун яна бир бор журъат қилиб кўришдан олдин, бундайин Чўл бўриси, аввало, ўз-ўзига бир қарама-қарши, юзма-юз (бақамти) қўйилиши, солиштирилиши, қалб-кўнглининг чигалликларига теранроқ назар ташлаши ва эс-хушини тўларок англаб олиши керак бўлади. Ўшандагина унинг ўзгармас, бир зайлда туюлган шубҳали, даргумон тириклиги



чок-чокидан сўкилиб, очилиб колган бўлар эди. Энди у бундан буён ўз майл-истаклари жаҳаннамидан ҳассос фалсафий тасалли-таскин топмаган, бундан эса яна кўркўрона бўрилик даъво қила олмаган бўларди. Инсон ва Бўри бир-бирларини сохта хис-туйғулар никобисиз таний олишга, бир-бирларининг кўзларига тик боқишга мажбур бўлишарди. Шундагина улар ё портлаб, тилкапора бўлган ёки бир-бирларидан бир умрга юз кўрмас бўлиб, ажрашарди. Ана шундагина ҳеч қандай Чўл бўриси ҳам бўлмасди, улар юморнинг юксалаётган ёғдуси остида бир-бирлари билан оқилона турмуш қуради.

Харри бир кунмас, бир кун мана шу сўнгги имконият маррасига ҳам етиб бориб қолар, балки. Эҳтимол, кунларнинг бирида у ўз-ўзини танишни ўрганар, кичкинагина кўзгумизни кўлига олар ё умрибоқийларни учратиб қолар ёки мағиявий театрларимиздан бирида ўзи излаётган — ҳувиллаган қалбини ҳалос этишга ёрдам берадиган нарсани ҳам топиб олар. Унга бундайин минглаб имкониятлар мунтазир, унинг тақдирини, ихтиёрини олиб кўядиган даражада ўзига чорламоқда, буржуазиядаги барча бундай одамови, дамдузлар шундайин мағиявий имкониятлар вазиятида яшайдилар. Яшин уриши учун эса, арзимаган нарса кифоя қилади.

Буларнинг барчаси, гарчи Чўл бўриси ўз ботиний таржимаи ҳолининг бундайин тузилишини ҳеч қачон кўра олмаса ҳам, унга жуда яхши таниш. У дунё биносидаги ўз ўрнини олдиндан кўради, умри боқийларни яхши билади, ўз-ўзи билан бўладиган учрашув имкониятларини олдиндан пайқайди, сезади ва ундан кўрқади. У ўша кўзгунинг борлигини ҳам билади, унга бир қараб олишга ниҳоятда муҳтож бўлса-да, бироқ барибир бунга журъат этолмайди.

Тадқиқотимиз сўнгида яна бир охирги сохта вазият — асосий хатони аниқлаб, ҳал қилиб олиш қоляпти. Барча «изоҳ»лар, психология, тушунтириш йўлидаги барча уринишлар, ёрдамчи воситалар, назариялар, афсоналар, ёлғонларга таяниб иш кўрадилар; ундай ёлғонларни

хикоя, баён сўнгида имкон қадар очиб бермасликни инсофли муаллиф ўзига эп кўрмайди. Агар мен «юкорида» ёки «куйида» десам, бу бир фикр, даъво хисобланади, энди уни тушунтириб, изохлаб бериш лозим бўлади, чунки «юкори» ва «куйи» тушунчалари фақат тафаккурда, фақат мавхумотда бўлади. Дунёнинг ўзи эса, на юкорини, на куйини билади.

Худди шундай, мухтасар қилиб айтганда, «Чўл бўриси» деган тушунча ҳам аслида уйдирма. Агарда Ҳарри ўзини ўзи бўри-одам деб хис қилиб, бир-бирига душман ва қарама-қарши икки вужуддан иборат мавжудот деб билса, бу энди соддалаштирилган афсонанинг ўзгинасидир. Ҳарри аслида ҳеч қандай бўри-одам ҳам эмас, агар биз унинг ўзи ўйлаб топган ва ишонган ёлғонига шунчаки инониб, «ўзлаштирган» ва уни ҳақиқатан ҳам кўш табиатли, иккиёклама мавжудот, яъни Чўл бўриси деб қараб, тушунтиришга ҳаракат қилган бўлсак, бунга энди биз, осонроқ тушунарли бўлсин деган умидда йўл қўйганмиз, яъни ёлғондан ўз ўрнида фойдланганмизки, энди мана шу ёлғон, алдов, хатони аниқлаш, тузатиш ва тўлдиришга тўғри келади.

Бўри ва Инсонга, майл, истак, интилиш ва рухга бўлиниш — булар орқали Ҳарри ўз тақдирини тушунтириб беришга ҳаракат қилади — реал воқеликнинг одам ўзида учратадиган ва унга ўз изтироблари манбаи бўлиб кўринадиган зиддиятларнинг асосли, ишонарли, тушунарли, бироқ ёлғон, хато ва нотўғри тушунтирилиши фойдасига бўлган жуда кўпол равишдаги ва мажбуран қилинган соддалаштирилишидир. Ҳарри ўзида «инсонни», яъни фикр, хис-туйғу, маданият, бўйсундирилган ва такомиллашган улуғвор табиат оламини учратади, шу билан бирга, «бўри»ни — майл, истак, интилишлар, ёввойилик, ёвузлик, такомиллашмаган табиатнинг номаълум, зулмат дунёсини ҳам топади. Ўз вужудининг бир-бирига душман бўлган икки мухитга шу қадар аниқ бўлинишига қарамасдан, у, барибир, бўри билан инсоннинг гоҳ-гоҳида, баъзан бир-бирлари билан бир зумга бўлса-да, ўзаро

чикишиб, муроса қилишганига ҳам шохид бўлган. Агар Харри ўз ҳаётининг ҳар бир алоҳида лаҳзасида, ишлари, ҳиссиётларининг ҳар бирида Инсоннинг ҳиссаси қанчалигини, Бўрининг улуши қандайлигини аниқлашга уринганида борми, у ғоят қийин, мушкул аҳволга тушиб қолган ва унинг бутун ажойиб бўри назарияси майда-майда бўлиб кетган бўлар эди. Чунки ҳар қандай инсон, ибтидоий ҳабаш, эси паст овсар ҳам икки ёки уч асосий унсурдан таркиб топган жўнгина мавжудот эмас; ва Харридек «табақалашган» инсоннинг бўри ва одамга бўлинишини тушунтириб ўтириш — болаларга хос бефойда уринишнинг ўзгинаси. Харри атиги иккитагина эмас, балки юз, минглаб табиатлардан таркиб топган. Унинг ҳаёти (ҳар бир, ҳар қандай инсон ҳаёти сингари) нафакат икки кутб, башарти майл-истак, интилиш ва рух ёки рухоний ҳамда фосик ўртасида бўлмаса, балки минглаб, беҳисоб, сон-саноксиз жуфт кутблар орасида муаллақ парвоз қилади.

Харридек ҳамма нарсадан хабардор, билимдон ва ақлли одам ўзини «Чўл бўриси» деб ҳисоблаб, ўз ҳаётининг бой ва мураккаб ҳосиласини содда, камтар, бераҳм, шафқатсиз, ваҳшиёна, шу қадар ибтидоий формулага жойлаштира олишига ишониши бизни таажжубга солмаслиги керак. Инсон юқори даражадаги тафаккурга қодир эмас. Энг ақлли ва ўқимишли одам ҳам дунёни ва ўзини, (кўпинча ўзини (!)) доимо жуда содда, соддалаштирилган ва бошқача тарзда алдовчи формулалар кўзойнаги орқалигина кўради. Чунки ўзининг «мен»ини яхлит бир бирлик, деб тасаввур қилиш, барча инсонларнинг табиий, туғма ва бутунлай зўрма-зўраки таъсир этувчи эҳтиёжига айланган, чамаси. Бу васваса қанчалик тез-тез ва оғир даражада юзага келмасин, барибир, тузалиб, битиб кставеради. Котилнинг рўпарасида ўтириб, унинг кўзига тикилиб турган ҳакам котилнинг бир лаҳза унинг (ҳакамнинг) овози билан гапира бошлаганини эшитса ва унинг барча ҳаракат, қобилият ва имкониятларини ўзида ҳам сезиб, пайқаб қолса ҳам у, барибир, кейинги лаҳзада тағин бир рақами — ҳакамдир — ўз тасаввуридаги «мен»и-

нинг парда-қобифига қайтадан ўралиб олади-да, ўз бурчини бажараверади ва қотилни ўлимга махкум этади. Агар айрим қобилиятли ва нозик, сезгир инсонлар ўз кўнглида ўзларининг парчаланувчанликларини олдиндан сеза бошлашса, агар улар, ҳар бир даҳо каби, шахс бирлиги васвасасини ёриб ўтиб, ўзларини кўп қисмли, «мен»ларнинг бир тутами, деб ҳис қила бошласалар, буни билдириб қўйсалар кифоя, шу заҳоти уларни (овозларнинг) кўпчилиги қуршаб олади, илм-фанни ёрдамга чақиради, шизофренияни\* қайд этади ва инсониятни бу бахтсизлар оғзидан ҳақиқат чақирғини эшитишдан асраб қолади. Энди, ҳар бир фикрли инсон учун ўз ўзидан тушунарли бўлган, қолаверса, айтиб ўтириш урф бўлмаган гаплар, нарсалар ҳақида ортиқча вақт сарфлаб, валдираб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак? — демак, агар инсон ўз тасаввуридаги «мен»ни икки кишини мужассамлантирган бир бутунлик томон кенгайтиришга, ёйишга ҳаракат қилса, шунинг ўзи деярли даҳоликдир, шу билан бирга, камдан-кам учрайдиган ва қизиқарли истисно ҳамдир. Аслида эса, ҳеч қандай «мен», ҳатто энг соддаси ҳам, яхлит бирлик эмас, балки энг юксак парчаланувчан олам, митти юлдузли осмон, шакллар, поғоналар ва ҳолатлар, мерос (ворислик) ва имкониятлар тумтароқлигидир. Ҳар бир алоҳида шахс бу тумтароқликни яхлит бир бирлик, деб қарашга интилса ва ўз «мен»и ҳақида, гўё содда, мустаҳкам шаклланган, аниқ баён қилинган ҳодисадек гапирадиган бўлса: энди ҳар бир (ҳатто энг улуғ) инсон учун ҳам маълум ва одат бўлиб қолган ёлғон, алдов, зарурият, нафас олиш ва овқатланишдек ҳаётий заруратга айланган, чамаси.

Бу ёлғон, алдов оддийгина мажозий маънода берилган. Ҳар бир инсон гавда тузилиши жиҳатидан яхлит бўлса-да, қалб, кўнгил, табиат нуқтаи назаридан асло ундай эмас. Шеъриятда — нафислик ва гўзалликни бутун, умумий, бирлашган шахслар образлари иштирокида талкин қилинади. Ҳозирги кунгача яратилган ижод бо-

---

\* Шизофрения — рухий касалликнинг бир тури.

бида мутахассислар, адабиёт билимдонлари драмани ҳақли равишда энг юқори даражада баҳолайдилар, чунки у («мен»ни кўпчиликники деб тасвирлаш учун, агар бунга муқаррар бир марталик, бирлашган, якунланган уйғунликда тасвирланган драманинг ҳар бир алоҳида катнашчиси яхлит бирлик, деб алдайдиган юзаки зохирий кўришиш монелик қилмаса), катта имконият яратади. Шунингдек, содда эстетика ҳам ҳар бир образ ниҳоятда кўринарли ва яхлит бирлик сифатида алоҳида иштирок этадиган «характер драмаси» деб аталган жанрга энг юқори даражада баҳо беради. Фақат, узоқдан ва аста-секин кўнглимизда, биз адашмаётганмикинмиз, агар биз антик даврининг гўзаллик ҳақидаги ажойиб, бироқ бизга табиий, туғма бўлмаган, балки фақатгина зўрлаб ўтказилган, бутун ички моҳиятидан келиб чиқиб «мен», шахс ҳақидаги ёлғонни ўйлаб топган тушунчаларини улуғ драматургларимизга нисбатан татбиқ этадиган бўлсак, бу эҳтимол, арзонгина, юзаки бир эстетика бўлиб қолмасмикин, деган шубҳа-гумон туғилади. Кўхна Ҳиндистоннинг шеърий асарларида бу тушунча бутунлай номаълум, хинд эпосларининг қаҳрамонлари шахслар эмас, балки шахслар тўдаси, қатор тажассум, тимсоллардан иборат. Бизнинг бугунги замонамизда шундай асарлар борки, улардаги шахс ва хатти-ҳаракатлар ўйини ортида, муаллифга бутунлай маълум бўлмаган ҳолда, табиатлар хилма-хиллигини тасвирлашга уриниш сезилади. Кимки буни билмоқчи бўлса, у ана шундай асарлар образларини яхлитлик эмас, балки юксакроқ бирлик (менингча, ижодкор қалби)нинг қисм-бўлақлари, томонлари, турли хил жиҳатлари, деб қараши керак бўлади.

Ким агар Фаустга шу тарзда ёндошса, унинг учун Фауст, Мефисто, Вагнер ва бошқа барчасидан битта бирлик — ўта қудратли шахс ҳосил бўлади. Худди шу юксакроқ бирликдагина — алоҳида образларда эмас — қалб, кўнгил, табиатнинг асл моҳияти намоён бўлади. Агар Фауст мактаб муаллимлари орасида машҳур бўлган,

ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлайдиган тор фикрли кишиларни титратиб, қалтиратадиган хикматли сўз: «Икки дил яшар, эҳ, кўксимда менинг» деса, у Мефистони ва кўксидаги бошқа бирталай табиатларни ҳам унутган бўлади. Бизнинг Чўл бўримиз ҳам ўз кўксида икки кўнгил, икки табиат (Бўри ва Инсон) мавжудлигига ишонади ва шунинг учун ҳам ўз кўксини сиқилган, беҳузур ва танг ахволда, деб ҳисоблайди. Кўкрак ва корин иккови хамиша бир нарса, бироқ унда яшовчи табиатларнинг сони икки ёки бешта эмас, балки беҳисобдир; инсон қат-қат қобикдан иборат пиёз, кўп ипдан тўқилган матодир. Қадимги осиёликлар буни тўғри англаган ва билган. Будданинг йоглар фалсафий тизимида шахс вас-васасини фош қилишнинг аниқ техникаси ўйлаб топилган. Одамзоднинг ишлари нақадар қизиқ ва ажойиб: Хиндистон минг йиллар мобайнида фош этишга зўр бериб ҳаракат қилган хато Ғарб қўллаб-қувватлаб, мустаҳкамлаш учун худди шундай астойдил уринган нарсанинг ўзгинасидир.

Чўл бўрисига худди шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, унинг нима учун кулгили тарздаги кўш табиати орқасидан шу қадар изтироб чекиши бизга бирмунча ойдинлашади. У худди Фаустга ўхшаб, икки табиат бир кўкракка кўплик қилади ва улар кўкрак кафасини, ҳатто ёриб юбориши ҳам мумкин, деб ҳисоблайди. Аслида улар, аксинча, озлик қилади ва Ҳарри ўзининг шўрлик вужудини шу қадар жўн, ибтидоий тарзда тушунишга ҳаракат қилиб, уни даҳшатли йўсинда азоблайди. Ҳарри, гарчи ўта ўқимишли киши бўлса-да, иккидан ортиқ санашни билмайдиган ёввойидек, ҳаммаёкни чалкаштириб юборади. У ўзининг бир бўлагини одам, бошқа бир қисмини эса бўри деб атайди, бу билан ўзини масаланинг охирига етган ва у ҳал бўлган деб ҳисоблайди. «Инсон»га у ўзида учрайдиган барча маънавият, улуғворлик, олийжаноблик ёки нафосат, гўзалликни жойлайди, «Бўри»га эса — барча ғайриихтиёрий бўладиган нарсаларни, ёввойилик, тар-

тибсизлик ва чалкашликларни жойлаштиради. Лекин ҳаётда воқелик биз фикрлагандек оддий, биз эси пастларнинг ғариб тилимиздагидек, кўпол кечавермайди ва Ҳарри, ана шу ҳабашларга ўхшаб, бўрилиқ усулини қўлласа, ўзини икки қарра алдаган бўлади. Ҳарри ўз кўнглининг чеккачеккасини, гарчи улар ҳали «одам» бўлмаса-да, «инсон» деб ҳисоблайди, аллақачоноқ бўридан холи бўлган қисмларини эса, бўри вужудига мансуб деб билади.

Барча инсонлар сингари Ҳарри ҳам, одамзоднинг кимлигини яхши биламан деб ўйлайди ва уни, гарчи тушлар ва бошқа қийин назорат қилинадиган англаш, ҳис этиш ҳолатларида тез-тез пайқаб, сезиб туришига қарамасдан, барибир, мутлақо билмайди ва билолмайди ҳам. У ўзининг бу шубҳа-гумонларини ёддан чиқармасдан, уларни имкони борича ўзлаштириб олишни истарди! Инсон мустаҳкам ва бардавом мавжудот эмас (бу ўз донишмандларининг тушунчаларига зид бўлишига қарамасдан, антик даврнинг омоли эди), у кўпроқ тажриба ўтиш ҳолатидир, у табиат билан рух ўртасидаги торгина, хавфли кўприқдан бошқа нарса эмас. Рух томон, илоҳийликка уни ботиний мақсад, бурч етаклайди, Она табиат томон уни чуқур соғинч, кўмсаш тортади: икки куч ўртасида унинг қўрқувга тўла ҳаёти силкиниб, тебраниб кечади. Одамлар «Инсон» тушунчаси остида ниманики англасалар, бу фақатгина фуқароларнинг ўткинчи келишувидир, ҳолос. Муайян думбул майл-истак, хоҳиш ва интилишлар бу битим томонидан рад этилади ва ман қилинади. Бир мисқол онг, ҳушахлоқлик ва шайтондан ҳалос бўлиш талаб қилинади, озгина рух нафақат руҳсат этилади, балки талаб ҳам қилинади. Бу шартнома «кишиси» ҳар бир фуқаро омолидек, муросою мадорадир. Ёвуз она табиатни ҳам, руҳни мустаҳкамловчи йўлни ҳам оғир талаблари учун қоралаб, уларнинг ўртасидаги ҳолисона жойда яшашга бўлган қўрқок, тортинчок, ҳардамхаёл ва содда-айёр уринишдир. Шунинг учун фуқаро, у ўзи «шаҳс»

деб атайдиган нарсага изн беради ва унга чидайди, шахс-ни айни пайтда ўша Молох\* — «давлат»га топширади ва уларни доимо бир-бирига қарши қўяди. Шунинг учун фуқаро бугун уни еретик\*\* сифатида ўтда куйдиради, уни жинойтчи сифатида осоди, эртадан кейин — индинга эса, унга хайкал ўрнатади.

Буни Чўл бўриси ҳам яхши англади. Бироқ унинг ўз «бўриси»га карама-қарши ўларок ўзидаги «инсон» деб атайдигани — бу маълум ва кўп жихатдан фуқаролар конвенциясидаги худди ўша ўртамиёна «одам»дан бошқа нарса эмас. Ҳақиқий, чин инсон, умри боқийлар сари йўлни Ҳарри, албатта, жуда яхши англайди, гоҳ-гоҳида бу йўлдан озгина, хардамхаёллик билан юриб ҳам қўяди ва бу унга оғир изтироблар, ўта қайғули ёлғизликлар келтиради. Бироқ у ўша энг юксак талаб, ўша ҳақиқий, рух томонидан изланган одамга айланиш жараёнини маъқуллаб, унга интилишдан, боқийлик сари бирдан-бир, ягона тор йўлдан боришдан ниҳоятда қўрқарди. Бу йўл янада каттароқ изтиробларга, қувғинга, сўнгги воз кечишга, эҳтимол жаллод кундасигача олиб боришини ҳам жуда яхши хис қилар эди. Агар бу йўл пировардида уни боқийлик ўзига чорлаб турган бўлса ҳам, барибир, барча бундаин изтиробларни чекиш нияти йўқ эди, у бундай ўлимлардан қочарди. Гарчи одамга айланиш ният, максadini у фуқаролардан кўра кўпроқ англаса-да, барибир, кўзларини юмиб олиб, тушкунлик кайфиятидаги «мен»га осилиб олиб, ўлимни истамаслик абадий ўлимга олиб борувчи энг хавфсиз йўл эканини билишни ҳам хоҳламайди. Ўлимнинг ҳақлиги, парда-ниқобнинг олиб ташланиши, «мен»га берилиш эса, боқийлик сари ўзгариш томон олиб боради. Агар у умри боқийлар ораси-

---

\* *Молох* — афсоналарга кўра, тангри, илох номи, унга одамларни қурбонликка келтиришган. Шунингдек, бераҳм, бешафкат, ебтўймас очофат, бало-казо маъносида ҳам тушунилади.

\*\* *Еретик* — умумий тартиб-қоидаларга, одатдаги қарашларга хилоф фикр юритувчи, иш тутувчи киши, бидъатчи.



даги ўзи яхши кўрган кишиларга, эҳтимол, Моцартга топинса, уни пировардида ҳам хамиша фуқарога хос кўзлар билан кўради ва Моцартнинг етуклигини ўз фидокорлиги ва изтиробларга тайёрлиги, фуқароларнинг идеалларга нисбатан лоқайдлигининг улуғворлиги ва изтироб чекаётганлар, одамга айланаётганлар атрофидаги само, фазони муз қилиб суюлтириб юборадиган ўша танҳолик, Гецемане\* боғидаги ўша ёлғизликка бўлган бардошидан келиб чиқиш ўрнига мактаб муаллимига ўхшаб, фақат ўзининг касбий қобилиятидангина келиб чиқиб тушунтиришга хайрихоҳ ва мойилдир.

Ҳар ҳолда бизнинг Чўл бўримиз ўз вужудида Фаустга ўхшаб, икки табиат борлигини, ўз вужудига яхлит бирлик хос эмаслигини, балки у нари борса йўлда, мана шу уйғунлик омоли сари узок сафарда эканлигини тушуниб етди. У ё ўзидаги бўрини енгишни ва бутунлай инсон бўлишни ёки инсонликдан воз кечиб, бўрилигича қолиб ҳам, бирлашган, зиддиятларсиз хаёт кечиришни истарди. Афтидан, у ҳеч қачон ҳақиқий бўрини аниқ кузатмаган бўлса керак — агар шундай бўлганида, у эҳтимол хайвонлар ҳам бирлашган вужудга эга эмасликларини, уларнинг тана-гавдаларидаги аниқ, пухта, қатъий шакллар замирида ҳам хилма-хил интилиш ва ҳолатлар мужассам эканлигини, ҳатто бўри вужудида ҳам ихтилоф, келишмовчиликлар мавжудлигини, ҳаттоки, бўрининг изтироб чекишини кўрган, англаган бўларди. Йўқ, «табиатга қайтиш» шиори бўладиган бўлса, инсон хамиша изтиробга тўла ва ноумид, алдамчи, хато йўлдан боради. Ҳарри энди ҳеч қачон яна қайтадан бутунлай бўри бўла олмайди, ҳатто Бўри ҳам шунчаки оддий ва бошланғич нарса эмас, балки унинг қандайдир серкирра ва мураккаб мавжудот эканлигини кўради. Ҳатто бўри кўксига ҳам икки ёки ундан ортиқ табиатлар мавжуд.

---

\**Гецемане* — Қуддус яқинидаги боғ, Исо пайғамбар банди қилинган жой.

Кимки бўри бўлишни жуда хоҳласа, «О, ҳали ҳам бола бўлиш қандай бахт!»\* деб ашула айтиб юрадиган одамга ўхшаб, худди шундай фаромушхотирликка йўл қўяди. Бахтли бола ҳақида қўшиқ айтаётган ана ўша хайрихоҳ, хассос одам ҳам худди шундай табиатга, маъсумликка, ибтидога қайтишни истайди ва болаларнинг ҳеч қандай бахтиёр эмасликларини, улар ҳам қўплаб зиддиятларга, қўплаб иккиёқламаликларга, изтиробларга кодир эканликларини унутиб қўйган.

Ортга — на бўриликка, на болаликка бўлсин, олиб борадиган йўл умуман йўқ. Ибтидода на маъсумлик, на бокиралик, на соддалик ва на софдиллик бор; яралган барча мавжудот, хаттоки, энг оддий, энг содда кўрингани ҳам, гуноҳкор ва парчаланувчандир. У шаклланишнинг ифлос оқимига итқитилган ва ҳеч қачон оқимга қарши суза олмайди. Гуноҳсизлик, яралмаганлик, Тангри томон йўл ортга эмас, балки олдинга, бўри ёки бола томон эмас, балки яна гуноҳ, инсонга айланиш томон тобора чуқурроқ олиб боради. Ўз жонингга қасд қилсанг ҳам, эй, бечора Чўл бўриси, сенга бунинг жиддий нафи тегмайди, аксинча, энди сен одамга айланишнинг узунрок, машаққатлироқ ва оғир йўлини босиб ўтасан, вужудингдаги икки дил, табиатни бир неча баравар қўпайтиришингга, ўз мураккаблигингни янада мураккаблаштиришингга тўғри келади. Ўз оламингни торайтириш, ўз қалбингни соддалаштириш ўрнига сен энди, эҳтимол, охиратга, абадий оромга етишиш учун янада кенгрок оламини, пировардида бутун дунёни ўзингнинг қайғу, хасрат-ла кенгайган қалбинг, кўнглингга сиғдиришингга тўғри келади. Бу йўлни Будда ҳам, ҳар бир улуғ инсон ҳам, бири билиб, бири билмай, англамай, насиб этганича, босиб ўтган. Ҳар бир туғилиш коинотдан ажралиш демакдир, бурч, вазифа, илоҳиётдан ажралиб, узилиб қолиш, изтиробларга тўла янгиланиш, янги шаклга ки-

---

\* «О, ҳали ҳам бола бўлиш қандай бахт!» — Лортцинг каламига мансуб «Шоҳ ва дурадгор» комик операсида шоҳ айтадиган лирик қўшиқдаги нақарот.

риш демакдир. Коинотга қайтиш, изтиробларга тўла индивидуаллашишнинг барҳам топиши ўз қалб-кўнглингни коинотни яна қайтадан сиғдира оладиган даражада кенгайтириш демакдир.

Бу ерда гап мактаб, миллий иктисод, статистикани билган ва таниган одам ҳақида, кўчалардаги миллионлаб инсонларга қўшилиб, елиб-югуриб юрган ёки денгиз бўйидаги қум ёхуд кирғок тўлқинининг сачраган зарраси, қатрасидан фарқи бўлмаган, биров бир пулга олмайдиган одам ҳақида бораётгани йўқ: гап бир неча миллион кишиларнинг озми-кўплиги ҳақида ҳам эмас — улар модда, холос, бошқа нарса эмас. Йўқ, йўқ, биз бу ерда юксак маънодаги инсон, одам бўлишнинг узундан-узок йўли, мақсади, сервикор, улуғвор инсон ва умри боқийлар ҳақида гапираяпмиз. Даҳо(лар), бизларга туюлганидек, у қадар камдан-кам, ва, албатта, (адабиёт ва дунё тарихи ёки газеталар фикрига қараганда), у қадар тез-тез учрайдиган ходиса ҳам эмас. Бизга шундай туюладики, Чўл бўриси Ҳаррига дуч келган ҳар қандай қийинчилик олдида ҳадеб ўзининг тўмтоқ Чўл бўрисини аянчли тарзда важ-корсон қилиб кўрсатавериш ўрнига одам бўлишга таваккал қилиб уриниб кўриш учун даҳолик етарли эди.

Шундай имкониятга эга кишиларнинг Чўл бўрилари ва «икки дил-табиат, эҳ!» деган гап билан қаноатланишлари, кифояланишлари, уларнинг буржуазияга бўлган ўша кўпинча суст, тушкун меҳр-муҳаббатлари сингари ғалати ва ўта кайғулидир. Буддани тушунишга кодир бўлган одам, осмонлар ҳақида тушунча-тасаввурга эга бўлган, инсониятнинг ихтилоф ҳамда келишмовчиликларидан бохабар бўлган одам, соғлом ақл, демократия ва буржуа таълими ҳукмронлик қилаётган дунёда яшамаслиги лозим. Унда у қўрқоклигидан, иродасизлигидангина яшайди, холос ва мезонлари уни таъқиб қилиб, эза бошласа, унга унчалик катта бўлмаган мешчанлик хонадони торлик қилиб қолса, буни «бўри»га тўнкаб, ағдариб қўяколади ва бўрининг вақти-вақти билан ўз қисматига энг яхши шерик эканини билишни ҳам истамайди. У ўзидаги барча ёввойиликни

«бўри» деб атайди ва уни ёвуз, хавфли, фукаро учун кўркинч ва дахшат сифатида хис этади — бироқ у, ўзини санъаткор ва нозик, нафис фикрларга эга деб ўйласа ҳам, барибир, ўзида бўридан ташқари, бўрининг ортида яна бошқа кўп нарсалар ҳам яшашини, ҳамма тишлайдиган нарса ҳам бўри бўлавермаслигини, ундан бошқа яна тулки, аждаҳо, йўлбарс, маймун ва жаннат қушлари\* ҳам борлигини, шунингдек, ҳақиқий, чин инсон алдамчи, сохта одамлар, мешчанлар томонидан рухий, тушкун кайфиятда бандиликда сақланганликлари янглиғ, бу бутун дунё, гўзал ва мудҳиш, катта ва кичик, кучли ва нозик мавжудотларга тўла жаннат боғи ҳам бўри ҳақидаги эртақда маъюс ва ғамгин асира сифатида тасвирланади.

Турли-туман дарахтлар, турфа хил гуллар, сархил мевали дарахтлар, ҳар турли гиёҳлар ўсаётган боғу бўстонни кўз олдимизга келтирайлик. Агар бу бўстоннинг боғбони «еб бўладиган» ва «бегона (ёввойи) ўт»дан бошқа ботаник тушунчага эга бўлмаса, у ўз боғининг ўндан тўққиз қисмини нима қилишни билмай, хайрон бўлиб қолади ва анвойи гулларни ҳам, асл дарахтларни ҳам кесиб битиради, юлиб ташлайди ёки уларни кўролмайди, уларга ёмон кўз билан қарай бошлайди. Чўл бўриси ҳам ўз қалбининг минг бир чечакларига худди ана шундай муносабатда бўлади. «Инсон» ёки «Бўри» рукнларига нимаики тўғри келмаса, уларни умуман кўра олмайди. У «Инсон»га нималарни кўшмади дейсиз! Кўркоқлик, юраксизликлар, барча маймунга хос одат ва хатти-ҳаракатлар, аҳмоқлик ва пасткашликларни (бўрига сал тўғри келмай қолса бўлди), ҳаммасини «Инсон»га тиркаб юборди. Ўзи эриша олмаган, ўзига насиб этмаган барча куч-қудрат ва олийжанобликларни эса, Бўри ҳисобига ёзиб қўяқолди.

Биз энди Ҳарри билан хайрлашамиз. У ўз йўлида ёлғиз яна давом этади. Ўзи интилган манзилга — умри боқийлар ҳузурига етиб олса, у бу бетўхтов ҳаракатлар, ғимир-ғимир, питир-питир, югур-югурларга, ўзининг

---

\* *Жаннат қушлари* — чумчуксимонлар туркумига мансуб ялтирок патли, жуда чиройли кўринишга эга бўлган қушлар. Улар шарки-жанубий Осиёда ва шарқий Австралияда яшайдилар.

ёввойи, хардамхаёл йўлидаги эгри-бугри, илонизи бури-лишларга хайрон бўлиб қараган ва Чўл бўрисига рух-лантирувчан, таънаомуз, куйинчаклик ва вактичоғлик билан табассум қилган бўлармиди!..

\* \* \*

Мутолаани тугатган ҳам эдимки, бундан бир неча хафта муқаддам тунда айнан Чўл бўриси ҳақида ғалати бир шеър\* ёзиб қўйганим ёдимга тушди. Уни коғозларга лик тўла ёзув столимдан бир амаллаб излаб топиб, ўқий бошладим:

Мен — Чўл бўрисиман, изғийман бетин,  
Дунё қор қўйнида ухлайди сокин.  
Қайинзорда қанот қоқар қарға, зоғ,  
На куён кўринар, на кийик, эвоҳ.  
Охуларга ишким тушган азалдан,  
Уларнинг тўшлари ширин асалдан.  
Канийди, битгаси дуч келса шу он,  
Таппа босардимۇ ғажирдим чаккон!  
Лаззат борми, менга бундан зиёда,  
Бундай рохатижон бўлмас дунёда.  
Ул гўзални севар эдим юракдан,  
Тутиб олсам яйраб кетар эди тан.  
Сон гўштин еб, ёғин ялаб тўярдим,  
Сўнг кечаси ёлғиз «ув»лаб кўярдим.  
Майли эди ҳозир учраса куён,  
Менинг шодлигимга бўлмасди поён!  
Эх, қўлдан кетдими, барчаси нахот?  
Хаётнинг ҳам қизиғи қолмади, хайхот!  
Қўниб думимдаги тўқларга киров  
Кўзларим ҳам хира тортиб қолди-ёв.  
Хотин ўлиб кетди, йиллардир ёху!  
Ёлғиз тентирайман, хаёлда оху.  
Тушларимга кирар ҳатто куёнлар,  
Қиш кечаси шамол увлаган онлар,  
Томоқ ёнар, қордир унга тасалли,  
Энди иблис жоним олса ҳам майли.

\* *Шеър* — «Мен — Чўл бўрисиман, изғийман бетин» — Хессенинг 1925/26 йй. Қиш фаслида ёзган шеъри.

Шундай килиб, кўлларимда ўзимнинг икки суратимни тутиб турардим — бири тўқмоқ шеърдан иборат гамгин ва ўзимга ўхшаган кўрқинчли автопортрет бўлса, бошқаси мени ўзига караганда кўпроқ ва балки биладиган ўзга, бегона, ёт киши томонидан совуққина, зохиран юксак холислик билан ташқаридан ва юқоридан туриб, чизилган расм эди. Бу иккала сурат — менинг тутилиб ёзилган маъюс, дилгир шеърим ҳамда нотаниш кимсанинг ақл билан яратилган илмий трактати қўшилиб, менга азоб берар, уларнинг иккалови ҳам ҳақ, иккови ҳам менинг тушкун тириклигимни, тоқат қилиб бўлмайдиган, чор-ночор ахволимни бўяб-бежамасдан, табиий, ҳақиқий тасвираб берганди. Бу Чўл бўриси энди ўлиши, ўзининг манфур умрига ўз қўли билан нуқта қўйиши ёки ўзни янгидан намоёйиш этиб, унинг ўлимдек даҳшатли алангаси ҳовурида эриб, ўзгариши, ўз ниқобини олиб ташлаб, янгидан «мен»га айланиши керак эди. Эҳ, бу ходиса мен учун янги ва нотаниш эмасди, мен уни билардим, ҳар гал, тушкунликка тушган пайтларимда кўп марта ўз бошимдан кечиргандим. Ҳар гал, мана шу дилга гулу солувчи кечинма, воқеадан сўнг, ҳар гал ўз «мен»им майда-майда бўлиб, чил-чил синар, ҳар гал гирдоблар исканжаси уни силтаб, қўзғатар ва вайрон қилар, ана шунда ҳар гал ҳаётимнинг ардоқли ва ўзига хос суюкли бир бўлаги менга бевафолик қилиб, йўқлик қаърига сингиб кетарди. Бир гал ўз фуқаролик обрўйимни бутун мол-мулкимга қўшиб йўқотдим\* ва шу пайтгача мен билан салом-алик қилиб юрадиганларнинг ҳам ҳурматидан воз кечишни ўрганишга мажбур бўлдим. Бошқа сафар эса бир кечада оилавий ҳаётим барбод бўлди; рухий хасталаниб қолган хотиним мени уйдан ҳайдаб чиқариб, ҳузур-ҳаловатдан Мосуво қилди. Севги ва ишонч кутилмаганда нафрат ва кескин курашга айланди-ю, қўшнилар менга ачиниш ва нафрат билан қарайдиган

---

\* Ўз фуқаролик обрўйимни бутун мол-мулкимга қўшиб йўқотдим — биринчи жохон уруши даврида Германиядаги даромадлари инфляция оқибатида қадрсизланиб, Хессе бор-бўлидан айрилган эди.

бўлдилар. Ўшанда ёлғизликдаги, ғарибликдаги ҳаётим бошланган эди. Орадан йиллар, аччик, оғир йиллар ўтгандан кейин, суронли танҳоликда, ўзимни не машаққатлар билан яна тутиб олиб, тарки дунёчилик омолидан иборат янги маънавий ҳаётимни изга солиб олганимдан сўнггина, мавҳум ақлий машқлар ҳамда катъий тартибга солинган ўз-ўзини кузатишлар ва мушоҳадаларга берилиб, ниҳоят, турмушнинг муайян бир сокинлиги ва юксаклигига эришдим. Бироқ орадан кўп ўтмай, ҳаётимнинг бу йўналиши ҳам яна қайтадан инқирозга юз тутиб, ўзининг юксак, улугвор маъно-мазмунидан бирданига маҳрум бўлди; энди мени дунё қайтадан яна ўзига тортар, ғалати, ақлга сифмайдиган, йўл юриб чарчамайдиган узок, олис сафарлар ўзига чорлар, янги изтироблар, янги бурч, мажбуриятлар қайтадан куйилиб келарди. Ҳар гал мана шу никоб олиб ташланишидан, омол барбод бўлишидан олдин, шу даҳшатли, кўрқинчли бўм-бўшлик, сокинлик, мана шу ҳалокатли, ҳаддан зиёд сиқилиш, ёлғизлик, яққаланиш, меҳр-муҳаббатсизлик ва тушқунликнинг бўм-бўш ҳамда хувиллаган жаҳанамига дуч келардим. Мана, ҳозир ҳам уларга бақамти турардим, уларни яна қайта бошдан кечириб, қайтадан босиб ўтишимга тўғри келарди. Ҳаётимда рўй берган ҳар бир ана шундай руҳий изтиробдан пировардида нимадир ютардим, бир озгина эркинлик, рух, теранлик деймизми, лекин шу билан бирга, бир оз ёлғизлик, тушунмовчилик, кўнгил совиш ҳам бўлардики, буни инкор этиб бўлмайди. Меншчанлик тарафидан олиб кўрилганда, менинг ҳаётим, бир руҳий изтиробдан иккинчиси сари доимий пасайиш, инқироз, таназзул ҳамда меъёрий, мўътадил, мумкин, жоиз бўлган, тўғри ва соғлом нарсалардан тобора узоклашишнинг ўзи эди. Мен йиллар давомида касб-ҳунарсиз, оиласиз, ватансиз, ёлғиз, барча ижтимоий гуруҳлардан ташқарида эдим, ҳеч ким мени севмас, кўпчилик менга шубҳали қарар, жамоатчилик фикри ҳамда ахлоқ билан доимий аянчли ихтилофда яшаб келардим; гарчи буржуа доирасида ҳалиям ҳаёт кечирсам-да, бу оламда бутун хис-туйғу ва тафаккурим

билан бегона эдим. Дин, Ватан, Оила, Давлат мен учун кадрсиз, ахамиятсиз бўлиб қолганди. Илм-фан, гильдиялар,\* санъатларнинг шуҳратнарастлиги кўнглимни айни тарди; лидим, қарашларим, бутун тафаккурим туфайли бир вақтлар қобилиятли, севимли инсон сифатида кўзга ташланган бўлсам ҳам, энди улар ёввойи, ҳувиллаган, бўм-бўш ва одамлар учун шубҳали туюларди. Агарда мен мана шу барча ўта ачинарли ўзгаришлардан, мабодо, бирор кўринмас ва ахамиятсиз нарса ютиб олган бўлсам, бу менга жуда қимматга тушган ва гоҳо ҳаётим янада оғирроқ, кийинроқ, ёлғизроқ ва хавф-хатарга-да тўлароқ бўларди. Дарҳақиқат, мени ҳамиша Нитшенинг кузги кўшиғи\*\*, ундаги ўша тутунга ўхшаш ҳавоси оғир маъволарга бошлаб борадиган бу йўлнинг давомини тилашга энди менда ҳеч қандай асос йўқ эди.

Эҳ-а, мен бу, ўзининг кўп ташвишлар келтирувчи, нозик болалари тақдирини белгилаб берадиган кечинмаларни, ўзгаришларни билардим, ҳа, уларни жуда яхши билардим. Мен уларни мактанчоқ, бироқ ови юришмас овчи ов қилиш босқичларини, кекса биржа ўйинчиси чайқовчиликнинг, фойданинг, шубҳа, иккиланишнинг, банкрот бўлиш — синишнинг босқичларини қанчалик яхши билса, шунчалик яхши билардим. Энди буларнинг барчасини яна бир бор бошдан кечиришим лозиммикин? Мана шу барча азоб-изтироб, мана шу барча хато ва кулфатларни, «мен»нинг тубанлиги-ю, унинг кераксизлигига нигоҳ ташлаш, ҳалок бўлиш олдидан мана шу барча даҳшатли кўрқувлар, мана шу барча ўлим ваҳимасини-я? Бунчалик кўп изтиробларнинг такрорланмаслиги учун олдини олиб, шартта қочилса, осонроқ ва ақллироқ иш бўлмасмиди? Чўл бўриси китобчасида баён этилган «ўз жонига қасд қилувчилар» ҳақидаги фикр, албатта, у ёки бу тарзда бўлиши мумкин. Ҳеч ким менга

---

\* *Гильдия* — Ўрта асрларда ғарбий Оврўпада йирик савдогарлар ёки ҳунармандлар бирлашмаси; шунингдек, революциядан илгарини Россияда савдогарларнинг давлатига кўра даражаси ёки табақаси.

\*\* *Нитшенинг кузги кўшиғи* — Фридрих Нитшенинг «Куз» номли шеърига ишора.



тошкўмир гази, устара ёки тўппонча ёрдамида ўзим аччиқ қайғу-аламларини ҳақиқатан ҳам тез-тез ва етарли даражада бошдан кечирганим жараённинг қайтадан такрорланишига барҳам бериб қўя қолиш лаззатини тақиқлай олмасди. Йўқ, йўқ, барча иблисларда, бутун дунёда ҳам мендан ўлим титроғи-ла ўз-ўзи билан учрашувни ва яна янгитдан вужудга келиш, янги тажассумни бошдан кечириб кўришни талаб қила оладиган куч йўқ эди, буларнинг пировард мақсади тинчлик ва осойишталик эмас, балки фақатгина ўз-ўзини йўқ қилиш, янгитдан ўз-ўзини барпо этиш эди! Ўз жонига қасд қилиш ахлоқона, кўрқокларча ва ожиз, нотавон, ношуд, шармандали ва иснод келтирадиган қутулиш йўли бўлганда эди — бу изтироблар тегирмонидан ҳар бир, ҳатто энг разил, қабих йўлни ҳам юракдан тиласа бўларди. Бу ерда энди олийжаноблик ва қахрамонликнинг бошқа театри йўқ эди, бу ерда мен арзимас, ўткинчи бир оғрик-азоб билан ақл бовар қилмайдиган даражада алангаланаётган, ҳалсиз-худудсиз изтироблар ўртасида эдим, улардан бирини танлашим керак эди. Ўзимнинг шундай бир оғир, шундай телбанамо ҳаётимда жуда кўп марта олийжаноб Дон Кихот\* бўлганман, ор-номусни ҳузур-халоватдан, қахрамонликни эса, ақл-идрокдан афзал билганман. Бас энди, етар!

Нихоят, ўринга ётаётганимда дераза ойнасидан тонг, ёмғирли кич қунидаги юракни сикадиган, зик, оғир, дилгир тонг анграйиб қарай бошлаганди. Ўринга ётаётиб, қароримни ҳам қатъий ўйлаб қўйган эдим. Бирок бутунлай фавкуллода ҳолатда, энди мудроқ босаётган лаҳзада шууримнинг сўнгги сарҳадида, Чўл бўриси тўғрисидаги китобчанинг «мангуликка дахлдорлар» ҳақидаги ўша ғалати жойи кўз олдимда яшин тезлигида «ярк» этиб чакнади ва мени шу сонияда, кўхна мусиқа тинглаб, мангуликка дахлдорларнинг бутун вазмин, ёркин, талабчан, қаттиққўл ва жиддий кулимсираб турувчи донишмандлигини бирга тотиб кўриш учун баъзан ва яқиндагина ҳам ўзимни уларга

---

\* *Дон Кихот* — Мигел де Сервантес Сааведра (1547–1616) романининг қахрамони.

жуда яқин олиб юрганим билан боғлиқ «йилт» этган олис хотиралар чулғаб олди. Қандай тез пайдо бўлган бўлса, шундай «ялт» этиб чакнади, тез сўнди ва уйқунинг тоғдек юки елкамдан босиб, кўзим илинди.

Тушга яқин уйғониб, яна ўша бояги ҳолат эсимга тушди. Кичкинагина китобча ва менинг шеърим жавонча устида ётар, яқин орада кечган ҳаётимнинг алғовдалғови ичра қарорим очиклик билан совуккина қараб турар, туни билан уйқу орасида янада вазмин ва қатъий бўлиб қолганди. Шошилиш керак эмас эди, менинг ўлим хусусидаги қарорим бир соатлик кайфият эмасди, у аста-секин пишиб етилган, салмоқли, айнамайдиган мева эди, у тақдир шамолида енгил, майин тебранар, озгина туртки бўлса, тушиб кетиши ҳам мумкин эди.

Сафарга чиққанда олиб юриладиган зарур дори-дармонлар қутичамда оғрикларни қолдирадиган ажойиб бир восита бор эди — у жуда кучли қорадори препарати бўлиб, мен ундан ахён-ахёнда фойдаланардим. Кўпинча, бир неча ойлаб эсимга ҳам келмасди; оғрикни қолдирувчи бу гиёҳванд моддадан баданимдаги оғриклар чидаб бўлмас даражада азоб берган пайтлардагина фойдаланардим. Ундан ўзини ўзи ўлдириш учун фойдаланиб бўлмасди, буни мен анча йиллар мукалдам бир марта синаб ҳам кўрганман. Ўшанда, анчайин тушқунликка тушган пайтим эди, доридан бир талайини ютиб юборганман, у олти кишини ўлдиришга етарди, бироқ, барибир, мен ўлмай қолдим. Уйқу босиб, бир неча соат хушсиз ҳолда ётганман, сўнгра қорнимда кучли чангак пайдо бўлиб, тортишини-тиришишидан чала-ярим уйғониб, тирик қолганимга ўзим ҳам ишонмай, баттар хайрон бўлганман. Чала-ярим ҳушимга келиб, бутун оғуни қусиб, қайт қилгач, яна ухлаб қолганман. Эртасига кун ярмида тўла уйғонган бўлсам-да, бутун аъзойи баданим қовжираб қакшар, миям кизиби, бўшаб қолганга ўхшар, эс-ҳушим, хотирам ҳам жойида эмасди. Анчагина уйқусизлик ва ортикча қорин оғрикларни ҳисобга олмаганда, захарнинг таъсири ўшанда умуман билинмаган.

Шундай килиб, бу восита ҳам мўлжалимга тўғри келмади. Мен энди ўз қароримга шундай бир бошқача шакл бердим: афюн воситасини қўллашга ўзимда эҳтиёж сездим дегунча, қутулишнинг бу киска йўли ўрнига каттароғини излашни, чунончи, тўппонча ўқи ёки устара ёрдамида бежавф ва ишончли ўлим топиб қўя қолишга ҳамиша шай бўлишим керак эди. Шу билан масала ҳал бўларди-қоларди. Чўл бўриси китобчасидаги ўша ўткир ҳазил аралаш рецептдан сўнг, эллик ёшимгача кутиб ўтириш мега жуда узок туюлди, чунки унгача ҳали яна икки йил бор эди. Бир йил ёки бир ой ичида, ё эртагаёқ бўладими — ишқилиб, бунинг учун энди эшиклар ланг очилган эди.

Бу «қарор» ҳаётимга кучли таъсир кўрсатиб, уни ўзгартириб юборди, дея олмайман. У мени дард-хасталикларга нисбатан бир қадар лоқайдрок, қорадори ва вино истеъмол қилишда бир оз беғамроқ, чидаса бўладиган ҳолат сарҳадига бир оз қизиқувчан килиб қўйди, шу холос. Ўша оқшомдаги бошқа кечинмалар, воқеаларнинг кучли таъсири эса кейинчалик ҳам сезилиб турди. Чўл бўриси ҳақидаги трактатни мен яна баъзан берилиб, миннатдорлик туйғуси-ла қайта ўқиб чиқардим. Бу билан ўзимнинг тақдиримни донолик, гоҳида эса трактатнинг мулоҳазали, мантикийлигини менсимасдан, киноя билан бошқараётган кўринмас бир афсунгарни кўриб, пайқаб олаётгандек эдим. Назаримда, у ҳаётимнинг ўзига хос кайфияти ва кескинлигини сира ҳам тушунмаётгандек туюларди. Чўл бўрилари ва ўз жонига қасд қилувчилар ҳақида унда нимаики ёзилган бўлса, барчаси жуда яхши, ақлли гаплар, шу билан бирга, зот, насл, тур, тоифалар ҳақидаги доно мавҳумот ҳам эди; бироқ менга, менинг шахсиятимни, қалб-қўнгил, табиатимни, дунёга бир марта келадиган ўз шахсий тақдир-қисматимни бу қадар қўпол тўр-тузоқ қамраб, ўз домига илинтириб ололмайдигандек кўринарди.

Бирок ҳаммасидан кўпроқ, менинг хаёлимни черков деворидаги ўша галлюцинация\* ёки манзара, трактатдаги шама-ишораларга мос келаётган, рақс тушаётган ўша маънодор нурли ёзув кўпроқ банд этган эди. Бунда менга кўп нарсалар ваъда қилинаётгандек кўринар, ўша ўзга оламдан келаётган овозлар мени ғоят қизиқтириб қолган ва мен кўпинча бу ҳақда соатлаб ўйлаб, ўй суриб ўтирардим. Шунда ўша ёзувларнинг «ҳар ким учун эмас!» ва «Фақат жиннилар учун!» деган огоҳлантиришлари қулоғимга янада яққолроқ эшитилгандек бўларди. Жинни, бу албатта, мен ўзим ва «ҳар ким»дан анча узоқлашган ҳам ўзим эдим, агарда ўша овозлар менгача етиб келаётган ва ўша ўзга оламлар мен билан мулоқот қилаётган бўлсалар. Эҳ худо, мен ўзи ҳар кимнинг хаётидан, ақли расо, эсли-хушли одамларнинг туриш-турмуши ва тафаккурдан яқиндагина узоқлашдимми, яқиндагина ёлғиз, ва телба бўлиб қолдимми ўзи? Барибир, мен нидо, хитоб, чакирикни — жинниликдан, ақл-идрок, тўсиқ-ғов, тангликдан, мешчанликдан халос бўлишга, қалб-кўнгилнинг, хаёлотнинг шиддат билан оқаётган конунсиз оламига берилишга бўлган даъватни ич-ичимдан хис қилиб турардим.

Бир куни, ўша плакат кўтарган одамни излаб, кўчалар ва майдонларни, кўринмас дарвозали ўша девор ён-атрофларини кузатиб, кезиниб юрган эдим, Мартин шаҳри атрофида иттифоқо дафн маросимида дуч келиб қолдим. Тобут қўйилган улов ортидан оғир қадамлар билан аста, бир-бир босиб бораётган аздорларнинг афт-ангорларига қараб туриб, миямга бир фикр урилди: бу шаҳарнинг қаерида, бу ёруғ оламнинг қай чеккасида мен учун азиз бўлган инсон яшайдики, унинг ўлими мен учун оғир йўқотиш бўлса? Ва менинг ўлимимдан жилла қайғурадиган одам-чи, у қаерда яшаркин? Ҳа, дарвоқе, севгилим Эрика бор-ку; бироқ биз бир-биримиз билан анчадан буён кам кўришардик, алоқаларимиз ҳам у қадар мустаҳкам

---

<sup>1</sup> *Галлюцинация* — йўқ нарсаларнинг кўриниши, эшитилиши ва сезилиши.

эмас эди, хозир эса ҳатто унинг қаердалигини ҳам билмасдим. У онда-сонда олдимга келиб турар ё мен уникига борардим. Иккаламиз ҳам ёлғиз, оғир ва босик, бирибирига қалбан ва рухий хасталик туфайли боғланиб қолган одамлар эдик, шунинг учунми, орамизда қандайдир алоқа, муносабат сақланиб қолган эди. Бироқ башарти у менинг ўлимимни эшитгудек бўлса, ўзини қандай ҳис этаркин? Мен буни билмасдим. Ўз ҳис-туйғуларимнинг ишончлилиги хусусида ҳам бир нима дея олмас эдим. Бундай нарсалар тўғрисида бирон нима била олиш учун аввало, табиий, мўътадил ва имконли шароитда яшаш лозим бўлар эди.

Шу аснода, не кайфият билан, дафн маросими қатнашчиларига қўшилиб, барча майда-чуйдаларга эга бўлган, цементланган замонавий типик қабристонга бориб қолибман. Марҳумни куйдиришмади — унинг тобутини қовланган оддий тупроқ ўрага қўйишди. Пастор\* ва қолган бошқа барча қўзғунлар, дафн этиш муассасаси ходимлари ўз вазифаларини адо этишга киришарканлар, маросимга юксак тантанаворлик ва мотам тусини беришга зўр бериб тиришаётганликларининг гувоҳи бўлдим, бироқ уларнинг ҳаракатлари худди театрнинг ўзини эслатар, хижолатдан ва риёкорликдан ерга киргудек бир ҳолатга тушишган, қора мундир (либос)даги бир киши бундан безовталанишини сезишди шекилли, йиғилганларни ўлим салобати олдида тиз чўкиб, тавба қилишга яна зўр бериб ундай бошладилар. Аммо бу саъй-ҳаракатлардан наф бўлмади, ҳеч кимнинг кўзига ёш келмади, марҳум барчага бирдай ортикча, кераксиздек эди. Пастор ҳамон жамоатга «азиз диндош (насроний)лар» дея мурожаат қилиб, худони эсга олишга ундар, бунга жавобан савдогарлар ва новвой усталар ҳамда уларнинг хотинлари ишбилармон одамларга хос жиддий қиёфада титраб-қакшаб, жимгина олдиларига — ерга қараб туришар, уларнинг хижолатомуз ва каззоб юз-қиёфаларидан, шу ёқимсиз, зерикарли тадбир тезроқ тугай қолса эди, деган ўй-фикрни уқиб олиш қийин

---

\*Пастор — протестант маъбадидаги рухоний.

эмасди. Нихоят, маросим тугади, олдинда турган икки киши нотикнинг кўлини қисиб қўйди ва майсазор четидаги тўсиқ олдида тўхташиб, пойабзалларидаги мархум қўйилган срдан илашган тупрокни тозалашди. Энди уларнинг юз-кўзлари яна одатдагидек инсонга хос қиёфа касб этган эди, биттаси менга хатто танишдек туюлди — у ўша плакат кўтариб олган ва қўлимга китобча тутқазган одамга ўхшаб кўринди.

Уни танидим дегунча, тез бурилди-да, энгашиб, кора шимининг почасини ҳафсала билан қайиришга тушди, сўнгра ёмғирпўшини кўлтиғига кистирганича, тезгина жуфтакни ростлаб колди. Кетидан югурдим, кувиб етиб, унга бош ирғадим, лекин у мени танимагандек бўлди.

— Бугун оқшом талбир бўлмайдими? — сўрадим ундан, ва унга, бирон нарсадан бохабар сирдош одамларнинг ўзаро имо-ишоралари янглиғ, кўз қисиб, имлашга уришиб кўрдим. Бирок бундай мимик, юз мушакларининг маъноли ҳаракатлари, имо-ишоралардан иборат машқлар менга анча йиллардан буён ёт эди. Менинг турмуш тарзим шундай эдики, хатто сал бўлмаса, гапиришни ҳам унутаёзган эдим; шунинг учунми, қандайдир маъно англатиш ўрнига, афтимни аллақандай тентакларга ўхшаб, буриштирганимни сезиб колдим.

— Оқшомги ўтиришми? — дўнғиллади халиги одам ва менга бегонасираб қараркан, деди:

— Зарур бўлса, «Чўл бургути»га\* боринг, оғайни.

Мен унинг аниқ ўша одам эканлигига унчалик ишонқирамадим. Ҳафсалам пир бўлиб, йўлимда давом этдим. Энди қаерга боришниям билмасдим, мен учун энди бошқа мақсад, интилиш, бурч-вазифа деган нарсалар колмаганди. Ҳаёт кўнгилни айнитадиган даражада жонга теккан, анчадан буён ўсиб, кучайиб келаётган ёқимсиз, жирканч нарса ўзининг юқори нуктасига етганини, ҳаёт мени туртиб-суртиб, чеккага чиқариб қўйганини сезиб турардим. Қоронғилик босган шаҳар бўйлаб дарғазаб холда

---

\* «Чўл бургути» — Цюрихдаги меҳмонхона номи.

югургилаб кетдим, менга шу дамда хамма нарсадан нам тупроқ ва мозор хиди келаётганга ўхшаб туюларди. Йўк, йўк, менинг гўрим устида бундай япалокқушлардан\* биронтасиям турмайди, ридо-жуббасини кийволиб, «диндош (насроний)лар» дея хассос нутқлар ирод этмайди! Эҳ, каёққа карамай, қай тарафга фикр юритмайин, ҳеч қаерда мени на шодлик, на қувонч кутар, ҳеч қаердан менга садо-сас келмас, ҳеч нарса мени ўзига чорламас, хамма нарсадан айниган, бузилган ярим-ёрти мамнуниятнинг бадбўй хиди таралар, хамма нарса эскирган, тўзиган, сўлиган, шалвираган, холдан тойганди. Эҳ, худо-жон, бу қандайин кўргилик ўзи? Мен, ғайрати жўш урган ёш йигит, шоиртабиат, илҳом парсининг дўсти, жаҳонгашта, оташин хаёлпараст бўлсам-у, қандай қилиб бу ҳолга тушиб қолдим? Қайдан, қандай қилиб, секингина ва билдирмасдан пусиб бошимга кела қолди бу кўргилик, бу фалажлик, менга бўлган барча нафрат ва мана шу барча хис-туйғулар таназзули, бу манфур ранжу аламлар, ҳувиллаган қалбнинг кимсасизлиги-ю, тушқунликнинг палид жаҳаннами, қайдан, қандай қилиб кела қолди?..

Кутубхона ёнидан ўтиб кетаётиб, мен ўзим илгари гоҳ-гоҳида суҳбатлашиб турадиган ёшгина профессорни учратиб қолдим. Уни бундан бир неча йиллар муқаддам, шу шаҳарда охириги марта бўлган пайтимда, ўшанда ўзим қизиқиб шуғулланган соҳа — кўхна Шарқ афсоналари мавзуида гурунглашиб туриш мақсадида ҳатто, хонадонига ҳам кўп марта излаб боргандим. Олим ўзи менга пешвоз чиқди, у ўжар ва бир оз қалтабин инсон эди, мени унинг олдига йўл-йўлакай кириб ўтганимни айтганимдан сўнггина таниди. У каминани зўр бир самимият билан кутиб олди ва мен унга аянчли, ночор ва ғариб бир ҳолатда ярим-ёрти миннатдорчилик билдирдим. У хурсанд бўлиб, жўшиб кетди. Бурунги суҳбатларимиздан айрим тафсилотларни ёдимга соларкан, кўп нарсага менинг ундов, даъватларим туфайли эришганини эътироф этиб, мени тез-тез эслаб туришини айтди; ўшандан

\* *Япалокқушлар* — бу ерда: қонғидан қор ёғадиган одамлар.

буён у билан ҳамкасблари ўртасида бундай кизғин ва сермахсул бахс-мунозара, тортишувлар жуда кам, ахён-ахёндагина бўлганини ҳам гап орасида кистириб ўтди. Қачондан бери шаҳарда эканлигимни (камрок кунни айтиб, уни алдадим), нега дарҳол уни излаб топмаганим сабабини сўради. Мен эса, тарбия кўрган, ўқимишли бу одамнинг бамаъни юзига қараб туриб, бўлаётган бу томошага кулгим кистади. Бирок, барибир, ўзимни оч қолган итга қиёс этиб, бир мисқол харорат, заррача эътироф ва меҳр-муҳаббатга мушарраф бўлганимдан бошим осмонга етди. Бундан таъсирланиб кетган Чўл бўриси Ҳарри ишшайар, томоғи қуриб, оғзидан кўпиги оқар, хас-сослик хоҳиш-иродасига қарши ўларок, уни итоаткор, мўмин-қобил этиб қўйган эди. Ҳа, мен уни зўр бериб алдар, ўқиш-ўрганиш, билим орттириш мақсадида бу ерга келганим, шунинг учун йўл-йўлакай кириб ўтганимни, бунинг устига мазам йўқлиги, ўзимни унча яхши ҳис қилмаётганимни айтиб: ҳеч бўлмаганда бирор марта, уни албатта кўргани кирган бўлардим, дея ёлғон-яшиқ баҳоналар билан қутулмоқчи бўлардим. Ниҳоят, у менга бугунги оқшомни уникида бирга ўтказишга самимий таклиф қилган эди, мен йўқ дея олмай, миннатдорчилик ила рози бўла қолдим, рафиқасига менинг номимдан салом айтишини сўрадим. Шунда зўр бериб, тиришиб сўзлаганимга, мажбуран жилмайганимга ёноқларим қизариб, бўзариб оғриб кетди, чунки улар бундайин чираниш, кучанишга унчалик ўрганмаган, кўникмаган эди-да. Ва мен, хайрон ҳам мамнун, хушмуомалали ва ғайратли Ҳарри Халлер кўчада туриб, очиқ кўнгил, калтабин кишининг бамаъни афт-ангорига жилмайиб қараб турарканман, шундоқ ёнгинамизда бошқа бир Ҳарри иржайиб турган кўйи менинг ҳақимда, қанақанги беақл, тентак-телба, жинни, алдамчи ва каззоб оға бу ўзи, дея ўйларди, чунки ахир мен ўзим бундан атиги икки дақиқа олдин бутун лаънати дунёга тишларимни фижирлатиб, ғазабимни сочган, энди эса, ҳурматли бир одамнинг мулойим саломалиги ва биринчи таклифиданоқ таъсирланиб, ўзимни



йўқотиб, эътироз билдириш ўрнига кўниб, рози бўлиб, бир оз мойиллик, хайрихохлик, кўнгил яқинлик, хурмат-эътибор, меҳрибонлик, илтифот ва самимиятдан лаззатланиш илинжида, ўзимни кўярга жой тополмай қолган эдим-да. Бир-бирига фавқулодда нохайрихох бўлган иккала Ҳарри ана шундай ёнма-ён туришар, бир-бирини кузатишар, мазах килишар, бир-бирининг олдида ерга тупуриб, бундай холатларда хамиша бўлгани каби, ўз-ўзларига яна шундай савол ҳам беришарди: бу ўзи инсонга хос аҳмоқлик ёки заифликми, умумбашарий тақдир-қисматми ёки бу хассос худбинлик, иродаси сустлик, бўшанг-лақмалик, хис-туйғулар нопоклиги, икки ёқламалиги, мунофиқлиги ёхуд Чўл бўрисигагина мансуб бўлган ўзига хосликмикин? Бу разолат умумбашарий бўлса эди, у холда менинг дунёга бўлган нафратим унга янги куч-қувват билан ташлана оларди; борди-ю, менинг шахсий заифлигим бўлса, унда ўз-ўзидан нафратланишнинг тантанасига сабаб бўлган бўларди...

Иккала Ҳаррилар ўртасидаги тортишув билан бўлиб, сал бўлмаса профессор ёдимдан кўтарилаёзибди; у менга бирдан яна ортиқча бўлиб туюлди ва ундан тез қутулишга шошилдим. У барглар тукилган, шипшийдам хиёбон бўйлаб идеалистга хос бир оз ғалати юриш килиб, диндорларга хос кўнгилчанлик билан кетиб бораркан, ортидан узоқ қараб қолдим. Ич-ичимда, бутун вужудимда шу дамда шиддатли жанг борарди, беихтиёр увушиб қолган бармоқларимни букиб-ёзиб, билдирмай қовлаб кетаётган подагра билан олишарканман, соат етти яримдаги кечки овқатга таклифга розилик бериб, хушмуомалалик, илмий сафсаталар ва бегона оила бахтини зимдан кузатиш мажбуриятидан иборат қанчалик ортиқча ташвиш, даҳмазани ўзимга орттириб олиб, нақадар аҳмоқлик қилганимни ич-ичимдан англаб турардим. Аччик устида уйга бордим-да, коньяк билан сувни аралаштириб урдим, устига подаграга қарши ҳапдорини ютдим-да, диванга чўзилиб, китоб ўқишга тутиндим. Ўн саккизинчи асрдан хикоя қилувчи, бенихоя ўзига тартадиган,

кўлма-кўл бўлиб, ўқилаверганидан титилиб кетган китоб — «Софиянинг Мемелдан Саксонияга саёҳати»ни бирпас ўқиганимдан сўнг, бояги таклиф тўсатдан яна ёдимга тушди. Соколим олинмаганини эслаб, кийинишим кераклигини сездим. Худо билади, бу ташвишнинг менга ўзи нима кераги бор эди! Демак, Харри, тур ўрнингдан, китобингни йиғиштир. Юзингга совун сур-да, иягингни қонатиб қиртишлаб ол. Кийиниб, одамлар хузурига, уларнинг илтифотига сазовор бўлишга шошил! Юзимга совун сураётиб, бугун бир бегона киши қўйилган қабристондаги ўша тупрок ўрани, унинг атрофида туриб зериккан ўша «диндош (насроний)лар»нинг кути учган, буришган афт-башараларини эсладим, бироқ бу энди сираям кулгили эмасди. Ўша ерда, ифлос тупрок ўрада, ваъзхоннинг аҳмоқона сўзларида, мотамсаро жамоатнинг хижолатли қиёфасида, барча тунука, мрамар тахта ва хочларни кўрганда, барча симдан ясалган сунъий ва барқ уриб очилган гулларда, нафақат ўша нота ниш одам, балки, менга ҳам шундай туюлди. Эртами, индинми, мен ҳам, йиғилганларнинг хижолатли ва сохта нигоҳлари остида шу тупрокка аралаштирилиб, кўмилиб тугардим, йўк, йўк, нафақат шугина, балки барча-барчаси, бизнинг муқаррар хаста, касалманд бўлган ва тез орада ўша ерда кўмиб ташланадиган барча интилишларимиз, барча маданиятимиз, барча имон-эътиқодимиз, барча ҳаёт қувончларимиз ва шодмонлигимиз ҳам ана шу тарика ўз ниҳоясига етарди. Қабристон бизнинг маданий дунёмиз эди, бу ерда Исо пайғамбар ва Сукрот, Моцарт ва Хайдн, Данте ва Гёте ётардилар. Занг босган тунука тахталарга муҳрланган, шухрати сўнган яна қанчадан-қанча номлар бор эди бу ерда, уларнинг атрофида эса, агар ана шу ўзлари учун бир пайтлар муқалдас бўлган тунука тахталарга ишона олганларида, уни киммат оладиган, мана шу ўтган дунё ҳақида қайғу ва тушкунликнинг озгина бўлса-да, ҳалол ва жиддий сўзини айта олишни қадрлайдиганлар хижолатли ва сохта нигоҳ билан тўпланишиб турадилар, энди уларга қабр тепасида

хижолат-ла ишшайиб туришдан бошқа иш ҳам колмаган-ди... Жахл билан иягимдаги эски жойни билмай яна кесиб олдим, эски яра яна янги бўлди. Ҳозиргина кўйганим янги ёқани яна алмаштиришга тўғри келди ва бу ишларнинг барчасини нимага қилаётганимни ўзим ҳам билмасдим, чунки ўша таклиф этилган жойга сираям боргим келмаётганди. Бироқ Ҳаррининг бошқа бир бўлаги яна томоша кўйиб, профессорни ёкимтой йигит деб атади, одамлар даврасига, гап сотиш ва дилкашликка талпинди, профессорнинг келишган хотинини эслатди, самимий ва меҳрибон мезбонлар ҳузурида бир кеча меҳмон бўлиш тўғрисидаги фикрни ҳақиқатан ҳам ғоят илҳомбахш деб топди ва энгагимга инглизча пластир (малҳамли мато) ёпиштиришимга, кийинишимга ва ажойиб, кўркам бўйинбоғ тақишимга ёрдамлашворди ҳамда мени ўз кўнглимнинг кўчасига қараб, уйда қолиш фикримдан юмшоққина қайтариб, боришга кўндирди. Айни пайтда ўйланиб ҳам қолдим: мана ҳозир кийиниб, кўчага чиқман, профессорни кўргани бораман ва у билан озми-кўпми ёлғондакам ширин, ёқимли, хушомад, мактов гапларни бир-биримизга тўкиб соламиз, гарчи буни ўзимиз хоҳламасак ҳам; жуда кўп одамлар ўзлари хоҳламаган ҳолда кун сайин, соат сайин шундай қиладилар, шундай яшайдилар ва ҳаракатда бўладилар, меҳмонга борадилар, суҳбат курадилар, ишхона ва идораларда иш (хизмат) соатларини шу зайлда зўрма-зўраки, енгил-елли, юзаки, истар-истамас, ноилож ўтказадилар, бу ишларнинг барчасини машиналар ҳам худди шундай яхшилаб бажаришлари ёки аксинча, бажармасликлари ҳам мумкин эди; худди мана шу абадий давом этгувчи механика уларни, худди менга ўхшаб, ўз ҳаётини танқид қилишга, ўз аҳмоқлиги ва юзакилиги, саёзлиги, ўзининг қабих, мудҳиш шубҳалилигини, ноумид дард-алам, ҳасратларини, ёлғизлигини билиш ва ҳис этишларига монелик қиларди. О, улар, одамлар ҳақ эди, мендек бир гумроҳга ўхшаб, тушкун кайфиятда бўшлиққа термилиб ўтириш ўрнига, кайғули, ўта аянчли механикага қаршилиқ кўрсатиш ўр-

нига шундай яшаб, доимо қандайдир «муҳим» ишлари кетидан зир югуриб юришганларида, улар чексиз ҳақ эдилар. Мен бу саҳифаларда гоҳида одамларни писанд қилмай, уларнинг устидан кулсам, кимдир тағин нотўғри ўйламасин, мен зинҳор айбни уларга ағдармоқчи ё уларни айбламоқчи ёки ўз шахсий бахтсизлигим учун уларни жавобгар қилмоқчи эмасман! Бирок мен, шунчаликка бориб, таг-тубсиз зулматга, ҳалокат ёқасига бориб қолган эканман, гўё мен учун ҳам худди ўша механика ишлаётгандек, гўё мен ҳам абадий иш дунёсининг болаларга хос гўзал оламига мансубман, дея ўзимни ва бошқаларни ҳам алдашга уринаётганимда доимо ёлғон сўйлаб, ноҳақ ҳамда нотўғри йўл тутиб келаман!..

Кеча кутилганидан ҳам зиёда, хўп ажойиб бўлди. Танишимнинг уйи олдига яқинлашаётиб, беихтиёр бир зум тўхтаб қолдим ва деразаларига назар ташладим. «Мана шу ерда», дедим ўзимга ўзим, бир одам яшайди ва йил сайин ўз ишини давом эттиради, матнларни ўқийди, уларга изоҳлар беради, олд Осиё ва хинд афсоналари ўртасидаги боғлиқликларни ўрганади, изланади, бундан ўзича мамнунлик туяди, чунки у ўз ишининг аҳамиятига, муҳимлигига, ўзи хизмат килаётган илм-фанга қуруқ билимга, уни тўплаб, ўрганишнинг аҳамиятига ишонади, чунки у тараққиётга, ривожланишга ишонади. У урушни кўрмаган, Эйнштейн туфайли рўй берган тафаккур асослари ларзаларини бошидан кечирмаган (у буни фақат математикларгагина тааллуқли, деб ўйлайди), ўз атрофида бўлаётган навбатдаги урушга тайёргарлик ҳаракатларида у ҳеч қандай «ёмон» нарсани кўрмайди, яҳудийлар ва коммунистларни нафратга лойик деб ҳисоблайди, у жуда яхши одам, бепарво, паришонхотир, қувноқ инсон, ўзини катта тутуди, қисқаси, унга ҳавас қилса арзийди.

Ўзимни қўлга олиб, ичкари кирдим. Мени оқ пешбанд такқан қиз — уй хизматчиси кутиб олди. Қандайдир ички сезгим орқали у шляпа ва пальтомни қаерга илишини ҳам олдиндан билиб турардим. У мени илик,

ёруф хонага бошлади ва бир оз кутиб туришимни сўради. Мен эса, дуо қилиш ё бўлмасам зиғирча мизғиб олиш ўрнига, қандайдир ножиқдй кизиқиш билан дуч келган биринчи буюмни қўлимга олдим. У кичкинагина рамкага солинган сурат бўлиб, думалок стол устида алақандай қаттиқ картон қолама туфайли кийшайиб ётарди. Ўйма нақшли бу суратда шоир Гёте акс эттирилган, унинг жонли, чиройли ясаниб-таранган чехрасида ўша машхур кўзлар чўғдек чакнар, мўйсафиднинг киёфасидан сарой аъёнларига хос енгил пардозланган ёлғизлик ва фожиавийлик нафаси уфурар, буни тасвирлаш учун рассом анчагина тер тўкканлиги сезилиб турарди. У бу ёвуз, жоҳил, иблис қариянинг ўзни тута билиш, дадиллик ва ҳалоллик, инсофлилик ва андишалиқдан иборат бир оз профессор ёки артистларга хос киёфасини унинг теранлигига путур етказмай ифодалашга ва умуман, уни ҳақиқий келишган кекса жаноб сифатида акс эттира олишга муваффақ бўлган эдики, бу расм энди ҳар бир фуқаро хонадонини зеб-зийнат бўлиб безай оларди. Эҳтимол, бу сурат шу хилдаги барча расмлардан, ғайратли, тиришқок мусаввирлар мўйқаламига мансуб гўзал нажоткорлар, Апостол\*, худога етишган азиз-авлиёлар, ақлзаковат, тафаккур, истеъдод соҳиблари — даҳолар ва давлат арбоблари тасвирланган асарлардан ҳам қолишмасди, балки унинг муайян юксак маҳорат билан ишланганлиги мени шу қадар тўлкинлантириб юборгандир; нима бўлгандаям, ҳар ҳолда кекса Гётенинг бу такаббурона, қуруқ ва мағрур тасвири мендек етарли даражада асабийлашган, дарғазаб ва эзилган одамга шу заҳоти тақдирий ёқимсиз бир уйғунлик бузилган бўлиб кўзга ташландики, бу менинг янглиш бир жойга келиб қолганимни кўрса-тиб турарди. Бу ерда Чўл бўриларига ўрин йўк, балки гўзал услубий ўхшатишган буюк классиклар, иллатнинг атоқли арбоблари эъзоз-ҳурматда эдилар.

---

\* *Апостол* — хаворий (Исонинг афсонавий ўн икки шоғирларидан бири).

Ҳозир агар уй эгаси кириб келганда эди, унга жўяли баҳоналарни айтиб, ортга қайтворишим ҳам мумкин эди. Аммо шу дамда унинг хотини кўринди-ю, гарчи кўнглим олдиндан қандайдир дилхираликни сезиб турса-да, тақдирга тан беришдан ўзга чорам қолмади. Биз саломлашдик ва навбатдаги англашилмовчиликлар содир бўла бошлади. Аёл менинг кўринишим дурустлигини айтиб қутлади, мен эса шу дамда, охирги учрашувимиздан буён ўтган йиллар ичида анча қариб-қартайганимни ўзим яққол ҳис этиб турардим; у мен билан қўл бериб сўрашгандаёқ, бармоқларимдаги лаънати подагра бунга ёдимга солганди. Кейин суюкли хотинимнинг хол-аҳволини сўради, шунда мен унга, аёлим ташлаб кетганини, ажрашганимизни айтишга мажбур бўлдим. Шу пайт профессор кириб келиб, жонимизга оро кирди. У ҳам мен билан самимий саломлашди ва ҳукм сураётган ғалати ҳамда кулгили вазият ўзининг энг ажойиб ифодасини топди. Унинг кўлида қандайдир газета бор эди — у обуна бўлган бу нашр милитаристлар ва уруш оловини ёқувчилар партиясига мансуб рўзнома эди. Мен билан сўрашиб бўлгач, у газетага ишора қилиб, алланималарни сўзлай кетди. Англашимча, рўзномада менга адаш бўлган аллақандай публицист Халлер ҳақида ёзилган бўлиб, бу ярамас, бевадан дарбадар кайзерни мазах қилганмиш, буям етмагандек, у яна шундай фикрни ҳам билдирибдики, гўё унинг ватани урушнинг юзага келишида бекордан-бекорга душман мамлакатлардан ҳам кўра кўпроқ айбдор бўлиб қолаётганмиш. Бу ўзи қанақанги аҳмоқ йигит бўлдийкин-а! Мана, у оларини олибди. Таҳририят бу бузғунчини бошлаб таъзирини бериб, шармаздасини чиқарибди. Қараса, бу гаплар мени мутлақо қизиқтирмапти, шунданми, суҳбатимиз бошқа мавзуга кўчди, бироқ, барибир, иккаламиз ҳам шу топда «кани энди ҳозир ўша ифлос шу ерда бўлсайди», деган ҳаёл билан банд эдик, аслида эса, ўша ифлос худди менинг ўзим эдим. Хўш, энди ортикча шовкин солиб, одамларни безовта, беҳузур қилишнинг нима кераги бор! Бунинг ўрнига ичимда ним кулиб қўя қол-

дим, бироқ бугунги оқшом ёкимли, кўнгилли бўлишидан умидимни узгандим. Ўша лаҳза ҳали ҳам аниқ эсимда. Чунончи, профессор ўша ватан хоини Халлер ҳақида гапираётган лаҳзада, мендаги ҳов ўша дафн маросими машмашсидан бошлаб йиғилиб, тобора кескинлашиб бораётган оғир рухий кайфият ва тушкунликнинг чидаб бўлмас ҳиссиёти тобора тўпланиб, шунақанги исканжага олдики, асти кўяверасиз; натижада қорнимнинг пастки қисмида кучли оғрик пайдо бўлиб, нафасим бўғилди, кўз олдим қоронғилашиб, даҳшатли тақдир-қисматимни англагандек бўлдим.

Сезиб турардим, нимадир мени пойлар, аллақандай хавф-хатар ортимдан таъкиб этиб келарди. Бахтимга шу чоқ, таом тайёр бўлганини маълум қилишди. Ошхонада ўтириб, каттик ботмайдиган бирон гап айтмоқчи ёхуд сўрамоқчи бўлиб уриндим, қаёқда, аксига олиб, одатдагидан кўра кўпроқ овқат еб кўйиб, ўзимни тобора беҳузур, ночор ҳис эта бошладим. Эҳ, худойим-ей, дердим яна ўзимга ўзим, намунча биз бу қадар тиришамиз, бир-биримизга сир бермай, сипоғарчилик қиламиз?.. Каминанинг фалаж қилувчи таъсириданми ё уйда аввалроқ бирон кўнгилсиз воқеа ўтганми, мезбонлар ҳам ўзларини мутлақо яхши ҳис қилмаётганликлари, сир бой бермай ўтиришлари ўзларига ҳам малол келаётгани аниқ ойдин сезилиб турарди. Менга аниқ нарсалар ҳақида саволлар беришар, уларга эса тўғри ва очиқ жавоб қайтариб бўлмасди. Шу тариқа ўзимни ўзим буткул, бошдан-оёқ, кетма-кет алдай бошладим, натижада оғзимдан чикаётган ҳар бир сўздан кўнглим айнирди. Ниҳоят, суҳбатдошларимни чалғитиш мақсадида, уларга бугун гувоҳ бўлганим — дафн маросими ҳақида сўзлаб бердим. Бироқ афсуски, юморга бўлган уринишим, ҳаракатларим уларга ёкинқирамади, аксинча кайфиятини бузди, чамамда. Гапларимиз ҳам энди бир-бирига сира ковушмас, бир-биримиздан тобора узоклашиб борардик, ичимдаги Чўл бўриси эса тишларини иржайтириб, мазахомуз куларди. Овқатдан сўнг учаламиз ҳам оғзимизга толкон солгандек, батамом жимиб қолдик.

Биз яна ўша биринчи хонага қайтиб кирдик, қахва, арок ичгани, балки энди шу нарса бизларнинг рухимизни бир оз кўтарармиди... Аммо бу ерда яна ўша маликуш-шуарога, гарчи энди унинг сурати бир четга — комод\* устига олиб қўйилган бўлса-да, кўзим тушиб, у яна хаёлимни банд этди. Ич-ичимдан ботиний огоҳ этгувчи овозларни сезиб, пайқаб турган бўлишимга қарамасдан, уни яна қўлимга олиб, бақамти бўлдим, у билан очикчасига «бахслаша» бошладим. Вазият қалтис, мен энди бутун вужудим билан шундай бир туйғуга берилгандимки, нима қилиб бўлса ҳам мезбонларнинг кўнглини топиб, гап оҳангини мослаб муомала қилишим, ё бўлмаса, улар билан алоқа-муносабатни бутунлай узиб, хозир орани очик қилиб қўяқолишим керак эди.

— Шунга аминманки, — дедим мен, — Гётенинг кўриниши ҳақиқатан ҳам бундай бўлмаган! Қаранг, кандай такаббуруна ва олийжаноб киёфа, мухтарам жамоат билан бўлаётган эркаланиш-навозишни салобат-викор ҳамда етуклик сиртидаги гўзал хассосликнинг бундайин олами! Албатта, унга кўп эътироз билдириш мумкин, менинг ҳам бу кекса мактанчоқ-шўхратпарастга эътирозларим кўп, бироқ уни бундай тасвирлаш, йўқ, йўқ, бу энди ҳаддан зиёд, ўта ошириб юборилган.

Уй бекаси қахванинг борини идишларга қуйиб чикди-да, тезгина хонани тарк этди, унинг юз-кўзларида чуқур изтироб аломатлари зоҳир эди. Шунда хожаси ярим хижолатомуз, ярим гинахонлик билан Гётенинг ушбу сурати рафикасига қарашли эканлиги, уни ўзгача меҳр билан, ўзига хос ардоқлаб-эъзозлашини айтиб берди. Башарти, холисанилло ҳақ бўлган тақдирингизда ҳам, дарвоқе, бу қадар кескин фикр билдирмасангиз бўларди, деди у.

— Гапингиз тўғри, — дея юзландим унга, — бироқ афсуски, ҳар доим имкони борича кескин тарзда ифода изҳор қилиш, бу менинг одатим, балки иллатимдир, дарвоқе, Гёте ҳам ўз замонасида доимо шундай қилган экан.

\* *Комод* — кийим-кечак турадиган яшикли жавон.



Қолаверса, бу ширинсухан, одамшаванда, мешчан оксуяк Гётега кескин, чин, хакикий, тўғридан-тўғри ифода керак ҳам бўлмагандир. Мен Сиз ва аёлингиздан уэр сўрайман — у кишига, яхшиси, мени шизофренияга чалинган экан, дея қолинг. Бир йўла менга ижозат ҳам берсангиз, энди сизлар билан хайрлашсам.

Уй соҳиби яна айрим эътирозларини билдираркан, ўша гурунглариимиз нақадар гўзал ва марокли бўлганлигини сўзлай бошлади, ха, менинг Митрас ва Кришна\* хусусидаги фараз, тахминларим ўшанда унда чуқур таассурот қолдирган, бугун ҳам у шундай суҳбатлардан умидвор бўлиб турган экан... ва хоказо. Мен бундай самимий сўзларига жавобан унга миннатдорчилик билдирдим ва, афсуски, Кришнага бўлган қизиқишим худди илмий гурунгларга нисбатан хошиш-истакларим сингари бутунлай сўнганлиги, бугун ҳам унга анча-мунча ёлғон гапирганлигим, масалан, шаҳарда бир неча кундан буён эмас, балки анча йиллардан бери яшаётганлигим, бироқ ўзим ёлғиз турмуш кечираётганим ва доимо ўта ёмон кайфиятда юришим, подагра билан хасталанганим, иккиламчи, кўпинча кайф холда бўлишим сабабли яхши инсонларнинг хонадонларига энди муносиб эмаслигимни айтиб, бор дардимни тўкиб солдим. Яна, биратўла орани очик қилиб қўяқолиш ва уларнинг хонадонини ёлғончи сифатида тарк этмаслик мақсадида, хурматли жанобга, мени бугун жуда-жуда хафа қилиб қўйганини ҳам айтиб ўтишимга тўғри келди. У ахир бир реакцион газетанинг Ҳаллер фикрларига нисбатан олим одамга муносиб бўлмаган, балки бир ишсиз, бекорчи зобитга хос бўлган ўша аҳмоқона, ўтакетган қайсар нуқтаи назарини «ўзиники» қилиб олганди-да. Бироқ бу «йигит», бу дарбадар, бевадан кимса Ҳаллер айнан ўзим эдим. Ўша, фикрлашга қодир бир қанча инсонлар кўр-кўрона, васвасага берилиб, ҳадеб янги уруш йўлида зўр беравериш ўрнига,

---

\* *Кришна* — санскрит тилида «кора» демакдир. Афсонавий хинд подшоҳи, унинг қахрамонликлари ва ишқий саргузаштлари хақида кўпгина ривоятлар тўқилган.

акл-идрок билан иш тутиб, тинчликсеварлик тарафдорлари бўлишганларида эди, мамлакатимиз ва жаҳонда ахвол янада яхшиланармиди. Илоё, худойим ўз паноҳида асрасин!

Шундай килиб, ўрнимдан турдим. Гёте ва профессор билан хайрлашдим, ташқаридаги кийим илгақдан нарсаларимни олиб, жўнаб қолдим. Вужудимдаги ичи қора бўри эса овози борича увиллар, иккала Ҳарри ўртасида зўр томоша бўлиб ўтарди. Чунки, бу кўнгилсиз оқшом аччиғланган профессордан кўра камина учун кўпроқ аҳамиятга эгаллиги менга дарҳол аён бўлган эди; унинг учун бу кўнгил қолиш ва кичкинагина нохуш воқеа бўлган бўлса, мен учун сўнги бор муваффақиятсизлик ҳамда жуфтакни ростлаш, мешчанлар, одобли, ахлоқчилар ва олимлар олами билан хайрлашув, Чўл бўрисининг узил-кесил ғалабаси эди. Шу билан бирга, у кочоқ ва мағлубнинг хайр-маъзури, ўз-ўзига таслим бўлиш изхори, устун бўлмаган, бетаскин ва ғамгин видолашув ҳам эди. Мен ўзимнинг ўтмишдаги оламим ва ватаним билан, мешчанлик, урф-одатлар, олимлик билан хайрлашарканман, баайни ошқозонидаги тўнғиз гўшти қовурдоғидан ҳосил бўлган ярадан азоб чекаётган одам ҳолатига тушдим. Чироклар қакқайиб турган кўча бўйлаб дарғазаб ҳолатда югуриб кетдим, шу дамда ғоят аччиғланган ва каттик қайғуга чўмган эдим. Бу ўзи бугунги, эрталабдан кечгача, кабристондан тортиб, профессор ҳузуридаги машинага қадар қандай кун бўлди-а? Шунақаям бетасалли-бетаскин, шармандали, беҳосият ва беҳузур кун бўладими! Хўш, нимага? Нима учун? Яна шундай кунларни бошдан кечириб, шундай «шўрва»ларни охирига қадар татиб кўришдан маъни бормикин? Йўқ! Бундай майнавозчиликка шу бугунги оқшом нукта қўйганим бўлсин. Уйингга боргин-да, Ҳарри, ўзингни ўзинг бўғизлаб қўяқол! Бас, шунча кутганинг ҳам етар.

Бахтсизлик, кулфат таъкиб этган мен бечора шўрлик кўчалар бўйлаб, у ёқдан-бу ёққа зир югурардим. Албатта, бамаъни одамларнинг оқсуяқларга ҳос бўлган зеб-зийна-

тини ерга уриб, камситганим яхши иш бўлмади, бу ахмоқлик ва адабсизликнинг ўзгинаси эди, бироқ мен зинҳор бошқача йўл ҳам тутолмасдим, мен бу беозор, боадаб, аммо алдамчи, ёлғондакам ва сохта ҳаётга ортиқ тоқат қилолмасдим. Энди менинг танҳоликка, ёлғизликка ҳам ортиқ бардошим қолмагандек туюлар, ўз жони-жаҳоним ҳам шу қадар кўнглимга урган, шу қадар кўнглимни айнитардики, буни тасвирлашга тил ожиз эди. Ўз дўзахимнинг бўм-бўш, хувиллаган, ҳавосиз маъвosi узра бўғилиб, зўриқиб, ўзни ҳар ён урарканман, миямда бир савол чарх урарди: «Ўзи бу ёруғ дунёда яна бирор нажот бормикин?» Йўқ, нажот йўқ эди. Оҳ, отажоним, онажоним, эҳ, олисларда қолган ўт-олов ёшлигим, эй, унинг бағридаги минглаб қувончлар, ҳаётимнинг мазмуни ва орзу-мақсадлар! Барчасидан менга ҳеч вақо, ҳаттоки, армон ҳам қолмагани, фақатгина азоб ва нафратли бўлдим, холос. Шу дамда ҳаёт, тириклик, яшашга мажбурлик менга жуда ҳам оғир туюлиб кетдики, умримда ҳеч қачон бунақа ҳолатга тушмаган эдим.

Шахар атрофидаги бир кўримсизгина ковоқхонада бир оз тўхтаб, тин олдим, сув ва коньяк ичдим, сўнг яна ақдан озган одамга ўхшаб, Эски шаҳарнинг узук-юлук, кинғир-қийшиқ тор кўчалари, хиёбонлар, темир йўл шохбекати жойлашган майдон бўйлаб югургилаб кетдим. Бутунлай жўнаб кетаман, тамом, ўйладим ўзимча ва шохбекатга кириб, деворда осифлик поездлар жўнаш жадвалига термилдим, ўзимга келволиш учун озрок шароб ичдим, эс-ҳушимни йиғиб олишга уриндим. Юрагимга кўрқув соладиган шарпа менга тобора яқинлашиб, кўзимга янада аниқроқ кўрина бошлади. У — ётоғимга қайтиш эди, тушкунлик олдидаги ўзни хотиржам тутишга, тақдирга тан беришга мажбурлик эди! Кўчада неча соатлаб тентираб юрмайин, барибир, ундан эшигимга, китоблар тўла столимга, тепазида маҳбубам сурати осифлик диванга қайтиб боришдан, ўша кутилган лаҳзадан қочиб қутулолмасдим, чунки устарани олиб, ўзимни ўзим шартта бўғизлаб қўяқолишим керак эди. Бу манзара кўз

олдимда тобора аниқроқ, равшанроқ намоён бўла бошлади. Юрагим дукиллаб урар, барча кўркинчлар дахшати: ўлим вахшатини сезиб, хис қилиб турардим! Ҳа, ўлимдан ниҳоятда кўрқардим. Гарчи бошқа чорам қолмаган, изтироб, нафрат ва тушкунлик теваарак-атрофимда уст-ма-уст қалашиб ётган бўлса-да, гарчанд мени энди ўзига тортадиган, жалб эта оладиган, менга умид ва қувонч бахш этадиган ҳеч нарса қолмаган эса-да, барибир, ўз-ўзимни қатл этиш олдидан сўнгги лаҳзада ўзимга ўзим шириллашиб тиф тортиб юбориш дахшати керагидан ортиқ таъқиб этарди!

Дилимга дахшат солиб, мени ўлгудек кўрқитиб турган бу нарсадан қутулишнинг бошқа бирон йўлини тополмасдим. Борди-ю, агар тушкунлик билан юраксизлик ўртасидаги қурашда бугун ҳам кўрқоклик ғолиб чиқадиган бўлса борми, унда эртага ва ҳар куни тушкунлик яна олдимда кўндаланг турар, ўз-ўзимдан жирканишим боис, у янада кучайиб кетаверарди. Бу ишни охирига етказмагунимча, пичокни қўлимга олиб, яна улоқтириб юбораверардим. Ундан кўра, бўладиган ишнинг шу бугуноқ бўлақолгани маъқул! Ўзимга ўзим, худди кўрқитилган ёш болага гапираётгандек сўзлардим, бироқ болақай гапга қулоқ солмай, кочиб кетди, чунки у яшашни истарди. Титраб-қакшаб, яна шаҳар бўйлаб кезиндим, ётоқхонам атрофларида узок тентираб юрдим, хаёлимда эса ҳамон уйга қайтиш фикри чарх урар, дам қайтгим келса, дам оёғим тортмасди. Ана-мана деб, бир майхонада қолиб кетдим. Биринчи қадахни бўшатдим, бўлмади, сўнг иккинчисини... ана ундан кейин яна мени ўша мақсад, ўша устара, ўша ўлим дахшати таъқиб эта бошлади. Ўлгудек чарчаб, хориб, ўриндиққа чўкдим, кейин фаввора четига ўтдим, йўл чеккасидаги тош устига ўтириб, юрагим ураётганини тинглай бошладим, пешонамдаги терларни артиб, яна йўлга тушдим, хаёлимда эса дам ўлим вахшати, дам ҳаёт соғинчи...

Шу алфозда кеч оқшом чўкканда, узокроқ ҳамда менга унча таниш бўлмаган шаҳар атрофида жойлашган

мехмонхона-ресторанга кириб бордим. Ресторан деразалари ортидан сершовқин рақс мусикаси янграрди. Кираверишда, дарвоза пештокида эски пешлавха кўзга ташланди: «Чўл бургути». Ичкарида бўш, озод, эркин, бежилов тун хукм сурар, одамларнинг бўғик ғовур-ғувур овозлари эшитилар, димокқа тутун, шароб хиди урилар, орқадаги залда эса рақс мусикаси айни авжида эди. Мен олдинги — кираверишдаги хонада тўхтадим, бу ерда оддий, факирона кийинган кишилар ўтиришар, айни пайтда орқа тарафда — бал залида эса башанг кийинган қиёфалар кўзга ташланарди. Хона миждозлар билан тўла, тирбанд эди. Тиқилинчда буфет столига яқин бориб қолибман. Деворга ўрнатилган ўриндикда келишган, ранги ошноққина бир қиз ўтирарди, эғнидаги балга мўлжалланган декольте\* кўйлаги ўзига ярашган, сочига тақиб олган гули сўлиб қолганди. Қиз яқин бораётганимни кўриб, менга очик чеҳра ва эътибор билан назар ташлади, майин жилмайганича бир оз сурилиб, жой берди.

— Мумкинми? — сўрадим қиздан.

— Албатта, — деди қиз. — Сен ўзинг кимсан?

— Раҳмат, — деб, қизнинг ёнига ўтирдим. — Уйга боришга сира иложим йўқ, боролмайман, боролмайман, мен шу ерда, агар ижозат берсангиз, сизнинг олдингизда қолсам. Ростини айтсам, уйга сираям боргим йўқ.

Қиз, мени тушунгандек, бош силкиди, шунда унинг пешонасидан қулоқларига тушиб турган жингалак сочларига кўзим тушди, сочларидаги сўлиб қолган гул — камелия эди. Ичкарида мусика қулоқни қоматга келтирадиган даражада янграр, официантлар берилган буюртмаларни баланд овозда эълон қилишар, кимларнидир чакириб, зир югуришарди.

— Қолақол, — деди қиз менга ёқимли овозда. — Нега энди уйингга бора олмайсан?

---

\* *Декольте* — аёллар кўйлагининг чуқур ўйилган ёқаси ва шундай ёқали кўйлак.

— Боролмайман. Уйда мени... йўк, йўк, боролмайман, жуда кўркиб кетаянман.

— Ундай бўлса, шу ерда қолақол. Қани, аввал кўзойнагингни бер-чи, вой-бў, ҳеч нарсани кўролмай қолибсан-ку. Қани, дастрўмолчангни бер. Хўш, энди нима ичамиз? Бургунд виносига қалайсан?

Қиз кўзойнагимни олди, артди, шундагина мен унинг оппок юзини, кип-қизил бўялган лабларини, оч кулранг кўзларини, сип-силлиқ пешонаси ва қулоқларига тушиб турган калта силлиқ жингалак зулфини аниқ кўрдим. У менга мулойимлик билан бир оз кинояомуз разм солиб тургач, шароб буюрди, мен билан қадах уриштирди ва бирдан пойафзалимга кўзи тушиб қолди.

— Вой худойим-ей, сен ўзи қаерлардан келаяпсан? Шу туришингда, нақ Париждан пиёда келаётган одамга ўхшайсан-а. Балга бундоқ келмайди-да.

Мен ҳеч нима демадим, бунинг ўрнига жимиб, кулиб қўяқолдим, қиз эса ганида давом этди. У менга жуда ёқиб қолди, бундан ўзим ҳам таажжубда эдим, чунки бунақанги ёш қизлардан шу пайтгача ўзимни иложи борица узоқроқ олиб юрар, кўпинча уларга ишонқирамай қарардим. У эса менга шунақанги ширин муомалада бўлардики... шунака авайлаб-аярдикки, бу менга керак эди, баъзан эса шунақанги пичинг қилардики, бу ҳам менга зарур эди. Қиз мен учун бутерброд буюрди, қалахни кўйиб узатди, шошмасдан, бир қултумдан ичишимни тайинлади. Шундан сўнг, итоаткорлигимни мактай кетди.

— Асл шоввоз йигит экансан, — деди у кўнглимни кўтариб, — бировга оғирлигинг тушмас экан. Менга қара, гаров ўйнаймизми, ўзиям бировга қулоқ солмай қўйганингга анча замонлар бўлгандир-ов?

— Ҳа, топдингиз, гаровда ютдингиз. Буни қаёқдан билақолдингиз, ақлим етмай турибди.

— Бу қийин эмас. Қулоқ солиш ҳам худди ейишичишдек гап. Кимки ундан узоқ мосуво бўлган бўлса, унинг учун бундан яхшироқ нарса бўлмайди. Менга энди бажонидил қулоқ солсанг керак-а, шундайми?

— Албатта, жоним билан. Сиз ҳамма нарсани биларкансиз.

— Ахир, буни ўзинг айтиб турибсан-ку. Балки, дўстим, уйингда сени кутаётган ва сен бунчалик кўркаётган нарсанинг нима эканини ҳам айтиб берарман. Аммо, буни ўзинг яхши биласан, бу ҳақда гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ, шундай эмасми? Бўлмағур нар-са! Ё биров ўзини осади, осадиган бўлгандан кейин осади, бошқа иложи йўқ, бунинг эса, ўзига яраша сабаблари бўлади. Ёки яшаб кетади ва бу, албатта, ўз ҳаёти хақида ўйлашга мажбурлигидан. Ҳаётда ҳеч нарса ўз-ўзидан, бесабаб, жўнгина бўлмайди.

— О! — кичқириб юбордим мен, — қанийди энди шундай бўлса. Инсоф билан айтадиган бўлсам, мен ўз ҳаётим учун қўлдан келганча ҳаракат қилдим, бироқ бундан ҳеч қандай наф бўлмади. Эҳтимол, ўз-ўзини ошиш кийиндир, билмадим. Бироқ яшаш ундан-да кийин, ундан-да оғирроқ! Бу — ёлғиз худонинг ўзига аён.

— Шошмай тур, хали кўрасан, бу жуда осон, оддий иш. Мана, бугун бошлаб олдик, сен кўзойнагингни артиб олдинг, единг, ичдинг. Энди эса, шимингни чўткалаймиз, ботинкангни тозалаймиз, буюм керак. Ундан кейин иккаламиз шиммига\* ракс тушамиз.

— Ана, кўрдингизми, — дедим кизишиб, — мен ҳақ эканман! Агар бирор амрингизни бажо этолмай қолсам, ғоят таассуфга тушган бўлардим. Лекин ҳозир айтганингизни уддалаш қўлимдан келмайди. Нега десангиз, мен на шиммига, на вальс, на полькага ўйнай оламан. Умрим бино бўлиб, раксга тушишни ўрганмаганман. Ана кўрдингизми, ҳамма нарса, сиз айтмоқчи, жўнгина эмас экан.

Гўзал кизнинг кип-қизил қилиб бўялган лаблари чиройли жилмайди, бошини сарак-сарак қилди, болаларни кига ўхшаб таралган сочлари енгил силкинди. Қизга қараб туриб, уни бир пайтлар, болалик чоғларимда ўзим илк бор учратган ва севиб қолган Роза Крайслерга ўхшатдим, бироқ у қўнғир тўсли, қора сочли киз эди. Бу

\*Шимми — ракс тури (ингл.).

нотаниш қиз менга кимларни эслатди, билолмадим, аммо у нимаси биландир олис ёшлигимни, узок болалик йилларимни ёдимга солган эди.

— Секин, секин! — деди қиз. — Демак, рақсга тушолмайсан? Умуман билмайсанми? Ҳаттоки, вонстепни\* ҳам? Яна худони ўртага солиб, ҳаётда қўп ҳаракат қилганман дейсан-а! Шу ерда ёлғон гапирдинг, оғайни, бу сенинг ёшингда ярашмайди. Ҳаттоки, рақсга тушолмас экансан, сен қандай қилиб, ҳаётимда ҳаракат қилганман, дея оласан?

— Қўлимдан келмагандан кейин нима қилай? Ҳеч қачон ўрганиб кўрмаган бўлсам...

Қиз кулди.

— Бирок ўқиш ҳамда ёзишни ўргангансан, шундайми? Ҳисоблаш ва яна эҳтимол, лотин ҳамда фаранг тилларини, иннайкейин, шунга ўхшаш яна алламбалоларни ҳам ўргангандирсан-а? Сен билан гаров ўйнайман, мактабда ўн ёки ўн икки йил ўқигансан, мумкин, талаба ҳам бўлгандирсан, эҳтимол, ҳатто докторлик унвонинг ҳам бордир, балки хитой ё испан тилларини ҳам биларсан? Ё йўқми? Шундай... Лекин бир неча соатгина вақт ажратиб, рақс дарсига қатнашиб, буниям ўрганиб қўймагансан. Шунга қолганда, сенда озгина вақт ва маблағ бўлмаган! Яша!..

— Ота-онам... — чайналиб, оқладим ўзимни, — мени лотин ҳамда юнон тилларига ва бошқа нарсаларга ўқитган. Аммо рақсга ўқитишмаган, бизда бу нарса урф бўлмаган, ота-онамнинг ўзлари ҳам ҳеч қачон рақс тушишмаган.

Қиз менга совуқ назар билан қараб қўйди, унинг юзқўзларидаги нимадир менга яна ёшлик чоғларимни эслатди.

— Шунақа дегин, демак, ота-онанг айбдор экан-да! Бугун окшом «Чўл бургути»га келаётганингда ҳам, улардан рухсат сўрадингми, ишқилиб? Айт, сўраганмидинг? Улар аллақачон оламдан ўтиб кетишган, демокчисан,

---

\* *Вонстеп* — рақс тури (ингл.).



шундайми? Агар ёшлигингда итоаткорлик юзасидангина рақс тушишни ўрганишни хоҳламаган бўлсанг, унда майли. Ўшандаям мўмин-қобил бола бўлганингга ишонгим келмайди. Хўш, кейин-чи? Кейинги ўтган йиллар ичида нималар билан шуғулландинг?

— Эҳ, очигини айтсам, ўзим ҳам билмайман. Ўқидим, мусикани ўргандим, китоблар мутолаа қилдим, асарлар ёздим, сайру саёхатларга бордим.

— Ана, ҳаётда хўб ажойиб нарсаларни кўрибсан-ку! Демак, сен ҳамиша қийин ва мураккаб нарсалар билан шуғуллангансан, олдий нарсаларни эса, умуман ўрганмагансан. Нима, вақтинг бўлмаганми? Ё қизиқмаганмисан? Ҳа майли, Худога шукурки, мен сенинг онанг эмасман. Лекин шунча яшаб, ҳаётдан ҳеч нарса топмадим, дея нолишинг... йўқ, йўқ, бунақаси кетмайди!

— Илтимос, уришманг, — ялиндим қизга. — Биламан, мен ўзи жинниман.

— Нима, нима! Қўйсанг-чи, бунақа гапларингни!.. Сен ҳечам жинни эмассан, жаноб профессор, сендан сираям жинни чикмайди! Сен шунчаки ўта ақллисан, нақ профессорнинг ўзисан. Кел, нондан яна озгина еб ол! Қолганини кейин гапириб берасан.

Қиз мен учун яна нон буюрди, бутерброд устига озгина туз, бир оз горчица\* сепиб, ўзига ҳам бир бўлакча кесиб олди, менга «ма, ол, есанг-чи», дея манзират қилди. Нондан олдим. У нима деса, барчасини, рақсдан ташқари барча айтганларини қилишга тайёр эдим. Кимгадир қулоқ солиш, бўйсунуш, кимнингдир ёнида ўтириш, тагин у сен ҳақингда сўраб-суриштирса, сенга бўйруқлар берса, сени қойиб турса, буларнинг барчаси шунақанги хуш ёқардики, асти қўяверасиз... Агар профессор ёки унинг хотини шу ишни бундан бир неча соат олдин қилганларида эди, булар менга насиб этмаган бўлармиди. Ҳа, майли, қайтанга шу яхши бўлди, йўкса, кўп нарса йўқотган бўлардим.

---

\* Горчица – хантал ўсимлигининг уруғи ва ундан тайёрланган зиравор.

— Ўзи отинг нима сени? — сўраб қолди киз тўсатдан.

— Ҳарри.

— Ҳарри дейсанми? Гўдак боланинг исми-ку! Сочингдаги бирда-ярим оқни хисобга олмаганда, нақ гўдакнинг ўзисан-да, Ҳарри! Ҳали ёш боласан, сенга қарайдиган одаминг бўлиши керак. Рақс хақида-ку, энди бошқа гапирмайман. Лекин, сочларингни қара! Хотин-потининг, севгилинг ҳам йўқми дейман?

— Хотиним бор эди, ажрашганмиз. Севгилим эса бор, лекин у бу ерда яшамайди. Уни кам кўраман, бир-биримиз билан унча чиқишолмаймиз.

Киз тишлари орасидан секингина хуштак чалиб юборди.

— Хотин туриш бермаганидан феъли ёмон эркакка ўхшайсан. Лекин очигини айт: бугун оқшом ўзи нима бўлди? Нега бунчалик рухинг тушиб кетди? Биров билан уришдингми? Ё каттароқ пул ютқазиб кўйдингми?

Бу саволларга жавоб бериш мен учун ғоят мушкул эди.

— Кўрмайсизми, — аста гап бошладим, — ўзи арзимаган нарсайди. Бир профессор, лекин ҳеч қанақа профессор эмасман, уйига таклиф қилувди, аслида бормаслигим лозим эди, чунки одамлар билан ўтириб, хангомалашишдан анча узоқлашиб кетганман, бунақанги нарсалар аллақачонлар эсимдан ҳам чиқиб кетган. Уйига кирганимдаёқ ўзи кўнглим сезувди — шляпамни илаётганимда уни яна дарров қайтиб олсам керак, деган фикр хаёлимдан ўтувди. Кирсам, профессорникида — стол устида бир расм турган экан, ўзи бир бўлмағур сурат, шу кайфиятимни бузди денг...

— Қанақа расм? Нега бузади кайфиятингни? — гапимни бўлди киз.

— Ҳа, у расм Гёте, билсангиз, шоир Гётсенинг сурати экан. Лекин шуниси борки, у суратда аслида ўзи қандай бўлса, шундай тасвирланмаган — буни умуман, ҳеч ким аниқ билмайдиам, чунки у бундан юз йиллар илгари

ўлиб кетган. Аллақандай замонавий рассом Гётени қандай тасаввур қилган бўлса, ўзича шундай тасвирлаган қўйган. Шу сурат денг, шунақанги ёқимсиз кўриниб, жахлимни чиқардики, билмадим, буни тушуна олармикинсиз?

— Жуда яхши тушунаман, нега тушунмас эканман. Қани, давом эт-чи.

— Профессор билан илгаритдан муросамиз келишмайди; у деярли барча профессорлар сингари ўта «ватанпарвар», уруш пайтида халқни бадном қилишда зўр бериб иштирок этган — албатта, тўғри иш қилаяпман, деб ўйлаган. Мен эса, урушга мутлақо қаршиман... Аслида, ўша суратга қарамасам, эътибор бермасам бўларкан.

— Ҳа-я, нима қилардинг қараб.

— Шундай-ку-я, лекин Гётега ачиниб кетдим-да, у менга жуда, жуда суюкли, қолаверса, улар ҳам ўзимга ўхшаган одамлар бўлса, улар ҳам Гётени менчалик севсалар, худди менга ўхшаб тасаввур қилсалар керак, деб ўйладим, шундай бўлса-ю, улар манави дидсиз ишланган, бўяб-бежалган сохта расмни зўр, ажойиб деб мактаб, суратдаги рух Гётенинг руҳига батамом зид эканини сезишмаса, пайқашмаса... бу ҳам майлия, бироқ шу билан бу одамларга нисбатан барча ишончу дўстлигим ҳамда яқинлик ва ўзаро бир бутун ҳис-туйғуларим ҳам бирданига барбод бўлди, сўнди, ўчди-кетди... Аслида-ку, бир-биримиз билан у қадар қалин дўст ҳам эмасдик. Шундай қилиб, мени ҳеч ким тўғри тушунмаганига аччиғим келиб, яқка-ёлғиз эканлигимдан хафа бўлиб кетдим-да. Энди тушунгандирсиз?

— Тушунмай ўлибманми, Ҳарри. Хўш, кейин-чи? Кейин нима бўлди? Ўша сурат билан бошларига бошлаб туширдингми?

— Йўқ, сўқиниб чиқиб кетдим, холос. Уйга бормоқчи эдим, лекин...

— Лекин сен эси йўқ болани юпатишга, ё бўлмасам, уришиб-койишга ойинг бўлмаган... Менга қара, Ҳарри, сен ҳалиям бола экансан. Сенга раҳмим келади.

— Албатта, буни тушунаман, ўзим ҳам тан оламан.

Қиз менга шароб қуйиб узатди. Хақиқатан ҳам у менга нисбатан худди онаизордек муомала қиларди. Орасира унга разм солиб қўярдим, у ёш ва гўзал эди.

— Демак, — яна гап бошлади қиз, — Гёте бундан юз йиллар муқаддам ўлиб кетган, Ҳарри эса уни ҳамон жуда-жуда севади. Унинг ташки кўриниши қандай бўлган-лигидан қатъи назар, ўзича ажойиб бир тарзда тасаввур қилади, бунга Ҳарри ҳақли ҳам, шундай эмасми? Бирок Гётега қизикадиган, уни ўзича тасаввур қиладиган рассомнинг бунга ҳақки йўқ, профессорнинг ҳам ҳақки йўқ, умуман, ҳеч кимнинг ҳақки йўқ, чунки бу Ҳаррига тўғри келмайди, у бу нарсалар билан мураса қилолмайди, аксинча сўкиниб, қочиб кетишга мажбур бўлади! Агар у ақлли бўлганида эди, рассом ва профессор устидан шунчаки қулиб қўяқолган бўларди. Агар у жинни бўлганида, Гётеларини уларнинг юзига қараб улоқтирарди. У эса, ҳали ёш бола эмасми, бунинг ўрнига чошиб уйига бориб, ўзини осмокчи бўлган. Мен сенинг тарихингни билиб бўлдим, Ҳарри. У хақиқатан ҳам ғалати, кулгили экан. Туриб, туриб, кулгим қистайди. Шошма, бунчалик тез ичмагин! Бургунд шароби секин ичилади, тез ичсанг ичингни ёндириб юборади. Сенга ҳамма нарсани айтиб туриш керак экан-да, гўдагим.

Қизнинг ҳозирги нигоҳи худди олтмиш ёшли гувернант\* аёлнинг қаттиққўл, жиддий ва талабчан қиёфасини эслатарди.

— Албатта, — дедим мен мамнунлик билан, — менга ҳамма нарсани айтиб туришингиз керак.

— Нимани айтишим керак сенга?

— Нимани истасангиз, шуни.

— Яхши, мен сенга бир нарсани айтай бўлмаса. Мана, ўзинг бир соатдан бери эшитиб ўтирибсан, мен сени сенсираяпман, сен бўлсанг, менга ҳамон сизлаб гапираяпсан. Ҳамон лотин, юнон тилларингга ўхшатиб, ҳаммаёкни мураккаблаштириб юбораяпсан! Қиз бола сени

\* *Гувернант* — тарбиячи, мураббий (фр.).

сенсирадими, қиз кўнглинга ўтирдими, сен ҳам унга бемалол «сен» деб гапираверишинг керак. Ана, буниям ўрганиб олдинг. Энди, иккиламчи гап: ярим соатча бўлди, исминг Ҳарри эканини билиб олдим. Буни, албатта, ўзингдан сўраб билдим. Лекин сен менинг исминни билишга қизикмаяпсан.

— О, нега энди, мен буни жон деб билмоқчийдим.

— Кеч қолдинг, болакай! Энди кейинги сафар учрашганимизда сўрарсан. Бугун, барибир, сенга буни айтмайман. Хўш, энди мен бориб, бир оз рақс тушмоқчиман.

Қиз ўрнидан турмоқчи бўлаётганини кўриб, рухим тушиб кетди. Мени ёлғиз қолдириб, кетиб қолса-я, деб кўрқдим, чунки у ҳолда ҳаммаси илгари қандай бўлса, шундайлигича қолиб кетавериши мумкин эди. Бир зум тўхтаган тиш оғриғи тўсатдан кучайгандек, вужудимни кўрқув ва даҳшат чулғаб олди. Эҳ, худойим-ей, мени нималар кутаётганини нахотки унута бошлаган бўлсам! Бирон кор-ҳол юз бермасин-да, ишкилиб...

— Тўхтанг, тўхта! — дедим қизга илтижо билан. — Кетма! Майли, истаганингча рақс туш, лекин узоқ қолиб кетма, тез кел, тез келгин, хўпми?

Қиз кулиб ўрнидан турди. Бўйи новча бўлса керак, деб ўйлагандим, йўқ, қадди-қомати ўзига ярашган экан. Шу туришида у менга яна кимнидир эслатди, лекин кимлигини билолмай, яна бошим қотди.

— Аниқ келасан-а?

— Келаман, аммо бир оз ҳаяллашим ҳам мумкин, бир соатми, ярим соатми, аниқ билмайман. Менга қара, кўзларингни юмгин-да, озгина ухлаб ол, бу сенга керак.

Қиз кетди, юбкачаси тиззамга енгил тегиб, сирғалиб ўтди. Кетаётиб, қўлидаги думалок кўзгучага бир қараб олди, қошларини чимириб, ула сурадиган момикча билан иягини артди-да, рақс зали томон йўл олди. Ёнатрофимга разм солдим: бегона, нотаниш одамлар чекиб ўтиришарди, мрамор стол усти тўла пиво, чинкироқ овоз-

лар, кийкириклар ҳаммаёкни тутиб кетган, ёнгинамизда эса гумбурлаб ракс мусикаси янграрди. Менга ухла деганини қаранг, вой боласи тушмагур-ей, уйқумизни ҳам ўйлайди-я, бизларда уйқу нима қилади, куш уйқумиз-ку! Тағин бу ерда, столда ётиб ухлаб бўларканми, бунинг устига пиво қуйилган идишларнинг шакир-шуқурини айтмайсизми; ичимликдан озгина хўплаб, чўнтагимдан сигара олдим, гугурт излаб, у ёқ-бу ёғимни ковлаштирдим, бироқ чекким келмади, сигарани стол устига қўйдим. «Кўзларингни юмгин-да...» Бундай теран, мулойим, оналарга хос бўлган овозни бу қиз қаердан олганикин, худо билади. Бу овозга қулок солиш, бўйсунуш, итоат қилиш мен учун нақадар ёқимли эди, бунга ўзим амин бўлдим. Кўзларимни итоаткорона юмиб, бошимни деворга суядим. Лекин ухлолмадим, чунки юзлаб кучли ва каттик овозлар қулокни коматга келтирарди. Шу ерда ухламоқчи бўлганимга ўзимча кулиб, ундан кўра бориб, раксхонага бирров назар ташлай, ахир у ерда менинг гўзалим ракс тушяпти-ку, дея ўрнимдан тураман десам, қаёқда, санғийвериб роса чарчаган эканманми, яна жойимга ўтириб қолдим. Беихтиёр кўзим илинибди. Оналарга хос буйрукни бажо қилиб, ухлаб қолибман, туш кўрибман. Тушимда: эски урф бўйича жиҳозланган қандайдир қабулхонада ўтирган эмишман, ниманидир кутаётганмишман. Англашимча, қайсидир жаноби олийлари ҳузурига ташриф буюрибман, у олий зот Гёте жанобларининг ўзлари экан. Энг ёмони, бу ерга шахсан эмас, балки аллақайси журналнинг мухбири сифатида келганим эди. Бу эса мени ноқулай аҳволга солар, қайси иблис бу ишни қилганига сира ақлим етмасди. Бунинг устига, худди шу захоти қаердандир пайдо бўлиб, оёқларимга ўрмалаб чиқишга уринаётган чаён ҳам мени ташвишга солар, гарчи ўзимни у митти газандадан химоялаб, силкитиб юборган бўлсам-да, барибир, унинг қаердалигини билолмаганимдан, қўлим билан у ер-бу еримни пайпаслаб кўришга ҳам боғинолмасдим.

Мени яна безовта қилган нарса шу эдики, Гёте ўрнига адашиб, тагин Матиссон\* ҳузурига келиб қолмадим-микин, деб ҳам ўйлардим, чунки уни тушимда Бюргер\*\* билан алмаштириб юбориб, «Моллига аталган шеър»ни\*\*\* уники деб хаёл қилибман. Шундай бўлса ҳам, Молли билан учрашувга жон-жон деб рози бўлардим, тасаввуримда у ажойиб, гўзал, нафис, муסיқавий ва мағрибона эди. Ишкилиб, ўша лаънати тахририят топшириғи билан келмаган бўлсам бўлди-да! Мендаги нохуш кайфият бора-бора кучайиб, аста-секин Гётега ҳам юқа бошлади, хозир унга ўзимнинг бор шубҳа-гумонларим-у, ўпка-гиналаримни тўкиб солишга тайёр эдим. Ўзиям қабулмисан қабул бўладиган бўлди-да! Чаён бўлса, гарчи шундоққина биқинимда яшириниб, менга хавф солиб турганига қарамасдан, энди у қадар ёмон туюлмас, аксинча, менга яхшилик аломати бўлиб кўринарди. Эҳтимол, у Молли билан боғлиқ бўлиб чиқар, балки унинг ўзига хос даракчиси ёки белгиси, аёлларга хос назокатнинг гўзал, гуноҳи азимларнинг хатарли тамғасидир, ким билади. Мабодо унинг номи Вулпиус\*\*\*\* эмасмиди?.. Шу пайт эшик очилиб, хизматчи кўринди-ю, мен ўрнимдан кўзғалиб, ичкари кирдим.

Қаршимда кекса Гёте кичкинагина бўлиб, ўта расмий ва жиддий киёфада турар, мумтоз шоир кўксида муносиб равишда орден юлдузи порларди. Важоҳатидан ҳали ҳам тобида, ҳамон қабул маросимлари ўтказар, ҳануз дунёни Ваймардаги ажойибхонасидан туриб, назорат қиларди. У менга кўзи тушиши билан, бошини худди қари қарғага ўхшаб бир силкиб, тантанавор оҳангда гап бошлади:

— Хўш, сиз ёшлар, биз ва бизларнинг саъй-ҳаракатларимиздан унчалик хурсандмасга ўхшайсизлар, шундайми?

\* *Матиссон* – Фрийдрих фон Матиссон (1761–1831), шоир.

\*\* *Бюргер* – Готфрид Август Бюргер (1747–1794), шоир.

\*\*\* *Моллига аталган шеър* – Г.А.Бюргер қаламига мансуб.

\*\*\*\* *Вулпиус* – Гётенинг рафикаси – Кристиана Вулпиус (1765–1816)га ишора.

— Худди шундай, — дедим мен, унинг вазирларга хос ўткир нигоҳига аранг дош бериб. — Биз, ёшлар ҳақиқатан ҳам Сиздан норозимиз, мухтарам жаноб. Сиз, зоти олийлари, бизга ўта тантанавор, ўта мағрур ва мактанчок кўринасиз ҳамда у қадар очик кўнгил, самимий эмассиз. Энг муҳими: очик кўнгил, самимий эмассиз.

Қариянинг вазмин боши бир оз олдинга юкинди, жиддий қимтилган лабларида билинар-билинамас табас-сум пайдо бўлди. Буни кўриб, юрагим дукиллаб ура бошлади ва *«Қоронғилик босиб келди аста кўкдан»\** деган сатрлар ёдимга тушди. Нахотки ана шу сатрларни мана шу инсон ижод қилган, илк бор ана шу лаблар пичирлаб айтган бўлса... Шу лаҳзада ўзимни бутунлай ожиз ва мағлуб ҳис эта бошладим, иложи бўлса, ҳозир унинг олдида, ҳатто тиз чўкишга ҳам тайёр эдим. Аммо ўзимни сипо тутиб туравердим. Ниҳоят, унинг ним табассум аралаш овози эшитилди:

— Э-э, сизлар хали мени носамимийликда айблаяп-сизларми? Бу гапларингизга унчалик тушунолмадим! Мундок тушунтириброк айтсаларингиз бўлмайдимиз?

— Бўлади, жоним билан, бажонидил. Сиз, Гёте жаноблари, барча улуғ даҳолар сингари инсон ҳаётининг бутун шубхалилиги-ю умидсизликларини: яъни лаҳзанинг улуғворлиги ва унинг ночор таназзули, ҳис-туйғуларнинг гўзал юксаклиги эвазига кундалик ҳаётнинг дикки-нафаслиги билан бақамти бўлиш, Рух салтанатига бўлган оташин соғинч, у билан табиат маъсумлиги ўртасида худди шундай оташин ва илохий муҳаббат-ла йўғрилган абадий ҳаёт-мамот кураши боради, бу бўшлиқ ва мухмал оламдаги даҳшатли муаллақлик, фонийлик ва бебақоликка маҳкумлик, абадий номукамаллик, васваса ва юзакилик — қисқаси, одамзоднинг бутун ночорлигини, тумтароклилигини ҳамда юракни ёндирадиган, ични куйдирадиган тушкунлигини кўриб-билиб, теран ҳис этгансиз. Сиз буларнинг барчасини кўра-билатуриб, ўзингизни ҳам

---

\* *«Қоронғилик босиб келди аста кўкдан»* — Гёте шеъри.



баъзан бунга дахлдор деб хисоблагансиз, шундай бўлса-да, бутун онгли ҳаётингиз давомида бунга зид равишда ишонч-эътиқод ва некбинлик ҳақида ваъзхонлик қилиб келдингиз, бу билан ўзингизни ва бошқаларни ҳам гўё маънавий-рухий саъй-ҳаракатларимизнинг маъно-мазмунни борлигига ва уларнинг бардавомлигига ишонтирмоқчи бўлдингиз. Сиз теранлик тарафдорларини, тушкунликка тушган ҳақиқат овозларини рад этдингиз ҳамда уларни худди Клайст ва Бетховенда бўлганидек, ўзингизда ҳам бўғиб, йўқ қилдингиз. Сиз ўтган ўнлаб йиллар мобайнида буни гўё билим тўплаш, ёзув-чизув, тўпламлар ва хатларни жамлаш деб кўрсатиб келдингиз. Сизнинг Ваймарда ўтган бутун умрингиз ўзингиз никоб сифатида маълум услубга сола оладиган, табиатни илоҳийлаштириш учун Сиз мўмиёлаб қўя оладиган лаҳзани абадийлаштириш йўли эди гўё... Биз Сиздан ўпкалаётган носамимийлик мана шу.

Кекса махфий маслаҳатчи лабларида табассум билан кўзларимга тикилган қўйи ўйланиб қолди. Сўнг мени лол қолдириб, сўради:

— Унда, Моцартнинг сеҳрли флейтаси\* ҳам роса нафратингизни қўзғатса керак?

Унга эътироз билдирмоқчи эдим, аммо у сўзида давом этди:

— Сеҳрли флейта ҳаётни ажойиб, дилрабо, бебаҳо қўшиқ қилиб тасвирлайди. Ўткинчи ҳис-туйғуларимизни гўё абадий ва илоҳий нарсалардек, кўкларга кўтариб мактайди, бу билан у на жаноб фон Клайстга, на жаноб Бетховенга қўшилади, балки некбинлик ҳамда ишонч-эътиқодни тарғиб ва тараннум этади.

— Биладан, биладан буни! — кичқирдим ғазаб билан. — Худо билади, шу сеҳрли флейта миянгизга қаёқданам келиб қолди, ахир у мен учун дунёда энг азиз нарса-ку! Лекин Моцарт саксон икки ёшга кирмаган ва шахсий ҳаётида Сизга ўхшаб бардавомлик, тартиб-интизом, расмий мартаба, мансаб талаб қилмаган! У ҳеч

---

\* *Флейта* – найсимон мусиқа асбоби.

қачон кеккаймаган, кибру ҳавога берилмаган! У ўзининг илоҳий тароналарини куйлаб, камбағалликда ўтди ва бу дунёдан эрта кетди...

Нафасим тикилиб, энтикиб қолдим. Ҳозир ўнта сўз билан мингта нарсани айтвориш мумкин эди, лекин пешонам терлаб, ўзимни беҳол сездим.

Гёте эса очиқ чехра билан деди:

— Саксон икки ёшга кирганим, эхтимол, кечириб бўлмас ҳолдир. Бирок мен ҳам бундан, сиз ўйлаганчалик, масрур бўлаётганим йўқ. Сиз ҳақсиз: бардавомлик талаби хамиша вужудимни чулғаб келган, мен доимо ўлимдан қўркиб яшаганман ва унга қарши курашиб келганман. Ўлимга қарши кураш, муқаррар ва ўжар, қайсар турмуш тарзи шундай бир майл-истакки, барча буюқ инсонлар шундан келиб чиқиб иш тутишган, яшаган, деб ўйлайман. Пировардида, барибир, ўлим ҳақ эканлигини эса, навқирон дўстим, саксон икки ёшимда шу нарса билан лўнда қилиб исботладимки, мен гўё мактаб боласи бўлиб ўлгандекман. Ўзимни оқлаш керак бўлса, яна шуни ҳам айтишим мумкинки, менинг табиатимда болаларга хос нарсалар кўп бўлган: ҳар нарсага қизиқувчанлик, ўйинга ҳавас, вақтни беҳуда сарфлашга мойиллик ва ҳоказо. Ўйиннинг бир мартаси етарли эканини англаб, тушуниб етгунча эса, орадан шунча умр ўтиб кетибди...

Бу гапларни айтаётиб, қувлик билан, очиқдан-очиқ беҳаё кулимсиради ва унинг киёфаси катталашиб, юз-кўзларидаги жиддийлик, безовта ва бесаранжом виқор аллақаяқларга йўқолди. Ён-беримиз ҳам энди куй ва оханглар билан тўла бошлади. Гёте кўшиқлари, Шубертнинг «*Ўрмон ва водийларни тўлдирдинг яна*», Моцартнинг «*Бинафша*»си янграрди. Гётенинг юзи қип-қизил, ўзи ёшариб кетган, кулиб, очилиб-сочилиб, дам Моцартга, дам Шубертга оға-инидек ўхшаб кетар, кўксидаги юлдуз эса гўё қир чечакларини эслатар, унинг ўртасида сариқ наврўзгул барқ уриб очилиб турарди.

Қариянинг саволларим ва айбловларимга бундай ҳазиломуз тарзда чап бериб, устомонлик қилиши, тўғри-

си, менга маъкул келмади. Унга таънаомуз қараётганимни кўриб, бир оз энгашиди-да, болаларникига ўхшаб кетадиган оғзини қулоғимга яқинлатиб, аста шивирлади:

— Бўтам, кекса Гётени бу қадар жиддий қабул қилма. Марҳум кексаларни жиддий қабул қилиб бўлмайди, акс ҳолда уларга нисбатан ноҳақлик қилган бўламиз. Биз — мангуликка дахлдорлар бизларни жиддий қабул қилишларини ёқтирмаймиз, аксинча, ҳазил-хузулни ёқтирамыз. Жиддийлик, болам, замоннинг ишидир; у, агар мен сени сотмоқчи бўлсам, ўшанда, замонга ортиқча баҳо бериб юборилгандагина юзага келади. Мен ҳам бир пайтлар замонга ортиқча баҳо бериб юборганман, шунинг учун юз ёшга кирмоқчи бўлганман. Абадиятда эса, кўриб турибсанки, вақт деган тушунча йўқ; абадият — биргина ҳазил учун етиб ортадиган лаҳзадир, холос.

Ҳақиқатан ҳам бу одам билан энди жиддий гаплашиб бўлмасди. У қувноқ ва мамнун, эпчил ва чаккон дикиллаб ўйнар, кўксидаги юлдуздан наврўзгул дам пориллаб учиб тушар, дам кичраярди ва ахийри шу тарзда кўздан ғойиб бўлди. Раксга тушаркан, қариянинг ҳаракатларини кўриб туриб, бу одам ҳар қалай ракс тушишни ҳам ўрганган экан-да, деган ўй ўтди хаёлимдан. У ажойиб ўйнарди... Шу пайт кутилмаганда чаённи, йўқ, кўпроқ Моллини эсладим ва Гётедан сўрадим:

— Айтинг-чи, мабодо Молли ҳам шу ерда эмасми?

Гёте каттиқ қулиб, столи томон юрди, унинг ғаладонини очди-да, ундан кимматбаҳо чарм ёки бахмал духобадан ясалган қутичани олди, уни очиб, кўзларимга яқин олиб келиб кўрсатди. Қутичада тўқ бахмал устида кичкинагина, мафтункор, хушбичим аёл оёғи жимирлаб турар, у тиззадан бир озгина эгилган, нозик, бежирим оёқ панжалари томон ингичкалашиб кетганди.

Мен қўлларимни узатиб, жимитдеккина оёқни олмоқчи бўлдим, у мени ўзига бутунлай мафтун этган, бармоқларим тегар-тегмас, ўйинчокка жон киргандек бехосдан ҳаракатланди ва миямда, бу чаён бўлмасин тағин, деган шубҳа уйғонди. Гёте бу чуқур саросимани, хирс билан

кўркув ўртасидаги сескантирувчи номутаносибликни тушунгандек, ҳатто ўзи шуни хоҳлаб, мақсад қилиб қўйгандек кўринди. У жозибадор чаёнчани юзимга теккудек яқин олиб келди, уни истаётганимни, бироқ даҳшатга тушиб, ундан тисланаётганимни кўриб, бундан роса ҳузур қилаётандек туюлди. Гўзал ва хатарли нарса билан жигмга тегаркан, у яна бирдан бутунлай қари, картайган, мункиллаган чолга айланди. Гўё минг ёшга қиргандек, сочлари қордек ошпоқ нуроний мўйсафиднинг сўлғин чехраси секин, унсиз кулди, қарияларгагина хос бўлган бу чуқур маъноли кулги унинг ич-ичига сингиб кетди...

Уйғонганимда, тушим эсимдан чиқиб кетган эди, кейинроқ бирдан яна эсимга тушди. Шундай сершовкин мусиқа ва ғала-ғовур ичида, стол атрофида ўтириб, бир соатча ухлабман, бунга ишонгим ҳам келмасди. Мен учун азиз бўлган қиз олдимда, бир қўлини елкамга қўйганича турарди.

— Менга икки ёки уч марка бериб тур, — деди қиз, — у ёқда ул-бул олиб едим.

Қизга катмонни узатдим. У бир оздан сўнг қайтиб келди.

— Хўш-ш, ана энди сен билан пича гаплашиб ўтиришим мумкин, ундан кейин эса, яна боришим керак, ваъдалашганмиз.

Кўрқиб кетдим.

— Ким билан? — сўрадим дархол.

— Бир жаноб билан, Ҳарривой. Биласанми, у мени Одеон-Барга\* таклиф қилган.

— О, мени ёлғиз ташламасанг бўларди-да...

— Бунинг учун ўзинг мени олдинроқ таклиф қилишинг керак эди. У сендан кўра аввалроқ отни камчилаган. Ҳечкиси йўқ, пулинг ёнингга қоладиган бўлди. Одеон-Барни биласанми ўзи? Ярим кечадан сўнг фақат шампан бўлади, оромкурсилар, негрлар капелласи, э, жуда зўр.

---

\* *Одеон-Бар* — Цюрихдаги «Cafe Odeon», 1911 йилдан бери мавжуд. Мазкур қахвахона бир замонлар ёзувчилар, мусаввирлар ҳамда мухожирлар учрашиб, дийдорлашадиган жой сифатида машҳур бўлган.

Буларни мен илгарироқ ўйламаган эканман, афсус.

— Эҳ, — дедим ўтинч билан, — халиям сени ўзим таклиф қилиб қўяқолсам бўлмайдами? Ахир, биз энди дўстмиз-ку! Йўқ дема, қаерга десанг олиб борай, ўтинаман сендан.

— Сен ҳам лутф қилдинг, раҳмат. Бирок биласанми, гап битта, бормасам бўлмайди. Энди мени ҳадеб кистайверма, ундан кўра, ке, озгина уриб ол, шишада ҳали шаробимиз бор экан. Уни ичиб тугатгин-да, уйингга бориб, маза қилиб ухлагин. Хўпми?

— Йўғ-е, нималар деяпсан, мен уйга боролмайман.

— Э, сени қара-ю, ҳамон эски ашулангни чўзаяпсанми? Нима, халиям Гётедан кутулолмадингми? (Худди шу лахзада Гёте билан боғлиқ тушим яна эсимга тушди.) Ҳақиқатан ҳам уйингга боролмасанг, унда шу ерда қолақол. Бу ерда мусофирхоналар бор, биттасини гаплашиб берайми?

Мен бундан хурсанд бўлиб, яна учрашиш учун уни қаердан топа олишим мумкинлигини сўрадим. Унинг қаерда яшашини ҳам билмасдим, буни ўзи менга айтмаганди. Айтганда, ўзим излаб топиб борардим.

— Сени ўзим таклиф қилсам бўлмайдами?

— Хўш, қаерга таклиф қилмоқчисан?

— Қаерни хоҳласанг, ўша ерга, қайси куни десанг, ўша куни.

— Яхши. Бўлмаса, сешанба куни кечкурун, «*Кекса францисклик роҳиб*» да\*, иккинчи кават. Хайр!

Қиз қўлини узатди, шундагина мен унинг қўллари ҳам овозига монанд юмшоқ ва майин эканини сездим. Унинг қўлидан ўпдим, киз эса бунга жавобан масхараомуз кулиб қўйди.

Охирги дақиқада у мен томонга яна бир бор ўгирилиб, деди:

— Мен сенга яна бир нарсани айтмоқчийдим, Гёте хусусида. Буни кара, сен Гётенинг сурати билан чиқи-

---

\* «Кекса францисклик роҳиб» — Цюрихдаги меҳмонхона номи.

шолмаганингдек, мен ҳам авлиёлар билан баъзан шунака чиқиша олмайман.

— Авлиёлар билан дейсанми? Шунчалик художўй-мисан?

— Йўқ, художўй-ку эмасман, бироқ афсуски, бир пайтлар бўлганман ва яна қачонлардир бўлсам керак, эхтимол. Художўйликка вақт ҳам йўқ-да.

— Вақт йўқ деганинг нимаси? Шунга ҳам вақт керак бўларканми?

— О, бўлмасам-чи. Художўйлик, тақводорликка кўпроқ вақт мустақиллиги керак бўлади. Сен жиддий художўй бўлмаслигинг мумкин, айти пайтда эса, воқеликда яшашинг ҳамда уларнинг барчасини: вақт, пул, Одеон-Бар — барча-барчасини жиддий қабул қилишинг мумкин.

— Тушунарли. Аммо авлиёлар дединг, энди буёғи қандок бўлади?

— Ҳа, мен ўзим жуда яхши кўрадиган айрим авлиёлар бор: Стефан, авлиё Франц ва бошқалар. Уларнинг суратларини, Нажоткорнинг ҳамда Биби Марямнинг\* суратларини ҳам баъзан кўриб тураман. Улар энди шунақаям сохта, расво, бузиб ишланган расмларки, сен худди ўша Гётенинг суратини кўрганда қандай ҳолатга тушган бўлсанг, мен ҳам уларни кўрганда, худди шундай ҳолатга тушаман, аранг чидаб тураман. Мана шундай чучмал, аҳмоқона ишланган Нажоткор сурати ёки авлиё Францнинг расмини кўриб туриб, ўзимча ўйлайман: одамлар бу расмларни зўр деб баҳолашади, бу ахир ўша ҳақиқий Нажоткорни таҳқирлаш эмасми? Одамларга унинг шунақа аҳмоқона сурати ҳам етиб ортар экан, унда у яшаб, шунча азоб тортиб, изтироб чекиб нима қиларди! Бироқ мен шунга аминманки, мендаги Франц ёки Нажоткор сурати аслида шунчаки одам расми холос ва албатта, унинг асл нусхасига етмайди. Вахоланки, ўша Нажоткорнинг ўзига менинг у ҳақдаги ботиний тасаввурим менга

---

\* Биби Марям — насронийларда: Исонинг онаси.

ўша кўчирма нусхалар қандай бемаза, чучмал туюлган бўлса, худди шундай саёз, асоссиз ва ахлоқона кўриниши мумкин эди... Буни мен сенга, Гётенинг суратига нисбатан ўқинч ва ғазабингда ҳақ эканлигини тан олиш учун айтаётганим йўқ, аксинча, сен бу ўринда адашяпсан. Буни сенга, сени тушуна олишим мумкинлигини кўрсатиш учунгина айтяпман, холос. Сиз, олимлар ва санъаткорларнинг мияларингиз турли-туман ғайриоддий нарсалар билан тўла, бироқ сизлар ҳам бошқаларга ўхшаган оддий одамсизлар ва бизга ўхшаганларнинг калласида ҳам ўзига яраша орзу-ният, ҳаракатлар бор. Гёте ҳақидаги ҳикоянинг айта бошлаганиндаёқ, бир оз довдираб, хижолат тортганининг пайкагандим, сен — жаноби олим, бунинг ўрнига, ўзининг идеал нарсаларининг содда кизга мундоқ ётиғи билан тушунтиришинг лозим эди, демокчиманки, энди бунинг хожати йўқ. Мен сени аллақачон тушуниб бўлганман. Ана шунақа гаплар. Энди бас, бориб ухла.

Киз кетди ва мени кекса уй хизматчиси зинапоядан юқорига олиб чиқди, шундан сўнгина юкларимни сўради. Ҳеч вақом йўқлигини айтиб, у тилга олган «уйқу кир»ни олдиндан тўлаб қўйдим. Шундан сўнг у мени эски, қоронғи зинахонадан олиб ўтиб, юқоридаги кичикроқ хонага бошлаб борди. Бу ерга қуруқ ёғоч қаравот қўйилган бўлиб, у калта ва қаттиқ эди. Деворда қилич ҳамда Гарибалдининг\* рангли портрети ва яна аллақайси уюшма ўтказган тантанали байрамдан ёдгорлик — аллақачонлар сўлиб қолган гулчамбар осиглик турарди. Қани энди ҳозир ич кийимим бўлганида, сув, сочик бор, ювиниб олсам бўларди. Кўйлагим билан ўринга чўзилдим, чирокни ўчирмадим, ўй суриш учун вақтим бемалол эди. Шундай қилиб, Гёте «масаласи» ижобий ҳал бўлди. Унинг ўзи тушимга кирганини қаранг, қойил! Анави ажойиб киз эса — қани энди унинг исмини ҳам

---

\**Гарибалди* – Жузеппе Гарибалди (1807–1882), Италия озодлик ҳаракатининг қаҳрамони.

билсам эди! Тўсатдан бир одам, тирик бир одам, карахт жонсизлигимнинг хира тортган шиша қалпоғини уриб синдириб, менга қўлини — юмшоқ, майингина қўлини чўзиб турса-я! Ўзимга оз-моз тегишли бўлган, мен қувонч ва ташвишлар-ла қизғин ўйлай оладиган нарсалар бирданга яна қайтадан пайдо бўла бошлагани-чи! Кутилмаганда эшик очилиб, ундан ҳаёт нафаси оқиб турибди-я! Мен энди эхтимол яна яшаб кета оларман, балки яна қайтадан одам бўлиб қоларман... Совуқда мудраб, деярли музлаб қолаёзган кўнглим қайтадан яна илиб, нафас олар, мудрок бир тарзда ўзининг ожиз, полапон қанотларини қоқиб кўярди. Кимсан Гёте хузуримда бўлганди. Бир қиз мени едириб, ичириб, ухла деб, меҳрибончилик қилди, устимдан кулди, мени тентак болакай деб атади. Бу ажойиб қиз яна менга авлиёлар ҳақида сўзлаб, ғалати, ғайриоддий қилиқларимга қарамасдан, якка-ёлғиз эмаслигимни билдириб, тушунилмаган, тан олинмаган, қалби дард-изтиробларга тўла фавқулодда бир шахс эканлигимни айтиб, ўзини сингилдек яқин олиб, мени тушунишини, тушуна олишини изҳор қилди. Уни яна кўра олармикинман? Ҳа, албатта. У — ишончли қиз. Ўзи айтганидек, «гап-гап», «сўз-сўз».

Ниҳоят, ухлаб қолдим, тўрт-беш соатча ухлабман. Уй-қонганимда, соат ўндан ошган, кийимларим эзилган, ўзим ҳориган, миямда эса кечаги воқеалар билан боғлиқ аллақандай жирканч, қўрқинчли хотиралар ғувиллар, бироқ ўзим тетик ва бардам, кўнглим яхши фикрлар, орзу-умидларга тўла эди. Уйга қайтаётганимда, кеча мени таъкиб этган қўрқув-даҳшатлардан деярли ҳеч нарса қолмаганди.

Зина устида, араукария тепасида уй эгаси — ижара қўювчи «холам» билан учрашиб қолдим. У киши билан онда-сонда кўришардик, шундай бўлса-да, унинг очик чехраси менга жуда ёқарди. Бироқ бугунги учрашув мен учун ёқимсиз эди, чунки ўзимга қаролмаган, тунги бедорликдан жуда чарчаган эдим. Сочларим ҳам таралмаган, соқолим тарашланмаганди. Салом бериб, индамайгина ўтиб кетмокчи бўлдим. Одатда у менинг ёлғизликка ва



кўзга ташланмасликка бўлган интилишимга ҳурмат билан муносабатда бўларди. Аммо бугун мен билан атроф-мухит ўртасидаги парда, тўсиқ, ғов олиб ташланганми, ҳар қалай, кулиб тўхтади.

— Қасрларда қолиб кетдингиз, жаноб Ҳаллер, бугун уйда кўринмадингиз. Ўзиям роса хориганга ўхшайсиз?

— Ҳа, — дедим, аранг кулимсираб, — окшом жуда файзли бўлди. Уйингиздаги мавжуд одатни бузгим келмади, шунинг учун меҳмонхонада ухлаб қолдим. Биласиз, уйингиздаги тинчлик-осойишталик ва одамшавандаликка ҳурматим баланд, баъзан унда ўзимни ёт, бегона кишидек ҳис қиламан.

— Масхара қилманг, жаноб Ҳаллер!

— О йўк, ўзимни ўзим масхара қиляпман.

— Буни ҳам қилмаслигингиз лозим. Менинг уйимда ўзингизни бегонадек ҳис қилмаслигингиз керак. Сиз кўнглингизга ёққан ишни қилишингиз, қандай маъқул бўлса, шундай яшашингиз лозим. Мен одамшавандаликнинг дурдонаси бўлган, шунақанги ҳурмат-эътиборга сазовор ижара ўтирувчиларнинг кўпини кўрганман, бироқ уларнинг ҳеч қайси бири сизчалик беозор, вазмин эмасди ва бизни сиздан кўра кўпроқ безовта қилишган бўлса қилишганки, асло кам эмас. Ҳа, майли. Хўш, чой-пой ичасизми?

Мен йўк деяолмадим. Ота-боболарининг гўзал суратлари ва мебеллари билан жиҳозланган меҳмонхонасига таклиф қиларкан, бу очиқ чехрали аёл олдимга чой келтириб қўйди ва биз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Сухбат асносида эркакларнинг ғалати довдирликларини оналарга хос тарзда бутунлай, тўлиқ жиддий қабул қилмайдиган аклли аёлларга ўхшаб, мени ҳам диққат билан тинглаб ўтириб, ҳаётимдан ул-бул нарсани сўрамасдан билиб олишга муваффақ бўлди. Гапдан гап чикиб, жияни ҳақида сўз очиб қолди ва кўшни хонада турган радиоаппаратни кўрсатди, бу унинг ишдан сўнгги бўши вақтларида ясаган нарсаси экан. Симсиз алоқа ғоясига муккасидан берилган тиришқоқ йигитча кечалари ўтирво-

либ, минг йиллар давомида шу нарсаларни, ўта номукам-мал бўлса-да, кашф қилган (буни билган ҳар бир олим, мутафаккир ўз навбатида бундан ақл билан фойдаланган) техника худосига чўк тушиб, сажда қилган кўйи темир-терсакни ковлаштириб, шуни яратибди. Холагинам бир оз такводорликка берилган, художўй аёл эмасми, диний мавзудаги суҳбатларни берилиб тинглайди. Мен унга, Тангрининг куч-қудрати ва ишлари қадимги хиндуларга жуда яхши маълум бўлганлигини, техника бу далилнинг кичкинагина бўлагини одамлар онгига сингдириб, чунончи, товуш тўлкинларини қабул қилиш ҳамда узатиш учун, даставвал, ўта номукамал бўлган радиоприёмник ва радиостанцияни яратганлигини гапириб бердим. Ўша қадимги хулосанинг моҳиятини, замоннинг нохолислигини техника шу кунга қадар «пайқамай» келган, аммо, барибир, у «кашф этилади» ва бир кунмас, бир кун тиниб-тинчимас, сервайрат, муҳандислар кўлига, албатта, тушади. Балки жуда яқин орада шу нарсани ҳам кашф этишар, яъни худди ҳозиргидек Франкфурт ёки Цюрихда туриб, Париж ёки Берлидан мусиқа тинглаётганимизга ўхшаб, бизни нафақат ҳозирги, шу лаҳзадаги манзаралар ҳамда воқеа-ходисалар доимий равишда ўраб туради, балки барча ҳар бир рўй берган воқеа худди шундай қайд этилиб, у билан танишиш имкони тугилади ҳамда кунлардан бир куни биз, симли ёки симсиз алоқа орқали, ортиқча нокерак шовқинли ёки уларсиз кирол Соломон ёки Валтер фон дер Фогелвайде билан ҳам гаплаша олишимиз мумкин бўлади. Лекин буларнинг барчаси, радионинг худди бугунги ибтидосига ўхшаб, одамларни ўз-ўзларидан чалғитиб, ишларидан кўйиб, уларга доимий равишда эрмак-овунчок ҳамда бефойда куймаланиш манбаи бўлиб қолмаса эди... Мен ўзимга маълум ва таниш бўлган бу нарсаларни замонга ҳамда техникага нисбатан одатдаги аччиқ зарда ва киноя билан эмас, балки хазил-мутойиба қилиб гапириб бердим, хола гапларимни эшитиб жилмайди ва биз чой ичиб, бирор соатча гурунглашиб ўтирдик, бундан икковимиз ҳам мамнун эдик.

Сешанба кунига «Чўл бургути»да учратганим ўша гўзал ва ажойиб кизни таклиф қилиб қўйган эдим ва ўша кунгача бўлган вақтни бир амаллаб ўтказиш мен учун осон бўлмади. Нихоят, сешанба куни етиб келгач, бу нотаниш кизга бўлган муносабатимнинг нечоғли муҳимлиги ўзимга дахшат билан аён бўла бошлади. Мен нукул уни ўйлардим, ҳамма нарсани ундан кутардим, кизнинг ўзини заррача севмаган ҳолда, унинг учун ҳамма нарсани қурбон қилишга ва унинг оёқлари остига ташлашга-да тайёр эдим. Мен фақат бир нарсани: киз шартномамизни бузиши ёки унутиб юбориши ҳам мумкинлигини тасаввур қилиб кўришим керак эди, ана унда ҳолим не кечишини мен аниқ кўра олардим; унда олам-жаҳон мен учун яна бўм-бўш бўлиб қолар, кунлар бир-биридан бекадр ва беҳузур ўтар, атрофимда яна қайтадан қўрқинчли сукунат ҳамда маҳдудлик ҳукм сўрар ва менга шу жимжит жаҳаннамдан кутулишим учун устарадан бошқа нажот қолмаган бўларди. Мана шу уч-тўрт кун ичида устара мен учун янада кадрлироқ бўлиб қолган ва дилимга қўрқинч, ваҳима солиб турарди. Энг ёмони ҳам шу эди-да: ўзимни ўзим бўғизлашимни ўйласам, этим жимирлаб кетарди. Вужудимдаги қандайдир ёввойи, саркаш, ўжар ва қайсар куч ўлимдан шунақанги қўрқар ва унга шунақанги қаршилиқ кўрсатардики, гўё мен дунёда энг соғлом одамман-у, ҳаётим ҳам худди жаннатнинг ўзгинаси бўлган. Ўзимнинг ҳозирги ҳолатимни тўлиқ ва аниқ кўриб турардим ва шунга амин эдимки, ҳаёт билан ўлим ўртасидаги чидаб бўлмайдиган ана шу танглик ўша нота ниш киз — «Чўл бургути»да учратганим кичик гўзал раққосага бўлган муҳим муносабатим билан боғлиқ эди. Қиз менинг қоронғи, хира, маъюс ва ғамгин, қўрқинчли унгуримни ёритган мўъжазгина ойна, жимитдеккина нурли дарча эди. У мен учун нажот, кенг, очик ҳаво, эркинлик сари йўл эди. Қиз мени ё яшашга ўргатиши керак ё ўлимга, у ўзининг кучли ва дўндикқина қўллари билан музлаган, тош қотган юрагимни аста ушлаб кўриши керак эди, ҳаёт нафаси тегиши билан балки у яна гупиллаб

ура бошлаши аксинча, кунпаякун бўлиши ҳам мумкин эди. Қиз бунча куч-ғайратни қаердан оларкин, унга мағия қаёқдан келади, қайси сир-синаотли сабабларга кўра у мен учун бу қадар чуқур аҳамиятга эга бўлиб қолди, булар ҳақида ўйлаб ҳам кўролмасдим, қолаверса, бу нарсалар мен учун барибир эди; буни билишнинг мен учун ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди. Ҳеч қандай билимнинг, бирон нарсани англаш, тушунишнинг менга энди ортик заррача аҳамияти қолмаганди, чунки улар менда керагидан зиёда эди. Мен учун оғир бўлган ва мазах бўлиб туюлаётган азоб-уқубат ҳамда иснод ҳам худди шунда эдики, мен ўзимнинг ҳолатимни шу қадар аниқ кўриб, шу қадар чуқур англаб турардим. Бу йигит, бу хайвон — Чўл бўриси кўз олдимда гўё тўр ичидаги панишага ўхшарди ва мен унинг тақдири нима бўлишини кузатиш билан овора эдим. У чалғиган, гангиган, химоясиз, ожиз бир ҳолатда тўр ичида муаллақ учар, уни ўргимчак чанг солиб, ғиппа бўғиши ҳам, қандайдир нажоткор қўл қутқариб қолиши ҳам мумкин эди. Мен ўз изтиробларим, рухий хасталигим, чигаллик ва мушкулотлар ҳамда диккат бўлишимнинг алоқадорлик, боғлиқлик сабаблари тўғрисида энг ақлли ва мулоҳазали гапларни айтсам бўларди, бу механика менга аниқ, очик-ойдин ва равшан эди. Бирок менга керак бўлган, умидсиз ҳамда тушкун бир ҳолатда қўмсаётган, интилаётган нарсам билим ва тушуниш, англаш эмас, балки бошдан кечириш, бир қарорга, узил-кесил хулосага келиш, рухий ларза ҳамда портлаш эди...

Гарчи мен ўша қутиш билан ўтказган уч-тўрт кунларим мобайнида қиз ўз сўзида туришига ҳеч қандай шак-шубҳа қилмаган бўлсам-да, охирги куни негадир дикқатим ошиб, жуда асабий ва ҳардамхаёл бўлиб қолдим; ҳаётимда ҳеч қачон бирор куннинг окшомини бу қадар сабрсизлик билан интиқ кутмаган эдим. Ана шундай сабрсизлик ва безовталиқ роса кучайиб, чидаб бўлмас даражага етгач, айни пайтда бу ажойиб бир тарзда хуш ёқа бошлаганди ҳам: узок вақтлардан буён ҳеч бир нарсани кутмаган, ҳеч бир нарсадан шодланмаган, қайтанга нукул ҳафсаласи пир

бўлган, кўнгли колган, ихлоси қайтган мендек бир одам учун бугун кун бўйи бесаранжом-бетоқатлик, вахима-ҳадик ҳамда зўр интиклик билан у ёқдан-бу ёққа зир югуриб, бўлажак учрашув ва суҳбатларни ҳамда окшомги дийдорлашув натижаларини олдиндан ўйлаш, тасаввур қилиш, бунинг учун соқол олиш ва янги кўйлак кийиб, янги бўйинбоғ тақиб, янги ботинка боғичларини боғлаб, алоҳида, пишиқ ва пухта тайёргарлик кўриб, кийиниш ақл бовар қилмайдиган даражада ажойиб, гўзал янгилик эди. Бу ақлли ва кичкинагина сеҳрли қизча ким бўлишидан қатъи назар, у мен билан қай йўсинда боғланиб колган бўлмасин, бу нарса мен учун барибир эди; энг муҳими, у шу ерда эди, худди каромат кўрсатилгандай, камина янги бир инсонни, ҳаётимдаги янги қувончни топиб олган эдим! Муҳими, бу нарса давом этарди ва мен жозибадорликка берилиб, ўша юлдуз кетидан эргашардим.

Қизга кўзим тушган ўша лаҳзани сира-сира унутолмайман! Мен кўхна, шинамгина ресторанда, ихчамгина стол атрофида ўтирардим, бу столни зарур бўлмаса ҳам, олдиндан телефон орқали буюртма бериб, банд қилиб қўйган эдим. Қизга атаб харид қилганим икки дона ажойиб орхидеяни\* истиконга — сувга солиб қўйиб, таомномани ўқиб ўтирардим. Аввалига уни бир оз кутишимга тўғри келди, лекин келишига ишонардим, шунинг учун ўйланишимга ҳам ҳожат йўқ эди. Ниҳоят, у кириб келди. Гардероб олдида тўхтаб, мен тарафга диққат билан қаради, оч кулранг кўзлари билан менга синовчан назар ташлаб, салом берди. Кельнер\*\* кизга қанақа муомала қиларкин, деб қулоқ солиб турдим, йўқ, худога шукур, ўртада ҳеч қандай сир, яқинлик йўқ, фақат у кизга нисбатан ўта хушмуомалали эди, холос. Улар бир-бирлари билан шунчаки таниш эдилар, қиз унга Эмил дея мурожаат қилди. Лолаларни бергандим, хурсанд бўлиб кетди, қулиб:

\* Орхидея — лоланинг бир тури.

\*\* Кельнер — Германияда ва баъзи бошқа мамлакатларда ресторани хизматчиси.

— Бу ишинг ажойиб бўлибди, Ҳарри! — деди. — Сен менга совға қилмоқчи эдинг, шундайми? Лекин нима совға қилишни билмасдинг, мени хафа қилиб қўймаслик учун нималар совға қилишга қанчалик ҳақкинг бор-йўқ, буни ҳам яхши билмас эдинг. Мана, орхидея харид қилибсан, булар гул бўлгандаям анча-мунча пул турадиган гуллар. Хўш, бунинг учун сенга катта раҳмат. Лекин бир гапни айтиб қўяй: менга совға беришингни истамайман. Мен-ку, эркаклар ҳисобига кун кечираман, аммо зинҳор сенинг ҳисобингга яшамоқчи эмасман. Вой-бў, пўрим бўлиб кетибсанми! Бу туришингда сени ҳеч ким таниёлмайди-ку. Кунни кеча кўринишинг мурдадан ҳам хароб, рамакижон эдинг, бугун эса, бинойидек одам бўлиб қолибсан. Тинчликми ишқилиб? Ҳа, дарвоқе, буйруғимни бажардингми?

— Қайси буйрукни?

— Ана, дарров эсингдан чиқдими? Фокстротни\* ўргандингми деяпман? Ахир, ўзинг айтгандинг-ку, мен учун сенинг буйруғингни бажаришдан, сенга итоат қилишдан кўра яхшироқ, азизроқ нарса йўқ деб, шундайми? Эсингдами?

— О, албатта эсимда. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Беҳазил!

— Хўш, унда нега энди рақс тушишни ҳалиям ўрганмадинг?

— Уни шу қадар тез, атиги уч-тўрт кун ичида ўрганиб бўларканми?

— Бўлмасам-чи! Фокстротни бир соат, бостонни эса икки соат ичида ўрганса бўлади. Танго кўпроқ вақтни олади, сенга унинг мутлақо керагиям йўқ.

— Менга қара, ниҳоят, мен сенинг исмингни билиб олишим керак!

Қиз менга бир зум индамай қараб турди, сўнг:

— Балки уни ўзинг ўйлаб топарсан, — деди. — Исминни ўзинг топақолганингда жуда соз бўларди-да. Кулоқ сол, менга яхшилаб қара! Сенга ҳеч нарса сезил-

---

\* Фокстрот, бостон, танго — рақс турлари.

маяптими? Менинг юзим баъзан ўсмирларникига ўхшаб кетмаяптими? Масалан, ҳозир дейлик?

Кизнинг чехрасига астойдил разм солганида, хакикатан ҳам у худди ўсмир боланинг юзига ўхшаб кетарди. Бир дақиқа қараб қолгандим, у менга гапира бошлади ва ўсмирлик чоғларимни, ўша даврлардаги Херманн исмли ўртоғимни ёдимга солди. Бир зумда киз буткул худди шу Херманнга айланиб қолгандек туюлди.

— Агар ўғил бола бўлганида, — дедим мен хайратимни яширолмай, — исминг Херманн бўлиши керак эди.

— Ким билади, балки мен ўшадирман, факат бошқача кийиниб, қиёфамни ўзгартириб олгандирман, холос, — деди киз ҳазиллашиб.

— Исминг Хермина, шундайми?

У хурсанд бўлиб, топдинг маъносида бош қимирлатди. Шу пайт шўрва ҳам келди ва биз овқатлана бошладик, киз эса болаларга ўхшаб, шод ва мамнун эди. Энг аввало, ундаги менга ёққан ва мени ўзига мафтун этган ажойиб ва ўзига хос нарса шу эдики, у теран жиддийликдан кутилмаганда аломат бир хушчақчақликка тез ўта олар ва аксинча, бунда эса афт-ангори сира-сира ўзгармас, бамисоли қобилиятли болаларни эслатарди. Ҳозир у ўта қувнок эди. Фокстротни ёдимга солиб, ҳазиллашар, жиғимга тегар, ҳатто оёқлари билан туртиб ҳам кўяр, зўр бериб овқатни мактар, яхши кийиниш учун анча-мунча саъй-ҳаракат қилганимни эътироф этибгина қолмай, ташки кўринишимдан аллақанча камчилик ҳам топарди.

Бу орада кизни саволга тутдим:

— Менга қара, бирпасда ўспирин, бўз болага ўхшаб қолдинг ва мен исмингни ўйлаб топдим. Буни қандай қилдинг, шунга сира ақлим етмаяпти.

— О, ахир бунинг барчасини ўзинг қилдинг-ку. Шунга ақлинг етмапти-да, жаноби олим: мен сенга ўзига хос кўзгу бўлганим учун, менда сени тушунадиган ва сенга жавоб қайтара оладиган нимадир борлиги учунгина ёқаётганимни, сен учун керакли бўлаётганимни нахотки ўзинг

тушунмаётган бўлсанг? Ўзи аслида барча одамлар бир-бирлари учун ана шундай ойна бўлишлари, бир-бирларига ана шундай жавоб қайтара оладиган ва мос келишлари лозим. Бирок сенга ўхшаган йигитчалар ғалати-да, улар сеҳр, жоду, жозиба деган нарсаларга дарров махлиё бўлади-қолади ва бошқа одамларнинг кўзларидан, гўёки бунинг уларга ҳеч бир дахли йўқдек, бирон нимани уқиб олишга ҳам қодир эмас. Башарти ўша йигитча кутилмаганда бирортасини учратиб, унинг ўзига нисбатан руҳан яқинлигини сезиб қолгудек бўлса, унда, албатта, ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетарди.

— Сен ҳамма нарсани биларкансан, Ҳермина, — дедим кизга хайрон қолиб. — Ҳаммаси худди сен айтгандек, гап йўқ. Бирок, барибир, сен менга мутлақо ўхшаймайсан. Сен менинг бутунлай аксимсан; сенда... менда йўқ нарсаларнинг ҳаммаси бор.

— Балки сенга шундай туюлаётгандир, — деди киз мухтасар қилиб, — лекин бу яхши, албатта.

Энди унинг менга ҳақиқатан ҳам бамисоли сеҳрли кўзгу бўлиб туюлган чехрасидан жиддийликнинг вазмин булути ёпирилиб келди, бу чехра бирданига жиддий ва вазмин гапира бошлади, гўё никобнинг бўм-бўш кўзларидан фақат беҳад фожиавийлик нафаси уфурарди. У секин, сўзларни дона-дона талаффуз қилиб, шошилмай, истар-истамас гап бошлади:

— Эй сен, менга нималар деганингни асло унутмагин! Сенинг айтишинг бўйича, мен сенга буйруқ беришим керак ва барча буйруқларимга итоат қилиш сенга қувонч бағишлайди, шундайми? Буни зинҳор унутма! Шуни билгинки, Ҳарривой, сенинг аҳволинг мен билан қандай кечса, менинг афт-ангорим сенга қандай жавоб қайтарса, мендаги нимадир сенга пешвоз чиқиб, ишонч туғдирса, сен билан ҳам менинг аҳволим худди шундай кечади. Яқиндагина, мен сени ўша «Чўл бургути»да хорғин ва паршон бир ҳолатда кириб келаётганингни кўрганимдаёқ дарҳол сезгандим: ха, у менга кулоқ солади, у буйруқ беришимни кутиб турибди, холос! Мен буни қиламан,



шунинг учун ҳам сенга ёкиб колдим, шунинг учун ҳам биз бир-биримиз билан дўст бўлиб колдик.

Қиз шу қадар жиддий, шу қадар юракдан гапирардики, мен унга на гап қўша олдим, на уни тинчлантириб, мавзуни бошқа ёққа бура олдим. У қошларини қоқиб, менга маъноли қараб қўйди-да, совук оҳанг билан сўзида давом этди:

— Сен ўз сўзингнинг устидан чиқишинг керак, болакай. Мен сенга буни айтиб қўйяпман, тағин пушаймон бўлиб юрмагин. Ҳали мендан кўплаб буйруқлар оласан ва уларга амал қиласан, улар ажойиб ва ёқимли буйруқлардир, уларга итоат қилиш сенга қувонч бағишлайди. Пировардида эса менинг охирги амримни ҳам бажарасан, Ҳарри.

— Бажараман, — дедим ярим ихтиёрсиз. — Мен учун сенинг охирги буйруғинг нима ҳам бўлиши мумкин?

Ўзим эса, уни олдиндан билиб, сезиб турардим. Қиз иситма аралаш қалтироқ тутгандек, бир сесканиб тушди, у гўё хаёл гирдобидан аста чиқиб келарди. Кўзларини мендан узмай, қараб турарди. Туйқусдан унинг кифаси янада ғамгин тусга кирди.

— Буни сенга айтмасам, яхши бўларди. Аммо бу сафар ҳам ақлли бўлмоқчи эмасман, Ҳарри. Мен бутунлай бошқа бир нарсани назарда тутяпман. Менга қара, кулок сол! Буни эшитгач, унутиб юборарсан. Дам кулгинг қистаса, дам йиғлагинг келади. Менга қара, болакай! Билсанг, мен сен билан ҳаёт-мамот ўйинини ўйнамоқчиман, акажон. Ва бу ўйинни бошлашдан олдин, мен сенга ўз қарталаримни очик-ойдин кўрсатиш ниятидаман.

Қиз ушбу сўзларни айтаётган маҳал унинг юз-кўзлари шунақаям гўзаллашиб, шунақаям ғайритабiiй, илохий тус олдики!.. Унинг ғам-ҳасрат мужассам кўзлари барча нарсалардан огоҳ, вазмин ва сокин боқарди, бу кўзлар бўлиши мумкин бўлган барча азоб-изтиробларни кўрган ва тақдирга тан бергандек эди. У қийналиб гапирар, гўё қаттиқ аёзда совқотган одамнинг ҳолатини эслатар, бироқ лаблари нигоҳи ҳамда овозига номутано-

сиб равишда ширин, енгил, ўйноки хиссиётдан сўйлар, кўнгли хурсандчиликни кўмсаб турганлиги сезилиб турарди. Силлиқ пешонасига тушиб турган калтагина кўнғироқ сочи ҳар замон, ҳар замон силкиниб, ундан ўсмир, ўспириннинг, икки жинсга мансуб мағиянинг жоли, барҳаёт нафаси уфуриб турарди. Нафасим ичимга тушиб, қаҳат бир ҳолатда қизнинг сўзларини тинглай бошладим.

— Сен мени яхши кўрасан, биламан, — давом этди у, — бунинг сабабини эса боя сенга айтган эдим; мен сенинг ёлғизлигингни ёриб ўтиб, сени дўзах ёкасида тутиб қолдим ва яна қайтадан ҳаётга қайтардим. Лекин ҳали мен сендан кўп нарса истайман, кўп нарса... Сени ўзимга шундай мафтун қилайки, токи мени севиб қолгин. Шошма, гапимни бўлмайтур! Сен мени жуда яхши кўрасан, буни сезиб турибман, мендан миннатдорсан ҳам, бироқ ҳали мени севиб қолганингча йўқ. Мен эса шу ишни қилмоқчиман, бу менинг касб-корим; мен эркакларни ўзимга шундай жалб қила оламанки, охир-оқибат улар мени севиб қоладилар, агар билсанг. Лекин гапимга қулоқ сол, мен сенга жуда мафтун бўлиб турганим йўқ, бу ишни шунинг учун қилаётганим ҳам йўқ. Мен сени севиб қолганим йўқ, Ҳарри, бироқ сен, мен сенга қандай керак бўлсам, менгаям худди шундай кераксан, билдингми. Мен сенга ҳозир, худди шу дақиқада керакман, чунки сен тушкун бир кайфиятдасан, сенга биргина туртки зарур бўлиб турибди, у сени сувга итариб юбориб, сенга қайтадан яна жон бахш этади. Мен сенга раксни ўрганишингда, кулишни ўрганишингда, яшашни ўрганишингда ёрдам бераман. Сен эса менга бугун эмас, балки кейинроқ, жуда муҳим ва гўзал бир ишда аскотасан. Сенга, мени севиб қолганингдан кейин, сўнгги буйруғимни бераман ва сен уни бажарасан, бу эса, сену мен учун яхши бўлади.

Қиз жигарранг-бинафшаранг, яшил тарам-тарам йўлли лолалардан бирини бир оз кўтариб қўйди-да, унга энгашди ва гулга пича қараб туриб қолди.

— Сенга осон бўлмайди, албатта, биров, барибир, бу ишни қиласан. Сен менинг охирги амримни бажарасан ва мени... ўлдирасан. Гап шу. Энди ортик савол бера кўрма!

Лоладан кўз узмай тураркан, у бирпас жим бўлиб қолди. Сўнг юзида жиддийликдан асар ҳам қолмади, гулғунчадек очилиб кетди. Кўзлари ҳамон қотиб қолгандек, ҳаракатсиз бўлса-да, лабларида жозибадор табассум пайдо бўлди. Ниҳоят, у қўнғироқ сочли бошини сарак-сарак қилиб, бир қултум сув ичди, олдидаги таомга кўзи тушиб, иштаҳа билан овқат ея бошлади.

Қиз ваҳимали гапларини айтмасиданок, мен унинг «сўнги буйруғи»ни билиб бўлгандим, шунинг учунми, «мени ўлдирасан» деган гапидан ҳам унча кўркмадим. Унинг барча айтганлари менга ишонарли ҳамда пешонага ёзилган, тақдирий бўлиб туюлар ва мен уларни ҳеч қандай қаршиликсиз қабул қилардим, биров шундай бўлса ҳам, барибир, бу гаплар мен учун тўла ҳақиқийлик ва жиддийликдан мосуво эди. Бир кўнглим кизнинг сўзларига чиппа-чин ишонса, бир кўнглим шундай ақлли, ишончли ва соғлом Ҳерминанинг эси кирди-чиқди бўлиб қолгану, бу нарсалар унинг ҳаёлий уйдирмалари бўлса керак, дея мени тинчлантирарди. У охирги сўзини айтиб улгурмай, сохталик ва беҳудалик пардаси бутун саҳнани чулғаб олди. Мен Ҳерминанинг эҳтимоллик ҳамда воқелик сари худди дорбозларга ўхшаб, енгилгина сакрай олишини ҳамон ортга қайтариб, тасаввур қилолмасдим.

— Демак, мен сени бир кун ўлдираман, шундайми? — сўрадим ундан. Қиз эса қулиб, олдидаги парранда гўшти-ни зўр бериб кесиб, киймаларди.

— Албатта, — беписандлик билан бош силкиди у, — бас энди, ҳозир овқат пайти. Ҳарри, марҳамат қилиб, мен учун яна бир оз кўкат буюртир. Нима, иштаҳанг йўқми?.. Ўйлайманки, сен бошқа одамлар ўз-ўзидан тушунадиган барча нарсаларни, ҳаттоки овқат пайтида хурсанд бўлиб ўтиришни ҳам ўрганишинг керак. Менга қара, болақай, манови ўрдак оёкчаси, шундай ажойиб гўшти

суякдан ажратаётганда ҳам худди байрамдагидек, гўё ошиқ йигит маъшуқасининг кофтасини илк бор ечишга ёрдамлашаётгандек, шодон ва шукур қилиб, иштаҳа билан ҳаракат қилиш керак. Тушундингми, йўқми? Эсинг йўқ сени. Қулоқ сол, мен сенга манови ажойиб ўрдак оёқчасидан бир бўлак бераман, ҳозир ўзинг кўрасан. Ана шундай, оч оғзингни! О, қанақа махлуқсан сен ўзи? Ҳозир у, худо билади, менинг санчқимдан бир тишлам гўштни оғзига солганини мабодо биров кўриб қолмадимикан, деган хавотирда ён-берига кўз кирини ташлаб ҳам олди... Ташвиш қилмасанг-чи, эй сен, ноқобил фарзанд, мен сени уялтириб кўярмидим... Аммо башарти сен ўз ҳузурҳаловатинг учун бошқалардан изн сўрайдиган бўлсанг, унда сен ҳақиқий шўрпешона экансан...

Ҳозирги сахна олдингисига ўхшамас, бу кўзлар бир неча дақиқа аввал нақадар оғир ва кўрқинчли боқиб турганига ишонгинг келмасди. О, Ҳермина бамисоли ҳаётнинг ўзи эди: турмушда ҳеч нарсани олдиндан айтиб бўлмайди. Лаҳзалар... масалани ҳал қилади. Ҳозир у иштаҳа билан овқатланарди. Ўрдак оёғи ва салат, торт ҳамда ликёр\* унга қувонч ва фикр-мулоҳаза, суҳбат ҳамда хаёлот манбаи эди гўё... Ликоблар олиб кетилгандан сўнг, яна бир янги саҳифа очилди. Мени шу қадар мукамал ўрганиб улгурган, ҳаёт ҳақида бошқа барча донолардан кўпроқ биладигандек кўринган бу аёл болаларча феъл-киликлар қилиб, лаҳзалик ҳаётнинг майда ўйинларини шу қадар усталик билан ўйнардикки, охир-оқибат мен унинг издошига айлангандим. Бу юксак донишмандлик эдими ё оддий соддадилликми, билмадим: кимки шу лаҳза, шу дақиқа, шу замон билан яшаб ўрганган бўлса ва ўз йўлидаги ҳар бир кичик гул-чечакни асраб-авайлаб, ножиддий, ҳазил-хузуддан иборат ҳар бир дақиқанинг кадрига етса, ҳаётда унга ҳеч қандай зиён-захмат етмасди. Иштаҳаси зўр, чучуктомок бу қувноқ ва ҳазилкаш Ҳерминанинг ўзига ўлим тилаганини кўриб, уни хаёлпараст ё

\* Ликёр – ўткир, ширин спиртли ичимлик.

жазаваси тутадиган аёл дейиш мумкин эди ёки мени атай, совуққонлик билан ўзига мафтун этиб, асирига айлан-тириб олмоқчи бўлган сергак, хушёр, янглишмайдиган одам дейиш ҳам мумкин эди... Йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмасди. У шунчаки лахза-дақиқага бутунлай берилган, шунингдек, ҳар бир шодон фикрга ҳам, кўнгил тубидан пайдо бўладиган ҳар бир ўткинчи, қайғу-аламли титроқ-ҳаяжонга ҳам кўксини тутиб берадиганлардан эди.

Бугун иккинчи марта кўриб турганим бу Ҳермина тушмагур менинг ҳақимда ҳамма нарсани биларди, ундан бирон нимани сир сақлай олишим ғоят мушкул эди. У эҳтимол, менинг маънавий ҳаётимни бутунлай, тўла тушуниб етмаган, менинг мусиқага, Гётега, Новалис ёки Бодельерга бўлган муносабатларимни балки тўлиқ англаёлмаган бўлиши ҳам мумкин эди — бироқ буларни ҳам сўраб билиб олиш унга ҳеч қандай кийин эмасди, гарчи «маънавий ҳаётим»дан бирон нима қолмаган бўлса ҳам. Ахир, буларнинг барчаси аллақачон чил-чил бўлиб, ўз мазмун-моҳиятини йўқотмаганмиди? Лекин бошқа шахсий муаммоларим ҳамда истак-интилишларимнинг барчасини у яхши тушунарди, бунга шак-шубҳам йўқ эди. Сал ўтмай, у билан Чўл бўриси, трактат ва бошқа кўп нарсалар тўғрисида суҳбат қурмоқчи эдим, зеро, бу нарсалар шу пайтгача фақат ўзим учунгина мавжуд бўлиб, улар ҳақида хали ҳеч қачон ва ҳеч ким билан гаплашмаганман. Сабрим чидамай, мавзуни бошлаб юбордим.

— Ҳермина, — дедим қизга, — менга яқинда ғалати бир нарса учраб қолди. Нотаниш кимса менга ярмаркаларда сотиладиган кичкинагина бир китобча берган эди, унда менинг бутун тарихим, менга тааллуқли бўлган барча воқеалар аниқ ва равшан баён қилинган. Қани, ўзинг айт-чи, ахир бу ғаройиб эмасми?

— Китобчанинг номи нимади? — сўради қиз истар-истамас.

— «Чўл бўриси ҳақида трактат».

— Шундайми? О, бу зўр-ку! Чўл бўриси, бу сен, шунақами?

— Ҳа, шундай. Мен ўша — ярми одам, ярми бўридан иборат ёки шундай деб ўйлайдиган мавжудотман.

Қиз индамади. У кўзларимга ва қўлларимга синовчан назар ташларкан, юз-кўзларида бир зум аввалгидек чуқур жиддийлик ҳамда ғамгин жўшқинлик зохир бўлди. Афтидан, унинг «сўнгги буйруғи»ни бажара оладиган бўриманми-йўқми, у шуни чамалаб кўраётганди.

— Албатта, бу ўзинг ўйлаб топган нарса, — деди у сўнг, яна бояги қувноқ кайфиятига қайтаркан, — ёки истасанг, бу — шеърият, лекин сал бошқачарок. Бугун энди сен бўри эмассан, аммо яқинда, залга кириб келаётган пайтингда, худди осмондан тушгандек, дурустгина йиртқич эдинг, ўшанда худди шу ҳолатинг менга ёқиб қолганди.

Тўсатдан бир нима эсига тушди шекилли, у хижолатомуз деди:

— Ваҳший ёки йиртқич хайвонлар деймиз, булар ғоят ахлоқона гаплар! Хайвонлар ҳақида бунақа гапларни айтиш ярамайди. Албатта, улар кўпинча кўрқинчли бўлади, аммо инсонларга қараганда анча ҳақиқийдилар.

— Ҳақиқий дейсанми? Тушунмадим, бу нима деганинг?

— Мана, бирон жониворга, мушукми, итми, қушми ёки бўлмасам, хайвонот боғидаги катта, чиройли хайвонлардан бирига, пума\* ёки жирафа (зирофа)га диққат билан разм солиб кўр. Шунда уларнинг ҳаммаси ҳақиқий эканлигини кўрасан, яъни ҳеч қайси хайвон тушқун ҳолатда эмас ёки бўлмасам, нима қилишни, ўзини қандай тутиши кераклигини билмайди. Улар сенга хушомад қилмайди, сенга ёқиш, яхши кўриниш илинжида ялтоқланмайди ҳам. Театр деган нарса йўқ. Улар қандай бўлса шундай, худди тошлар, гуллар ёки осмондаги юлдузларга ўхшаб. Энди тушундингми?

---

\*Пума — Америка ёввойи мушуги.

— Тушундим.

— Кўпинча хайвонлар гамгин бўлади, — давом этди у. — Агар бирорта одам жуда хафа бўлса, тиш-пиши оғриётгани ёки пул-мул йўқотганлиги сабабли эмас, балки бир кун вақти-соати келиб, хаётнинг нима эканини ҳис қила бошласа, ана унда у ҳақиқий гамгин ҳисобланади — ана ўшанда у бир оз хайвонга ҳам ўхшаб кетади — маънос, хафа бўлса ҳам, кўриниши лекин одатдагидан кўра ҳақиқийроқ ва гўзалроқ бўлади. Шундай. Сен ҳам, Чўл бўриси, дастлаб кўрганимда менга худди шундай кўринган эдинг.

— Хўш, Хермина, мен тасвирланган ўша китобча хусусида нима дейсан?

— Эҳ, биласанми, ҳадеб ўйлайверишни ёқтирмайман. Бу ҳақда бошқа сафар гаплашармиз. Ўша китобчани берсанг, бир ўқиб чиқсам бўларкан. Ёки мутолаа қилишим учун ўзинг ёзган китоблардан биронтасини бериб тур.

У қаҳва сўради ва бирпас хомуш, паришон туриб қолди, сўнг бирдан кулфи дили очилиб кетди.

— Ҳей! — кичкириб юборди киз хурсанд бўлиб, — топдим, ниҳоят топдим!

— Нимани?

— Фокстротни-да. Ўйлаб, ахийри топдим. Хўш, алоҳида хонанг борми, иккаламиз у ерда бир соат-ярим соат рақс тушиб турсак девдим? Кичкина бўлса ҳам майли, факат пастки қаватда ҳеч ким турмаса яхшийди, йўқса шовкин-сурон бўлиб, жанжал чиқиши мумкин. Демак, яхши, жуда яхши! Сен энди рақс тушишни уйда ўрганишинг мумкин.

— Ҳа-я, — дедим кимтиниб, — мунча яхши. Мен бўлсам, бунга мусиқа ҳам керак бўлармикин, деб ўйлабман.

— Албатта, керак бўлади, нега керак бўлмас экан. Менга қара, мусиқани сотиб олиб қўяколасан, нари борса, рақс муаллимасига тўлашинг лозим бўлган пулга тенг туради. Муаллимани эса тежаб қоласан, унинг ўрнида ўзим бўламан. Шунда мусиқамиз ҳам бўлади, патефон эса ёнга қолади.

— Патефон дейсанми?

— Ҳа-да. Уни сотиб оласан, рақс пластинкаларини ҳам...

— Зўр-ку! Агар менга рақс тушишни чинданам ўргата олсанг, унда мен патефонни гонорар тариқасида сенга топшираман. Келишдикми?

Бу сўзларни қатъий айтган бўлсам ҳам, аммо улар чин юракдан чиқмаганди. Китобларга лик тўла хонамда бундай матохнинг туришини тасаввур ҳам қилолмасдим, қолаверса, рақс тушишгаям эътирозим кўп эди. Гоҳ-гоҳида шунчаки бир ҳаракат қилиб қўйиш мумкин эди, уни ўрганишга эса ёшим ҳам ўтиб қолганди, буни ўзим билардим. Кетма-кет, узлуксиз машқ қилишга сира тоқатим йўқ эди, менга — нозик дидли мусиқа билимдонига патефонлар, жаз ва замонавий рақс мусиқалари ёкмаганидек, бу ишга ҳам сира қўнглим чоппмасди. Мен учун тафаккур ҳужраси ҳамда бошпана бўлган хонамда, Новалис билан Жейн Паул ёнида энди мода бўлган, доврўғи кетган амриқоча рақс кўшиқлари янграб, бунинг устига менинг рақс тушишим — буни энди ким талаб қилса ҳам, мен учун ортиқча эди. Бироқ буни «кимдир» эмас, балки Ҳермина талаб қиларди ва унинг бунга ҳаққи бор эди. Нимаям дердим, унга бўйсунибдан бошқа иложим йўқ.

Эртаси куни тушдан сўнг у билан қахвахонада учрашдик. Борсам, Ҳермина чой ичиб ўтирган экан, қулиб, менга қандайдир рўзномани кўрсатди, унда менинг номим тилга олинганди. У ватанимдаги реакцион газеталардан бири эди, улар каминани ёмонлаб, бадном қилиб, ҳақоратлаб ёзилган мақолаларни бири қўйиб, бири чоп этишарди. Мен уруш пайтида унга қарши чиқиб, одамларни тинчлик, сабр-тоқат, инсонийлик ва ўз-ўзини танқид руҳида бўлишга чақирган ҳамда менга нисбатан кундан-кунга кучайиб бораётган миллатчиларга хос таъқиб, ифво ҳамда фитналардан ўзимни ҳимоя қилган эдим. Бу ҳам ўшандай ҳужумлардан бири бўлиб, мақоланинг ярмини муҳаррирнинг ўзи тўқиб-бичган, қолган қисми эса унинг



Ўзига яқин муносабатда бўлган матбуот нашрларидан кўчириб олинган эди. Ҳеч ким қартайган мафкуралар химоячисидек бунчалик ёмон ёзолмаслиги, ҳеч ким ўзининг ҳунар, касб-корини дўстларнинг бу қадар оз ёрдами билан юргизолмаслиги маълум эди. Ҳермина ушбу мақолани ўқиб кўриб, Ҳарри Ҳаллернинг зарарқунанда ҳамда беватан, дарбадар, сўққабош одам эканлигини билиб олган ва албатта, шу билан бирга, токи ана шундай ифвогарлар тийиб қўйилмас экан, токи ёшлар ашаддий душманга қарши уруш қилиб, ўч олиш васвасаси эмас, балки ҳассос инсонпарварлик ғоялари руҳида тарбияланмас экан, Ватаннинг аҳволи тобора ёмонлашиб бораверишига ҳам амин бўлган эди.

— Шу сенмисан? — сўради Ҳермина, менинг номимга ишора қилиб. — Қара-я, ўзингга тузуккина душманлар орттириб олибсан. Бу ғазабингни қўзғамайдими, Ҳарри?

Мен газетани олиб, бир-икки сатр ўқиб кўрдим. Ўша одатдаги, чайналган, сийкаси чиққан гаплар, бунақа бир қолипдаги ҳақорат сўзларни анчадан буён ўқийвериб, жонимга тегиб кетган эди.

— Йўқ, — дедим мен, — ғазабимни қўзғамайди, бунга хийла кўникиб қолдим. Мен ҳар бир халқ, ҳатто ҳар бир одам ўзини алдамчи, сохта сиёсий «бурч масалалари» билан аллалаб овутиш ўрнига ўз-ўзини текшириб, тафтиш қилиб кўрмоғи лозимлиги ҳақида бир неча марта фикр билдирган эдим, зеро, шундагина камчилик, хато ва нуқсонларимиз, ёмон одатларимиз уруш ҳамда шу сингари бошқа дунёвий офат-кулфатларга олиб келишига амин бўламиз, бўлғуси урушдан қутулишнинг бирдан-бир йўли ҳам, эҳтимол, шудир. Ана шунинг учун улар мени кечиролмайдилар, чунки албатта улар: кайзер, генераллар, йирик саноатчилар, сиёсатчилар, рўзнамалар мутлақо айбсиздирлар — ҳеч кимда ҳеч қандай, заррача айб йўқ! Ўлган бўлса, ўн миллион одам ўлгандир, хўш, нима бўпти, осмон узилиб, ёрга тушибдими, дейишлари мумкин. Энди десанг, Ҳермина, мана шундай ғийбат, фиск-фасод мақолалар ғазабимни келтирмаса ҳам, мени

баъзан шундай хафа қиладики... Юртдошларимнинг учдан икки қисми ҳар тонг ва ҳар окшом мана шундай газеталарни ўқийди, уларга шу тарика «ишлов берилиб», даъват этилади, гижгижлатилади, домангир ва бераҳм одамларга айлантирилади. Булардан кузатилган мақсад эса — яна уруш, янада даҳшатлироқ бўлиши мумкин бўлган келгуси, бўлажак уруш... Бу гапларни ҳар бир одам яхши тушунади, бироқ ҳеч ким бўлғуси урушдан қутулишни, ўзини, болаларини ва миллион-миллион кишиларни қирғиндан саклаб қолишни ўйламайди. Дунёда рўй бераётган тартибсизликлар ва ёвуз ҳаракатларда ким канчалик айбдор — бундай саволни ўз-ўзига бериб, бу ҳақда бир зум ўйлаб кўришни ҳеч ким хоҳламайди, қара! Иш шу зайлда кетаверади ва кўп минглаб кишилар томонидан бўлғуси урушга кизғин тайёргарлик кундан-кунга давом этаверади. Бу нарсалар мени фалаж қилиб, тушкунликка солиб қўйди, мен учун энди «ватан» тушунчаси йўқ, омоллар ҳам ортиқ қолмаган, буларнинг барчаси навбатдаги хунрезликка тайёргарлик кўраётган жаноблар учун шунчаки парда, холос. Инсонларга ҳос ҳаёл суриш, фикрлаш, айтиш, ёзишдан, қаллада яхши ўй-фикрлар юритишдан ҳеч қандай маъно йўқ — борингки, шундай иш қилаётган атиги икки-уч кишига эса кун сайин бутунлай бунинг аксини қилишга интилаётган ва бунга эришаётган минглаб газеталар, журналлар, нутқлар, махфий ва ошқора кенгашлар тўғри келади.

Ҳермина мени хайрихоҳлик билан тинглади.

— Ҳа, — деди у ниҳоят, — сен ҳақсан. Албатта, яна уруш бўлиши муқаррар, буни билиш учун газеталарни ўқиш шарт эмас. Албатта, бу жуда қайғули, бироқ қайғурганинг билан фойдаси йўқ. Бу худди ўлимга ўхшаб кетади, йиғлаб-сиктаб, хафа бўлганинг билан, барибир, ўлим ҳақ, бир кун ўлиш бор. Ўлимга қарши кураш, азим Ҳарри, ҳамиша гўзал, олийжаноб, ажойиб ҳамда ҳурмат-иззатга сазовор ишдир, бинобарин, урушга қарши кураш ҳам худди шундай. Бироқ у ҳамиша умидсиз, иложсиз, бедаво Дон Кихотликдир.

— Эҳтимол, бу тўғридир, — дедим кескин оҳангда, — лекин барчамизга бир кун ўлиш бор экан деб, бепарво ва лоқайд, тек қараб тураверсак, унда ҳаётимиз нотўғри изга тушиб, ҳаммаёкнинг расвоси чиқиб кетмайдими! Нима, энди ҳамма нарсага қўл силтаб, барча ақл-тафаккурдан, барча интилишлардан, барча одамгарчиликдан воз кечиб, пул ва шухратпарастликка жиловни бериб қўйиб, пиво ичиб, кейинги сафарбарликни кутиб ўтираверишимиз керакми?

Ҳермина менга ғалати қараб қўйди, унинг нигоҳида эрмак, киноя, шумлик, қувлик, муғамбирлик ҳамда ўртоқларча хайрихоҳлик, шу билан бирга вазминлик, огохлик ва ўта жиддийлик мужассам эди.

— Йўқ, бундай қилмайсан, — деди у бутунлай оналарга хос оҳангда. — Агарки, сен курашинг бесамар, беҳуда эканлигини билсанг, шу туфайли ҳам ҳаётинг нотўғрилиқ ҳамда аҳмоқоналикдан мосуво бўлади. Агар сен, Ҳарри, бирор яхши ният ва омол учун курашиб, унга албатта эришаман десанг, унда янада нотўғрироқ кетган бўласан. Омоллар уларга эришиш учунгина яратилганми? Нима, биз — инсонлар ўлимга чек қўйиб, уни бартараф этиш учун яшаймизми? Йўқ, биз ундан кўркиб ва уни яна севиш учун яшаймиз, худди шунинг учун ҳам бу нажотсиз, рўшнолик йўқ ҳаёт гоҳи-гоҳида кўзингга шунақаям чиройли кўриниб, гўзаллашиб, яшнаб кетади. Сен ҳалиям боласан, Ҳарри. Энди буларни қўй, бугун ишимиз жуда кўп. Мен бугунча уруш ва газеталарнинг ташвишини эсимдан чиқармоқчиман. Сенчи, сен нима дейсан?

О, албатта, мен ҳам бунга тайёр эдим.

Биз биргалашиб — бу бизнинг шаҳар бўйлаб илк бор бирга юришимиз эди — ноталар дўконига кирдик, патефонларни кўздан кечириб, бирини қўйиб, бирини очиб-ёпиб, текширтириб кўрдик, биттасини — нархи арзонроғини маъқул топиб, харид қилмоқчи бўлгандим, Ҳермина кўнмади. У мени қайтариб, иккинчи бошқа бир дўконга бошлади, бу ерда ҳам бир бошидан — энг ким-

мати-ю, энг арзонигача кўриб, ишлатиб, текшириб чик-канимиздан сўнг, ниҳоят, яна биринчи дўконга қайтиб бориб, олдин кўрган патефонимизни сотиб олишга рози бўлди.

— Ана, кўрдингми, — дедим, — бекорга овора бўлдик.

— Сен ҳали шундай деб ўйлаяпсанми? Агар эртага шу нарсани бошқа бир витринада йигирма франк арзонига учратиб қолсак, унда нима бўларди? Бундан ташқари, нарса харид қилишнинг ҳам ўзига яраша гашти бор, шундай бўлгандан кейин, гаштини суриш керак. Сен ҳали кўп нарсани ўрганишингга тўғри келади.

Патефонни ҳаммол ёрдамида менинг хонамга олиб келдик. Ҳермина хонамни кўздан кечираркан, печка билан диванни мактади, ўриндиқларни ушлаб кўрди, китоблар билан танишди, маҳбубамнинг фотосурати олдида эса узок туриб қолди. Патефонни комод устига, китоблар уюми ўртасига ўрнатдик. Шундай қилиб, ракс сабоқларим ҳам бошланди. Қиз фокстрот мусикаси садолари остида биринчи қадамларни қандай ташлашни кўрсатиб, қўлимдан тутиб, бошлаб кетди. Мен ҳам итоаткорона у билан бориб-келардим. Буйруқлар янграр, мен эса уларни тушунмасдим, ўриндиқларга туртиниб-суртиниб, қизнинг оёқларини босиб олардим, қисқаси, қанча тиришмай, ҳаракатларим шунча қўпол ва нўноқ чиқарди. Иккинчи раксдан сўнг Ҳермина ўзини диванга ташлади ва ёш болага ўхшаб кулиб юборди.

— Вой худойим-ей, намуноча қўпол бўлмасанг! Худди сайр қилаётгандек қадам ташла-кўй! Кучаниб нима қиласан? Ўзиям, ёниб кетгандирсан-а? Хўп майли, беш дақиқа танафус! Кўрдингми, ракс тушиш ҳам, агар қўлингдан келса, худди фикрлашга ўхшаган оддий нарса, уни ўрганиш хийла осон. Мана, хозир одамлар ўйлаб-нетиб ўтирмасдан Ҳарри Ҳаллерни ватан хоини деб атаб, навбатдаги урушга бамайлихотир йўл очиб бераётганига ҳам чидаб, сабр қилиб ўтирибсан-ку.

Бир соатдан сўнг у кетди. Хайрлашаётиб, кейинги гал ишларимиз анча яхши бўлади, деб ишонтирди. Ме-

нинг эса бу ҳақда фикрим бошқача эди, ўзимнинг тен-таклигим ва қўполлигимдан хафсалам пир бўлган, шу ўтган бир соат ичида ҳеч нарса ўрганмагандек эдим, қолаверса, бошқа сафар ҳам ишим юришиб кетишига ишонмасдим. Йўқ, ракс тушиш учун ҳам одамда қобилият бўлиши керак, менда эса улар: кувноклик, маъсумлик, беғам-беташвишлик, завқ-шавқ етишмасди. Бу нарса ўзимга азалдан маълум эди.

Бирок буни карангки, кейинги гал ҳақиқатан ҳам ишларимиз юришиб кетди, ҳатто ўзим ҳам анча ҳузур қиладиган бўлдим. Дарс тугагач, Хермина «мана, фокстротни ҳам ўрганиб олдинг», деди. Аммо у шундан келиб чиқиб, эртасига ўзи билан бирга ресторанга бориб, ракс тушишим кераклигини айтган эди, гапнинг очиғи, кўркиб кетдим ва зўр бериб эътироз билдира бошладим. Бунга жавобан киз совуқкина қилиб, итоаткорлик ҳақидаги тантанали ваъдамни эслатди ва эртасига мени «Баланс»\* меҳмонхонасига чойга таклиф қилди.

Ўша оқшом уйда ўтириб, китоб ўқимокчи бўлдим, ўқиёлмадим. Нега десангиз, эртани ўйлаб, юрагимга ғул-ғула тушганди: мен, қари, юраксиз ва табиати нозик, инжиқ одамови энди бир камим жаз мусикаси янграб турадиган бундай бефайз замонавий чойхона ва раксхоналарга бориб, бегона одамлар олдида ракс тушишим қолувдими, ахир, кошки бу нарса қўлимдан келса... Ишонсангиз, бир ўзим хонамда патефонни қўйволиб, пайпоқчан фокстротни машқ қилиб, ўйнаганимга ўзимдан-ўзим уялиб, ўз устимдан роса кулдим...

Эртаси куни «Баланс» меҳмонхонасида мўъжазгина капелла\*\* ўйнаб турар, дастурхон тузалган, унга чой ва виски қўйилган эди. Херминанинг кўнглини овламокчи бўлиб, уни пирог билан сийладим, тоза шароб таклиф қилдим, бироқ у унамади.

\* «Баланс» – Цюрихдаги меҳмонхона номи.

\*\* Капелла – хор ёки хор билан мусикачиларнинг биргаликдаги жамоаси.

— Бу ерга маишат қилиш учун эмас, ракс дарсига келгансан.

Мен қиз билан икки-уч бор ракс тушдим, бу орада мени саксофон чалувчи билан таништирди. У қорача, келишган ёш йигит бўлиб, асли испан ё жанубий амриколик эди. Қизнинг айтишича, у барча мусиқа асбобларини чала олар, дунёнинг барча тилларида сўзлашарди. Кўринишдан бу сеньор\* Ҳермина билан жуда яқин дўст эди. Унинг олдида турли катталиқдаги саксофонлар турар, уларни галма-галдан чаларкан, чакнаб турган кўзлари ракс тушаётганларни диққат билан мамнун кузатарди. Ажабланарлиси шу эдики, бу беозор, ёқимтой мусикачига нисбатан ўзимда қандайдир рашкка ўхшаш ҳиссиёт туйдим, бу ишқий эмас, чунки мен билан Ҳермина ўртасида мухаббат деган нарса умуман йўқ эди, бу кўпроқ дўстона рашкка ўхшаб кетарди, зеро, йигитнинг одамни кизиқтирадиган, алоҳида ажралиб турувчи хусусиятлари кўзга ташланмас, қизнинг унга кўрсатаётган ҳурмати-га ҳам унча муносиб эмасдек туюларди.

Фалати, қизик одамлар билан танишишимга тўғри келаркан-да, ўйлардим маъюсланиб.

Кейин Ҳерминани оралатиб раксга таклиф қилишди, мен эса чой ичиб, мусиқа тинглаб ёлғиз ўзим ўтирдим. Бундайин мусикаларни ўзи азалдан эшитишга сира тоқатим йўқ эди. «Эҳ, художон», ўйлардим ўзимча, нахот энди бекорчи ва маишатпараст одамларнинг ўзим учун бу қадар ёт, бегона ва ёқимсиз бўлган жирканч дунёсига, мрамар столчалар, жаз мусикаси, ўйнаш ҳисобига кун кўрадиган суюқоёқ аёллар ҳамда коммивояжёрларнинг\*\* саёз ва сийқа оламига элакишиб, мослашишимга тўғри келса, ахир мен ўзимни улардан шу пайтгача илжи борича олиб қочиб, чап бериб келардим-ку! Хафа бўлиб, чой хўпларканман, ярим башанг оломонга разм солдим. Ракс тушаётганлар орасида иккита чиройли қиз

\* Сеньор – жаноб, таксир, афанди (исп.)

\*\*Коммивояжёр – хусусий корхона ёки фирма молларидан нусха кўрсатиб, шахарма-шахар буюртма тўпловчи вакил, гумашта.

диққатимши тортди, иккалови ҳам яхши раққоса эди, уларга ҳайрат ва ҳавас билан боқдим — улар силлиқ, равон, гўзал, қувнок ва дадил рақс тушишарди.

Шу пайт Ҳермина келди, у мендан домангир бўлиб, койиб берди; бу ерда ўшшайиб ўтириш ўрнига ўзимни қўлга олиб, дадил бўлиб, рақс тушишим керак экан. Нима, ҳеч кимни танимас эканманми? Бунинг ҳожати ҳам йўқ эди. Ахир, бу ерда менга ёқадиган қизлар қуриб кетибдими? Унга шундоққина ёнимизда турган, бошқаларга караганда гўзалроқ, бахмал юбкачаси ўзига ярашган, калта қилиб қирқилган оқ-малла сочли, қўллари дўмбоққина бир қизни кўрсатдим. Ҳермина ҳозирок ўша қизнинг олдига бориб, уни рақсга таклиф қиласан, деб туриб олди. Мен мушкул аҳволда қолиб, унга эътироз билдирдим.

— Ахир, қўлимдан келмайди, — дедим шўрим қуриб. — Келишган ёшгина йигит бўлганимда ҳам бошқа гап эди! Қари, серрайган лакма бўлсам, рақс тушиш қўлимдан келмаса — устимдан кулмайдими?!

Ҳермина менга нафрат билан тикилди.

— Мен устингдан кулсам майли, шундайми? Қанақанги кўрқоқ одамсан ўзи? Қиз болага яқин борган ҳар қандай одам таваккал қилади — бошланиши ўзи шундай бўлади. Сен ҳам таваккал қил, Ҳарри, ҳеч бўлмаганда устингдан кулишсин, майли — акс холда сенинг итоаткорлигингга бўлган мендаги ишонч тамом бўлди деявер.

Қарасам, сира бўш келмайдиган. Танг аҳволга тушиб, юрагим пўкиллаб ўрнимдан турдим ва мусиқа қайта бошланиши билан гўзал қизга аста яқинлашдим.

— Аслида бўш эмасман, — деди қиз, қувнок кўзлари билан қизиксиниб боқаркан, — йигитим ҳов барда бир оз ушланиб қолди, шекилли. Ҳа майли, кела қолинг!

Мен қизни белидан кучиб, илк қадамларни ташладим, у менга йўқ демаганига хайрон эдим. Қиз менинг аҳволимни сизди, шекилли, ташаббусни ўз қўлига олди. У ажойиб рақс тушарди, мен эса, рақс қоидаларини бир

зумда унутиб, у билан шунчаки бориб-кела бошладим. Унинг гул-гул очилиб, ёниб турган ёшгина чехрасидан кўз узолмасдим. Унга бугун ҳаётимда илк бор ракс тушаётганимни айтган эдим, қиз жилмайиб, мени рухлантирди, мафтун нигоҳим ва мактов сўзларимга унсиз, нозик ва жозибадор ҳаракатлар билан жавоб қайтараркан, биз бир-биримизга янада яқинлашдик. Ўнг қўлим билан қизнинг белидан маҳкам кучиб, оёқлари, қўллари ва елкалари ҳаракатларига монанд равишда масъуд ва ғайрат билан тебраниб, еларканман, унинг оёғини бирор мартаям босиб олмаганимга ўзим ҳам хайрон эдим. Мусиқа ниҳоясига етгач, икковимиз ҳам турган жойимизда қарсак чалиб турдик, ракс яна бошлангач, биз ҳам завкшавк билан давом эттирдик.

Ракс жуда тез тугади. Бахмалдек майин, гўзал кизни қучоғимдан бўшатдим. Тўсатдан ёнимда Ҳермина пайдо бўлди, у бизни кузатиб турган экан.

— Хўш, нимани сездинг? — мактов оҳангида кулди у. — Аёлларнинг оёқлари стол оёқларидан фарқ қилишини энди билгандирсан? Ундай бўлса, баракалла! Худога шукур, фокстротни ўрганиб олдинг, эртага Бостонга қараб жўнаймиз. Уч ҳафта ичида глобус залда бал-маскарад ҳам бошланиб қолади.

Танаффус эълон қилингач, биз ўтирдик, шунда саксофон чалувчи, ёш, ёкимтой жаноб Пабло келиб қолди, бизга бош ирғаб, Ҳерминанинг ёнига ўтирди. Афтидан, у қиз билан қалин дўст эди. Менга эса, очиғини айтсам, ўша илк бор учрашганимиздаёқ бу жаноб мутлақо ёқмаганди. Тўғри, у келишган йигит эди, бўй-басти, афт-башараси ҳам ўзига ярашган, бироқ унда бундан ортик фазилатларни топа олмадим. Кўп тилни билишига келсак, бу борада ҳам у сира жон қойитмасди, яъни марҳамат, раҳмат, худди шундай, албатта, алло, алё сингари сўзлардан нарига ўтмасди, худди шу сўзларни бор-йўғи бир нечта тилда айта оларди, холос. Йўқ, сеньор Пабло



кўп гапирмасди, бу ёкимтой кабальеро\* кўринишдан у қадар кўп ўйламасди ҳам. Унинг қиладиган иши жаз капелласида саксофон чалиш эди. Бу касбга меҳр-муҳаббат, завқ-шавқ, иштиёқ-ла берилгани кўриниб турарди. Мусиқа чалаётганида баъзан кутилмаганда чапак чалиб ҳам қўяр ёки бўлмасам, хурсанд эканлигини бошқача тарзда намоён қиларди, яъни, худди кўшиқ айтаётгандек қилиб: о-о-о, а-а-а, алё!.. Булардан ташқари, унинг чиройли бўлиб юриш, аёлларга ёкиш, яхши кўриниш, энг янги модадаги ёқа ва бўйинбоғ, бармоқларига кўплаб узуклар тақишдан бошқа дунёда қиладиган ҳеч бир иш-ташвиши йўқдек эди. Унинг эрмаги шу эдики, олдимизда ўтирволиб, бизга жилмаяр, тез-тез қўл соатига қараб қўяр, қўлида сигареталарни айлантирарди — бу ишларнинг у жуда ҳадисини олган эди. Унинг креолларга\*\* хос бўлган чиройли корамтир кўзларида, қора патила сочларида на романтика, на бир муаммо ва на фикрлар мужассам эди — яқиндан яхшилаб разм солинса, бу келишган ғалати, ғайриоддий ярим авлиё ва ёқимли қилиқлар қилувчи бир оз талтайган ўсмир эди, бошқа ҳеч нарса эмас. Мен у билан мусиқа асбоблари ҳамда жаз мусиқасидаги товушларнинг ўзига хос сифатлари ҳақида гаплашдим, мендек ёши улуғ мусиқа шинавандаси ва билимдонини ҳам бир кўриб қўйсин, дедим-да. Бироқ у бу ҳақда лом-мим дея олмади, шунда мен унга ёки тўғрироғи, Ҳерминага нисбатан одоб юзасидан жаз мусиқаси назарияси хусусида гап бошлагандим, у менга ва менинг бу саъй-ҳаракатларимга жавобан беозор жилмайиб қўяқолди, афтидан, менга шундай туюлдики, бу дунёда жаздан олдин ва ундан ташқари бошқа мусиқалар ҳам бўлганлигини у мутлақо билмасди. У хушмуомала, ширинсўз ва мулойим эди, кўзлари катта, улар чиройли ва бемаъно қулиб турарди; бироқ у билан ўртамизда ҳеч қандай муш-

---

\* *Кабальеро* — кавалер, йигит, хуштор, ошиқ (исп.).

\*\* *Креол (лар)* — мустамлакачи испан ва португалларнинг Лотин Амриқосида туғилган биринчи авлоди; умуман, Лотин Амриқосида дунёга келган овруналик.

тараклик йўқдек эди — унинг учун муҳим ва муқаддас бўлган нарсалар мен учун ҳам шундай бўлиши мумкин, бироқ бизнинг тупроғимиз бир-бирига карама-қарши дунё китъаларидан олинган, тилларимиз ўртасида ҳам ҳеч қандай умумийлик йўқ (кейинчалик Ҳермина менга ғалати гап айтиб қолди. Ўша суҳбатдан сўнг Пабло мен ҳақимда гапириб, каминанинг ғоят бахтсиз одам эканлигимни, шунинг учун ҳам мен билан эҳтиёт бўлиб муомала қилишини тайинлабди. Буни қаёқдан билдинг, деб сўраса: бечора, ночор одам... кўзларини кара, кулолмайди, деганмиш).

Қоракўз биз билан хайрлашиб кетгач, яна мусиқа бошланди. Ҳермина ўрнидан турди:

– Мен билан ракс тушмайсанми, Харри? Ё тушгинг келмаяптими?

У билан ҳам, гарчи анов қиз билан тушган пайтдагига ўхшаб у қадар берилиб ва бахтиёр бўлмаса-да, ҳар ҳолда енгилрок, эркинрок ва қувнокрок ракс тушдим. Ҳермина мени бошлаб кетди, у худди гул япроғидек нозик ва енгил ҳаракат қилар, энди ундаги барча ўша дам намоён бўлаётган, дам ғойиб бўлаётган гўзалликларни ҳам кашф этиб, ҳис қила бошлагандим, ундан ҳам аёллик ва муҳаббат нафаси уфуриб турар, унинг тушаётган ракси аёлликнинг гўзал мафтункор қўшиғи бўлиб янграр — бироқ мен буларнинг барчасига бутунлай эркин ва қувнок жавоб қайтара олмасдим, ўзимни тўлик унутиб, бутун вужудим билан берилиб кета олмасдим. Ҳермина менга ниҳоятда яқин, у менинг ўртоғим, синглим, менга ўхшаган, ўзимга ва ёшликдаги дўстим Ҳерманнга, фидойи инсонга, шоирга, менинг маънавий машқларим ҳамда бузукликларимнинг оташин ҳамроҳи, йўлдошимга ўхшаб кетарди.

– Буни биламан, — деди у, кейинрок унга бу ҳақда сўз очганимда. — Буни яхши биламан. Мен ҳали сени ўзимга шунай мафтун қилайки, ўзинг севиб, ошиқ бўлиб қоласан, лекин ҳали бунга вақт эрта. Энг аввало, биз ўртоқлармиз, дўст бўлиб қолишга умидвор одамлармиз,

чунки бир-биримизни яхши таниб олганмиз. Энди биз иккаламиз бир-биримиздан ўрганамиз ва бир-биримиз билан ўйнаймиз. Мен сенга ўзимнинг мўъжазгина театримни намойиш этаман, сени ракс тушишга ва бир оз кувнок ҳамда тентак бўлишга ўргатаман, сен эса ўз фикрларинг ва билимларингни мен билан баҳам кўрасан.

— Эҳ, Ҳермина, сенга нимаям кўрсата олардим, ўзинг мендан кўра кўпроқ нарсани биласан-ку. Қандай ғалати одамсан-а, сен кизгина! Ҳар сохада мени тушунасан ва мендан илгариди юрасан. Нима, мени кўлидан бирор иш келади, деб ўйлаяпсанми? Ахир, шундоғам жонингга тегиб кетмадимми?

У тумшайиб, қовоғи осилиб, ерга қаради.

— Бунақа гапдонлигингни билмаган эканман. Ўша оқшом эсингдами, изтироб ҳамда ёлғизликдан дабдаланг чиқиб, ҳорғин ва тушкун бир кайфиятда ўзинг йўлимдан чиқдинг ва мен билан дўстлашдинг! Ўшанда нима учун сени дарров таний қолдим ва тушуна олдим, биласанми?

— Нима учун, Ҳермина? Айта қол!

— Чунки мен ҳам худди сенга ўхшаб ёлғизман, ҳаётга, одамларга ва ўз-ўзимга худди сенга ўхшаб, у қадар кўнгил кўя олмайман, буларни жиддий қабул қила олмайман. Ҳаётдан жуда кўп нарсани талаб қилиб, ўзларининг аҳмоқликлари ҳамда қўполликлари билан келишолмайдиган, чиқишолмайдиган одамлар ҳам доимо учраб туради.

— Шу сенмисан?! — дедим хайратимни яширолмай. — Менгина сени тушунаман, оғайни, ҳеч ким сени менчалик тушунолмайди. Бирок, барибир, сен мен учун жумбоқсан. Сен ҳаётга шунчаки бир ўйиндек қарайсан, майда нарсалар ва лаззатларни эса атайлаб ажойиб бир тарзда эъзозлайсан, сен ҳаётда усталик билан яшайсан. Қандай қилиб сен ҳаётдан изтироб чека оласан? Қандай қилиб тушкунликка туша оласан?

— Мен тушкунликка тушмайман, Ҳарри. Лекин ҳаётдан изтиробланишга келсак, о, бу борада тажрибам етарли.

Сен менинг бахтли бўлмаганимга хайрон бўлаясан, чунки мен ракс туша оламан, ҳаётнинг паст-баландини яхши тушунаман. Мен эса, дўстим, сен энг гўзал ва теран нарсаларни яхши била туриб, санъат, ақл-тафаккур билимдони бўлатуриб, ҳаётдан шу қадар кўнглинг қолиб, ихлосинг қайтганига хайрон бўлаяпман! Шунинг учун ҳам биз бир-биримизга хайрихоҳмиз, шунинг учун биз ака-сингилмиз. Мен сени ракс тушишга, ўйнашга ва табассум қилишга ўргатаман, бироқ мамнун бўлишга эмас. Сендан эса билим ва тафаккурни ўрганаман, мамнун бўлишни эмас. Биласанми, иккаламиз ҳам Иблис болалари эканлигимизни?..

— Ҳа, биламан. Биз бебахт фарзандларимиз. Биз Табиат бағридан ажраб тушиб қолганмиз ва энди бўшлиқда муаллақ осилиб турибмиз. Ҳозир бир нарса эсимга тушди. Мен сенга ҳикоя қилиб берган Чўл бўриси трактатида шундай гап бор: Ҳарри ўзини бир ёки икки жон, руҳдан, бир ёки икки шахсдан иборат деб ўйлаши, бу унинг ўй-хаёли дейлади. Аслида эса Инсон ўн, юз, минглаб руҳ, жонлардан таркиб топган экан.

— Бу ғоят маъқул гап, — деди Ҳермина. — Масалан, сенда маънавий нарсалар, ақл-заковат жуда юксак ривожланган, шунинг учун ҳам турли-туман майда турмуш санъатлари соҳасида ниҳоятда орқада қолиб кетгансан. Мутафаккир Ҳарри юзга кирган, раққос Ҳаррининг тувилганига эса ҳали ярим кун ҳам бўлгани йўқ. Мен энди уни ва унинг ўзига ўхшаган кичкина, ақли кирмаган ва вояга етмаган барча ака-укачаларини ҳам тарбияламоқчиман.

У менга жилмайиб қараб турарди. Сўнг секин, ўзгача овоз билан сўради:

— Хўш, Мария сенга ёқдимми?

— Мария дейсанми? Ким ўзи у?

— Сен билан бирга ракс тушди-ку, ўша қиз. Ўзиям гўзал, жа кетворган қиз-да. Кўзим тушгандай бўлди, уни севиб қолдинг шекилли.

— Уни танийсанми?

– О, албатта, биз бир-биримизни жуда яхши таниймиз. Унга ахамият бердингми ўзи?

– У менга ёқди, рақс тушишимга сабр-токат қилиб, кўнгилчанлик қилганидан хурсанд бўлдим.

– Шугина холосми! Сен унинг бир оз кўнглини овлашинг керак эди, Харри. У жуда дилбар, гўзал киз, рақсга шунақаям тушадики... балки уни севиб ҳам қолгандирсан... Омадингни берсин.

– Э йўқ, иззат-нафсимга эрк бермадим.

– Энди мени алдаяпсан. Дунёнинг қаеридадир махбубанг борлигини, уни ярим йилда бир кўриб туришингни, ўшанда ҳам жанжалдан ортмаслигингни биламан-ку. Агар бу ажойиб аёлга содик қолмоқчи бўлсанг, унда зўр марҳамат қилган бўласан, лекин мени кечиргин-у, буни у қадар, бутунлай жиддий қабул қилмагин! Умуман, сен севгини даҳшатли бир тарзда жиддий қабул қиласан, деб қўрқаман. Қандай севиш, албатта, сенинг ишинг, хоҳлаганингча сев, бу билан ишим йўқ. Мени ташвишга солган нарса шуки, турмушдаги майда, енгил санъат ҳамда ўйин турларини ҳам яхшироқ ўрганиб олишинг лозим, бу соҳада ўзим сенинг муаллимангман ва сенга ўша идеал махбубангдан кўра ҳам яхшироқ муаллима бўламан, бунга ишонавер! Сен ўша гўзал киз билан бир кеча бирга бўлишинг керак, чунки бу сенга жуда ҳам зарур, Чўл бўриси.

– Ҳермина! – кичкирдим мен изтиробга тушиб. – Нималар деяпсан, ахир мен қари одам бўлсам.

– Ёш боласан ҳали. Рақсни ўрганишда ҳам ана шунақа эринчоқлик қилиб, вақтни ўтказиб юборгансан. Севишни ўрганишда эса яна суст бўлгансан, э дўстим, сен ҳали гўзал ва мукаммал, идеал ва фожиали тарзда сева олишга қодирсан, бунга шубҳам йўқ, шундай экан, буни кадрига етиш, муносиб равишда кадрламоқ керак! Шу баҳона, одамларга ўхшаб севишни ҳам бир оз ўрганиб оласан. Энди сени балга ҳам бемалол тавсия этиш мумкин. Хўш, ҳали яна бостонни ўрганишингга тўғри келадими, буни эртагаёқ бошлаймиз. Мен соат учда келаман. Дарвоқе, бу ердаги мусика сенга ёқдими?

– Аъло.

– Кўрдингми, бу ҳам харна ютуқ. Ўрганганинг колади. Шу пайтгача мазкур ракс ҳамда мусикасига тобтокатинг йўқ эди, у сенга етарли даражада жиддий ва теран эмасдек туюларди, мана, ўзинг кўрдинг, уни жиддий қабул қилишнинг сираям кераги йўқ экан, бусиз ҳам у ғоят ёқимли ва жозибали бўлиб колавераркан. Шундай бўлса-да, барибир, Паблосиз канеллани тасаввур қилиб бўлмайди. Унга раҳбарлик қиладиган ҳам, уни харакатга келтирадиган, киздирадиган ҳам ўзи.

Патефон мендек тарки дунё қилган бир зоҳиднинг маънавий ҳаётини алғов-далғов қилиб юборгани, амрико ракслари авайлаб-ардоқлаб келинган мусикий оламимга суқилиб кирволгани сингари, шу пайтгача маҳдуд ва бетартиб кечган ҳаётимга ҳам энди хар тарафдан нимадан-дир фориф этувчи, шу билан бирга қандайдир кўркув уйғотувчи янгилик кириб кела бошлаганди. Чўл бўриси ва Ҳерминанинг Инсон минглаб жон, руҳлардан таркиб топганлиги тўғрисидаги таълимоти ҳақ эди; вужудимдаги азалий жонлар қаторида баъзи бир янгилари ҳам кундан-кунга бош кўтариб, шовқин солиб, қандайдир даъво, талаблар билан чиқа бошлаган, кўз олдимда ўзимнинг шу пайтгача бўлган шахсиятимдаги васвасалар энди сурат янглиғ аниқ-таниқ кўриниб турарди. Энди билсам, ўзимдаги бир қанча қобилият ва машқларни ишга солиб, Ҳаррининг суратини чизган ҳамда Ҳарри бўлиб яшаган эканман, у шеърият, мусиқа ва фалсафадан ўткир ва билимдон мутахассисгина эди, холос, бошқа ҳеч нарса эмасди — шахсимнинг қолган бутун бўлаги, қобилиятлар, иштиёқ ва интилишларимнинг қолган барча тартибсизлик ва чалкашликлари мен учун ортикча эди, улар меъдамга теккан ва мен уларни Чўл бўриси деб номлаган эдим.

Бироқ, барибир, бу васвасадан юз ўгириш, ундан қайтиш ва уни ўзгартириш, шахсиятимнинг таназзулга юз тутиши — ҳеч қандай ёқимли, мароқли ва қувноқ саргузашт эмасди, аксинча аччиқ ва аламли, баъзан унга

хатто чидаб ҳам бўлмас эди. Патефоннинг хонамда туриши чиндан-да ғалати эди, у бу маъвога маккорона, шайтоний рахна солаётгандек туюларди. Гоҳида, мода бўлган қандайдир ресторанларда, башанг кийинган маишатпараст ва қаллоб-муттахамлар даврасида вонстеп раксига ўйнаган пайтларимда ўзимни ҳаётимдаги ҳурмат-иззатга сазовор ҳамда муқаддас саналиб келган барча нарсаларга худди хиёнат қилаётгандек сезардим. Агар Ҳермина каминани атиги бир ҳафтагина ёлғиз қолдирганда эди, бойваччаларнинг бу зерикарли, майда ва кулгили машғулотларини елкамнинг чуқури кўрсин, дея ташлаб қочган бўлардим. Бироқ Ҳермина уззукун шу ерда эди; гарчи уни ҳар куни кўрмасам-да, у мени, барибир, кўздан қочирмасди, у мени бошқарар, пойлар, кўз-қулок бўлиб, фикрини мунтазам билдириб турарди, менинг бўйсунмаслик ва қочиш ҳақидаги ўй-хаёлларимни эса кулиб туриб, юз-кўзларимдан билиб оларди.

Мен ўзим илгари ўз шахсиятим деб атаган нарсанинг бора-бора емирилиб бориши билан, барча умидсизлик, рухий тушкунликларга карамасдан ўлимдан нега бу қадар даҳшатли тарзда кўркишимнинг сабабини ҳам тушуна бошладим ва шунда англадимки, шармандали ва жирканч ўлим ваҳимаси ҳам аслида азалий, мешчан ҳамда алдамчи тириклигимнинг, умримнинг бир бўлаги экан. Шу пайтгача мавжуд бўлган бу жаноб Ҳаллер, мазкур истеъдодли ижодкор, Моцарт ва Гётени яхши биладиган одам, санъат метафизикаси, даҳолик ҳамда фожиавийлик, инсонийлик ҳақида ўқишга арзигулик ўй-фикр ва мулоҳазалар муаллифи, кулбаси китоблар билан лик тўла бу дилгир дарвеш муттасил равишда ўз-ўзини танқидга берилиб кетиб, ҳеч қаерда ўзини кўрсатмай келган. Бу истеъдодли, кизиқ жаноб Ҳаллер ақл-идрок ва инсонийликни тарғиб қилиб, уруш шафқатсизликларига қарши норозилик билдирган, бироқ у ўзини отиб ташлашларини кутиб ўтирмай, аслида унинг тафаккури оқибатлари шуни тақозо этарди, ўта бамаъни ва албатта, олийжаноб бир тарзда вазиятга мослашади, буни мурсою малора

йўли дейиш ҳам мумкин эди. Қолаверса, у ҳокимият ва зулмга қарши эди. Унинг банкда саноат корхоналари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлари бўлиб, улардан келадиган фоиз (даромад)лар ҳисобига виждон азобисиз кун кўриб келарди. Хуллас, ахволот шундай эди. Чунончи, Ҳарри Ҳаллер мўъжизавор тарзда хаёлпараст ва дунёдан нафратланувчи, ғамгин қаландар ҳамда кек сақловчи, дарғазаб авлиё либосига бурканиб олганди, бироқ аслида у буржуй эди. Ҳерминаникига ўхшаш ҳаётни номуносиб, ахлоқсизлик деб ҳисоблар, ресторанларда беҳуда ўтказилган тунларга, худди ўшанақанги жойларда совурилган талерларга\* ачинар, аччиғи чиқарди. Ўзини пок-покиза, покдомон ҳисоблама-са-да, зинҳор баркамоллик, мукамаллик сари интилмас, аксинча, ўзининг рухий, ақлий эрмаклари билан овунган ва улар унга шуҳрат келтирган ҳаловатли дамларини эслаб, кўмсар эди. У масхаралаб, майна қилган газетхонлар ҳам урушдан олдинги идеал замонни худди шундай кўмсардилар, чунки аввал бошдан кечириб кўриб, ундан кейин сабоқ олгандан кўра бу қулайроқ эди. Эҳ, жин урсин, меъдага тегиб кетди-ку бу жаноб Ҳаллер! Бироқ шунга қарамасдан, мен ҳамон унга ёки унинг кўздан ғойиб бўлаётган шарпасига, ақлини пеш қилиб, мақтанишларига, бетартиблик ва тасодифийлик (ўлим ҳам шунга мансуб эди) олдидаги фуқароларга хос қўрқуви-га ёпишволиб, янги вужудга келаётган Ҳаррини, рақсхоналарга энди-энди ўрганаётган бир оз уятчан ва ғалати юзаки ҳаваскорни профессорникида Гёте суратини кўриб, дили оғриган ўша аввалги сохта идеал Ҳарри сурати билан киноя ҳамда зўр ҳавас-ла солиштирардим. Мундоқ қараганда, ўша аввалги Ҳарри ҳам мешчанларча идеаллаштирилган Гётенинг, ясан-тусан ҳамда ўз кўнгил аристократиясидан ҳаяжонга тушган, юз-кўзларида улғуворлик, рух ҳамда инсонийлик барқ уриб турган, нигоҳида олийжаноб мужассам даҳо, ақл-заковат соҳибининг худди ўзи эди!.. Оббо, бу гўзал сурат ҳам бузила бош-

\* Талер – эски немис кумуш тангаси.



лаганди, идеал жаноб Халлер аянчли бир ахволда кисм-ларга ажратиб ташланган эди! Кўча кароқчилари томонидан таланган мансабдорга ўхшаб, шимлари йиртилиб, титилиб кетганди, агар у ҳозир, ҳалиям худди орденлари осилиб тургандек, жулдур кийимларини кийиб юрган ва қўлдан кетган мартаба-мансабини, ном ва унвонини маъюс, ғамгин даъво қилаётган ялангоёк жулдурвоқининг ролини ёдлай бошлаганида, ақлли иш қилган бўлар эди.

Мен ҳамон мусикачи Пабло билан тез-тез учрашиб турардим. Шунинг учун энди у ҳақидаги фикр-хулосамни қайта кўриб чикиб, ўзимча текшириб олишим керак эди, чунки Ҳермина уни жуда яхши кўрар ва ҳамиша унга томон талпинарди. Паблони ўзимча чиройли ноль рақами билан белгилаб қўйгандим. У менинг назаримда майда, манман ва ўзига бино қўйган олифта, ярмаркалардаги сингари пишиллаб труба (карнай) чалишдан бошқани билмайдиган қувноқ ва беғам-беташвиш бола эди. Уни мактов, хушомад сўзлар ҳамда шоколад билан бемалол қўлга олса бўларди. Бироқ Пабло менинг фикр-хулосаларим билан кизикмади, улар унинг учун худди мусикий назарияларим сингари барибир эди. У мени хушмуомалалик билан мулойим тингларкан, узлуксиз жилмаяр, аммо-лекин аниқ бир жавоб беришга шошилмасди. Афтидан, уни кизиктириб қўйдим шекилли, менга яхши кўри-нишга ҳаракат қилиб, хайрихоҳлик кўрсата бошлади. Бир гал ана шундай натижасиз суҳбатларнинг бирида асабий-лашиб, ғазабим ошди. Менинг қўполлашаётганимни кўриб, юзимга маъюс ва хайратланиб қаради-да, чап қўлимни олиб, уни аста силади, сўнг кичкинагина зарҳалланган тунука қутичадан бир нима олиб, менга хидлатмоқчи бўлди. Шунда Ҳерминага савол назари билан қарадим, у майли дегандек, имо қилди. Олиб, хидладим. Ҳақиқатан ҳам сал ўтмай, ўзимни тетик ва бардам хис қилдим, афтидан, у кокаин кукуни эди. Ҳермина менга айтганди. Пабло бунақа воситаларни яширин йўллар билан кўп микдорда олиб тураркан, гоҳи-гоҳида дўстларига ҳам келтириб бераркан. Бунақанги нарсаларни аралаштириб, доза-

лашда устаси фаранг бўлиб кетган экан: оғриқ қолдириш дейсизми, ухлатиб кўйиш, ширин хаёл сурдириш дейсизми, хурсанд қилиш, севдириш дейсизми, хуллас, ҳамма иш кўлидан келаркан.

Бир куни уни кирғоқда, дарё бўйидаги кўчада учратиб қолдим, у ўзидан-ўзи менга эргашди. Ниҳоят, бу гал уни гапиртиришга муваффақ бўлдим. У кўлида ингичка қора кумуш таёкчани ўйнаб турарди.

— Жаноб Пабло, сиз Ҳерминанинг дўстисиз, шу туфайли сизга бўлган кизиқишим ортаверади. Аммо бир нарсани айтишим керак, суҳбатингизни олиш жуда қийин бўляпти. Мен сиз билан мусиқа тўғрисида гаплашишга кўп марта уриниб кўрдим, чунки сизнинг бу хусусдаги фикрларингиз, эътироз ва хулосаларингиз мен учун ғоят кизиқарли, лекин сиз зиғирча жавоб қайтаришни ҳам эп кўрмай, бу ишни пайсалга солиб келмоқдасиз.

У менга қараб кулиб турди-да, совуқконлик билан лоқайд гап бошлади:

— Биласизми, менимча, мусиқа ҳақида гапиришдан ҳеч қандай маъно йўқ. Мен ҳеч қачон мусиқа ҳақида гапирмайман. Сизнинг ўта ақлли ҳамда тўғри сўзларингизга мен нима деб ҳам жавоб қайтаришим мумкин? Барча айтганларингиз жуда ҳам тўғри гаплар. Бироқ биласизми, мен мусиқачиман, олим эмасман, ва мен аминманки, мусиқада бахслашиб-тортишишдан зиғирча фойда йўқ. Мусиқада ким ҳақу ким ноҳақ, диди, маълумоти борми-йўқми ва ҳоказо, бу нарсаларнинг мутлақо аҳамияти йўқ.

— Хўш, унда ниманинг аҳамияти бор?

— Гап шундаки, бевосита мусиқа билан шуғулланмоқ лозим, жаноб Ҳаллер. Шуғулланганда ҳам имкони борича хўб ва соз, ғайрат билан, қизгин шуғулланиш керак! Гап мана шунда, мсье. Агар мен Бах билан Ҳайдн асарларини сув қилиб ичиб юборган бўлсам ва бу хусусда ақл бовар қилмайдиган нарсаларни билсаму, мусиқа чалолмасам, бу билан одамларнинг кўнглини олиб бўладими. Башарти мен карнайни кўлимга олиб, уни ҳаммабоп шиммига мослаб чала бошласам, куй яхши ё ёмон

чикиши мумкин, бироқ энди у одамларга қувонч бахш этади, одамларнинг вужуд-вужудига сингиб, уларни ҳатто ўйинга ҳам тушириб юборади. Гап мана шунда, холос. Бал залига бориб, узоқроқ танаффусдан сўнг мусиқа яна бирдан шилдат билан гумбурлаб бошланган лаҳзада одамларга бир разм солинг — юзлари яшнаб, кўзлари чакнаб, оёқлари ўз-ўзидан ўйинга тушиб кетишини ана ўшанда кўрасиз! Мусиканинг асл мақсад-вазифаси — мана шу.

— Жуда яхши, жаноб Пабло. Лекин фақат ҳис-туйғу кўзгатадиган, ҳиссий мусиканинг ўзигина мавжуд эмас-да, маънавий-руҳий мусиқа ҳам бор. Фақатгина шу лаҳзада, шу дақиқада ўйналадиган мусиқа эмас, балки бардавом яшайдиган ўлмас, умрбоқий мусиқа ҳам мавжуд. Фараз қилайлик, кимдир каравотда ёлғиз ўзи ётибди, дейлик, шунда у сеҳрли флейта ёки Матфей\* ижодидан бирор куйни хаёлан ҳам тинглай олади, мана шу ҳам, гарчи ҳеч ким флейта ёки скрипка чалмаган бўлса-да, мусиқа, агар билсангиз.

— Албатта, жаноб Ҳаллер. Ҳар оқшом кўплаб ёлғиз ҳамда хаёлпараст одамлар томонидан Йенинг ва Валенсия ҳам ана шундай унсиз тарзда худди аслидай тикланади; ёзув машинкаси билан ишловчи бечора котиба киз ҳам идорада ўтирган кўйи, хаёлида вонстеп, бармоқлари билан тугмачаларни беихтиёр мусиқага монанд боса бошлайди. Сиз ҳақсиз, уларнинг барчаси ёлғиз одамлар ва мен уларнинг унсиз, соков мусикаларини, Йенинг бўладими, сеҳрли флейта ёки Валенсия бўладими, ҳавас қилмайман! Бироқ бу одамлар ўзларининг унсиз, танҳо мусикаларини касрдан олишади? Албатта, улар буни биздан — мусикачилардан олишади. Кимдир ўз уйчасида ўша мусиқа ҳақида ўйлаб, уни хаёлида қайтадан тиклаши учун у аввал ижро этилиши ва тингланиши, ана ундан сўнг тингловчининг қон-қонига синган бўлиши керак-ку, ахир.

---

\* *Матфей* — Инжилнинг тўрт афсонавий муаллифларидан бири.

— Фикрингизга қўшиаман, — дедим совуқкина қилиб. — Лекин Моцарт билан энг янги фокстротни тенглаштириб бўлмайди-да. Одамлар учун илоҳий ва умрбоқий мусиқа ижро этишингиз ёки арзон-гаров, бир кунлик мусиқа чалишингиз — булар барибир эмас-ку.

Пабло овозимдан асабийлашганимни сезиб, дархол мулойимлашди, қўлимни эркалаб сийпади-да, ғоят майин, юмшоқ овоз билан деди:

— Эҳ, мухтарам жаноб, бу масалада сиз бутунлай ҳақсиз. Моцарт билан Хайди ва Валенсияни ўзингиз билиб, хар бирини ўз ўрнига қўйишингизга мен мутлақо қарши эмасман! Бу менга буткул барибир, қолаверса, буни мен ҳал қилмайман, буни мендан сўрашмайди ҳам. Эҳтимол, Моцартни яна юз йил куйлашар, Валенсиянинг эса бор-йўғи яна икки йил умри қолгандир, ким билади — бу ишни энди марҳаматли Тангрининг ўзига топширсак, ўзи одил ва барчамизнинг умримиз, шу жумладан, вальс ва фокстротники ҳам ўзининг қўлида, ўзи меҳрибон. Биз, мусикачилар эса, ўз ишимизни қилишимиз, ўз бурч ҳамда вазифамизни адо этмоғимиз лозим: одамларнинг кўнгли шу лаҳза, шу дақиқада нимани тусаса, шуни ижро этишимиз, ижро этганда ҳам имкон қадар соз ва гўзал ҳамда таъсирчан ижро этмоғимиз керак.

Мен хўрсиниб, якунлаб қўяқолдим. Бу одамга бас келиб бўлмас экан.

Баъзан янгилик билан эскилик, ҳузур ва азоб, кўрқув ҳамда қувонч ғалати бир тарзда бир-бирлари билан аралаш-қуралаш бўлиб кетарди. Дам осмону фалакда бўлсам, дам жаҳаннамда, кўпинча эса бир пайтнинг ўзида ўзимни иккаласида ҳам юргандек ҳис қилардим. Қари ва ёш Ҳарри бир-бири билан тортишиб, жанжаллашишар, гоҳ муроса қилиб, тинчгина яшашарди. Баъзида қари Ҳарри гўё жон таслим қилгандек, бутунлай ўлган ва кўмилгандек туюлар, тўсатдан яна пайдо бўлиб қолар, буйруқлар берар ва зулм ўтказар, афтидан, у ҳамма нарсани яхшироқ биларди, кичкина, ёш Ҳарри эса уялиб-кимтиниб,

жимгина турарди. Гохида ёш Ҳарри ҳам бўш келмай, қариянинг бўғзидан олар, уни обориб-обкеларди, шунда ох-воҳ, дод-фарёд бошланар, жон талвасада хаёлидан яна устара ўтарди.

Бирок кўпинча омад ва изтироб бирдай келарди.

Худди шундай воқеа рақс тушганимдан сўнг, орадан бир-икки кун ўтгач рўй берди. Оқшом уйга кириб борсам, хонамда, ўрнимда ... гўзал Мария ётганини кўриб, таажжубдан, хайратдан, кўрқув ва хурсандлигимдан донг қотиб қолдим.

Бу энди Ҳерминанинг менга шу пайтгача тайёрлаб келган кутилмаган совға-туҳфаларининг энг зўри эди. Манови жаннат қушчасини менинг ҳузуримга у жўнатганига заррача шак-шубҳам йўқ эди. Ўша оқшом Ҳермина билан бирга эмасдик, мен кўхна черков мусикасини тинглаш учун катта бутхонага кетгандим — бу ўтмиш ҳаётимга, ёшлигим ўтган жойларга, идеал Ҳаррининг юртига қилинган гўзал ва ғамгин саёҳат эди. Чиройли гумбази камгина чироқлар нурида хира ёғду сочиб турган черковнинг готик услубдаги баланд хонасида ўтириб, Букстехуде, Пахелбел, Бах, Ҳайднни тинглаб, ўзим учун азиз, севимли бўлган ўша эски-қадим йўллардан юргандек бўлдим. Бир пайтлар ўзимга кадрдон дўст ҳамда кўплаб фавкуллода зўр чикишларининг ўзим шоҳиди бўлган Бах куйчисининг\* ажойиб овозини яна тинглашга мушарраф бўлдим. Кўхна мусика садолари, улардаги битмас-туганмас фазилат ва табарруклик ёшлигимнинг бутун завқ-шавқ ҳамда хурсандчиликка тўла дамларини ёдимга солди. Мен черковда хаёлга чўмиб маъюс ўтирарканман, бир пайтлар ватаним бўлган бу олийжаноб, бахт-саодатли оламда атиги бир соат меҳмон бўлдим, холос. Ҳайдннинг дуэти янграган чоғда тўсатдан кўзимга ёш келди, концертнинг тугашини ҳам кутиб ўтирмасдан, ўша таниш хонанда билан учрашувдан ҳам воз кечиб (о, бир пайтлар шунақа концертлардан сўнг санъат-

---

\* *Бах куйчиси* — Илона Дуриго (1881 — 1943), венгер кўшиқчиси.

корлар билан қанчадан-қанча ажойиб, чароғон кечаларни бирга ўтказган эдик), бош черковдан секин, сездирмай жўнаб қолдим, тун оғушига чўмган тор кўчаларда ҳорғин тентираб юрдим. У ер-бу ерда ресторанларнинг деразаларидан жаз капеллалари кўзга ташланар, улар ҳозирги ҳаётимнинг мунгли оҳанглари чалардилар. О, ҳаётимнинг шундайин бир дилгир гумроҳликка айланишни ким ҳам билибди дейсиз!

Тун қўйнида узоқ дийдираб кезарканман, муסיқага бўлган ғалати муносабатимни ҳам ўйлаб кетардим ва ўзимдаги муסיқага бўлган бу қадар таъсирчан, жозибали ҳамда азалий, тақдирий муносабат бутун олмон маънавиятининг тақдир-қисматидек туюларди менга. Олмон муҳитидаги оналик ҳуқуқи, табиатга боғланганлик муסיқанинг бошқа ҳеч бир қайси халқда учрамайдиган муסיқа гегемонлиги шаклида ҳукм суради. Биз, зиёлилар, бунга мардонавор қаршилиқ кўрсатиш, Рухга, Фанга, Сўзга қулоқ солиш ва уни тинглашга эришиш ўрнига, барчамиз тушуниб бўлмайдиган нарсаларни тасвирлайдиган сўзлардан холи Тил ҳақида орзу қиламиз. Ўз муסיқа асбобини сидкидилдан, ҳалол ва виждонан чалиш ўрнига, олмон зиёлиси доимо Сўзга ва Ақл-Идрокка қарши чиқиб, нуқул муסיқа билан овораи мубтало бўлиб келган. Олмон руҳи муסיқадан, ажойиб оҳангларда яратилган асарлардан, гўзал хис-туйғулардан завқланиб кетиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш ўрнига, ўзининг қўпгина ҳақиқий вазифаларини унутиб қўйган. Биз, зиёлилар, ҳақиқийлик нималигини яхши англамаганмиз, унга ёт, бегона ва душман кўзи билан қараганмиз, шунинг учун ҳам бизнинг олмон воқелигимизда, тарихимиз, сиёсатимиз ва ижтимоий фикримизда Рухнинг роли шу қадар ночор, аянчли бўлган. Шундай бўлса ҳам, ушбу фикрни ўйлаётиб, ҳадеб эстетика ва маънавий-руҳий, бадий ҳунармандчилик билан шуғулланавериш ўрнига ана шу воқеликни яратишда жиддий ҳамда масъулият билан иштирок этишга ўзимда кучли бир истак-иштиёқ сезганман. Бироқ бу иштиёқ ҳамиша умидсизлик билан, аччик

такдир-кисмат билан тугаган. Жаноб генераллар ва офир саноатчилар бутунлай ҳақ эдилар: «зиёлилар»га жин ҳам урмади, бизнинг жамият ортиқча, кераксиз, ҳаётдан узок ҳамда масъулиятсиз ҳаёлпараст эзма, маҳмадоналардангина иборат эди, холос. Жин урсин ҳаммасини! Қани устара?!

Ўй-хаёллар ва мусиқа таъсирида юрак ғам-кайғуга тўлиб, тушкун кайфиятда ҳаёт сари, ҳақиқат сари, маъно ва мазмун сари, абадий йўқотиш сари интилиб борарканман, ниҳоят, уйга етиб келдим. Зиналардан кўтарилиб, ичкари кирдим, чирокни ёқиб, бир оз мутолаа қилишга беҳуда уриндим, чунки ваъдалашганимиз эсимга тушиб қолди — эртага кечкурун виски ичиб, рақс тушгани Сесилбарга\* боришим керак эди, шунда нафақат ўзимга, балки Ҳерминага нисбатан ҳам ўзимда аччиқ алам туйдим. Ахир у яхши ва самимий фикр юриптанида, ажойиб, мўъжизавор мавжудот бўлганида эди, мени бу ғувиллаётган, жимиллаётган, чигал, чалкаш ва бетартиб иш дунёсига олиб кирмаган ва ўз холимга қўйган бўларди, чунки мен, барибир, у ерда ўзимни ёт, бегоналардек ҳис қилган ва мусибат чеккан бўлардим, ўзимдаги энг яхши фазилатлар эса таназзулга юз тутарди!

Маъюсланиб ечиниб, энди чирокни ўчирмокчи бўлгандим, димоғимга хушбўй ис — енгил атир хиди урилди. Сергак тортиб, кайрилиб қарасам, ўрнимда гўзал Мария ётарди, унинг катта кўк кўзларида табассум жилваланар, шу билан бирга бир оз ҳадик-хавотир ҳам муҷассам эди.

— Мария! — саросимага тушиб кичкирдим.

Шу онда миямга келган биринчи фикр шу бўлдики, агар хонадон бекаси билиб қолса борми, уйдан хайдаб чиқарарди.

— Мен келдим, — деди киз секингина. — Ё хафа бўлдингизми?

— Йўқ, йўқ, асло. Биламан, Ҳермина сизга калитни берган. Ҳа-я.

---

\* Сесилбар — Цюрихда жойлашган бар номи.

— О, сиз хафа бўляисиз. Мен яхшиси кетаколай.

— Йўк, гўзал Мария, колинг! Мен бугунги окшом жуда асабийлашдим.

Мен унга томон бир оз энгашгандим, у бошимни кўллари орасига олиб, ўзига тортди ва эркалади. Сўнг унинг кўлини олиб, бизни эшитиб қолмасликлари учун секин гапиришини илтимос қилдим, унинг гўзал, тўла юзига боқдим, у ажойиб каттакон гулдек очилиб, яшнай бошлади. Қиз кўлимни олиб, секин лабларига теккизди, унинг ёкимли илиқликни хис қилганини англадим.

— Сен хурсанд бўлишинг керак эмас, — деди у. — Ҳермина менга айтган, дардинг борлигини. Буни тушуниш мумкин... Нима, сенга ёқмаяпманми? Рақс тушаётганимизда жуда бошқача эдинг.

Унинг кўзлари, лаблари, томоғи ва кўкси кўз олдимдан ўтарди. Ҳозиргина Ҳерминани аччиқ таъна-дашном билан эслагандим, мана энди эса унинг тухфаси кўлимда, ундан миннатдор эдим. Мариянинг эркалашлари, навозишлари мен бугун тинглаган ажойиб мусикага озор етказмас, балки уни тўлдиран эди. Унинг гул юзи янада яшнаб, менга меҳрибонлик ва мойиллик билан кулиб турарди.

Бу окшом мен ёш боладек донг қотиб ухладим. Уйғок пайтимда Мариянинг гўзал, қувнок ёшлигидан баҳра олиб, сухбатлашиб, у ва Ҳерминанинг ҳаёти ҳақида кўп кизик нарсаларни билиб олдим. Мен бунақанги ҳаёт тўғрисида жуда кам нарса билардим. Бунақанги инсонларни, эркакларга ўхшаш аёлларни, ярим санъаткор, ярим бойваччалар дунёсига мансуб одамларни илгарилари театрларда тасодифан, онда-сонда учратар эдим. Мана, бу ғалати, гоҳ бегуноҳ, гоҳ бузук ҳаётнинг сийратига разм солиб турардим. Бу қизларнинг кўпчилиги ночор оилалардан чиққан, ўта ақлли ва ғоят келишган бўлиб, бутун ҳаётларини қандайдир наст ҳақ тўланадиган ёки зерикарли, ғамгин, нохуш ишларга тиккан, дам тасодифан, ахён-ахёнда учраб қоладиган юмушлар билан, дам



назокат, лагофат, жозиба, ишва ва навозишлар оркаси-дан кун кўришга мажбур эдилар. Улар гоҳ ойлаб ёзув машинкаларини чиқиллатиб ўтиришар, гоҳ давлатманд бойваччаларнинг маъшуқаларига айланишарди, чойчақа ва совғалар олишиб, дам мўйна пўстинларга ўралиб, дам энгил машиналарда, люкс меҳмонхоналарда яшашар, баъзан эса совуқ чордоқларда ҳам тунаб қолишар, қисқаси, ошиғи олчидай кўринса-да, умуман олганда, уларга хавас қилиб бўлмасди. Мария ҳам уларга мансуб эди, фавқулодда севгига қодир, муҳаббатга ташна эди. Тиниб-тинчимас, серташвиш ҳамда ақлли ва онгсиз равишда ҳаёт кечирадиган бу капалакларнинг турмуши болаларча, айни пайтда уддабуро, устомон, айёр ва маккор ҳам эди, улар эркин ва мустақил, ҳаётга мафтун бўлиб, ундан бахт омад кутиб яшардилар, бироқ бу ҳаётга фуқароларга ўхшаб боғланиб қолишмаган, эртақлардагидек шахзодалар учраб қолгудек бўлса эргашар, ўзларини пировардида офир ва ғамгин қисмат кутаётганини доимий тарзда элас-элас эслаб ҳам кўярдилар.

Мария менга ўша ғаройиб биринчи оқшомдаёқ ва бошқа кейинги кунларда ҳам кўп нарсани, нафақат ажойиб янги ўйинлар, онг-зеҳн сурури, балки янгича фикрлаш, янгича англаш, янгича ишқ-муҳаббатни ҳам ўргатди. Раксхоналар, кўнгилочар жойлар, кино, бар, меҳмонхоналар қошидаги чойхоналар — бу олам мендек дарвеш ва эстет — гўзаллик шайдоси учун ҳамон қандайдир норасо, ҳақоратомуз ва ман қилинган нарса эди, Мария учун, Хермина ва унинг дугоналари учун эса шунчаки дунё, на ёмон, на яхши, на маъқул, на манфур, бу оламда уларнинг қисқа, ғамгин, маъюс ҳаёти гуллаб яшнар, бу оламни улар яхши билишар, унда ўзларини бемалол ва эркин хис қилардилар. Улар, бизга ўхшаганлар бастакор ёки шоирни яхши кўрганимиздек, шампан виносидан ичиб, ковордоқхонада махсус овқат буюриб, тамадди қилишни хуш кўришар, бизга ўхшаганлар Нитше ёки Хамсундан завқлангани сингари, улар янги мода бўлган ракс ашуласи ёки қандайдир жаз хонандасининг сенти-

ментал, бачкана, беҳаё кўшиғини изтироб, хаяжон билан, кўнгиллари эриб тинглардилар. Мария менга ўша келишган саксофончи Пабло ва унинг айтган амриқоча эстрада кўшиғи ҳақида ҳам гапириб берди, у буни шундай берилиб, завқ-шавқ, муҳаббат билан айтдики, бу менга қандайдир ўқимишли, илмли кишининг нафис, гўзал санъат асари олдида чуқур хаяжонга тушишидан ҳам ортик таъсир қилди. Ўша кўшиқ қандай бўлмасин, уни тинглашга hozir эдим. Мариянинг муҳаббатга йўғрилган сўзлари, унинг маънос жилваланаётган нигоҳи менинг эстетикамга раҳна солиб, уни ёриб ўтганди. Демак, аллақандай гўзаллик, қандайдир нафис, гўзал туйғу бор эдики, у менга ҳар қандай баҳс-мунозарадан ҳам, шак-шубҳадан ҳам улуғвор туюлди, у ҳатто Моцартдан юксак эди, бироқ бунда сарҳад, чегара деган нарса бормиди ўзи? Биз, билимдон ҳамда мунаққидлар барчамиз ўсмирлик чоғларимизда бугунги кунда бизга шубҳали ва азалий, тақдирий туюлаётган санъат асарлари ва санъаткорларни эхтирос ила севмаганмидик? Лист, Вагнер, Бетховенни-чи? Мариянинг амриқоча эстрада кўшиғини тинглаётганда болаларча ийиб кетиши қандайдир штудийнратнинг\* Тристан ҳақидаги ёки дирижёрнинг тўққизинчи симфония ижро этилаётган пайтдаги изтироб-хаяжонига ўхшаган худди шундай соф, гўзал, ҳар қандай шубҳадан холи бўлган санъатсеварлик эмасми? Бу эса ўз навбатида жаноб Паблонинг фикр ва қарашларига тан бериш, уларнинг ажойиб бир тарзда тан олинаши эмасмикин?

Бу Паблони, ул гўзал йигитни Мария ҳам жуда-жуда севар экан!

— У гўзал инсон, — дедим мен, — у менга ҳам жуда ёқади. Бироқ айт-чи, Мария, сен қандай қилиб мени ҳам сева олдинг, ахир мен қари, диккат, зик одам бўлсам, сочларимга оқ оралаган, чиройли бўлмасам, саксофон чалолмасам, муҳаббат ҳақида инглизча кўшиқлар куйлаш кўлимдан келмаса?

---

\* *Штудийнрат* — Олмонияда тўлиқ ўрта мактаб муаллимининг унвони.

— Бўлмағур гапларни кўйсанг-чи! — койиди қиз. — Бундай бўлиши бутунлай табиий. Сен ҳам менга ёқасан, сенда ҳам ўзига яраша чирой, ўзига хослик бор, бундан бошқача бўлишинг мумкин эмас. Бу нарсалар ҳақида гапириш, ҳисобот талаб қилиш шарт эмас. Мана қара, мени яхши кўрасан, мен сенга ёқяпман; сенинг ўзига хос, журъатсизлигингни кўриб, ўзимга ўзим: «У сени яхши кўради, сен гўзал, барно кизсан, бунинг учун у сендан миннатдор» дейман. Мана шу нарсани жуда, жуда яхши кўраман. Бошқа бир одам бунинг аксини қилиб, менга аҳамият бермаётгандек эътибор қила бошласа, буни ҳам яхши кўраман.

Биз яна бир оз ухладик. Яна уйғондим, ул гўзал, гўзал гулим ҳамон оғушимда. Ажойиб! Бу гўзал гул, барибир, Херминанинг менга қилган ажойиб совғаси эди! У муттасил шу ерда, гўё никоб, парда ортида тургандек эди. Шу аснода мен туйқусдан Эрикани, олисдаги дарғазаб маҳбубамни, бечора маъшуқамни ўйлаб кетдим. У, гарчи бу қадар очилиб-сочилиб юрмаса ҳам, азоблардан қутулолмаган бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда гўзалликда Мариядан қолишмасди, унинг сурати кўз олдимда бир зум аник-таниқ ва изтироб билан намоён бўлди, гўё тақдири тақдиримга мустаҳкам боғлангандек эди, сўнг яна бирдан йўқолиб, уйқу орасида унутилди, чексиз, бепоён, ярим қайғуга чўмган кенгликлар узра сингиб, кўздан йўқолди.

Шундай қилиб, мана шу латиф, гўзал кечада ҳаётим суратлари кўз ўнгимдан бирма-бир ўта бошлади, айни пайтгача эса турмушим бўм-бўш ва бефайз кечган эди. Энди, ҳиссий муҳаббат таъсириданми, суратлар сарчашмаси бой ва теран тарзда очилиб, бир зум қувончу ғамдан лол бўлиб қолдим, менинг ҳаётим суратларга бу қадар бой, бечора Чўл бўрисининг вужуди юксак мангу юлдузларга ҳамда буржларга шу қадар тўла экан! Болалигим ва онам хаёлга чўмган олис, бепоён мовий тоғ бўлаги янглиғ латиф ва бахтиёр қараб туришар, Херми-

нанинг маънавий-руҳий оғаси бўлмиш афсонавий Херманндан бошлаб барча дўстларимнинг овозлари хор бўлиб, аниқ-таниқ ва қатъий жарангларди; сув қаъридан ўсиб чиққан хушбўй ва илоҳий денгиз чечаклари очилиб ётар, ўзим суйган, куйлаган ва кўнглим тилаган кўплаб аёлларнинг суратлари оқиб келарди, мен улардан айримларигагина эришган, ўзим ҳам ортиқ уринмаган эдим. Ана, хотиним ҳам кўринди, мен у билан кўп йиллар бирга яшаган эдим, у мени дўстлик, жанжал, можаро ҳамда тақдирга тан беришга ўргатган, турмушнинг барча етишмовчиликларига қарамасдан менда унга нисбатан чуқур ишонч илдиз отганди, бироқ кунларнинг бирида, у мен телба ва хагани ташлаб кетди — шунда уни қанчалик севганимни, унга қанчалик ишониб, боғланиб қолганимни англадим, ана шу ишончнинг дарз кетиши оғир боғтиб, дилимни бир умрга яралаган эди.

Бу суратлар — улар юзлаб, номли ва номсиз эди — барчаси мана шу ишқ-муҳаббат оқшомининг қайнаб турган булоғидан ёшариб, янгиланиб чиқиб келарди ва мен энди, ночорликда унут бўлган нарсаларни қайтадан билиб олардим, улар ҳаётимнинг бор-бисоти ҳамда кадрқиймати эди, улар барҳаёт, улар мен унута олмайдиган ва йўқотолмайдиган юлдузли онлар, умримнинг ривоятлари, тириклигимнинг юлдузлар ёғдуси янглиғ заволят топмас кадр-қиммати эди. Менинг ҳаётим машаққатли, гумроҳ ва бебахт кечган, воз кечиш ва рад этишлардан иборат, бутун башариятнинг қисматидан-да аччиқроқ, шўрли, бироқ бой ва мағрур, ночор бўлса-да, шох умрига киёс этгудек эди. Йўлнинг қолган қисми то умр поёнига қадар шундай беҳуда, мазмунсиз босиб ўтилган тақдирда ҳам, барибир, бу ҳаётнинг мағзи тўқ, унинг ўз қиёфаси, насл-насаби бор эди, умр мазмуни пфеннинг (танга-чақа)лар билан эмас, балки юлдузлар баробарида сархисоб қилинарди.

Ўшандан буён бир оз вақт ўтди, орада кўп нарса ўзгарди, мен эса ҳамон ўша оқшомнинг айрим тафсилотларини, орамизда бўлиб ўтган айрим гап-сўзларни, теран

ишқ-муҳаббат назокатининг айрим ноз-карашма, ишва-  
ғамзаларини, унга мубтало бўлгандан сўнг, холдан то-  
йиб уйғонган пайтдаги юлдузли лаҳзаларни эслайман.  
Ўша оқшом, ҳа, худди ўша оқшомда тушкунликдан сўнг  
илк бор кўзларим «ярақ» этиб очилиб, тасодиф менга  
яна тақдир бўлиб, хароб бўлаёзган умрим қайтадан ило-  
хий бир неъматдай кўринди. Бор вужудим яна қайтадан  
нафас ола бошлаган, кўзларим кўра бошлаганди, ана шу  
суратлар оламига ўзим ҳам кирволишим ва умрбокий  
бўла олишим учун сочилиб кетган, таркок суратларни  
шоша-пиша йиғволиб, Чўл бўриси — Ҳарри Ҳаллернинг  
ҳаётини ҳам бир бутун сурат холига келтиришим керак  
эди. Мусибат, кулфат ва кўргиликларга тўла ҳар бир  
инсон ҳаётининг мурод-мақсади ва муддаоси ҳам аслида  
шу эмасмикин?..

Эрталаб нонушта қилиб бўлганимиздан сўнг, мен  
Марияни уйдан сездирмай олиб чиқиб кетдим. Ўша куниёк  
шаҳарнинг яқинроқ жойидан битта хонани ижарага ол-  
дим, у ерда иккаламиз учрашиб турадиган бўлдик.

Ракс муаллимам Ҳермина тиришқоклик билан менга  
яна бостонни ўргата бошлади. У талабчан, илтимосларга  
кўнмас, мени бир соат ҳам бўш қўймасди, чунки у билан  
кейинги бал-маскарадга бирга боришга келишиб олган  
эдик. У костюм олиш учун мендан пул сўради, бироқ бу  
ҳақдаги ҳар қандай маълумотни мендан сир тутарди. Уни  
кўргани боришим ёки қаерда туришини билишим ҳам  
хануз тақиқланган эди.

Бал-маскарадгача бўлган салкам уч хафта вақт ғоят  
ажойиб ўтди. Мария ҳаётимдаги барча маҳбубаларим  
орасида энг биринчиси, хақиқийси бўлди, десам мубола-  
ға бўлмас. Мен ўзим севган аёллардан, ҳар қандай энг  
ақлли ва нисбатан билимли бўлган аёл ҳам илмимга жа-  
воб қайтармаган, ўз муносабатини билдирмаган, аксинча,  
унга доим қарама-қарши туриб келганини мутлақо сез-  
маган ҳолда улардан ҳамиша ақл ҳамда маълумот, билим  
талаб қилиб келганман; мен ўзимнинг барча муаммола-  
рим ҳамда фикрларимни ҳам аёлларга олиб келардим,

биронта китоб ўкимаган, мутолаа нималигини билмаган, хатто Чайковскийни Бетховендан ажрата олмайдиган қизни бир соатдан ортиқ сева олиш менга амримахол туюларди. Мариянинг маълумоти йўқ эди, унга бу айланма йўллар ҳамда захира оламларнинг кераги йўқ эди, унинг муаммолари ўз-ўзидан бевосита хаёлан пайдо бўлаверарди. Ўзининг келишган қадди-комати, ранги-туси, сочлари, овози, жўшқинлиги билан севиш, севилиш бахтига муяссар бўлиш, танасидаги ҳар бир лаёкат, ҳар бир эгри-бугри чизик, гавдасининг нозик, нафис, хушбичимлиги хушторида жавоб, сезги ва жонли, бахтиёр, шодиёна макр-хийла, найранг уйғотишига эришиш — мана шуларгина унинг санъати, мақсад ва вазифаси!.. Мен ўшанда у билан биринчи марта тортиниб ракс тушганимдаёқ буни сезгандим, юксак даражада авайлаб-асралган жозибадор ҳис-туйғунинг хуш бўйидан масрур бўлган эдим. Албатта, барча нарсадан бохабар Херминанинг менга атай Марияни тухфа қилиши ҳам тасодиф эмасди. Унинг димоғидан қирмизи атиргул янглиғ хуш бўйнинг қайноқ нафаси уфуриб турарди.

Мен Мариянинг яккаю ягона ёки имтиёзли ошикмаъшуғи эмасдим. У совғаларни бажонидил оларди, унга кизил локланган чармдан қилинган кичкинагина янги катмон совға қилганимда, ичига икки-учта олтин танга ҳам солиб қўйгандим. Ўшанда десангиз, кизил катмонча совға қилиб, роса кулги бўлганман-да! Кейин билсам, у ажойиб бўлишига қарамасдан, дўконда сотилмай туриб қолган, аллақачон моладан чиққан мол экан. Мен аллақандай эскимослар тили ҳақида оз-моз хабарим бўлса-да, бунақанги матоҳлар тўғрисида умуман ҳеч вако билмас ва тушунмас ҳам эдим, шу боис Мариядан бу хусусда кўп нарсани ўргандим. Энг аввало, бу майда ўйинчоқлар — атир-ушадан тортиб, ракс пойафзалигача, бармоқдаги узукдан тортиб, сигарета қутичасигача, камар тўқасидан тортиб, то аёллар сумкасигача бўлган бу мода ва зеб-зийнат буюмлари нафақат усти ялтироқ, ичи қалтироқ, қалбаки, бемаза нарсалар ёки пулга хирс қўйган

фабрика эгалари ҳамда савдогарларнинг ўйлаб топган ихтиролари эканлигини, балки ишқ-муҳаббатга хизмат қиладиган, ақлни пешлайдиган, ўлик атроф-муҳитга жон бағишлаб, муҳаббат туйғуларини уйғотадиган сеҳрли, фусункор, ўринли, асосли, серқирра майда-чуйда безак буюмлари ҳам эканлигини билиб олдим. Бирок сумка сумка эмас, катмон катмон эмас, гуллар гул эмас, елпигич елпигич эмасди, буларнинг барчаси ишқ-муҳаббатнинг, мағиянинг гўзал, нафис, майишқок матоҳлари эди, уларда безовталиқ, чайқов, қурол, жанговар хитоб мужассам эди.

Мария аслида кимни яхши кўраркин, кўпинча бу ҳақда ҳам тез-тез ўй суриб турардим. Менимча, у кўпроқ анови қора кўзлари олма-кесак терадиган, қўллари адл ва дилгир саксофончи йигитча Паблони яхши кўрарди. Мен бу Паблони ишқ-муҳаббат масаласида бир оз суст бўлса керак, деб ўйлардим, бироқ Мариянинг айтишича, у секин-аста қизиқиб, жунбишга келар, ана ундан сўнг унинг олдида унча-мунча боксчи ёки чавандозиям иш эшолмай, доғда қоларкан. Шу тариқа камина унисиб-бунисиб ҳақида билиб олдим. Хермина ҳақида ҳам кўп нарсани билиб олдим. Мен энди жаноб Пабло билан ҳам тез-тез рўпара кела бошладим, чунки Мария уни жуда-жуда севарди. Баъзан эса унинг сирли воситаларидан истеъмол қилиб, гоҳ-гоҳ бу лаззатлардан каминани ҳам баҳраманд қилиб турарди. Шу тариқа, айтиш мумкинки, Пабло доимо менинг хизматимда бўларди. Бир куни у бетимга шартга:

— Сиз шу қадар бебахтсизки... — деса бўладими. — Бу яхши эмас, бундай бўлмаслик керак. Сизга ачинаман.

Бу қувноқ, ақлли, болаларга ўхшаб кетадиган, айна пайтда сирли, англаб, тушуниб бўлмайдиган одам ҳақидаги фикрим муттасил бора-бора ўзгариб, ниҳоят у билан дўстлашиб қолдик. Сезишимча, Марияга мафтунлигим унга бир оз эриш туюлар, мени ўзича калака қилиб ҳам кўярди. Кунларнинг бирида у ўз хонасида, шаҳар атрафидаги меҳмонхонанинг болохонасида «байрам» уюштирди. Хонада

фақат битта курси бўлиб, Мария иккаламиз каравотда ўтирдик. У бизни учта шишачадан қуйиб, аралаштирилган, сирли, ажойиб ликёр билан сийлади. Бир пайт, жуда яхши кайфиятда маза қилиб ўтиргандим, у мени кайфсафога ундади. Мен унинг таклифини кескин рад қилдим, шундай бўлса ҳам, қани, нима деркин дея, Марияга кўз қиримни ташладим, гарчи у ҳам деярли менга қўшилган бўлса-да, барибир, унинг кўзларида умид учқуни сўнмаган, таклифни рад этганимдан афсуслангандек кўринди. Пабло рад жавобимни эшитиб, хафсаласи пир бўлса-да, лекин хафа бўлмади.

— Афсус, — деди у. — Харри кўпроқ ахлоқ тарафини ўйлапти. Нима ҳам дердим. Жуда ажойиб бўларди-да, жуда ажойиб! Энди эса бунинг ўрнини босадиган иш киламиз.

Сигара тутатдик. Жойимизда кимир этмай, учовимиз ҳам у уқтирган ҳолат-ходисани бошимиздан кечириб ўтирардик. Мария ҳам завкланарди. Шундан сўнг, ўзимни бир оз нохуш хис қила бошлагандим, Пабло мени каравотга ётқизиб, бир-икки томчи дори ичирди, бир неча дақиқа кўзимни юмиб ётдим.

Бир куни кечқурун у мени янада хайратга солди. Хонамга кириб келди-да, йигирма франк зарурлигини айтиб, мендан пул сўради. Тагин нима дейди денг, бу пул эвазига унинг ўрнига мен шу кеча Мария билан бирга қолишим мумкин эмиш...

— Пабло, — дедим кайфим учиб, — нималар деяётганингизни биласизми ўзи? Махбубасини пул учун бошқа бировга ошириш, инъом қилиш бизда энг уят, бемаза иш саналади. Мен сизнинг таклифингизни эшитмадим, Пабло.

У менга раҳми келиб, ачингандек қаради.

— Демак, хохламайсиз, жаноб Харри. Яхши. Сиз ўзи доим ўзингизни ўзингиз қийнаб юрасиз. Майли, қўнглингизнинг қўчасига қаранг. Мария билан бугун бирга қолмай қўяқолинг, пулни эса шундай бераверинг, қайтариб бераман. Жуда зарур.



— Нимага ўзи?

— Агостиньо бор-ку, билсангиз — иккинчи скрипкада турадиган болакай, ўшанга керак. У саккиз кундан бери касал. Қарайдиган одами йўқ, сарик чақасиям қолмаган, меники ҳам тугаб қолувди.

Қизиқиб, у билан бирга Агостиньонинг олдига бордик. У турган болохона ниҳоятда кўримсиз эди. Пабло унга сут ва дори-дармон олиб келди, ётган ўрнини қоқиб ташлаб, тозалади, хонани шамоллатди, иситмага қарши қондасини келтириб, компресс қўйди. У бу ишларни тажрибали тиббиёт хамширасидек, тез ва соз бажарди. Ўша куни кечкурун болакайни Сити-барда кўрдим, у эрта-лабгача мусиқа чалиб чиқди.

Хермина билан кўпинча Мария тўғрисида, унинг қўллари, хинча бели, қулишлари, рақсга тушишлари хақида гаплашардик.

— Буни сенга кўрсатдимиз? — сўраб қолди Хермина бир куни, менга бўса билан боғлиқ ғалати ҳолатни тушунтираркан. Ўзинг кўрсатақол, десам унамади. — Кейин, — деди у, — мен ҳали сенинг маҳбубанг эмасман-ку.

Мен ундан, Мариянинг бўса санъатиши, умуман, энг яқин хушторигагина маълум бўлган бошқа баъзи бир сирларини сен қаердан биласан, деб сўрадим.

— О, ахир биз яқин дўстлармиз. Нима, у билан ўрта-мизда сир қолган, деб ўйлайсанми? У билан жуда кўп бўлганман, кўп гаплашганмиз. Ҳар қалай, зўр қиз билан танишдинг-да, унинг қўлидан кўп иш келади.

— Мен бўлсам, Хермина, ораларингда сир қолган бўлса керак, деб ўйлаб юрибман. Ё мен ҳақимда ўзинг билган барча гапларни унга ҳам айтиб бўлдингми?

— Йўқ, булар бошқа нарса, у буларни тушунолмайди. Мария ажойиб қиз, сенинг омадинг бор экан, бироқ сен билан менинг ўртамиздаги гаплардан унинг мутлақо хабари йўқ. Албатта, унга сен ҳақингда керагидан ортиқроқ гапирворгандирман, балки, ахир у сенга мафтун бўлиб қолиши керак эди-да! Бироқ, дўстим, сени менчалик на Мария, на бошқаси тушуна олади. Тўғри, мен

хам ундан айрим нарсаларни ўрганганман — Мария сени қандай билса, мен ҳам сени худди шундай биламан. Мен сени, гўё иккаламиз ҳамнафасдек, шу қадар яхши биламан.

Мария билан яна учрашганимизда, мени ғалати ва сирли бир хиссиёт чулғаб олди — у Ҳерминани ҳам худди мендек эъзозлар. Кўз олдимда янгидан-янги, билвосита, мураккаб алоқалар ва муносабатлар, янгидан-янги ишқий ҳамда яшаш имкониятлари пайдо бўлаётгани ва мен беихтиёр Чўл бўриси ҳақидаги трактатда баён этилган минглаб жон, рухлар ҳақида ўйлардим.

Мария билан танишганимдан то катта бал-маскарадгача бўлган қисқа вақт ичида, очиги, бахтиёр бўлсам-да, буни бир нажот, эришилган бахт-саодат, роҳат-фароғат, хузур-ҳаловат деб билмадим, балки буларнинг барчаси ҳозирча бошланиши, тарраддуд эканлигини, асл моҳият эса олдиндалигини сезиб, ҳис қилиб турардим.

Рақс туфайли шунчалик кўп нарса ўргандимки, энди балда бемалол қатнашсам бўладигандек туюларди. Ҳермина бал-маскарадда қандай костюмда чиқишини мендан хануз сир саклар, ҳамон бу фикрида қатъий турарди. Унингча, мен уни бемалол таний олармишман, мабодо таниёлмай қолсам, ўзи ёрдам бераркан, лекин ҳозирча буни билишим мумкин эмас экан. Уни бал билан боғлиқ режаларим мутлақо қизиқтирмадиям, шунинг учун ясантусан қилиб ўтирмасликка аҳд қилдим. Марияни балга таклиф қилмоқчи эдим, у байрамни хуштори билан ўтказишини, унга хатто чипта ҳам олиб қўйганини эшитиб, энди байрамни ёлғиз ўзим ўтказарканман-да деб, ҳафса-лам пир бўлди. Ҳар йили шаҳардаги Глобус залда ўтказиладиган бу нуфузли, дабдабали бал-маскарад казо-казо санъаткорлар томонидан уюштириларди.

Шу кунларда Ҳерминани жуда кам кўрардим, у балдан бир кун олдин мен олиб қўйган чиптани олиб кетиш учун келди. Хонамда мўмин-мулойим, хотиржам ўтираркан, у билан суҳбатимиз тез қовуша қолди ва бу гурунги менда ғалати таассурот қолдирди.

— Кўринишинг чакки эмас, — деди у, — рақс сенга ёқибди. Сени уч-тўрт ҳафта кўрмаган одам танимай қолиши турган гап.

— Ҳа, — кўшилдим унга, — неча йиллардан буён бунчалик маза қилмагандим, булар ҳаммаси сен туфайли, Ҳермина.

— О, гўзал Мариянг туфайлимасми?

— Йўқ, ахир уни менга тухфа қилган ким, сен-ку. У жуда ажойиб қиз экан.

— Сенга худди шундай махбуба керак эди, Чўл бўриси. Ёш, гўзал, дилкаш, ишк-муҳаббат бобида жуда ақлли, ўз кадрили билади. Агар уни бошқалар билан баҳам кўрмаганинга, агар у сеникида ётиб олганда борми, бунинг оқибати яхши бўлмаган бўларди.

Ҳа, бунга ҳам кўшилмасдан иложим йўқ эди.

— Демак, энди ўзингга керак бўлган ҳамма нарсага эга бўлдинг, шундайми?

— Йўқ, Ҳермина, ундай эмас. Мен гўзал ва мафтункор, зўр қувонч, кўнгил хуши, овунчоққагина эга бўлдим. Бахтли бўлишим учун эса...

— Хўш, яна нима етишмайди?

— Кўп нарса. Менга бахтли бўлишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Мен бунинг учун яралмаганман, толеим бугина эмас. Менинг тақдир-қисматим бутунлай бошқа.

— Демак, бебахт бўлишинг керак экан-да, шундайми? Бу нарса бошингдан кўп ўтган-ку, эсингдами, устарадан қўриқиб, уйингга боролмай қолгандинг...

— Йўқ, Ҳермина, у бошқа нарса. Ўшанда, очигини айтишим керак, жуда бахтсиз эдим. Бироқ у бемаъни, бефойда, бесамар бахтсизлик эди.

— Нега энди?

— Чунки ўзимга ўзим тилаётган ўлимдан бунчалик кўрқмаслигим керак эди. Мен истаётган, мен интилаётган бахтсизлик бошқа нарса; у шундайки, мен оташин эҳтиросдан изтироб чекаман, унинг хумори тутса, ўлим ҳам ҳеч гап эмас. Мен кутаётган бахт ёки бахтсизлик ҳам мана шу.

— Тушунаман. Шунинг учун ҳам ака-сингилмиз-да. Лекин мана hozир Мария туфайли эришган бахтингга нима хусуматинг бор? Нега бунчалик домангирсан?

— Мен бу бахтга қарши эмасман, о йўқ, мен уни севаман, ундан миннатдорман. У ёз ёмғирдан сўнг чараклаб чиққан қуёшли кундек гўзалдир. Бирок сезиб турибман, бу бахт ҳам самарасиз, узокқа бормайди. У мамнун этади, холос, мамнуният эса, мен учун озука бўлолмайди. У Чўл бўрисини аллалайди, тўйдириб юборади. Аммо шунинг учунгина ўлиш, бу — бахт эмас.

— Демак, Чўл бўриси... ўлиши керак, шундайми?

— Шундай деб ўйлайман. Мен бахтимдан ғоят мамнунман, бунга яна узок чидашим мумкин. Лекин баъзан мана шу бахт бедор бўлишим, иштиёқ-интилишим учун имконият яратиб берса, менинг барча интилишларим, мана шу бахтни ушлаб қололмайди, балки яна аввалгидан кўра гўзалроқ, унчалик ночор бўлмаган изтироблар сари чорлайди. Мен ўзимни ўлимга тайёрлайдиган, мени шунга кўндирадиган изтироблар томон интиламан.

Хермина кўзларимга назокат билан қаради, бир зумда нигоҳи ғамгинлашди. Нақадар гўзал, кўркинчали кўзлар!.. Сўнг аста, шу қадар паст овозда гапира бошладики, бутун вужудим қулокқа айланди:

— Бугун сенга бир нарсани айтмоқчиман, бу нарса ўзимга анчадан буён маълум, уни сен ҳам биласан, балки уни ҳали ўзингга ўзинг гапириб кўрмагандирсан. Ҳозир мен сенга иккаламизнинг тақдиримиз ҳақида билганимни айтиб бераман. Сен Ҳарри, санъаткор ва мутафаккир, қувончга ҳамда ишончга тўла инсон бўлгансан, ҳамиша улуғ мақсадлар ва абадият сари интилгансан, гўзал ҳамда майда нарсалардан домангир бўлиб яшагансан. Бирок ҳаёт сени қанчалик ғафлат уйқусидан уйғотиб, ўз-ўзингга келганинг сайин, мусибатинг шу қадар катталлашиб, изтироб, ҳадик-хавотир ва тушкунлик ботқоғига қулоғингга қадар ботдинг, сен гўзал ва муқаддас билган, севган ва ҳурмат қилган барча нарсалар, инсонларга ва юксак мақсад-вазифаларимизга бўлган азалий ишон-

чинг ўзингга наф келтирмай, кадр-кимматини йўқотиб, чилпарчин бўлди. Сенинг ишонч-этиқодинг нафас олиши учун ҳаво етишмай қолди. Бўғилиб жон бериш эса шафқатсиз ўлим билан баробар, тўғрими, Харри? Ахир, шумиди сенинг қисматинг?

— Албатта, албатта, албатта.

— Ҳаёт ҳақида сенинг ўз тасаввуринг, этиқодинг, талабинг бор эди. Сен улуғ ишлар, изтироблар ва хатто қурбонлар беришга ҳам тайёр эдинг — сўнг эса аста-секин дунё сендан ҳеч қандай улуғ ишлар, қурбонлар ва шунга ўхшаш нарсалар талаб қилмаётганини, ҳаёт қахрамонлар ва шу кабилар мадҳ этилган шеърият эмаслигини, балки ейиш-ичиш, қаҳва ва пайпоқ, тарок (карта) ўйини ҳамда радиомусиқа билан бутунлай мамнун бўлиб яшаса бўладиган мешчанлар меҳмонхонаси эканлигини сезиб қолдинг. Кимки агар бундан бошқа нарсаларни — қахрамонлик ва гўзалликни истаса ва ўзида намоён этса, улуғ шоирларни ёки валий (авлиё)ларни ҳурмат қилса, эъзозлаб ардоқласа, у тентак ва ҳақиқий Дон Кихотдир. Ҳа, шундай. Агар билсанг, менинг аҳволим ҳам худди шундай кечган, дўстим!.. Мен тузуккина қобилиятли қиз эдим, яхши инсонлардан ибрат олиб яшаш, ўз олдимга юксак талаблар қўйиб, муносиб вазифаларни адо этиш пешонамга битилган эди. Катта қуръани зиммамга олиб, қиролга малика, инқилобчига маҳбуба, даҳога сингил, мартирга\* она бўлишим мумкин эди. Ҳаёт эса менга чида-са бўладиган, бир нави, дурустгина таъб-дидли куртизан\*\* аёл бўлишни насиб этди — пешонамда шу кўргилик бор экан, нима ҳам қила олардим! Ана шунақа. Бирмунча вақт тасалли тополмай ҳасрат чекдим, узоқ вақтгача айбни ўз-ўзимдан кидириб юрдим. Ҳаёт, дедим ўзимга ўзим, барибир ҳақ бўлиши керак, у менинг орзуларимни таҳқирлабдими, демак, орзуларимда бир гап бор, улар балки бемаза, бемаъни бўлиши ҳам мумкин, ким билади. Бирок,

\* *Мартир* — дин-этиқод йўлида ҳалок бўлган наслоний.

\*\* *Куртизан аёл* — юқори табақалар доирасида ўралашиб юрв-чи суюкоёқ хотин.

бундан ҳам ҳеч қандай наф бўлмади. Кўзларим кўради, кулоқларим эшитади, ўзим ҳам бир қадар синчков, ҳар нарсага қизиқувчи одамман, ҳаёт деб аталмиш маъвога, ён-атрофимга, таниш-билиш ва қўшниларимга, эллик ва ундан ортиқ одамларнинг тақдир-қисматларига мундок разм солиб қарасам, биласанми нима, Ҳарри менинг орзуларим, худди сеники сингари ҳақ экан, минг карра ҳақ экан! Ҳаёт, вокелик эса ноҳақ эди... Мендек бир аёлнинг бошқа йўл тополмай, топармон-тутармон, пул топар одамга қарам бўлиб, ноилож ёзув машинкасини чиқиллатиб ўтириши ёки ўша пулдорга пули учунгина хотин бўлиб олиш ё бўлмасам бузуклик йўлига кириб кетиши, бу энди сенга ўхшаган одамнинг ёлғиз-танҳо қолиб, қўрқаписа, тушкун бир кайфиятда устарага ёпишишига ўхшаган нотўғри иш эди. Менинг мусибатим моддий ва ахлокий бўлса, сеники — рухий-маънавий — йўлимиз эса бир хил. Нима, мен фокстроотдан кўрқишингни, барлар ва ракс майдончаларини суймаслигингни, жаз мусиқаси ва бошқа барча майда-чуйда нарсаларга қарши эканлигингни тушунмайманми, шундай дёб ўйлайсанми? Мен буларнинг барчасини — сиёсатдан кўнглинг айнишини ҳам, матбуот ва партияларнинг олди-қочди гапларидан, маъсулиятсиз хатти-ҳаракатларидан ташвиш чекишингни ҳам, бўлиб ўтган ва бўлажак урушни, бугунги одамларнинг тафаккурини, улар нималарни ўқишяпти, нималарни қуришяпти, мусиқаси, байрамлари, таълими ва ҳоказоларни ўйлаб, руҳан тушкунликка, умидсизликка тушишингни ҳам жуда яхши тушунаман! Сен ҳақсан, Чўл бўриси, минг маротаба ҳақсан. Бироқ шундай бўлса-да, барибир, ҳалок бўлишинг муқаррар. Сен бу оддий, қулай, озгина нарса билан мамнун бўладиган бугунги дунёга ўта талабчан ёндашясан, сенинг ўлчаминг унга тўғри келмайди, у сенга тупуради. Ким агар бугун яшамокни истаса, ўз ҳаётидан шодланмоқчи бўлса, у сен билан менга ўхшаган инсон бўлмаслиги керак. Кимки динғир-динғир ўрнига асл мусиқани, кайф-сафо ўрнига ҳақиқий қувонч-ни, пул ўрнига қалб-кўнгилни, шовкин-сурон ўрнига чи-

накам меҳнатни, юзаки ҳавас, эрмак ўрнига чин иштиёқни талаб қиладиган бўлса, унинг учун бу дилбар дунё ватан бўлолмайди...

Шундан сўнг у ерга қараб, ўйланиб қолди.

— Хермина, — дедим унга аста, — сингилгинам, кўзларинг бирам ажойибки! Келиб-келиб, фокстротни ўргатганингни қара-я! Бизга ўхшаган одамлар, ўлчами бу дунёга тўғри келмайдиган инсонлар, наҳотки энди бу заминда яшай олмасак? Нима учун шундай? Бунинг сабаби нимада? Бу ҳолат бизнинг замонамизга келиб шундай бўлиб қолдими ёки олдиндан келганми?

— Билмадим... Бизнинг замонамизда шундай бўлган бўлса керак. Бу бир хасталик, ҳозирги куннинг бахтсизлиги бўлиши мумкин. Фюрерлар зўр бериб урушга тайёрланишмоқда, биз бўлсак, фокстротга тушиб, пул топиб, шоколад еб юрибмиз. Бошқа замонлар бундан кўра яхшироқ бўлган ва янада яхшироқ, бойроқ, теранроқ бўлади, деб умид қиламиз. Бирок бундан бизга фойда йўқ. Балки ҳамиша шундай бўлгандир, яна ким билади...

— Ҳамиша бугунгидек, дейсанми? Яъни, дунё ҳамиша сиёсатчилар, чайқовчилар, кельнерлар ва бойваччаларники бўлиб келган, оддий одамларга кун йўқ, шундай демокчимисан?

— Ҳа, шундай, тагин билмадим, буни ҳеч ким билмайди. Барибир эмасми. Лекин мен ҳозир, дўстим, арзанданг Моцартни ўйлаяпман, эсингдами, унинг ҳақида менга гапириб, хатлар ўқиб бергандинг. Хўш, унинг ахволи не кечганийкин? Унинг замонида дунёни ким бошқарган, қаймоғини ким сузган, ким бошчилик қилган, ким обрў-нуфузга эга бўлган: Моцартми ёки корчалонларми? Моцартми ё саёз, сийқа, ўртамиёна одамларми? Унинг ҳаёти қандай якун топган, қандай дафн этилган? Менимча, ҳаёт, эҳтимол, ҳамиша мана шундай бўлиб келган. Улар «жаҳон тарихи» деб атайдиган, мактабларда ўқитиладиган фан ҳам турли-туман қаҳрамонлар, даҳолар, улуғ ишлар ва ҳис-туйғулар билан тўлиб-тошган — куруқ ёдлашдан иборат бўлган. Болаларни йиллар давомида

андармон ва банд қилиб туриш учун мактаб муаллимлари томонидан ўйлаб топилган бу дарслар ҳам аслида фирибгарликдан бошқа нарса эмас. Доим шундай бўлиб келган ва доимо шундай бўлиб қолади, яъни замон ва дунё, пул ва ҳокимият майда ҳамда саёз одамларникидир. Бошқаларга — ҳақиқий инсонларга эса, ўлимдан бошқа ҳеч нарса йўқ.

— Наҳотки ҳеч нарса?

— Нега энди, абадият-чи.

— Келажак авлодларга қоладиган ном, шон-шуҳратни айтяпсанми?

— Йўқ, бўригинам, шон-шуҳратни айтаётганим йўқ, наҳотки унинг кадри бор деб ўйласанг? Нима, барча ҳақиқий ва тўлақонли инсонлар машҳур бўлишган, уларни келажак авлодлар ҳам билган, деб ўйлайсанми?

— Йўқ, албатта, йўқ.

— Демак, у шон-шуҳрат эмас. Шон-шуҳрат таълим учун мавжуддир, у мактаб ўқитувчиларининг иши. У шон-шуҳрат эмас, Абадиятдир. Мўминлар уни Худонинг мулки деб атайдилар. Ўзимча ўйлайман: биз, талабчан, ўткир дидли, қайғу-ҳасрат, изтироб чекадиган, кенг кўламли инсонлар, агар бу дунёнинг ҳавосидан ташқари яна бир бошқа маъво бўлмаганида, агар Вактдан ташқари яна Абадият, яъни Чин Дунё бўлмаганида, умуман яшай олмас эдик. Моцарт яратган мусиқа ҳамда улуғ шоирнинг каламига мансуб шеърлар ҳам, мўъжизалар яратган, инсонларга буюк ибрат намуналарини кўрсатган валий, авлиёлар ҳам Чин Дунё — Абадиятга дахлдордирлар. Лекин ҳар бир улуғ, мардонавор иш тимсоли ҳам, ҳар бир чин, ҳақиқий ҳис-туйғу куч-қудрати ҳам, гарчи уларни ҳеч ким билмаган, кўрмаган, ёзиб олмаган ва келажак авлодларга етказмаган бўлса ҳам, барибир, улар Абадиятга мансубдир. Абадиятда ҳеч қанақанги келажак авлод деган нарса бўлмайди, у ерда ҳақиқий, чин дунё ҳукм суради.

— Гапларинг рост, — дедим унга.



— Дин-диёнатли одамлар, — хаёлчан сўзида давом этди у, — бу нарсаларни жуда яхши билганлар. Улар шунинг учун валий, авлиёларни кўтариб чикиб, «валийлар жамоати»ни тузганлар. Авлиёлар, улар — ҳақиқий, чин инсонлар, Нажоткорнинг кенжа авлодларидир. Биз бутун умр бўйи, ҳар бир эзгу ишимиз, ҳар бир дадил фикримиз, ҳар бир меҳр-мухаббатимиз билан улар томон йўлда давом этамиз. Валийлар жамоатини илгариги замонларда рассомлар заррин осмонда — чарақлаб турган, гўзал ва тинч, сокин, осойишта маконда тасвирлашган — бу ҳали юқорида айтиб ўтганим «абадият»дан ҳеч бир ўзга нарса эмас. Абадият — Вақт билан Борлик, Замон ва Макон ортидаги Салтанатдир. Биз ўша ерга мансубмиз, бизнинг Ватанимиз ўша ерда, қалбимиз ҳам ўша ёкқа талпинади, Чўл бўриси, шунинг учун ҳам биз ўлимни қўмсаймиз. У ерда сен яна Гёте, Новалис ҳамда Моцарт билан топишасан, мен эса азиз-авлиёларим — Кристофер\*, Филипп фон Нери\*\* ва бошқалар билан. Аввал ашаддий гуноҳкор, осий бўлган кўплаб авлиёлар бор, гуноҳ ҳам, иллат ҳам, вақти келса, табарруклик сари йўл бўла олар экан. Сен устимдан кулишинг мумкин, бироқ мен ўзимча кўп уйлайман, дўстим Пабло ҳам яширин, пинҳоний авлиё бўлиб чикса ажаб эмас. Эҳ, Харри, чин уйимизга етиб олгунга қадар қанчадан-қанча нопоклик ҳамда бемазагарчиликлар узра тентиб-тентираб, йўл босишимизга тўғри келади! Ва бизларни бошлаб борадиган ҳеч кимимиз йўқ, бизнинг бирдан-бир йўлбошчимиз — Ватан соғинчидир.

Охирги сўзларни айтаётганда унинг овози ниҳоятда паст эшитилди, шундан сўнг хонага баттар жимжитлик чўқди, ботаётган қуёшнинг заррин нурлари кутубхонадаги кўплаб китоб жавонларига тушар, уларда жилваланди. Мен Ҳерминанинг бошини қўлларим орасига олиб,

---

\* *Кристофер* — Кристофорус, авлиё, ривоятларга кўра жуда улкан, паҳлавон одам бўлган, Исони гўдаклигида дарёдан кўтариб олиб ўтган.

\*\* *Филипп фон Нери* — Филиппо Нери (1515–1595), рицар (қуролбардор)лик ордени асосчиси. У 1575 йилда дунё католик руҳонийлари ташкилотини тузган.

уни пешонасидан ўпдим, туғишган ака-сингиллардек, юзини юзимга босдим. Биз бир зум шундай туриб қолдик. Менга қолса, мана шу лаҳзалар давом этаверса дердим, кўчага ҳам чиққим йўқ эди. Лекин катта бал бошланиши арафасидаги бу кечада Мария билан учрашишга келишган эдик.

Йўлда бораётиб, Мария хақида эмас, балки Хермининг гапларини ўйлардим. Менга шундай туюлардики, буларнинг барчаси унинг ўз фикрлари эмас, балки гўё меники эди, у ақлли, зийрак эмасми, мендан уқиб олгану, яна ўзимга қайтарган, улар мана энди янги қиёфа касб этиб, олдимда пешвоз турарди. Айниқса, Абадият хақидаги фикри учун ундан бенихоя миннатдор эдим. Менга у керак эди, мен усиз яшай олмас, усиз бу дунёни ташлаб ҳам кетолмасдим. Мукаддас, илоҳий у Дунё, Охират, Вактга боғлиқ бўлмаган Абадият, абадий қадрият дунёси, илоҳий моддий олам менга бугун дўстим ва рақс муаллимам томонидан яна қайтадан тухфа этилган эди. Мен Гёте хақидаги тушимни эслаб, ғайриинсоний кулиб, мен билан унутилмас ҳазил қилган кекса донишманднинг суратини кўз олдимга келтиришим керак эди. Гётенинг кулгисини, умри боқий инсоннинг кулгисини мана энди тушуниб етдим. Бу кулги қурук, факат нурдан, ёруғликдан иборат эди, у изтироблар, иллатлар, гумрохликлар, иштиёқ-интилишлар ва хато, англашилмовчиликлар орасидан ўтиб, тўғри Коинотга — Абадиятга ёриб кирган ҳақиқий, чин инсондан қолган из эди. «Абадият» эса Вактнинг халос бўлиши, унинг маълум даражада маъсумликка қайтиши, унинг қайтадан Бўшликка айланишидан бошқа нарса эмас эди.

Мен Марияни, у билан икковимиз доим бирга овқатланадиган жойдан излаб кўрдим, бироқ у ҳали келмаган эди. Шаҳар атрофида жойлашган жимжит қовокхонада, тузалган дастурхон атрофида уни кутиб ўтирарканман, хаёлим ҳамон ўша суҳбатда эди. Хермина билан ўртамизда бўлиб ўтган ушбу суҳбат чоғида юзага қалқиб чиққан бу фикрлар менга шу қадар яқин, шу қадар аза-

лий, таниш туюлардики, гўё улар ўз афсоналаримдан, ўзимга тегишли бўлган суратлар олаmidан олингандек эди. Бу умри бокийлар, вақт билан боғлиқ бўлмаган абадий бўшлиқда яшаганлари янглиғ, суратларга айланишиб, хаёлга чўмган, улар атрофидаги само янглиғ биллурдек тиниқ абадият ва Ердан ташқаридаги бу Оламнинг вазмин, юлдуздек чакнаган қувноқлиги, хушчақчақлиги – буларнинг барчаси менга қаёқдан бу қадар яқин, бу қадар таниш туюлдийкин?.. Шунда «Cassations» ва «Wohltemperiertes Klavier»дан\* нарчалар ёдимга тушди ва бу мусикалар ичра мана шу вазмин, юлдуз янглиғ ёрқинлик порлаб, самодек тиниқлик уфуриб тургандек бўлди. Ҳа, бу мусика гўё Бўшлиққа айлантирилган Вақт эди, бу Вақт узра чексиз, ажойиб, ақл бовар қилмайдиган вақтичоғлик, абадий илоҳий Кулги жаранглаб турарди. О, тушимдаги ўша кекса Гёте ҳам бунга бағоят ҳамоҳанг эди. Шу пайт тўсатдан тушуниб бўлмайдиган, сирли бу Кулги – Умри бокийлар кулгиси қулоқларим остида жаранглай бошлади. Унга махлиё бўлиб ўтирган кўйим, нимчамнинг киссасидан қалам олиб, қоғоз қидира бошладим, қарасам олдимда, стол устида прејскурант – ичимлик нархномаси ётибди, уни шартта олиб, орқа тарафига ўз-ўзидан қуюлиб келаётган сатрларни ёза бошладим... бу шеърларни бошқа қуни чўнтагимдан топиб олдим. Улар қуйидагича эди:

## УМРИ БОҚИЙЛАР

Қадрдон она тупрок, водийлар узра  
Бизга пешвоз ҳамон ҳаёт шиддати –  
Ақл бовар қилмас кулфат, сархушлик,  
Хайрлашув базмининг аччиқ тутуни,  
Шодлик талвасаси, чексиз эҳтирос,  
Котиллар, судхўрларнинг қонли қўллари.

---

\* «Cassations», «Wohltemperiertes Klavier» – Моцарт ва Бах асарларининг номлари.

Хамда дуо учун очилган кўллар,  
Кўркув хам кувончдан карахт оломон.  
Бунда ором олар бахту саодат,  
Ёввойи хирсларнинг бўғик нафаси.  
Ўз-ўзин ер, тупурар беҳад,  
Хаёлида уруш режаси.  
Гўзал санъат бўлса фақат  
Безаб турар кувонч уйларин,  
Адолату, фахш, разолат  
Мужассамдир ҳар жойда бу кун.

Бирок бизлар топишдик яна  
Юлдуз янглиғ сўнгсиз самода,  
Кун, тун, соат бизга бегона,  
На эркак, аёлмиз, на ёш, на қари.  
Сизларнинг гуноҳу кўркувларингиз,  
Қотиллигу хумор фароғатингиз —  
Биз учун бамисли айланар қуёш,  
Ҳар бир кун биз учун чексиз, чексиз,  
Жимгина кузатиб ҳаётингизни,  
Самонинг беҳисоб юлдузларини,  
Дўстлашиб олганмиз Аждаҳо билан,  
Фазонинг яхлаган бўшлиқларида  
Вазминдир тоабат сокин умримиз,  
Вазмин ва нурлидир мангу кулгимиз.

Ниҳоят, Мария ҳам келди, иккаламиз шодон тамадди килиб олгач, биргаликда хонамизга равона бўлдик. У бу оқшом ҳар қачонгидан ҳам кўра гўзалроқ эди, менга турли ноз-карашмалар, навозишлар, қилиқлар қилар, буларнинг барчаси эса гўё у билан бўлаётган сўнгги учрашувга дахлдордек туюларди.

— Мария, — дедим унга, — бугун жуда бошқачасан. Иккаламизни бунчалик қийнамасанг-чи, ахир эртага бал-маскарад. Бунақада хушторингга ярамай коласан-ку, Гулғунчагинам, борди-ю хушторинг эртақлардагидек шахзода бўлиб чикса, кейин мени эсдан чиқариб юборасан-

ми, деб қўрқаман. Бугунги хатти-ҳаракатларинг ҳам ба-  
айни хайрлашув кечасини ёдга солаётимди...

У лабларини нақ кулокларим остига олиб келиб, аста шивирлади:

— Кўйсанг-чи, Ҳарри! Ҳар галги учрашувимиз ҳам аслида охиргиси бўлиб қолиши мумкин эди... Ҳермина агар сени чакириб олса, унда бошқа учрашмаслигимиз аниқ. Балки бу эртага маълум бўлиб қолар?

Балдан олдинги ўша оқшом хиссиётларга шу қадар бой бўлдики, бу қадар ажойиб, ширин-чучмал, иккиёк-лама кайфиятни таърифлашга тил ожизлик қилади. Мен чинакам бахт нималигини туйгандим: Мариянинг гўзаллигидан, унинг менга бутун вужуди билан берилганлигидан, юзлаб нафис, гўзал хис-туйғулардан баҳраманд бўлиш мендек кексая бошлаган одам учун ҳақиқий лаззат, роҳат-фароғатнинг ўзгинаси эди. Уни яна бир идишга ҳам киёсласа бўларди: унда тўла мазмун, кизғинлик, тақдир мужассам эдики, ишқ-муҳаббатнинг лаззатли, кўнглини ийдириб юборадиган икир-чикирлари билан машғул бўларканман, тақдирим оёғини кўлга олиб, хуркак отдек қўрқув, кайғу, дард-ҳасратга тўлиб-тошиб, жарлик томон, ўлим томон олға интилаётганини кўнглим сезиб турарди. Севги олдидаги тортинчоқлик ва қўрқув янглиғ, Мариянинг кулиб турган, ўзини бахшида этишга тайёр бўлган гўзаллиги қаршисидаги қўрқув янглиғ, ўлим олдидан бўладиган шундай қўрқувни хис қилиб, бу қўрқув хисси ҳадемай жонбозлик ва халос бўлиш билан алма-шинишини ҳам билиб турардим.

Ишқ-муҳаббатнинг беҳаловат, питир-питир ўйинлари билан жимгина машғул бўларканмиз, ўзимизни илгари бир-биримизга бугунгидек бу қадар яқин хис қилмагандик, менинг қалбим, кўнглим, бутун вужудим эса Мария билан, унга боғлиқ барча нарсалар билан хайр-маъзур қиларди. У туфайли мен жинс маъсумлиги олдида бола ва ҳайвонга айланишдан иборат сирт-юзанинг ўйин ҳамда қувончларига болаларча ўрганган эдим, бундай ҳолатларни илгари ҳам истисно тарикасида камгина ўз бошим-

дан кечириб кўргандим, чунки ўй-хаёл, фикр-мулоҳаза, орзу-умидга тўла умр ва жинсий ҳаёт мен учун ҳамиша айб-гуноҳ аломати бўлиб келган, мамнун неъматнинг лаззатли, бироқ васваса уйғотадиган таъми олдида маънавиятли инсон ҳамиша хушёр, огоҳ бўлиб юриши лозим эди. Мана, Ҳермина билан Мария менга бу боғу бўстоннинг маъсумлигини кўрсатишди, мен у ерда меҳмон бўлганимдан миннатдорман — ҳадемай боғни тарк этиш вақти ҳам келди, бу чаман ўта гўзал ва ҳароратли эди. Энди эса янги орзу-истаклар чўққиси томон интилишим, ҳаётимда қилган беҳисоб гуноҳларимни ювиб, ўзимни оқлашим зарур эди. Енгил ҳаёт, енгил муҳаббат, енгил ўлим — булар мен учун аҳамиятсиз нарсалар эди.

Кизларнинг ўзаро шивир-шивир, шама, имо-ишораларидан эртага бўладиган бал учун бутунлай бошқача хийла-макрлар режалаштирилаётганини билиб олдим. Балки ҳақиқатан ҳам бугун Мария билан сўнгги марта бирга бўлаётганимиздир, балки бизни эртага яна янгича қисмат, янгича тақдир кутаётгандир, ким билади?.. Мен оташ бўлиб ёна бошладим, ғам, ҳасрат, кўрқувдан бўғилмай дердим. Марияга жон-жаҳдим билан ёпишиб, ул гўзал бўстоннинг барча сўкмоқ бўйлаб кезарканман, ушбу жаннат дарахтининг лаззатли мевасини яна бир бор тишларим орасига олиб, маҳкам босдим.

Шу кеча уйқудан қолган эдим, эртаси кун кундузи ухлаб ўрнини тўлдирдим. Ўзиям роса чарчаган эканман, эрталаб чўмилиб олдим, уйга бориб, хонамни қоронғи қилдим-да, уйқуни урдим. Ечинаётиб, қўлимга шеър илинди, уни бирпасда унутиб, ўзимни ҳорғин ўринга ташладим, Марияни, Ҳерминани ва бал-маскарадни ҳам унутиб, кун бўйи ухладим. Кеч бўлганда ўрнимдан турдим, соқол олаётиб бал-маскарад бошланишига атиги бир соат қолгани эсимга тушди, фрак\* кўйлак қидиришим керак. Яхши кайфият билан кийиндим-да, кўчага чиқдим, энг аввало, овқатланиб олишим керак эди.

---

\* Фрак — олдинги этаги қиска, орқа этаги узун эркаклар кийими.

Бу мен иштирок этаётган биринчи бал-маскарад эди. Албатта, илгарилари ҳам бундай байрамларга гоҳ-гоҳ бориб турардим, улар ажойиб бўларди, мен одатда раксга тушмасдим, томошабин бўлиб, кайтиб келаверардим. Бошқаларнинг байрамлар ҳақида завқ-шавқ билан ҳикоя қилишлари менга ҳамиша кулгили туюларди. Бугунги бал ҳам мен учун воқеа эди, мен уни қизғин ва озгина ҳадик билан кутардим. Олиб борадиган маъшуқам йўқлиги сабабли, кечроқ боришга қарор қилдим, қолаверса, Ҳермина ҳам худди шундай маслаҳат берган эди.

Азалий бошпанам — «Пўлат дубулға»га кейинги пайтда камроқ борардим, у ерда асосан, ҳаётдан кўнгли совиган, ихлоси қайтган одамлар вино ичиб, ёшлик чоғларини эслаб ўтиришарди, бу эса менинг ҳозирги яшаш услубимга унчалик тўғри келмас эди. Бирок бугун кечкурун негадир ўзимдан-ўзим яна ўша ёқларга боргим келиб қолди; хайрлашув ва келгуси тақдирнинг ҳозирги кўрқоқ ва шодон кайфияти мени яна ўтмиш умримнинг хотиралари билан боғлиқ бекатларидан бири бўлган, чекилаверганидан тутунга тўлиб кетган ана шу мўъжазгина қовоқхонага бошлаётганди. Мен яқин-яқингача у ернинг доимий мижозларидан бири эдим, у ерда ўтириб бир шишагина оддий маҳаллий винодан ичсам, шунинг ўзи яна бир кеча ёлғиз тонг оттиришим, ҳаётимнинг яна бир кунини сабр-тоқат билан ўтказишим учун кифоя қиларди. Ўшандан буён бошқа кучлироқ воситаларни ҳам, ширинроқ оғуларни ҳам кўп тотиб кўрдим. Кулимсираб эски дўконга кириб бордим, бека салом бериб кутиб олди, оғизларига толқон солиб ўтирган кундашунда мижозлар ҳам индамайгина бош силкиб қўйишди.

Оппоқ озода ёғоч стол устида бир зумда ковурилган хўрозча пайдо бўлди, катта қадахга тиник эльзас виноси дехқончасига тўлдирилди. Еб-ичиб ўтирарканман, вужудимни аввалги ҳаётим лавҳалари билан боғлиқ бўлган, қўшилиб, чатишиб кетган қандайдир сўлғин, аллақандай ҳузурбахш ҳамда оғриқли ҳиссиётлар чулғаб олди. «Замонавий» одам буни *сентименталлик* деб атайди; у нарса-

ларга, дейлик, ўзи учун муқаддас бўлган нарсаларга, машинасига кўпам меҳр қўявермайди, машинасини иложи борича тезроқ бошқа яхшироқ русумдагисига алмаштириш пайдан бўлади. Бу замонавий одам дадил, чаккон, эпчил, удабуро, ғайратли, соғлом, вазмин ва катъий, ажойиб шахс, у бўлғуси урушда ҳам ўзини худди эртактлардагидек намоён қилади. Мен эса на замонавий, на эски модадаги одам, балки шунчаки Вақтдан сирғалиб, ажраб тушиб қолган ҳамда ўлимни истаётган, ўлим сари интилаётган одам эдим, холос. Сентименталликка нисбатан ҳеч қандай қаршилигим йўқ эди, куйиб кул бўлган юрагим ҳали ҳам ҳис-туйғуга ўхшаган нарсаларни сезаётганидан хурсанд, шод ва миннатдор эдим. Шу тариқа мен эски қовоқхона, эски, кўпол, бесўнақай курсилар, тутун ҳамда вино хиди, одатлар, ҳарорат, иликлик, ватанни эслатувчи алланималар билан боғлиқ хотираларга берилиб ўтирардим. Хайрлашиш, хайр-маъзур қилиш гўзал, ёқимли нарса. Мен учун мана шу каттик ўриндик, манови дехқонча қадах азиз эди, эльзас виносининг мазали таъми, мана шу хонадаги барча таниш нарсалар, тушқун бир кайфиятда хаёл суриб ўтирган ичувчи биродарларимнинг юз-кўзлари мен учун азиз эди... мен бу ерда туйган, ҳис қилган нарсалар майхона, вино ва сигара нималигини билмаган болалик даврининг эски модадаги майхона сурури билан енгил йўғрилган мешчан сентименталлик эди. Бироқ мана шу сентименталликни майда-майда қилиб ташлаш учун ҳеч қандай Чўл бўриси тишларини иржайтирмас, умуман кўринмас ҳам эди. Бу ерда ўтирарканман, ўтмиш хотираларимдан дилим ёришиб, шу орада сўнган бурж нурларининг хира ёғдусидан мунаввар бўлиб, тинч, осойишта, сокин тин олардим.

Шу пайт кўча савдогари келиб қолди, ундан бир ховуч қовурилган каштан\* харид қилдим. Гул кўтарган кекса аёлдан бир жуфт чиннигул сотиб олдим-да, қовоқхона бекасига совға қилдим. Ҳисоб-китоб қилмоқчи бўлиб,

---

\* *Каштан* – корақайинлар оиласига мансуб дарахт ва унинг ёнғоғи.



одатдагидек ён чўнтагимга кўл солаётганимдагина, фракда эканлигимни сезиб қолдим. Бал-маскарад! Хермина!..

Бироқ вақт ҳали анча эрта эди, шунинг учун Глобусзалга хозирок бораверайми-йўқми, деб иккиланардим. Шу билан бирга, кейинги пайтдаги бу барча томоша, ўйинкулги, кўнгилочар тадбирларни ўйларканман, ахволимни дилдан ҳис қилиб, уларга нисбатан баъзи бир қаршилик ҳамда эътирозларни кўнгилдан ўтказардим, каттакон, одамлар билан лиқ тўла, сершовкин залларни кўнглим унча хушламас, ёт, бегона муҳит олдида, айш-ишрат дунёси олдида, рақсга тушиш олдидан худди мактаб боласига ўхшаб тортиниб, кимтинардим.

Шошилмай борарканман, кинотеатрга кўзим тушиб қолди, чироқларининг нурлари ажиб товланар, улкан ранг-баранг плакатлар ўзига чорларди. Бир неча кадам ташлагач, оркага қайтдим-да, ичкарига кирдим. Соат ўн бирга қадар бемалол қоронғида ўтирсам бўларди. Кўлида ёруғи кўзни оладиган фонар ушлаган хизматчи бола ёрдамида қоп-қоронғи зал ичида ниҳоят, бўш ўрин топиб ўтирдим, ўзимни гўё Таврот орасида ҳис қилдим. Намойиш этилаётган фильм пул ишлаш учун эмас, балки катта харажатлар эвазига, муқаддас мақсадлар йўлида нозик дид билан ишланганлиги кўриниб турарди. Уни томоша қилиш учун тушдан сўнг ўзларининг дин муаллимлари бошчилигида ҳатто ўқувчилар ҳам келишарди. Фильм Мусо алайҳиссалом ҳамда Мисрдаги яҳудийлар тарихи ҳақида бўлиб, инсонлар, отлар, туялар, саройлар, фиръавнлар хашамати ва чўғдек қизиқ турган саҳрода яҳудийларнинг тортган азоб-уқубатларидан хикоя қилар эди. Соч-соқоли бир оз Волт Витманникига\* ўхшаб кетадиган Мусо алайҳиссалом, албатта, уни саҳнада қойилмақом қилиб ўйнашганди, кўлида узун асо билан саҳро бўйлаб яҳудийлар олдида худди Воданга\*\* ўхшаб аста одимлаб, жўшқин ва ғамгин кетиб борарди. Мана, у

\* *Волт Витман* – америкалик шоир (1819–1892).

\*\* *Водан* – қадимги германларда олий илоҳ, тангри.

Қизил Денгиз сохилида турган кўйи муножот қила бошлади, шунда Қизил денгиз ораси очилиб, торгина қўча, улкан тўлқинлар ўртасида торгина тик йўл пайдо бўлди (киночилар буни қандай қилиб суратга олишгани ҳақида фильмни кўргани келганлар бир-бирлари билан соатлаб баҳслашишарди), пайғамбар ва юраксиз, журъатсиз оломон йўлдан ўта бошлади, улар кетидан фиръавнинг харбий, жанговар аравалари пайдо бўлди, мисрликлар аввалига кўркиб, сохилда туриб қолишди, сўнг мардона қадам ташлаб, олға интилдилар, сал ўтмай баланд тўлқин — пўртана кўтарилиб келиб, тилла совут кийиб олган дабдабали фиръавни арава-паравалари-ю одамлари билан бирга қўшиб босиб кетди... шунда беихтиёр худди шу воқеа куйланадиган Ҳенделнинг икки бас (йўгон овоз)га яраша ажойиб дуэтини\* эсладим. Кейин Мусо алайҳиссалом Синай бўйлаб кўтарила бошлади. Тоғ қояларидан иборат овлоқ жойга етганида унга — ғамгин қахрамонга Иегова\*\* бўрон, момақалдироқ ва ёруғлик (нур) ёрдамида Тангри буюрган ўн Амрни етказди. Бу орада унинг ночор халқи тоғ этагида олтин (пул) ҳукмронлигини ўрнатиб, кўнгилхушлик, ўйинкулгига бутунлай берилиб кетди. Буларнинг барчасини — диний воқеалар, уларнинг қахрамонлари-ю мўъжизаларини кўриб туриб, ишонгим келмасди, бу нарсалар — ўша даврнинг эски, алмисоқдан қолган маданий лавҳалари, болаларимиз ҳамда уйдан олиб келган нонини жимгина кавшаб ўтирган миннатдор томошабинлар кўз ўнгида бошқа бир дунёнинг, ақл бовар қилмайдиган, ажойиб, мислсиз бир нарсанинг хира, ғирашира тасаввурини жонлантириб юборган эди. Эҳ, худойим-ей, ўшанда нафақат мисрликлар, балки яҳудийлар ва бошқа барча инсонлар ҳам ғайритабиий ҳамда батар-

---

\* Ҳенделнинг икки бас (йўгон овоз)га яраша ажойиб дуэти — Георг Фридрих Ҳендел (1685–1759)нинг «Мисрдаги Исроил» оракторияси(дан).

\*\* Иегова — иудаизм (яхудо дини)да олий тангри.

тиб равишда ҳалок бўлиб қўяқолганларида эди, бугунги разолату сохта, ярим-ёрти ўлимларга ўрин ҳам қолмаган бўларди. Ха, ха!

Менинг ажиб, ғалати, сирли беҳоллигим, бал-маскарад олдидан пайдо бўлган ўзим ҳам тан ололмайдиган кўрқув ҳисси кинотеатрда ҳам босилмади, аксинча, ёқимсиз, нохуш бир тарзда кучайиб борди ва мен Ҳерминани ўйлаб, Глобус-залга бориш учун ниҳоят, ўзимни қўлга олишим керак эди. Орадан хиёл вақт ўтган, бал аллақачон бошланган, борганимда тарақа-турук авжида эди. Мен ҳам хушёрлик ва тортинчоклик билан маска (ниқоб)лар ур-сур, тўполониға қўшилдим. Шунда танишлардан кимдир мени туртиб ўтди, бир киз шампан ичишға таклиф қилди, масхарабозлар сенсираб, елкамға қоқиб қўйишди. Мен уларнинг ҳеч қайсисига эътибор бермай, одамлар билан тўлиб-тошган хоналар бўйлаб, минг машаққат чекиб, гардеробға бир амаллаб етиб олдим. Гардероб рақами ёзилган паттани, мабодо қий-чув, тўполондан зерикадиган бўлсам, яна излаб юрмай тағин деб, чўнтагимға авайлаб солиб қўйдим.

Улкан бишонинг барча хона ва залларида байрамона шовқин-сурон, ғала-ғовур, ўйин-қулги авжида эди. Ҳамма жойлар, ҳатто ертўлалар, йўлаклар ва зиналарни ҳам ракс тушаётганлар банд қилган, турли-туман ниқоблар, ракс, мусика, қулги-қаҳқаҳа билан тўлиб-тошган эди. Ракс тушаётган оломон орасидан урина-сурина сирғалиб, негрлар капелласидан дехқонча мусиқа янграётган жойға, улкан асосий залдан чиқиб, йўлаклар, сўнг зиналар, барлар, емакхоналардан ўтиб, ниҳоят, шампан ичиладиган барға ўтиб бордим. Деворларға кўпроқ энг ёш санъаткорларнинг ақлга сиғмайдиган, шўх, ғалати, ғайритабиий расмлари осиб ташланганди. Санъаткорлардан тортиб, журналистлар, олимлар, ишбилармонларгача ва албатта, шаҳарнинг бутун казо-казолари, ҳамма-ҳаммаси шу ерда эди. Оркестрлардан бирида мистер Пабло ўзининг қайрилма карнайини масрур чалиб ўтирарди; у мен-

га кўзи тушиб, қаттиқрок чалиб, саломлашган бўлди. Одамлар окимига қўшилиб, хоналарнинг унисидан буни-сига кириб-чиқар, зиналардан кўтарилиб, қайта тушардим; ертўладаги йўлаклардан бирини санъаткорлар дўзах, жаҳаннамга ўхшатиб жиҳозлаганди, у ерда бир гурух иблислар зўр бериб, жон-жаҳдлари билан ноғора чалишарди. У ёк-бу ёкка аланглаб, Ҳермина билан Марияни излай бошладим. Асосий залга қайтиб киришга ҳар қанча уринмай, тинмай оқиб келаётган оломонга қўшилиб, ҳар гал адашиб ўтиб кетавердим. Тун яримлашиб қолган бўлса ҳамки, ҳали ҳеч кимни тополмадим; рақсгаям тушмаган бўлсам-да, бошим айланиб, кўзим тиниб, аъзойи баданим кизиб кетди. Ҳорғин курсига чўкдим, чор-атрофимда ёт, бегона кишилар. Вино буюрдим, уни ичиб ўтириб, бунақанги сершовкин байрамларда иштирок этиш мендақанги ёши ўтган одамнинг иши эмас экан-да, деб ўйлай бошладим. Бўшашиб майни сипқорарканман, рақс тушаётган аёллардан кўз узолмасдим, ён-атрофимда ғалати-ғалати, ажойиб маска-никоблар пайдо бўларди. Мени ҳар замонда туртиб кўяётган кизларни жимгина кузатардим, уларнинг нияти ё тиззамда ўтириш ёки мен билан бирга рақс тушиш эди. Қари вайсаки, деб қўйди кизлардан бири, у ҳақ эди. Мен бир оз дадил бўлиш ва кайфиятимни кўтариш учун озгина отиб олмокчи бўлдим, бироқ вино ҳам бемаза эди, иккинчи қадахни эса ичолмадим. Аста-секин ортимда Чўл бўриси турганини хис қила бошладим, у тилини чиқарарди. Менга ҳеч гап бўлмаган, фақат бу ерга адашиб келиб қолган эдим. Албатта, бу ерга яхши ниятда келган эдим, лекин хурсанд бўлолмадим. Шу пайт атрофдаги гулдурос, сершовкин кувонч, кулги-кахқаҳалар, бутун шовкин-сурон, тўполон кўзимга аҳмокона ва зўраки кўриниб кетди.

Шундай қилиб, орадан бирор соат ўтмаёқ, хафсалам пир бўлди, ғазабим тошиб, пальтомни кийиб, кетиш учун яна гардеробга караб юрдим. Бу мағлубият, Чўл бўрисига томон қайтиш эди, буни агар Ҳермина билиб қолса,

сира-сира кечирмасди. Аммо мен бошқача йўл тутолмасдим. Гардеробга етгунча ён-атрофимга диққат билан разм солиб бордим, зора кизлар кўриниб колса, деб. Қаёқда! Мана, дарчага ҳам етиб келдим, тўсик ортидаги хушмуомалали киши паттани олиш учун кўл чўзди, мен нимчамнинг киссасига кўл солдим — рақам ёзилган патта йўқ эди! Жин урсин, энди шу етмай турувди. Боя заллар бўйлаб ғамгин кезинган пайтимда ҳам, бемаза винони ичиб ўтирганимда ҳам чўнтагимга бир неча бор кўл солиб кўргандим, думалок патта жойида эди. Энди эса йўқ. Хуллас, ҳамма нарса менга қарши турарди.

— Нима, патта йўқми? — сўради ёнимда турган кичкинагина сарик-кизил иблис ўткир, чинкирок овозда. — Ғам ема, оғайни, ма, меникини олақол.

У шундай деб, паттани узатди. Уни олиб улгурмасимданок, абжир йигитча зумда кўздан ғойиб бўлди. Картондан ясалган мўъжазгина думалок паттага рақамини кўрай деб кўз югуртирсам, унда рақам-накам йўқ, фақат майда ҳарфлар билан алланималар ёзилган эди. Гардеробчидан кутиб туришини илтимос қилиб, паттани кандил ёруғига тутдим. Унда қинғир-кийшиқ ҳарфлар билан ажи-бужи қилиб алланарса ёзилганди:

*Бугун кечаси соат тўртдан бошлаб магиявий театр ишлайди. Фақат жинилар учун — Кириш баҳоси ақл. Ҳар ким учун эмас. Ҳермина жаҳаннамда.*

Ипи бир зум ўйинчининг қўлидан сирғалиб чикиб кетган қўғирчок яна қайтадан жонлангани каби, қисқа давом этган «ўлим»дан сўнг тирилиб, яна ўйинга қўшилиб, рақс тушиб, ўйнаб, қилиқлар қилганидек, магиявий куч таъсирида мен ҳам ёшариб, ғайрат кириб, ҳозиргина ўзим ҳорғин тарк этган тикилинч оломон орасига яна ўзимни урдим. Ҳали ҳеч бир гуноҳкор, осий банда дўзахга тушишга бу қадар шошилмаган эди. Ҳозиргина локланган пойабзал оёғимни қисиб турган, атир хидига тўйин-

ган ҳаво кўнглимни оздирган, иссик холдан тойдирган эди; энди эса вонстеп тактига ҳамоҳанг равишда оёғим ерга тегмай, енгил дингиллаб борардим. Барча заллардан ўтиб, жаҳаннам томон шошиларканман, гўё мўъжиза рўй бергандек, чор-атрофдаги қандайдир ҳарорат, сершовқин мусиқа, турфа ранглар, аёлларнинг хуш бўйлари, сархуш ракс тушаётган юзлаб қувноқ одамларнинг хис-ҳаяжондан порлаб турган юз-кўзлари худди мени аллалаб, кўтариб бораётгандек эди. Шу пайт испанча либос кийган раққоса «мен билан ракс тушмайсанми!» деб қолди, унга шоша-пиша «иложим йўқ, дўзахга тушим керак, аммо бир марта бўсанга йўқ демайман» дедим. Ниқоб остидаги ақиқ лаблар мен томон яқинлашди, шунда, Марияни таниб қолдим. Уни маҳкам кучоқлаб, бағримга босдим, лаблари нақ ёзда очилган атиргулнинг ўзи эди. Биз бирга ракс тушиб кетдик. Паблонинг ёнидан ракс тушиб ўтдик. У мусиқа чалиш билан овора, бизга ҳайрон қараб қолди, унинг нигоҳида ҳам қувонч, ҳам лоқайдлик зоҳир эди. Йигирма қадам ҳам ташламаган эдик, бирдан мусиқа овози тинди, Марияни истаристамас кучоғимдан бўшатдим.

— Сен билан жон деб яна рақсга тушардим, — дедим унга, — кел, келакол, Мария, мен сенинг гўзаллигинга мафтун бўлиб қолдим, сени яна бир зум тавоф қилай! Лекин кўрмайсанми, мени Ҳермина йўқлабди. У жаҳаннамда экан.

— Ўзимам шундай деб ўйловдим. Яхши қол, Ҳарри, мен сени доимо муҳаббат билан эслайман.

У хайр-хўшлашди. Бу хайрлашув эди, бу куз эди, бу қисмат эди, лекин барчасидан барқ уриб очилган ёзги атиргулнинг хуш бўйи уфуриб турарди.

Мен яна узундан-узун йўлаклар, тикилинч зиналар бўйлаб дўзах томон чопиб кетдим. У ерда, сақичдек қоп-қора деворларда хунук чироклар ўткир нур сочиб турар, иблислар хол-жони борича тарақа-туруқ қилиб ётарди. Баланд барқурсида келишган йигитча ўтирар, у

ниқобсиз, эгнида фрак, менга истехзо билан қараб турарди. Шу пайт рақс тушаётганлар тўлкини мени деворга қисиб қўйди, ўта тор жойда йигирматача жуфтлик рақс тўшарди. У ердаги аёлларнинг барчасига синчиклаб разм солдим. Уларнинг кўпчилигида ниқоб-маска бор эди, баъзилари менга кулиб қараб қўярдилар, аммо Ҳермина кўринмас эди. Курсида ўтирган хушбичим йигитча менга бошдан-оёқ бир қараб қўйди. «Ҳа майли, кутиб турай-чи, рақс тугаб, танаффус эълон қилинган, балки ўзи келиб қолар ё чақирар», ўйладим ўзимча. Аммо рақс тугади ҳамки, ҳеч кимдан дарак бўлмади.

Сўнг барга яқин бордим, у пастак кичкина хонанинг бир бурчига туташган эди. Йигитча ўтирган курси ёнига жойлашиб, виски буюрдим. Уни ичиб ўтириб, йигитчани ён томондан кузата бошладим. У менга шу қадар таниш ва ёқимтой кўриниб кетдики, гўё сурат бўлиб, ўтмишнинг олис, хира хотираларини ёдимга солди. Шунда худди ток ургандек, тўлқинланиб кетдим: ахир у кимсан ёшликдаги дўстим Ҳерманн эди!

— Ҳерманн! — дедим иккиланиб.

Йигит жилмайди.

— Ҳарри! Мени ахийри топволдингми?

У Ҳермина эди, фақат сочларини сал бошқача тараб олган, енгилгина пардоз-андоз қилволганди, холос. Унинг мода бўлган тик ёқа орасидан кўриниб турган ёқимтой, хушбичим ва ошпоққина юзидан ақл ёғилиб турар, нозик қўллари эса фракнинг кенг қора енглари ва оқ манжет (қадама енг)ларидан ажиб ва бежирим чиқиб турарди, узун қора шим кийган, оёқларига эса қора-оқ ипакдан тикилган эркаклар пайпоғини илиб олган эди.

— Шуми ҳали костюминг, Ҳермина? Шу билан мени ўзингга мафтун қилмоқчимидинг?

— Ҳозирча, — деди у бош ирғаб, — бир қанча хонимни ўзимга ром қилиб бўлдим. Мана, энди навбат сенга келди. Кел, аввал бир бокалдан шампан ичайлик.

Баланд баркурсиларда ўтириб, ича бошладик. Атрофимизда, шундоқкина ёнгинамизда рақс давом этар, камонча билан чалинадиган асбоблардан кучли, жўшқин муסיқа янграрди. Ҳермина менга ёкиш учун деяри хеч нима қилмаётган бўлса-да, мен унга бирпасда маҳлиё бўлдим-қолдим. Эркакча кийиниб олганидан у билан бирга рақс туша олмасдим, нозик ҳаракатларига жавоб қайтаришнинг ҳам иложи йўқ эди. Эркакча никоьбда у мендан олис ва холис туюлса-да, барибир, мени нигоҳлари, гап-сўзлари, аёлларга хос ноз-карашма, бутун сеҳр-жодуси билан ўзиники қилиб олганди. Хали унга қўл тегизмасимданок, унинг сеҳрига таслим бўлгандим, бу сеҳр икки жинсга мансуб бўлиб, бу ролни ўзи ўйнарди. Негаки, у мен билан Ҳерманн ҳақида, менинг ва ўзининг болалиги ҳақида, жинсий балоғатга етгунга қадар кечган йиллар хусусида суҳбат қуради, ёшликдаги севги қудрати нафақат икки жинсни, балки ўз йўлида учраган ҳар қандай нарсаларни, руҳият ва ҳиссиётни ҳам қамраб олиб, уларнинг барчасига муҳаббатнинг шундай бир оташ сеҳрини, эртақларда тасвирланганидек, ўзгара олиш қобилиятини бахш этарканки, бундай қобилият бир кун вақти келиб айрим шахслар ҳамда шоирлардагина такрор юзага чиқиб, намоён бўларкан. У йигитча ролини қойилмақом ўйнарди, сигареталар чекиб, жўшқин сўзлар, айни пайтда бир оз мазах қилиб, кулиб ҳам қўярди, бироқ буларнинг барчасида ҳиссий муҳаббат туйғуси шуълаланиб турар, буларнинг барчаси гўё фосиқлик, васвасага айланиб бораётганини англаб, сезиб турардим.

Ҳерминани қанчалар аниқ ва яхши биламан деб ўйламайин, бу оқшом у менга ўзини нақадар мукамал тарзда қайтадан намоён эта бошлаганди. Орзиқиб кутилган тўрни устимга охиста ва сездирмай ташларкан, у нақадар ўйноқи, совуқ ва хунук бир тарзда қўлида мен учун мўлжалланган ширин оғуни тутиб турарди!

Биз бир оз у ёқ-бу ёқдан гурунглашиб, шампан ичиб ўтирдик. Сўнгра, саргузаштгалаб қаишфиётчиларга ўхшаб, заллар бўйлаб сандироклаб, лақиллашиб кеза бошладик, мақсад — бировларнинг муҳаббат ўйинларини сездир-



май кузатиб, ўзимизга муносиб жуфт ахтарардик. У менга аёлларни кўрхатиб, улар билан ракс тушишга ундар, униси ёки бошқа бировида қўллаш мумкин бўлган йўлдан уриш санъати юзасидан маслахатлар берарди. Биз энди ракиблар эдик, навбатма-навбат бир аёлга яқинлашардик, у билан галма-галдан ракс тушиб, икковимиз ҳам барабар унинг кўнглини овлашга ҳаракат қилардик. Бирок буларнинг барчаси никоблар ўйини эди, холос, бу ўйин иккаламизни бир-биримизга янада яқинлаштирар, бизларни бир-биримиз учун ёндириб, алангалатарди. Буларнинг барчаси эртак эди, барчаси бир ўлчам бой, теран маъно-мазмун кашф этган ўйин, товланиш, жиловланиш ва белги, ишора, рамз эди. Биз ёш, келишган, гўзал бир аёлни учратиб қолдик, у бир оз маънос кўринарди, шунда Ҳерманн у билан ракс туша бошлади, аёл бир зумда очилиб кетди ва улар шампан ичиладиган шийпончага қараб кетишди. Кейин айтиб беришича, у бу аёл кўнглини эркак сифатида эмас, балки аёл бўлиб, авраб, забт этибди. Менинг кўз ўнгимда буларнинг барчаси — раксдан гумбурлаётган заллардан иборат бўлган, гувиллаб акс-садо бераётган уй, никоблардан сармаст, сархуш одамлар аста-секин ажойиб, зўр хаёлий жаннатга айлана борди, гулдан гулга ўтарканман, уларнинг муаттар исларидан маст бўлар, мевадан мевага суқланиб боқар, уларни бармоқларим билан ушлаб кўрардим, ям-яшил барг-япроқлар орасидан илонлар пайдо бўлиб, мени имлаб, йўлдан оздирар, қорайиб турган боткоклик узра нилуфаргул ора-сира кўзга ташланар, дарахт шохларида афсонавий қушлар чуғурлашар, хуллас, буларнинг барчаси каминани орзикиб қутилган мақсад сари етаклар, янгича иштиёқ билан ягона ёр томон чорлар эди. Бир гал нотаниш бир қиз билан ракс тушдим, у шунақанги ёниб, эхтирос билан ўйнардик, ҳар қандай одамни ҳам сармаст ва сархуш қилиб, эс-хушини олиб кўярди. Икков ширин хаёлларга берилиб, орзулар канотида парвоз қила бошладик, шунда қиз тўсатдан кулиб юборди:

— Вой, сени аввал кўрган одам танимайди-я! Бугун оқшом шунақаям эси йўк ва бемаза эдинг-ки...

Бу ўша, бундан бир неча соат олдин мени «кари вайсаки» деб койиган киз эди. Мана, энди у мени кўлга киритдим, деб ўйларди, мен эса кейинги рақсда бошқа бир аёл билан куйиб-ёна бошладим. Ўзиям икки соат мўл, узлуксиз рақс тушибман, рўпара келган рақсга, хатто ўзим билмайдиганларига ҳам тушиб кетаверибман. Рақс тушаётганимда мудом ёнимда жилмайиб турган йигитча — Ҳерманн пайдо бўлар, менга имо килиб кўяр ва тикилинч оломон ичра кўздан йўқоларди.

Эллик ёшимгача мен билмаган, кўрмаган, буни хар бир ўсмир, киз бола ва талаба ўз бошидан кечирган бўлса керак, ушбу воқеа-кечинма менга мана шу бал окшомидагина насиб этди: бу байрам шавки, байрам сархушлиги, таназзулга учраган шахснинг кўпчилик ўртасидаги сир-синоати, шодликнинг илоҳий бирлашиши эди. Бу ҳақда мен кўплаб хикоялар тинглаганман, бу хатто хар бир оксоч, хизматкор аёлга ҳам маълум нарсалар эди, хикоя қилаётганларнинг кўзлари хар доим ғурудан чакнаб кетарди, мен эса бунга жавобан мудом ярим хаёлчан, ярим ҳавас ва ярим ҳасад билан кулиб кўяқолардим. Паришон, бефарқ, лоқайд кишининг, ўз-ўзидан халос бўлган одамнинг мафтун кўзларидаги ўша нурни, кўпчилик суронида ўзини йўқотмай, очилиб кетадиган одамларнинг ўша табассуми ва ярим телба паришонлигини ҳаётимда кечган олийжаноблик ва разолат, маст-аласт рекрут\* ҳамда матрослар, шунингдек, байрам томошаларида завқ-шавққа тўлган улуғ санъаткорлар ва урушга борган ёш аскарлар мисолида юз марталаб кўрганман. Яқиндагина ҳам, оркестрда саксофон чалиб, мусикадан сармаст бўлиб ўтирган дўстим Паблога ёки дирижёрга, барабан (дўмбира)чига мафтун бўлиб ҳамда қойил қолиб термилиб турган, кўлида банджо\*\* тутган кишига разм солиб туриб, ўша бахтиёр хаёлпараст юз-кўзларидаги мана шу нур ва табассумдан таъсирланиб, хайратга тушганман, уни севиб, ҳавас килиб, андак масхаралаб, ҳазил-

\* *Рекрут* — харбий хизматга чакирилган янги аскар.

\*\* *Банджо* — Америка негрларининг торли мусика асбоби.

лашган ҳам эдим. Мен баъзан, болаларга хос бўлган мана шундай нур, мана шундай табассум фақатгина бутунлай ёш, навқирон инсонларгагина ёки бўлмасам, кучли индивидуаллашмаган ҳамда алохида табақаланмаган халқларгагина жоиз, деб ўйлаб юрар эдим. Мана энди бугун эса, шу оромбахш кечада менинг ўзим, яъни Чўл бўриси — Харри, гул-гул очилиб, яшнаб кетган эдим, шу теран, болаларга хос ҳамда эртакнамо бахт-омад ичра сузардим, халойиқ, мусика, маком, ичимликлар сурури ва суронидан нафас олардим, буни қарангки, илгарилари қайси бир талабанинг мана шунақа баллар хақидаги мақтов ва ҳамду саноларга тўла хикоясини кўпинча киноя, истехзо ва аллақандай лоқайд ўйчанлик билан тинглар эдим. Мен энди мен эмасдим, мен шахс сифатида байрам шовқин-суронида сувга чўккан туздек эриб кетган эдим. Мен энди у ёки бу аёл билан ракс тушардим, бироқ менинг бағримдаги, сочлари мени сийпаётган, вужудидан хуш бўй таралаётган аёл биргина, униси ёки бунисигина эмасди, балки бошқа барча, барча аёллар ҳам бирга эди. Улар худди шу залда, худди шу ракс, ўша мусиканинг ўзгинасида худди менга ўхшаб сузишарди, уларнинг гул-гул очилиб, яшнаб, порлаб турган юз-кўзлари улкан хаёлий, ажойиб, ғаройиб гулларни эслатарди, уларнинг барчаси меники, мен эса уларники эдим, қувонч-шодлигимизни ўзаро бирга баҳам кўрардик. Бунда эркаклар ҳам иштирок этишар, улар ҳам менга бегона эмас, уларнинг табассуми меники, меники эса уларники эди, мен уларнинг, улар эса менинг кўнглимни олишарди.

Ўша йили кишда «Йенинг» номи билан пайдо бўлган янги ракс — фокстрот дунёни забт этганди. Худди шу ракс — йенинг мусикаси оралатиб чалинар ва ҳар гал муштоклик билан кутиб олинарди. У барчамизнинг жон-жонимизга сингиб кетган, янграганда сармаст ва сархуш бўлиб, оҳангига кўшилишиб, бирга куйлашардик. Мен йўлимда пайдо бўлган ҳар бир аёл билан, ёш-ёш қизлар билан, очилиб кетган ёшгина хотинлар, роса стилган

ойимтиллалар ҳамда ғамгин сўлиб бораётган аёллар, хуллас, биргаликда кулишиб, уларга мафтун бўлиб, бахтиёр ва гул-гул очилиб, бетиним, узлуксиз ракс тушардим. Пабло менинг бу қадар очилиб кетганимни кўриб, шодланди чоғи, ялт этиб менга қаради, чунки у мени доим қайғу-хасратга чўмган, одам ачинадиган бир бечора, деб ўйларди, оркестрда ўтирган жойида шартта турди-да, хурсандлигидан шох карнайи (бурғуси)ни варанглатиб чалиб юборди, бу ҳам етмагандек, стол устига чикиб, икки лунжини тўлдириб чалди, йенинг тактига ҳамоҳанг тарзда шўх ва шодон чайкалиб туриб қолди. Мен ва менинг раққосам бунга жавобан унга ҳавойи бўса йўллаб, қўшилишиб куйлай бошладик. Эҳ, дердим ўзимга ўзим шунда, энди нима бўлса бўлавермайдими, ахир менга ҳам бир мартагина, мундоқ бахтиёр, очилиб-сочилиб, ўз-ўзимдан халос бўлиб, Паблога оға ва бола бўлиш на-сиб этди-ку.

Билмадим, бу бахтиёр сархушлик неча соат ёки лаҳза давом этдийкин, вақт қандай ўтганини ҳам сезмай қолибман. Байрам қизиган сайин давра ҳам тобора тораийиб борарди. Кўпчилик аллақачон кетиб бўлган, йўлақлардан овоз эшитилмас, чироқларнинг кўпи ўчирилган, зинахона бўм-бўш, хувиллаб ётар, юқори заллардаги мусикачилар ҳам бирин-кетин кетиб бўлишганди; факатгина асосий залда ва пастдаги «жаҳаннам»да ранг-баранг байрамона сархушлик тобора кучайиб, авжига чикарди. «Йигитча» — Ҳермина билан ракс тушишим мумкин эмаслиги сабабли у билан танаффусларда доимий равишда учрашиб, кўришиб турдик. Ниҳоят, у бутунлай кўринмай қолди, гўё кўз ўнгимдангина эмас, балки хаёлимдан ҳам буткул нутилгандек, ғойиб бўлди. Ўй-фикрларим ҳам гўё қаёққадир сингиб йўқолгандек эди. Сармаст ракс тушаётганлар орасидан бўшашиб, бемажол ўтарканман, ислар, товушлар, оҳанглар, овозлар, оҳ-воҳлар, сўзлар таъсирида, бегона юз-кўзлар, лаблар, лунжлар, қўллар, сийналар, тиззалар қуршовида, мусика оҳангига монанд у ёқдан-бу ёққа беихтиёр бориб келардим.

Шу пайт кутилмаганда, мусика янграб турган кичик заллардан бирида, уни тўлдириб турган охирги меҳмонлар орасида тўсатдан пайдо бўлган суратдек, ок юзли қора пьеретта\* — чиройли, тетиккина бир қизга кўзим тушди-ю, зумда ўзимга келдим. У юзига ёғ упа суриб олган, қадди-комати келишган, ғоят гўзал эди, бунақасини бу оқшом ҳали кўрмаган эдим. Вакт алламаҳал бўлиб қолганидан барчанинг чеҳраси ҳаяжондан қизарган, эгнида эзилган, ғижимланган костюмлар, ранги ўчган, уникқан ёқа ва бурмалар, ёғ упа сурилган оппок юзли қора пьереттанинг эгнида эса тахи бузилмаган костюм, охорли бурма, топ-гоза, оппок манжетлар, сочлари ҳозиргина таралгани шундоқкина кўриниб турарди. Мен у томон интилдим, уни кучоқлаб, рақсга тортдим. Унинг муаттар бўй таратиб турган, охори тўкилмаган бурмаси иягимни қитиқлаб, сочлари юзимни сийпади. Хипча нозик гавдаси ҳаракатларимга бу оқшом мен учратган ҳар қандай раққосадан ҳам кўра нафисроқ ва самимийроқ пешвоз чиқиб, ўйноқи бир тарзда яқинлик касб этди. Шу пайт, рақс тушаётиб бир оз энгашаётгандим, бирдан даҳани таниш кўринди, шунда унинг таранг ияги, елкалари, тирсак ва қўлларини таниб қолдим. У энди Ҳерманн эмас, балки бошқача, охорли кийиниб олган, енгил атир сениб, упа-элик суриб олган Ҳермина эди. Шунда эҳтирос билан жуфтлашиб, босиқ ва вазмин рақс тушардик. Мусика тўхтади, биз эса ҳамон бир-биримизни қўйиб юбормай турардик. Теварак-атрофимиздаги ўт-олов бўлиб ёнаётган барча жуфтлар ҳам қарсак чалиб, ташналик билан депсинишар, қичкиришиб, хорғин капелладан йенингни яна бир бор ижро этишини ўтиниб сўрашарди. Бу пайтда, дарнардлар ортидан бўзариб, аста тонг отмоқда эди. Шодликнинг ҳам охири кўриниб қолганини ҳис этиб, чарчоғимиз билиниб турса-да, кулишиб, яна рақс тушиб кетдик, бир-биримизга қапишиб, мусикага

---

\* *Пьеретта* — французча исм «Пьер»нинг аёлларга нисбатан қўлланилиши.

хамоханг бахтдан энтикиб, нурдан иборат тўлқинларнинг баланд долғаси бизни кучиб, кўмиб, ўз оғушига олаётганини сезиб, ҳис қилиб турардик. Хермина ракс тушаётиб, устунликка интилмади, истехзо-кинояларидан, вазминлигидан воз кечди — у энди мени ўзига ром қилишнинг ҳеч қандай хожати йўқлигини биларди. Мен энди батамом уники эдим. У энди раксда ҳам, нигоҳда ҳам, бўсада ҳам, табассумда ҳам менга ўзини бахшида этган эди. Ушбу безовта, бесаранжом, хароратли кечадаги мен билан бирга ўйнаган, мени ёндириб-куйдирган, алангалатган, ўзлари истаб, ёпишиб-қапишган, мен қўнғилларини овлаган, мен кетларидан эхтиросли муҳаббат туйғуси билан қараб қолганим барча аёллар, барча-барчаси шу лаҳзада қоришиб, эриб битди ва улардан яккаю ягона, ҳозир гул-гул ёниб турган қўлимдагиси қолди, холос.

Ушбу базм ракси узоқ давом этди. Мусика икки, уч бор пасайди, пуфлаб чаладиган мусикачилар асбобларини қуйи туширдилар, рояль чалувчи ўрнидан турди, биринчи скрипкачи эриниб бош чайқади, бироқ улар ҳар гал сўнги раккос ҳамда раккосаларнинг илтижоли сархушлигидан илҳомланиб, жунбишга келиб, яна ва яна чалавердилар, янада тезроқ, янада шўхроқ чалдилар. Сўнг эса — биз, охирги раксдан хансираб, ҳамон бир-бирларимиз билан чирмашиб турардик — шунда шик этиб рояль қопқоғи ёпилди, қўлларимиз ҳам пуфлаб чалувчи мусикачилар ҳамда скрипкачиларники сингари хорғин осилиб тушди, флейта чалувчи ҳам кўз қисиб қўйди-да, флейтани филофига жойлай бошлади. Эшиклар ланг очилиб, муздек салкин хаво димокқа урилди, остонада пальтога ўранган хизматкорлар кўринди, бар (майхона) хизматчиси чироқни ўчирди. Ҳамма нарса шарпага ўхшаб, ваҳимали тарзда айқаш-уйқаш бўлиб кетди, ҳозиргина гул-гул очилиб, ёниб, қизиб турган раккослар аёздан қунишиб, пальтоларига ўранишиб, ҳатто ёқаларини ҳам кўтариб олдилар. Хермина ҳам ранги оқарган, аммо жилмайиб турарди. У секин қўлларини кўтариб, сочларини

орқага тарай бошлади, шунда унинг кўлтиқости чуқури чирок нурида ялтираб, ингичка нафис соя унинг ёпик сийнасига тушди ва мана шу биргина соя-чизик гўзал гавдасидаги бутун сеҳр-жодулари, барча ўйинлари-ю имкониятларини, биргина табассум янглиғ камраб, жамлаб, умумлаштириб юборадигандек туюлди.

Биз — зал ва уй ичидаги охирги меҳмонлар, бир-биримизга тикилганимизча туриб колгандик. Қаердадир пастда эшикнинг тарақлагани, қадахнинг жаранглаб сингани, кимларнингдир хиринг-хиринг кулгиси эшитилди, уни шошилинич ўт олдирилайётган автомобилларнинг каттик шовкини босиб кетди. Аллақайда, аниқлаш қийин бўлган олислик ҳамда юксакликда, фавқулудда жарангдор ва қувнок, шу билан бирга, ваҳимали ва ёт кулги янгради, бу кулги гўё муз ҳамда биллурдан ҳосил бўлгандек, чакноқ ва жарангдор, бироқ совуқ ва лоқайд эди. Бу ажиб кулги менга таниш туюлди, бироқ уни қаерда эшитган эканман, сира эслай олмадим.

Биз ҳамон бир-биримизга тикилиб турардик. Бир зум ўзимга келиб, хушёр тортдим, роса ҳориб, чарчаганим энди билина бошлади, эгнимдаги тер босган ҳўл кўйлак баданимга ёқимсиз ёпишиб, йўғон томирлари кўриниб турган билақларим, қизарган кўлларим эзилган, ғижим, терлаган манжетлардан чиқиб турарди. Бироқ Ҳерминанинг биргина нигоҳи буларнинг барчасига шу захоти барҳам берди. Унинг нигоҳида ўзимни ўзим кўриб тургандек эдим, бу нигоҳ олдида барча воқелик, шу жумладан, менинг унга бўлган хиссий соғинчим ҳам барбод бўлганди. Биз бир-биримизга сеҳр-жоду қилинган кишилардек, мафтункор қарардик, менинг майда бечорагина вужудим ҳам ўз-ўзини кузатиб турарди.

— Тайёрмисан? — сўради Ҳермина ва ундаги табассум, боя сийнасидаги соя янглиғ, тезда сўнди. Нотаниш хоналарда янграган ўша бегона, ёт кулги олисларга ва юксакликларга сингиб йўқолди.

Бош ирғадим. Ҳа, мен тайёр эдим.

Эшикда мусикачи Пабло кўринди, унинг аслида хайвон кўзларининг ўзгинаси бўлган кўзлари бизга кувнок ва шодон боқарди, бироқ хайвонларнинг кўзлари одатда доимо жиддий бўлади, унинг кўзлари эса кулиб турарди, худди шу табассум уларни одамникига айлантирган бўлса ажаб эмас. У бизга қўл силкиди, бунда унинг бутун дилкашлиги мужассам эди. У гулдор шойи пижама кийиб олган, унинг қизил қайтарма ёкалари, ивиб кетган кўйлаги, хорғин оппоқ чехраси қандайдир ғалати, рангсиз, хира ва сўлғин кўринар, бироқ чакнаб турган қора кўзлари буни пардалаб турарди. Бу кўзлар воқеликни ҳам измига олиб, сеҳр-жодулаб кўйгандек эди. Унинг ишораси билан яқин бордик, эшик тагида у менга секин шундай деди:

— Ҳарри оға, бугун мен сизни мўъжазгина кўнгилхушликка таклиф этмоқчиман. Фақат жиннилар учун, кириш баҳоси ақл. Тайёрмисиз?

Мен яна бош ирғадим.

Ёкимтой йигит! У бизни назокат ва ғамхўрлик билан қўлларимиздан тутиб, Ҳерминани ўнг томонига, мени эса чап томонига олиб, зина бўйлаб юқорига, кичкинагина думалоқ хонага бошлади. Хона ичи кўкимтир тусда ёритилган бўлиб, мўъжазгина юмалоқ стол ва учта оромкурсини ҳисобга олмаганда, деярли бўм-бўш эди. Биз аста оромкурсиларга чўқдик.

...Биз ўзи қаерда эдик? Мен ухлаётганмидим? Ё уйдимидим? Ё бўлмасам, бирорта машинага ўтириб, кетаётганмидим? Йўқ, мен кўкиш тусда ёритилган думалоқ хонада ўтиргандим, хавоси тор жойда, ниҳоятда сийрак, ғовак бўлиб қолган воқелик қатламида эдим. Унда нега Ҳермина бунчалик оқариб кетди? Пабло намунча кўп гапирди? Мабодо уни гапиртирган, у бўлиб гапирган мен ўзим эмасмидим? Унинг қора кўзларидан ҳам, Ҳерминанинг кулранг кўзларида бўлгани каби, менинг ўз вужудим — адашган тортинчок кўнгил қараб турмаганмиди?..



Дўстимиз Пабло бизга қараб гапира бошлади. У кўп ва узок гапирди, унинг нигоҳида ўзининг бутун дилкашлиги ҳамда бир оз сёртакаллуф илтифоти мужассам эди. Унинг бунақанги равон гапирганини ҳеч қачон эшитмагандим, уни аслида баҳс-мунозара ҳам, бирор фикрнинг аниқ ифодаси ҳам кизиқтирмасди, ундан бирор фикр чиқишини ҳам кутмагандим, у эса, ёкимли овози билан равон ва беҳато гапирарди.

— Дўстларим, мен сизларни Ҳарри анчадан буён ўзи хоҳлаётган, анча пайтдан бери ўзи орзу қилаётган мусоҳабага таклиф этмоқчиман. Вақт алламаҳал бўлиб қолди, ҳаммамиз ҳам бир оз толиққанмиз. Шунинг учун аввало, озгина дам олиб, нафасни ростлаб олсак.

У шундай деб, девор тоқчасидан учта қадахча билан мўъжазгина ғалати шиша идиш ҳамда рангдор ёғочдан ясалган кичкинагина ғаройиб қутича олди. Учала қадахчаларга тўлдириб қўйиб чиқди, қутичадан эса учта ингичка, узун, сарик сигарета, шойи камзулининг чўнтагидан чакмоқтош чиқариб, бизга олов тутди. Ҳар биримиз оромкурсиларга суюниб, хузур қилиб чека бошладик, сигареталар гўё ладан\* тутунидек қуюқ бурқсирди. Қадахчалардаги ширин-нордон ичимликдан ҳам оз-оздан хўплаб кўярдик, унинг таъми қандайдир ғалати, тахир эди, бироқ ичган одамнинг аста кайфияти кўтарилиб, гўё ичи газ билан тўлдирилгандек, ўзини вазнсизлик ҳолатида сеза бошларди. Шундай қилиб, учов оз-оздан тортиб чекар, қадахчаларга дам-бадам лаб қўйиб, кам-кам ичиб, ором олардик. Бирпасда ўзимизни анча енгил ва шодон хис эта бошладик. Пабло паст, бўғик, бироқ ёкимли овоз билан сўзида давом этди:

— Азизим Ҳарри, сизни бугун арзимасгина дастурхонга таклиф этиш шарафига муяссар бўлишимнинг ўзиёқ менга қувонч бағишлайди. Сиз кўпинча ўз ҳаётингиздан нолиб, кетишга ҳам чоғланиб юрасиз, шундайми? Сиз бу замон, бу дунё, бу воқеликни тарк этиб, ўзингизга

---

\* *Ладан* – баъзи бир ўсимликлардан олинадиган, диний маросимларда тутатиладиган хушбўй мум (смола).

мосрок бошка бир вокеликка, вақтга боғлиқ бўлмаган бошка бир оламга кўчиб ўтишни истайсиз, бунга интиласиз. Азиз дўстим, майли, буни килаверинг, мен ҳам сизга худди шуни таклиф қилмоқчийдим. Сиз ўша бошка олам қаердалигини, ўзингиз излаётган ўша дунё ўз қалбингизда эканлигини яхши биласиз. Фақат, сизнинг ўз ботинингизда, ўзингиз интилаётган ўша жойда бошка вокелик мавжуддир. Модомики, ўзингизда ҳеч нарса мавжуд эмас экан, мен ҳам сизга ҳеч нарса бера олмайман, мен фақат сизга ўз қалб-кўнглингиз суратларинигина кўрсатишим мумкин, холос. Такрор айтаман, мен сизга ҳеч нима беролмайман, фақатгина фурсат, имкон, калит беришим мумкин. Мен сизга ўз оламингизни кўра олишингизда ёрдамлашиб юбораман, шу холос.

У гулдор пижамасининг чўнтагидан думалок кўзгу чиқариб, деди:

— Қаранг, айти пайтгача сиз ўзингизни худди шундай кўриб келгансиз!

Шундай деб, кўзгучани кўзларимга яқин олиб келди (шу дам болаларнинг «Кўзгучажон, кўзгуча, қўлимдадир кўзгуча»\* деган шеъри ёдимга тушди), унда мен бир оз хира тортган, бироқ ваҳимали, ўз-ўзидан жунбишга келаётган, қайнаб-кўпчиётган суратни кўрдим: у ўзим, Ҳарри Ҳаллер эдим ва мана шу Ҳарри Чўл бўриси эди, у гўзал, юраксиз, адашган ҳамда кўркув-хавотир ила боқаётган Бўри эди, унинг кўзлари дам дарғазаб сачрар, дам ғамга ботарди. Худди мана шу Бўри Ҳаррини бетўхтов турли-туман киёфага солар, гўё дарё бўйидаги ирмоқ дам-бадам бошка рангга кириб, тўлганиб, курашиб, кўпириб, бир-бирини ютиб юборгудек бўлиб, ўз шакл-шамойили томон шиддат билан интилар эди. Мана шу суюқлик сингари оқувчан, ярим шаклланган бўри чиройли, бироқ журъатсиз кўзлари билан менга маъюс ва ғамгин боқарди.

---

\* *Кўзгучажон, кўзгуча, қўлимдадир кўзгуча* – ака-ука Гримм эртакларидан бири – «Қорқиз»даги шеърга ўхшатма.

— Ҳа, шундай кўриб келгансиз, — такрорлади Пабло майин овозда, сўнг кўзгуни яна чўнтагига солиб қўйди. Мен миннатдорлик билан кўзларимни юмдим ва ҳаётбахш ичимликни ҳўплашда давом этдим.

— Мана, бир оз дам олдик, — деди Пабло ниҳоят, — озгина бўлсаям қувватланиб, хангомалашдик. Агар чарчамаган бўлсаларингиз, мен ҳозир сизларни ўз панорамамга\* олиб бораман, у ерда сизларга ўзимнинг мўъжазгина театрими кўрсатаман. Розимисизлар?

Биз ўрнимиздан кўзгалдик, Пабло жилмайганича йўл бошлади. Бир эшикни очиб, дарпардани ён томонга сурди, биз энди, агар шу театр бўладиган бўлса, унинг думалок, такасимон йўлагида турардик, ўртадан, қия йўлакнинг икки тарафидан эса жуда кўп, сон-саноксиз торгина ложа эшиклари бошланарди.

— Мана, шу бизнинг театр, — тушунтира бошлади Пабло, — у жуда қувноқ театр, бу ерда одамни кулдирадиган кўп ажойиб воқеаларнинг шохиди бўласизлар, деб ўйлайман.

У шундай деб, қаттиқ кулиб юборди, унинг кулгиси қисқа бўлса-да, қулоқларим том битиб колаёзди, бу ўша, боя менга юкоридан туриб эшитилган жарангдор, бегона, ёт кулгининг худди ўзи эди.

— Менинг театрчамда сизлар истагандан ҳам кўра кўп, ўн ё юз ёки мингта ложа эшиклари бор ва ҳар бир эшик ортида айнан излаётган нарсангиз сизларга мунтазир. Билсангиз, азиз дўстим, бу шундай бир ажойиб суратхона, бироқ уни ўзингиз қандай бўлсангиз шундай ҳолатда айланиб чиқишдан фойда йўқ. Сиз ўзингиз ўз шахсиятингиз деб аташга кўникиб қолган нарса бунга йўл қўймайди. Шубҳасиз, ўзингиз аллақачон англаб етдингизки, вақтни енгил, воқеликдан ҳалос бўлиш ва хоказо нарсалар, сиз ўз интилишларингизни нималар деб

---

\* *Панорама* — доира шаклидаги бинонинг ички деворига гир айлана ишланган, ҳақиқий манзарадай туюладиган йирик расмлар галереяси.

атаманг, барчаси ўз шахсиятингиздан қутулиш истагидан бошқа нарса эмас. У ўзингиз ўтирган турма. Агар театрга қандай бўлсангиз, шундайлигингизча кирганингизда эди, барчасини Ҳаррининг кўзлари билан, Чўл бўрисининг эски кўзойнаги билан кўрган бўлардингиз. Шунинг учун ҳам сизга бу кўзойнакдан воз кечиш ҳамда ўз хурматли шахсиятингизни марҳамат қилиб шу ерда, гардеробда қолдиришингиз таклиф қилиняпти, хоҳласангиз, улар ҳар доим яна ихтиёрингизда. Ўзингиз иштирок этган гўзал рақс оқшоми, Чўл бўриси ҳақидаги трактат ва ниҳоят, ҳозиргина истеъмол қилганимиз танани уйғутувчи дори-дармонлар сизни бунга етарли даражада тайёрлаган бўлса керак, деб ўйлайман. Сиз, Ҳарри, ўз кадрли шахсиятингизни мана бу ерда — гардеробда ечиб қолдирганингиздан сўнг, театрнинг чап тарафи сизнинг ихтиёрингизда бўлади, Ҳерминага эса ўнг тарафи, ичкарида, агар лозим бўлса, учрашишларингиз мумкин. Марҳамат, Ҳермина, ҳозирча сен парда ортига ўта тур, аввал Ҳаррига йўл кўрсатай.

Ҳермина ўнг тарафдаги орқа деворни ердан то гумбазгача қоплаб турган улкан кўзгу ортига ўтиб, ғойиб бўлди.

— Қани, Ҳарри, келақолинг, кайфиятингизни туширманг. Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад ҳам — сизнинг кайфиятингизни кўтариш, сизни қулишга ўргатишдир. Умид қиламанки, бунда ўзингиз менга ёрдам берасиз. Ўзингизни яхши ҳис қилаётгандирсиз, ҳойнаҳой? Шундайми? Қўркмаяпсизми ишқилиб? Демак, яхши, жуда яхши. Ҳозир сиз сира кўркмасдан, дилдан ҳузурланиб, бизнинг омонат дунёга қадам ранжида қиласиз, у ерда шунчаки йўлига ўзингизни ўзингиз ўлдирасиз, одат шунақа.

У яна чўнтагидан кичкина кўзгуни чиқариб, юзимга тутди. Менга яна чигал, хира, жанг қилаётган бўри киёфасидаги Ҳарри қараб турарди. Бу киёфа яхши таниш бўлса-да, аслида ёқимсиз сурат эди, шунинг учун уни чилпарчин қилиб ташлаш менга қийин эмасди.

— Энди кераксиз матох бўлиб колган ушбу сурат-кўзгуни, азиз дўстим, ҳозирок йўқ киласиз, энди у сизга ортик керак эмас. Кайфиятингизга қараб, ушбу суратга самимий кулги билан қарасангиз, шунинг ўзи кифоя. Сиз ҳозир бу ерда кулги мактабидасиз, энг аввал кулишни ўрганишингиз керак. Энг юксак юмор ҳам, аслида, инсон шахсан ўзини ўзи жиддий қабул қилмай қўйган пайтдан бошланади.

Мен қўлимдаги кўзгучага қаттиқ тикилдим, унда Ҳарри-бўри талвасага тушиб турарди. Бир зум хотирами, ватан соғинчими ё армонми, шунга ўхшаш нимадир пайдо бўлиб, ичимни секин-аста кемира бошлади, оғрик турди, сўнгра енгил маъюслик янги ҳиссиётга ён бериб, гўё кокаиндан қарахт жағдан оғрик тиш суғуриб олинди-ю, унинг ўрнини енгиллик ва чуқур хўрсиниш, айни пайтда оғритмаганидан таажжубланиш эгаллади. Ва бу ҳиссиётга яхши кайфият ҳамда кулағонлик келиб қўшилди-да, мен ортик чидаёлмай, гўё бир нимадан халос бўлгандек, кулиб юбордим. Хира сурат-кўзгуча ялт этиб ўчди, унинг юмалоқ юзаси гўё ўт тушгандек, кулранг тусга кириб, дағаллашиб, янада хира тортиб колди. Пабло кулганича ойна парчасини улоктириб юборди, у юмалаб бориб, охири кўринмаётган йўлак адоғида кўздан йўколди.

— Кулишинг чаккимас, Ҳарри, — деди Пабло, — хали умри боқийларга ўхшаб кулишни ҳам ўрганиб оласан. Мана, ниҳоят, Чўл бўрисини ўлдирдинг. Устарага ҳожат йўқ энди. Ҳушёр бўл, илойим ўлгани чин бўлсин! Энди биратўла аҳмокона воқеликни ҳам тарк этишинг мумкин. Баҳонада кейинги гал сен билан брудершафт\* учун ичамиз, азизим. Сен бугун менга жуда ёкиб колдинг, илгари ҳеч қачон бунақа бўлмаганди. Гапларимга аҳамият берадиган бўлсанг, сен билан кейин хоҳлага-

---

\* *Брудершафт* – бир-бирини сансирашга ўтиш учун чуқиштириб ичиш.

нингча фалсафами, бошқами, бахс-мунозара қилаверамиз, мусика ҳақида, Моцарт, Глук ва Платон ҳамда Гёте ҳақида ҳам суҳбатлашаверамиз. Илгари ишинг нега юришмагани сабабини мана энди билиб оласан. Шояд, бугун Чўл бўрисидан қутулсанг. Чунки, ўз-ўзингни ўлдиришинг аслида узил-кесил, якуний хулоса эмас; биз бу ерда мағиявий театрдамиз, бу ерда факат суратлар мавжуд, вокелик эмас. Гўзал ва қувноқ расмлардан ўзингга ёққанини танлаб ол, токи ўз шубхали шахсиятингдан воз кечганинг маълум бўлсин! Борди-ю, уни яна кўнглинг қўмсаб қолгудек бўлса, мен сенга хозир кўрсатдиган кўзгуга қайта назар ташласанг кифоя. Ўзинг биласан-ку, эскиларнинг доно гапини: «*қўлимдаги битта кўзгуча — девордаги иккитасидан яхши (афзал)-роқдир*». Ха-ха! У яна гўзал ва ваҳимали кулди. — Шундай қилиб, энди бир кичкинагина, қувноқ маросимни ўтказиш қолди. Сен энди ўз шахсиятинг кўзойнагидан қутулдинг, қани, кел, манови ҳақиқий кўзгуга бир карагин! Ўзингга ҳам ёқиб қолиши турган гап.

У кулганича мени ғалати эркаларкан, маҳобатли девор-кўзгуга рўпара қилди. Ва унда ўз аксимни кўрдим.

Ўзимга таниш Ҳарри менга қараб турарди, бироқ унинг кўриниши одатдагидек эмас, балки чехраси очик, юз-кўзлари кулиб турар, кайфияти яхши эди. Аммо унга разм солиб улгурмасимданок, сочилиб кетди, ундан иккинчи бўй-баст ажраб чиқди, сўнг учинчи, ўнинчи, йигирманчи... ва бутун улкан ойна нуқул Ҳаррилар ёки Ҳарри бўлаклари, сон-саноксиз Ҳарривойлар билан тўлиб-тошди, уларнинг хар бирини эса мен яшин тезлигида илғаб, таниб қолаётандим. Бу Ҳарриларнинг баъзилари ўзимга ўхшаб қари, айримлари қарирок, баъзилари қартайиб қолган, бошқа бировлари эса бутунлай ёш, ўғил болалар, йигитчалар, мактаб болалар, шўх зумрашалар

эди. Эллик ёшли ва йигирма ёшли Ҳаррилар аралаш-қуралаш, у ёқдан-бу ёққа бетартиб югуришар, сакрашар, ўттиз яшар ҳамда беш яшар, жиддий ва шўх, ҳурматли ҳамда кулгили, яхши ва жулдур кийимли ва ҳатто бутунлай яланғочлари, сочсиз, тақир ҳамда жингалак сочлари узун, уларнинг барчаси мен эдим, уларнинг ҳар бири, яшин тезлигида кўриб, таниб улгурмасимданок, ғойиб бўлишар, ҳар томонга, чапга, ўннга, қуйига ва ойнадан ташқарига қараб югуришарди. Биттаси, ёш, башанг йигитча чакқонлик билан Паблонинг кўксига сакраб, уни қучоқлаб олди ва у билан бирга қаёққадир ғойиб бўлди. Яна бири эса, менга, айниқса, ўша бола ёқиб колди, ўн олти ё ўн етти ёшлардаги ёкимтой, келишган ўсмир бола йўлакка яшиндай тушиб келди, барча эшиклардаги ёзувларни хирс билан ўқиб чиқди, мен ҳам унинг кетидан эргашдим, у эшиклардан бирининг олдида тўхтаб колди, мен ундаги ёзувни ўқидим:

**Бир марка ташласанг,  
барча қизлар сеники!**

Ёкимтой йигитча, бошини олдинга чўзиб, олға интилди, пул ташланадиган тиркишга ўзини уриб, эшик ортида кўздан ғойиб бўлди.

Пабло ҳам ғойиб бўлган эди, ойна ҳам, унга қўшилиб беҳисоб Ҳаррининг кўринишлари ҳам. Энди ихтиёрим ўзимда, шунингдек, театрга ҳам боғлиқ эканини сездим, кизиқувчанлик билан эшикма-эшик кеза бошладим, уларнинг ҳар бирида ёзув, васваса, ваъда битилган эди.

**Кувнок овга олға!  
Автомобиллар катта ови**

деган лавҳа диққатимни тортди, торгина эшикни очиб, ичкари кирдим.

Қарасам, шовкин-суронли ва изтироб-хаяжонли дунёга тушиб қолибман. Кўчаларда ярим зирҳли автомобиллар физиллаб елишар, улар пиёдаларни овлаш билан овора, уларни босиб, пачоғини чиқаришар, уйларнинг деворларигача қисиб бориб, ҳалок этишарди. Дарҳол тушундим: одамлар билан машиналар ўртасида кураш борарди, унга узок тайёргарлик кўрилган, узок кутилган, узок кўркишган, ниҳоят, мана энди у қизғин бошлаб юборилган эди. Ҳаммаёқда ўликлар, майдалаб, бурда-бурда қилиниб ташланган мурдалар ётар, ҳаммаёқда пачоғи чикқан, эгилиб-букилиб, қийшайган, ярим куйган автомашиналар кўзга ташланар, бу бетартиб алғов-далғов узра учоқлар чарх уриб айланишар, уларни ҳам кўпгина томлар ва деразалардан туриб, ов милтиқлари ҳамда пулемётлардан ўққа тутишарди. Барча деворларда эса йўғон ҳарфлар билан тўлдирилган қизғин, жўшқин, дабдабали, вас-васага тўла плакатлар машғалалар каби порлар, улар миллатни ниҳоят, машиналардан ҳимоя қилишга, машиналар ёрдамида бошқаларнинг ёғини сиқиб олиб, тинқасини қуритиб, оқибатда семириб кетган, чиройли кийинган, ўзларидан хушбўй ислар таратаётган бойларни бе-хосият қалдираётган, кулоқларни қоматга келтириб гувиллаётган, тинмай «йўталаётган» бутун автомобил-павтомобиллари билан кўшиб уриб ўлдиришга ва ниҳоят, фабрикаларга ўт кўйиб, кирғин қилиб, ифлосланган, оёкости қилинган Ерни бир оз тозалашга чакирарди, токи заминда яна ўт-ўлан ўссин, чанг-ғубор босган, цемент бетондан иборат бу дунё бағрида ўрмонлар, ўтлоқлар, яйловлар кўқарсин, сойлар шарқираб оқиб, ботқоқликлар ястаниб ётсин. Ажойиб расмлар билан безатилган, гўзал услубда, нозик, бунинг устига болаларча ранг-тус берилган, фавқулудда ақл-заковат билан ёзилган бошқа плакатлар, аксинча, барча мулкдорлар ҳамда ақлли, доно одамларни бўлажак анархия тартибсизликларидан огоҳ этар, ҳуқуқ-тартибот, меҳнат, мулк ва маданиятнинг самарасини таъсирли тарзда тасвирлаб, машиналарни мак-



тар, уларни инсониятнинг энг юксак ва сўнги ихтироси эканлигини таъкидлаб, уларнинг ёрдамида тангриларга айланиб кетиш ҳеч гапмаслигини уктиришарди. Қизил ва яшил рангли плакатларни ўқиб, ҳам қойил қолардим, ҳам чуқур ўйга толардим, улардаги оташин сўзамоллик, қатъий мантик менга зўр таъсир қилганди, улар ҳақ эди, бунга ишончим қомил эди, шу аснода дам унисининг, дам бунисининг олдида турарканман, атрофда бўлаётган олатасир отишмадан ҳаёлим бўлинди. Воқеа маълум эди: уруш борарди, уруш бўлгандаям шиддатли, зўр ва ўта ёқимли уруш эди, чунки уруш кайзер, республика, қуруқликдаги чегаралар, байроқлар ва рамзлар ҳамда шу сингари манзарали ва театрга оид арзимаган майда-чуйда нарсалар учун ҳам бўлмаётганди, балки ундаги ҳар бир ҳаво етишмай қолган, ҳаёт ёқмай, ортик қониктирмай қўйган одам борки, аламини ёркин ифода билан изҳор қилишга, қуруқ, маънисиз тамаддунли дунёни вайронага айлантиришга интилар эди. Вайронагарчилик ва қонхўрлик истаги уларнинг юз-кўзларида шундоққина, очиқ-ойдин акс этиб турарди ва менинг ботинимда ҳам ана шу қизил рангли ёввойи чечаклар жунбишга келиб, бўй чўза бошлади. Бу кураш мени ҳам беихтиёр ўз домига тортди.

Энг қизиғи, шу пайт тўсатдан ёнимда мактабдош ўртоғим Густав пайдо бўлди. У неча ўн йиллаб дом-дараксиз кўринмай кетганди, болаликдаги дўстларим орасида энг шўҳи, энг бақуввати ва ҳаётга энг ташнаси ҳам шу эди. Унинг оч кўк кўзлари менга қулиб қараб турарди, бундан хурсанд бўлиб кетдим.

— Ё раббий, Густав, — дедим шодланиб, — сени кўрар кун ҳам бор экан-ку! Нима касб-кор қилаяпсан, оғайни?

У гижиниб қулди, болалик пайтларида ҳам шунақа одати бор эди.

— Нодон, дарҳол сўраб-суриштирганинг нимаси, жаврашиб ўтирадиган пайтмикан ҳозир? Илоҳиёт профессио-

ри бўлганман, билсанг, лекин хозир, кўриб турибсан, теология қаёқда, уруш бораяпти, болакай. Қани, бўлақол!

Шу пайт рўпарадан пишқириб, кичикрок автомобиль чиқиб келди, у ҳайдовчини шартта отиб ташлади-да, олмагондек чакқонлик билан унинг ўрнига ўтирди ва машинани тўхтатди, мен ҳам лип этиб чиқиб олдим, иккаламиз ёғилиб турган ўқлар ва ағанаб ётган машиналар орасидан куюндек елиб, аввал шаҳарга, сўнг шаҳар ташқарисига қараб йўл олдик.

— Фабрикантлар тарафидамисан дейман? — сўрадим дўстимдан.

— Э, нима десамикин, бу ҳар кимнинг таъби, буни хали ўйлашиб кўрамиз. Аммо биласанми, менимча бошка бир партияни ёқлаганимиз маъқулрок, аслида алихўжа-хўжаали, барибирку-я. Мен теологман, бобокалоним Лютер ўз даврида князлар ва бойларга ёрдам берган экан, биз энди бунга бир оз тузатиш киритамиз. Ёмон машина экан, ишқилиб бир неча километрга чидаса бўлди!

Само фарзанди — шамолдек елиб борардик, шу юришда ям-яшил сокин водийга кириб бордик, ўзиям анчагина йўл босиб кўйибмиз, кенг, каттакон текисликдан ўтиб, сўнг аста-секин улкан тоғ этагига етиб бордик. Шу ерда — тик қоя ва кескин муюлишлардан иборат бўлган, ўқлардан сақланиш учун мўлжалланган пастаккина тупрок уюмлари ўртасидан ўтган силлик, яркираб турган йўл устида тўхтадик, ҳув пастда мовий кўл мавжланиб турарди.

— Ажойиб жой экан, — дедим мен, атрофга бокиб.

— Жуда зўр жой. Бу ерни Аксенштрассе\* деб атасак ҳам бўлади, негаки турли-туман дайди ўқлар худди шу ерга келиб тушади, хушёр бўл, Харривой!

Йўл ёқасида улкан пиния\*\* дарахти бўлиб, унинг тепасида ёғоч-тахталардан қапа-чайлага ўхшатиб қурилган уйчага кўзимиз тушиб колди. Маълум бўлишича, у ер назо-

\* Аксенштрассе — сўз ўйини: олмон тилида «ўк кўча» дегани.

\*\* Пиния — итальян қарағайи.

рат ва кузатиш жойи экан. Густав менга қараб кулиб, кўк кўзларини муғамбирона қисиб қўйди ва биз тезда машинадан тушдик-да, дарахтга тирмашиб чиқа бошладик. Уйча жуда маъкул тушди, биз у ерга яшириниб олгач, енгил нафас олдик. Бу ерда милтиклар, тўппончалар, ўк-дори солинган қутилар ётарди. Ҳали жойлашиб улгурмасимизданок, пастдаги энг яқин муюлиш ортидан люкс машинанинг амирона ва бўғиқ сигнали эшитилди, у сирена чалганича яркираб турган тоғ йўлидан юқори тезликда шувиллаб келарди. Биз қўлимизда милтикларни маҳкам тутиб турардик, буёғи худди кинолардагидек марокли эди.

— Ҳайдовчини нишонга ол! — буюрди Густав. Шундоқ остимиздан оғир юк машинаси ўтиб борарди. Мен ҳайдовчининг ҳаворанг қалпоғини мўлжалга олиб, тепкини босдим. У ўтирган жойидан қулаб тушди, автоулов эса яна бир оз юриб, қоя деворига урилди, зарб билан қапчиб, улкан семиз тукли арига ўхшаб, пастак деворга тиралди-да, кейин ўмбалок ошиб, пастга қарсиллаб қулади.

— Тайёр! — мамнун кулди Густав. — Кейингисини мен оламан.

Шунда физиллаб, яна битта машина келиб қолди, унинг ичида, юмшоқ ўриндиқларда уч ёки тўрт йўловчи ўтирарди. Улардан бири — аёлнинг бошида оч кўк-хаворанг рўмолми, ёпинчикми кўринди, очиғи, унга раҳмим келди, ким билади, балки у энг гўзал, келишган аёлдир... Ё раббий, агар биз қароқчилик қилаётган бўлсак, улуғлардан ибрат олиб, шоввозларча ваҳшийлигимизни шундай келишган аёлларга нисбатан қўлламаслигимиз лозим эди, шунда балки тўғрирок ва олийжаноброқ бўлармиди... Густав эса аллақачонок ўк узиб бўлган эди. Ҳайдовчи бир қалкиб, тинчиди, машина тик қояга урилиб, ағанаб кетди, филдираклари тепага қараб, йўл ўртасида «чапак чалиб» қолди. Биз жимгина кузатиб турардик, ҳеч нарса қимир этмас, тузўкка тушиб қолгандек, уловдаги одамлардан ҳам садо чикмасди. Машина эса ҳамон

гуриллар, ғилдираклари ҳавода муаллақ ғалати айланарди. Шу пайт у тўсатдан кўрқинчли қарсиллаган овоз чиқариб, ёруғ оқиш аланга ичида қолди.

— «Форд» машинаси, — деди Густав. — Пастга тушиб, йўлни тозалаб қўймасак бўлмайди.

Биз пастга тушдик, йўл ўртасида бир уюм олов гуриллаб ёнарди. Бу орада биз ёш дарахт ёғочидан ҳавозапишанг ясаб, уни ён тарафга, йўл четига сал кўтариб олиб қўйдик, сўнг жарлик томон аста сурдик, ниҳоят, у бутазор орасида қасир-қусур қилиб, портлаб кетди. Уловни ўнгараётганда ундан тушиб қолган иккита ўлик ерда ётарди, уларнинг уст-бошлари ҳам қисман куйган эди. Биттасининг кийими бутун қолган экан, кимлигини билиш учун чўнтақларини қовлаштираман, қўлимга чарм портфель илинди, унда ташрифномалар бор эди. Биттасини олиб ўқидим: «Тат твам аси»<sup>\*</sup>.

— Жуда кизик, — деди Густав. — Аслида, биз асфаласофилинга жўнатаётган одамларнинг кимлиги билан заррача ишимиз йўқ. Улар ҳам худди ўзимизга ўхшаган бечоралар, гап исми шарифида эмас. Бу дунё йўқ бўлиши керак, унга қўшилиб ўзимиз ҳам. Энг осон йўли, уни ўн дақиқа сувга чўқтирсанг, тамом-вассалом. Қани, ишга!

Машина кетидан ўликларни ҳам улоқтирдик. «Дут-дут» сигнал чалиб, яна янгиси келиб қолди. Шундоқ йўл устида туриб, уни олатасир ўкка тутдик. У чайқалиб, бир оз айланди-да, сўнг деворга урилиб, ағанани ва «пиш-пиш» лаб жойида қолди, ичидаги бир йўловчи ўтирган ўрнидан қимирламади, келишган ёш қизча эса, кўрққанидан ранги оқариб, дир-дир титраб, машинадан тушди. У билан самимий саломлашиб, унга ўз хизматларимизни таклиф қилдик, бироқ киз ўта кўрққаниданми, тили калимага келмай, бизга бир зум телбаларча тикилиб қолди.

---

\* «Тат твам аси» — «Бу — сенсан» (санскрит).

— Майли, аввал анов кекса жанобнинг холидан хабар олайлик, — Густав шундай деб, ҳалок бўлган ҳайдовчининг ортида, ўриндикда ҳамон муаллақ қолган йўловчига ўгирилди. Жанобнинг кулранг сочлари калта килиб қирқилган, оч кулранг ақлли кўзлари очиқ, ўзи оғир яраланган шекилли, оғзидан озгина қон оққан, бўйини қийшайтириб, аммо тик тутиб турарди.

— Рухсат этинг, мухтарам жаноб, менинг исмим Густав. Биз сизнинг ҳайдовчингизни отиб ўлдирдик. Билсак бўладими, ким билан танишишга мушарраф бўлаётганимизни?

Қариянинг кичкина кулранг кўзлари вазмин ва маъюс боқди.

— Мен бош прокурор Лёринг бўламан, — деди у секин. — Сизлар нафақат бечора шофёримни, балки ўзимни ҳам ўлдирдинглар, сезиб турибман. Нега энди бизни ўққа тутдинглар?

— Ўта юқори тезликда юрганингиз учун.

— Биз нормал тезликда келдик-ку.

— Кечаги меъёр бугунга тўғри келмай қолаяпти, жаноб бош прокурор. Биз бугун, умуман, автомобилларнинг ҳар қандай тезлиги ҳам юқори, деган фикрдамиз. Биз энди барча автомобилларни йўқ қиляпмиз, шу жумладан, бошқа машиналарни ҳам.

— Милтиқларингизниямми?

— Уларга ҳам навбат келади, вақти-соати билан. Эҳтимол, эртага ё индинга ўзимиз, балки ҳаммамиз ҳам тинчирмиз. Ўзингиз биласиз, қитъамизда аҳоли ҳаддан зиёд кўнайиб кетган. Энди бир оз енгиллашмаса бўлмайди.

— Танлаб ўтирмай, рўпара келганини отаверасизларми?

— Албатта. Айримларга шубҳасиз, ичинг ачийди, масалан, дейлик, анови ёш, келишган хонимга — у сизнинг қизингиз бўлса керак, хойнаҳой?

— Йўқ, у менинг стенографчи котибам.

— Қандок яхши. Энди марҳамат килиб, машинадан тушсангиз, ё ўзимиз тушириб қўяйликми, чунки машина йўқ қилинади.

— Бирга мени ҳам йўқ қилақолинг, шуниси афзал.

— Ихтиёрингиз. Яна бир савол беришга ижозат этинг! Сиз, мана, прокурорсиз. Менга бир нарса ҳамиша тушунарсиз бўлиб келган. Ҳануз ақлим етмайди, одам қандай қилиб прокурор бўлиши мумкин? Сиз бошкаларни, кўпинча бечора одамларни айблаб, уларни жазога маҳкум этиб, шунинг орқасидан тирикчилик қилиб, яшаб келасиз. Шундай эмасми?

— Шундай. Мен ҳамиша бурчимни бажарганман, чунки бу вазифам эди. Мен маҳкум этган одамларни қатл қиладиган жаллоднинг вазифаси қандай бўлса, худди шундай. Сиз ўзингиз ҳам худди шундай вазифани зиммангизга олиб, одамларни ўлдираётибсиз-ку.

— Тўғри. Фақат биз бурч юзасидан эмас, балки шунчаки эрмак учун ёки аксинча: аламдан, дунёдан умидсизланганимиздан ўлдираяпмиз. Шунинг учун ҳам одам ўлдириш бизга муайян ҳузур бағишлайди. Сиз ҳам одам ўлдириб, ҳеч ҳузур қилганмисиз?

— Жонга тегиб кетдингиз. Марҳамат қилиб, ишингизни охирига етказсангиз. Агар сизга бурч тушунчаси бегона бўлса...

У жим бўлиб қолди, гўё туфламокчи бўлгандай, лабларини бурди. Бироқ оғзидан озгина қон сизиб, иягига оқиб тушиб, қотиб қолди.

— Шошманг! — деди Густав унга хушмуомалалик билан. — Бурч тушунчаси ҳар қалай эсимдан чиқиб кетган бўлиши керак. Илгарилари хизмат юзасидан кўп ишим тушиб турарди, илоҳиёт профессори эдим. Бундан ташқари, аскар ҳам бўлганман, урушдаям қатнашганман. Менинг назаримда, бурч бўлиб туюлган ҳамда менга обрў-эътиборли одамлар ва бошлиқлар томонидан ҳар гал буйруқ тарзида бериладиган жамики топшириқларнинг ақалли биронтасини мутлақо яхши деб бўлмасди ва мен ҳар доим, яхшиси, бунинг аксини қилган бўлардим. Бурч тушунчаси аллақачонлар эсимдан чиқиб кетган бўлсада, ҳар ҳолда гуноҳ нима эканлигини билсам керак — иккаласи ҳам бир нарсадир, балки. Онадан туғилишим-

нинг ўзиёк — гуноҳ, мен энди яшашга маҳкумман, давлат фукароси бўлиш, аскар бўлиш, одам ўлдириш, куролланиш учун солиқлар тўлаш мажбурияти зиммамда бўлади. Мана hozir, шу дақиқада бўлса, бир вақтлар урушда бўлгани каби, ҳаёт олдидаги бурч яна одам ўлдиришга мажбур қилаяпти. Бирок бу гал энди нафрат билан ўлдирмаётибман, чунки гуноҳга кўникиб қолдим. Мен энди мана шу аҳмоқона, бемаъни дунё тутдек тўкилса ҳам, заррача қарши эмасман, аксинча, бунга ўзим бажонидил кўмаклашаман ва ўзим ҳам бирга жон деб ҳалок бўламан.

Прокурор қон ёпишган лабларини қимтиб, бир оз жилмаймоқчи бўлди, лекин эпллмади, шунга қарамасдан, барибир, унинг юз-кўзларидан нияти яхши эканлиги билиниб турарди.

— Яхши, — деди у, ниҳоят. — Демак, бизлар ҳам-касб эканмиз. Марҳамат қилиб, бурчингизни бажаринг, жаноб касбдош.

Гўзал қиз эса бу орада хушидан кетиб, йўл чеккасида ётарди.

Шу лаҳзада «дут-дут»лаб, яна битта машина тўла тезлик билан келиб қолди. Биз қизни бир чеккага олиб, ўзимиз қояга қапишиб олдик. Автомашина тез келиб, каттиқ тормоз берди, йўл устида ағанаб ётган аввалги машинага уриб юбормаган бўлса-да, барибир, тепага қараб, туриб қолди. Дарҳол ов милтиқларимизни олиб, янги келганларга ўқталдик.

— Машинадан туш! — буйруқ қилди Густав. — Кўлингни кўтар!

Машинадан тушиб келган уч киши итоат билан қўлларини кўтариб турарди.

— Ораларингда шифокор борми? — сўради Густав улардан.

— Йўқ.

— Ундай бўлса, марҳамат қилиб, манови жанобни эҳтиётлик билан машинадан туширинглар, у оғир яра-

ланган. Сўнгра уни машинангизда, шахаргача олиб кетинг. Қани олға, ишга киришдик!

Зум ўтмай, кекса жаноб бошқа машинага ўтказилди, Густав команда бергач, улар жўнаб кетишди. Бу орада стенографчи қиз ўзига келиб қолган ва бўлаётган воқеаларни жимгина кузатиб ётарди. Шундай гўзал ўлжани қўлга киритганимиздан ўзимда йўқ хурсанд эдим.

— Фройлайн, — деди Густав қизга, — сиз иш берувчингизни йўқотдингиз. Кекса жаноб сизга у қадар якин бўлмагандир, деб ўйлайман. Сизни мен ўзим ишга олдим, бизга яхши ўрток бўлинг! Хўш, энди ишимиз бир оз шошилинч. Тез орада бу ерда вазият ёмонлашиши турган гап. Дарахтга чика оласизми, фройлайн? Шундайми? Унда кетдик, ўртамизга олиб, сизга ўзимиз ёрдамлашамиз.

Учовимиз жон-жаҳдимиз билан дарахтга тирмашдик. Тепага чикқач, фройлайннинг яна мазаси қочиб қолди, озгина коньяк ичирган эдик, тезда ўзига келди. Қўл ва тоғларнинг ажойиб манзарасини томоша қилиб, таъсирланди шекилли, ниҳоят, ўзини Дора деб таништирди.

Шундан сўнг дарров яна битта машина келиб қолди. У ағанаб ётган автомобиль ёнидан эҳтиёткорлик билан секин ўтиб олди-да, сўнг тўхтамасдан тезликни оширди.

— Юраксизлар! — қулди Густав ва ҳайдовчини дархол отиб ташлади. Улов бир оз «ракс» тушди-да, сўнг деворга бориб урилди, уни эзиб босиб, шундок жар ёқасида қия туриб қолди.

— Дора, — дедим қизга, — милтиқлар билан муомала қила оласизми?

Қизнинг қўлидан бу иш келмасди, милтиқни қандай ўқлашни биздан ўрганиб олди. Аввалига унча қўли келмай бармоғини қонатиб ҳам олди, вой-войлаб, инглизча малҳамли мато сўради. Шунда Густав унга, замон нотинч, уруш бораётганини айтиб, у ўзининг шоввоз, дов-



юрак киз эканлигини кўрсатиши лозимлигини тушунтирди. Сўнгра барчаси изга тушиб кетди.

— Лекин бизнинг тақдиримиз нима бўлади? — сўради киз ундан.

— Билмадим, — деди Густав. — Дўстим Харри келишган аёлларни яхши кўради, у сизнинг дўстингиз бўлади.

— Бироқ улар полиция ва солдатлар билан келиб, бизни ўлдиришади-ку.

— Полиция ва хоказолар энди йўқ. Биз энди танлаш ҳукукига эгамиз, Дора. Ё биз шу ерда, тепада тинчигина ўтирамиз ё бўлмасам, бу ердан ўтмоқчи бўлган барча автомашиналарни бир ёқли қиламиз. Ёки ўзимиз битта машина олиб, жўнаймиз-да, ўқлар ёмғири остида қолиб кетамиз. Али хўжа — Хўжа али, барибир. Мен шу ерда қолиш тарафдориман.

Пастда яна бир машина кўринди, унинг жарангдор сигнали юқорига баралла эшитиларди. Уни ҳам тез саранжомладик, филдираклари осмонга қараб қолаверди.

— Қизиқ, отиш маза экан-ку! Мен бўлсам, урушга қарши чиқиб ўтирибман-а!

Густав гапларимга кулиб қўйди.

— Ҳа, дунёда одамлар кўпайиб кетди. Илгари бу қадар сезилмас эди. Энди эса, ҳар бир одам нафақат нафас олиш, балки автомобилга ҳам эга бўлишни хоҳлаб қолган пайтда, жуда билиниб қоляпти. Албатта, биз оқилона иш қилаётганимиз йўқ, буни болаларга хос хатти-ҳаракат, болалик деса ҳам бўлади. Кейинчалик инсоният ўз кўпайишини оқилона воситалар ёрдамида жиловлашни ўрганиши керак бўлади. Ҳозирча, чидаб бўлмас ҳолатларга хийла нооқилона тарзда муносабатда бўлишимизга тўғри келади, аслида тўғри иш қилаётибмиз: ахир биз камайтираяпмиз...

— Ҳа, — қўшилдим унга, — қилаётган ишимиз балки жинниликдир, эҳтимол, зарур ва яхши иш қилаётгандирмиз, ким билади дейсиз. Агар инсоният ақл-идрок билан битмайдиган ишларга ортиқча бош котираверса,

бу яхши бўлмайди. У холда америкалик ёки большевикларникига ўхшаган омонлар юзага кела бошлайди, уларнинг иккалови ҳам фавқуллоҳда фаросатли бўлишларига қарамасдан ҳаётни шу қадар жўн, соддалаштириб юборишадик, оқибатда уни дахшатли тарзда бузиб кўрсатдилар ва ундан маҳрум қилдилар. Бир замонлар юксак идеал бўлган инсон сурати энди сийқаси чиққан бир қолипга айланиб бормоқда. Биз, жиннилар бўлсак, унга хануз топиниб, ҳайбарақалла қилиб ётибмиз.

Гапларимга Густав қулиб:

— Балосан, болақай, калланг — кони ақл, сени тинглаш ҳам фойда, ҳам қувонч, гапларинг тўғрику-я, бироқ ҳадеб бекорчи ўй-хаёлларга берилавермасдан, милтифингни ўқлаб қўйишни ҳам унутмагин. Чунки ҳар дақиқада буғучалардан бир қанчаси ҳаллослаб келиб қолишлари мумкин, ана унда фалсафанг иш бермай қолади, шунинг учун замбарагинг доим ўқланган бўлсин.

Шу пайт яна бир машина фазиллаб келиб қолди, кўча эса ёниқ эди. Тирик қолган семиз, қизил бошли одам ғалати ҳаракатлар қилиб, дам пастга, дам юқорига аланглаб, ахийри яширинган жойимизни сезиб қолди чоғи, бир нималар деб ғўлдираб, югуриб келди-да, тўппончасидан бизга қарата бир неча марта ўқ узди.

— Жўнанг ҳозирок, акс холда отиб ташлайман, — кичкирди Густав пастга қараб. Пастдаги киши эса уни нишонга олиб, яна ўқ узди. Шунда бирварақайига иккаламиз уни «пах-пах» отиб ташладик.

Яна иккита машина келди, уларни ҳам ишдан чиқариб, саранжомладик. Шундан сўнг кўча жимжит бўлиб, хувиллаб қолди, унинг хавфлилиги тўғрисидаги хабар шаҳарга етиб борган кўринади. Энди атрофдаги гўзал манзарани томоша қилишимизга имкон туғилди. Қўлнинг нариги тарафида, хув пастликда мўъжазгина шаҳарча кўринади, бирдан у ерда тутун пайдо бўлди, сал ўтмай томлардан томларга ўрлаётган оловнинг тили ялтиради, ўқ овозлари эшитилди. Дора пича йиғлаб олди, мен унинг нам юз-кўзларини сийпалаб, юпатдим.

— Нега энди хаммамиз ўлиб кетишимиз керак? — сўради у тўсатдан. Аммо ҳеч кимдан садо чикмади. Шу пайт пастда бир пиёда кўринди, у пачоғи чикиб кетган автомобиллар атрофида бир оз айланиб, у ёк-бу ёғини кўздан кечирди-да, биттасининг ичига бош сукди, сўнг у ердан ола-була қуёш соябони, аёлларнинг чарм сумкаси ва бир шиша вино топволди, девор устига бемалол ўтирволиб, шишани кўтариб ичиб, чўнтагидан станиол\* қоғозга ўралган бир нима олиб ея бошлади, шишани охиригача ичиб бўшатгач, соябонни қўлтиғига қисганича, йўлида шодон давом этди. Буни кўриб, Густавга сўз қотдим:

— Анови ажойиб йигитнинг... пешонасидан дарча очиб қўйиш, қўлингдан келармиди? Худо хаки, мен буни қилолмасдим.

— Керагиям йўк, — тўнғиллади дўстим. Аммо унинг ҳам кўнгли беҳузур бўлгани сезилиб турарди. Беозор, ювош, вазмин, болалардек содда ва бегуноҳ бирор одамга кўзимиз тушди дегунча, манови қилаётган ишларимиз бирданига бемаъни ва жирканч туюлиб кетарди. Жин урсин, хаммасини!.. Биз ўз қилмишимиздан уялиб кетдик. Начора, урушда ҳаттоки генераллар ҳам баъзан шундай аянчли ҳолатга тушар экан.

— Бу ерда узок қолмайлик, — зорланди Дора, — пастга тушайлик, зора машиналардан бирор егулик топсак. Қорниларинг очмадими сизларни, эй болшавойлар?

Хув пастликда, ёнаётган шаҳарда жомлар бесаранжом ва ташвишли чалина бошланди. Биз пастга туша бошладик. Тупроқ уюмидан ўтаётганимизда, Дорага ёрдамлашаётиб, унинг тиззаси очиклигига кўзим тушди. У негадир қаттиқ кулиб юборди. Бирок шу пайт тортиш механизми панд берди ва иккаламиз ҳам бўшлиққа қуладик...

---

\* Станиол — қалайдан тайёрланган зар қоғоз.

Мен яна юмалок йўлакда, хозиргина ўзим шохиди бўлган ов саргузаштларидан ҳамон хаяжонда эдим. Ҳаммаёқда, барча сон-саноксиз эшиклардаги осифлик турфа хил ёзувлар эса ўзига чорларди:

**Мутабор\***

Хоҳлаган, ҳар қандай хайвон ва ўсимликларга айлантира оламан.

**Камасутрам\*\***

Ҳиндча ишқ санъатидан сабоқ ўрганувчилар учун:

Кулавериб, ичагинг узилади.

Рухингиз кўтарилишини истайсизми?  
Шарқ донишмандлиги.

О, қани энди мингта тилим бўлсайди!  
Фақат жаноблар учун.

Мағриб халокати.  
Арзон нарҳда. Ҳали бунақаси бўлмаган.

Санъат тимсоли.  
Мусиқа орқали Вактнинг Маконга айланиши.

Кулавериб, кўзларингиз ёшланади.  
Кулги хонаси.

\* *Мутабор* – Вилхелм Хауфф (1802–1827)нинг Лайлак халифа хақидаги «Карвон» номли эртагида келтирилган сеҳрли сўз. Маъноси: «бошка нарсага айланаман» (лотинча).

\*\* *Камасутрам* – қадимий ҳиндча матн, ишқ санъатидан сабоқ берувчи қўлланма.

**Дарвешона ўйинлар.**  
**Ҳар қандай алоқа-муносабатнинг ўрнини**  
**тўлақонли равишда боса олади.**

Ўзувлар ҳадеганда тугай демасди. Улардан бири:

**Шахсни шакллантириш юзасидан йўл-йўриқлар.**  
**Муваффақият кафолатланган.**

деб аталарди. У эътиборимни жалб қилди, эшикни очиб, ичкари кирдим.

Гира-шира, жимжит хонада бир одам шарқона услубда ерда ўтирарди, унинг олдида каттакон шохмот тахта-сига ўхшаш бир нима бор эди. Даставвал, у дўстим Паблога ўхшаб кўринди, чунки унинг эгнида ҳам гулдор шойи пижама бўлиб, кўзлари ёниб, чакнаб турарди.

— Сиз Пабломисиз? — сўрадим ундан.

— Мен ҳеч ким эмасман, — деди у самимият билан. — Бизда ҳеч қачон ном бўлмайди, биз бу ерда ҳеч қанақанги шахс эмасмиз. Мен шохмотчиман, холос. Шахсни шакллантириш юзасидан сабоқ олмоқчимисиз?

— Ҳа, шундай.

— Ундай бўлса, марҳамат қилиб, фигураларингиздан бир неча донасини менга бериб турсангиз.

— Фигураларингиздан дейсизми?

— Ҳа, уларда ўз шахсиятингиз бўлинган, парчаланган ҳолатда жойлашган бўлади. Доналарсиз ўйнолмайман-ку.

У менга кўзгу тутди, унда менинг бир бутун шахсиятим кўплаб «мен»ларга бўлиниб турганини кўрдим, уларнинг сони янада кўпайгандек туюлди. Бирок фигуралар энди жуда кичкина, мўъжаз шохмот доналаридек келарди, ўйинчи улардан бир неча донасини хотиржам ва дадил чангаллаб олди-да, ерда ётган шохмот тахтаси ёнига териб чиқди. Айни пайтда у кўп ўқилган нутқ ёки маъ-

рузасини такрорлаётган одамга ўхшаб, бирдай гапира бошлади:

— Инсонни бардавом бир бутунлик, яхлит бирлик деб қараш хато ва бахтсизлик келтирадиган тушунчаки, у сизга яхши маълум. Сизга яна шу нарса маълумки, инсон жуда кўп рух-жонлардан, кўплаб «мен»лардан иборат. Шахснинг фараз қилинаётган яхлит бирлигини мана шу кўпгина фигураларга алоҳида-алоҳида бўлиб, парчалаб чиқиш жиннилик ҳисобланади, фан буни шизофрения деб атайди. Фан бу масалада ҳақ, албатта, кўпчиликни бошқарувсиз, муайян тартибот ва гуруҳларсиз жиловлаб бўлмайди. Аксинча, кўплаб ёрдамчи «мен»ларнинг факатгина бир марталик, мажбурий ва умрбод тартиботи мумкин, деб ҳисоблаб, фан янглишади. Фаннинг бу хатоси баъзи бир ёқимсиз оқибатларни ҳам келтириб чиқарган, унинг «аҳамияти» атиги шундангина иборатки, давлат муассасаларида ишлаётган муаллим ҳамда тарбиячилар ўз ишларини соддагина тасаввур қилиб, бу борадаги ҳар қандай фикрлаш ва тажрибаларни ортиқча деб ҳисоблайдилар. Ана шу хато оқибатида кўп одамлар «акли расо» ва хатто ижтимоий тўлақонли саналадилар, аслида улар тузатиб бўлмайдиган телбалардир ва аксинча, баъзи даҳо инсонлар жиннига айлантириб қўйилади. Шундан келиб чиқиб, биз фаннинг тугал, мукамал бўлмаган рухшунослик, рух ҳақидаги таълимотини «тузиш санъати» деб аталадиган тушунча билан тўлдирмоқчимиз. Бу билан биз ўз «мен»ининг бўлиниш-парчаланишини ўз бошидан кечирганларга, унинг бўлақларини хоҳлаган пайтларида, хоҳлаган тартибда янгитдан қайта жойлаштириб чиқиб, бу билан ўз ҳаёт ўйинларининг чексиз хилма-хиллик, ранг-баранглигига эриша олишларини кўрсатмоқчимиз. Шоир бир ховуч одамлардан драма яратганидек, биз ҳам бўлинган «мен»ларимиз фигураларидан янги ўйинлар ва кес-

кин муносабатлар билан, мудом янгича вазиятларда хамиша янги гуруҳлар тузамиз. Мана, қаранг!

У менинг фигураларимни — чоллар, йигитлар, болалар, аёллар — қувнок ва маъюс, кучли ва нозик, чаккон ва сушт фигураларнинг барчасини хотиржам ва аклли бармоқлари билан йиғиштириб олди-да, тахта устида ўйин ўйнагандек тез териб чиқди, ўша заҳоти улар гуруҳлар ва оилалар, ўйинлар ва курашлар, дўстлик ва душманлик ҳамда рақобатларга бўлинишиб, кичкинагина дунёни ташкил этдилар. Менинг кўз ўнгимда ана шу жонли, жўшқин ва кизғин, шу билан бирга обод ва тартибли мўъжазгина олам бир зумда ҳаракатга келиб, ўйинлар ва курашлар майдонига айланди, иттифоклар тузилди, муҳорабалар бўлиб ўтди, бир-бирлари билан ўзаро тил топишиб, уйланишиб, ўзларидан кўпайишдилар; ҳақиқатан ҳам бу кўп киёфали, таъсирчан ва мароқли драма эди.

Сўнг яна у қувноклик билан тахта устидаги барча шохмот доналарни секин суриб, ётқизди-да, уларни бир ерга тўплади ва ўйланиб қолди, у ажойиб санъаткор эди, ўша доналарнинг ўзидан бутунлай бошқа гуруҳлар ва муносабатлардан иборат бўлган, воқеалари ўзига хос боғланиб кетадиган бутунлай янги ўйин яратди. Ушбу иккинчи ўйин ҳам биринчисига ҳамоҳанг эди: ўша олам, ўша материал, фақат энди хулқ, юриш-туриш ўзгарган, суръат-маром ўзгарган, мотив ўзгача, вазиятлар бошқача эди, холос.

Шундай қилиб, аклли ўйинчи ўйинларни кетма-кет давом эттираверди, улардаги киёфаларнинг ҳар бир бўлаги менинг ўзим эдим, бу ўйинлар узоқдан бир-бирига ўхшаш, бир дунёга мансуб, келиб чиқиши бир бўлса-да, бироқ ҳар гал янгича тус, янгича оҳанг касб этарди.

— Мана шу — яшаш санъати, — деди у насихатомуз оҳангда. — Бундан кейин, келгусида ўз ҳаётингиз ўйинларини хоҳлаганингизча тузиш ва жонлантириш, хоҳла-

ганингизча чигаллаштириш ҳамда бойитиш — ўз қўлингизда. Шундай қилиб десангиз, юксак маънодаги жиннилик бутун донишмандликнинг бошланиши бўлгани каби, шизофрения ҳам барча санъат, барча фантазияларнинг бошланишидир. Ҳаттоки алломалар ҳам буни аллақачонок ярим англаб етишган, буни масалан, шахзода Вундерхорнинг ўша ажойиб китобидан\* ҳам ўқиб билса бўлади. Унда хикоя қилинишича, серзахмат, серғайрат бир олимнинг асари ақлдан озган деб, жиннихоналарда сакланаётган бир неча санъаткорларнинг дохиёна ҳамкорлиги туфайли кадр топган экан. — Шохмот доналарингизни ёнингизга солиб қўйинг, ҳали бу ўйин сизга кўп қувонч келтиради. Агар бугун бирорта дона таскара-таъвиядек жонингизга тегиб, ўйинингизни бузадиган бўлса, эртагаёк шартта шагидан тушириб, уни беозор, иккинчи даражали фигурага айлантирасиз қўясиз. Ўзингиз суйган, бироқ маълум муддат сира омади чопмай, шўрпешона туюлган бечорахол фигурачани эса, кейинги ўйинда маликага айлантирасиз. Мен сизга омад тилайман, афандим.

Камина бу истеъдодли шохмотчи олдида чуқур таъзим қилиб, унга миннатдорчилик билдирдим ва доналарни чўнтагимга солиб, торгина эшикдан чиқиб кетдим.

Аслида йўлакка чиқиб, дархол ерга ўтириб оламанда, доналарни олдимга терволиб, соатлаб, абадият қадар ўйнайвераман, деб ўйлаган эдим, бироқ театрнинг ёруғ думалок йўлагига чиқишим билан, мендан-да кучлироқ бўлган янги оқимлар каминани ўзлари билан олиб кетди. Кўз ўнгимда қуйидаги лавҳа манаман деб, пориллаб турарди:

### Чўл бўрисини ўргатиш мўъжизаси

\* *Шахзода Вундерхорнинг ўша ажойиб китоби* — мюнхенлик психиатр Ханс Принцхорн (1886–1933)нинг 1922 й. нашр этилган шаклланиш психологияси хақидаги китоби.



Ушбу ёзув турли-туман хис-туйғуларни кўзғатиб юборди; тарк этилган воқеликда, собик ҳаётимда кечган турли хил қўрқув ва сиқувларни ёдга солиб, юрагимни беаёв қиса бошлади. Қўлим қалтираб эшикни очгандим, тўппа-тўғри ярмарка дўконига кириб қолибман. У ерда темир панжара ўрнатилган бўлиб, у мени ночоргина томоша сахнасидан ажратиб турарди. Сахнада хайвон ўргатувчига кўзим тушди, кўринишдан у бир оз лўттибоз ва ўзига бино қўйган жанобни эслатарди. Қалин, куюк мўйлови, мускуллари чиқиб турган, бақувват елкалари ҳамда эгнидаги олифтасатанг цирк либосига қарамасдан, у ёқимсиз ва кўнгилни айнитадиган даражада худди ўзимга ўхшаб кетар эди. Ана шу бақувват одам катта, чиройли, бироқ озиб-тўзиб кетган, орик, озгин ва қулларча мутелик билан кўркиб-писиб турган бўрини худди итга ўхшатиб, чилвирда тутиб турарди — қандай аянчли манзара-я! Бу мард ҳамда шармандаларча итоаткор йирткичнинг ёвуз, бераҳм хайвон ўргатувчи қўлида бир қатор турли ҳунар ҳамда сахна кўринишларини ижро этишини кўриш ҳам мароқли, ҳам кўнгилни айнитар, ҳам даҳшатли, ҳам сирли томоша бўлиб туюларди.

Қийшик кўзгудаги менга эгизак бўлган бу лаънати одам бўрини мисли кўрилмаган даражада, худди эртаклардагидек, жиловлаб олган экан. Бўри ҳар бир буйрукка диққат билан бўйсунар, ҳар бир чакирик ва камчи овозига итга ўхшаб жилпангларди. У тиз чўқар, ўзини ўлганга солар, орқа оёқларида тикка турар, тумшугида бўлка нон, тухум, бурда гўшт, саватчани итоаткорлик билан олиб келарди. Хайвон ўргатувчи қўлидаги камчини тушириб юборса, уни бориб олар ва кетидан кўтариб юрар, боз устига думини ликиллатиб, хушомад ҳам қиларди. Бўрининг олдида аввал уй қуёнини, сўнг оппоқкина кўзичокни келтиришди, уларни кўриб, тишларини кўрсатди-да, нафси кўзғаб, сўлаги оқа бошлади, бироқ кўрқувдан қалтираб, ғужанак бўлиб турган жониворларнинг

хеч қайсисига тегинмади, аксинча, уларга эътибор ҳам қилмай, берилган буйрукка биноан, уларнинг устидан зеболик билан қулоч ёйиб сакраб ўтди-да, қуён билан кўзичок ўртасига ётиб олди ва иккаловини олд оёқлари билан қучиб, таъсирли, жозибадор оилавий гурух ташкил қилди. Боз устига у одамнинг қўлидан бир бўлак шоколад ҳам еди. Бўрининг ўз табиатини ақл бовар қилмас даражада инкор этиб, ундан бу қадар воз кечганини кўриб туришнинг ўзи бир азоб ва бундан тена сочим тикка бўлди.

Аммо-лекин шунга қарамасдан, томошанинг иккинчи қисмида, худди бўри сингари, қони қайнаган томошабининг тортган азобини ўрни ҳам тўлдирилди. Усталик билан, маккорона намойиш этилган ушбу дастур ниҳоясига етгач, ҳайвон ўргатувчи кўзичок ва бўри гурухи узра тантанавор ширин табассум билан томошабинга таъзим қилди, шундан сўнг роллар алмашди. Ҳаррига ўхшаб кетадиган ҳайвон ўргатувчи тўсатдан итоаткорона, лаганбардорларча қуюқ таъзим қилиб, қўлидаги камчини бўрининг оёқлари остига оҳиста қўйди ва худди бояги йирткич ҳолатига тушиб, кичрайиб, қалтирай бошлади, унинг кўриниши ночор ва аянчли эди. Бўри эса ҳалқумини ялади, ундаги талваса, безовталиқ ва сохталиқ йўқолиб, нигоҳи яшнаб кетди, бутун танаси таранглашиб, тўлишиб, ундаги ваҳшийлик бир зумда яна қайтадан ўз ўрнини эгаллади.

Энди бўри буйрук берар, одам эса унга бўйсунарди. Буйрук янграши билан одам чўккалаб, бўри родини ўйнашга киришди, тилини осилтириб, тамбаланган тишлари билан эгнидаги кийимни тишлаб, йирта бошлади. Одам ўргатувчи буйрук бериши билан у икки ёки тўрт оёқлаб юрар, орқа оёқларида тик турар, ўзини ўлганга солар, бўрини устига миндириб олар, камчини кетидан кўтариб юрарди. У ҳар бир ҳақорат, ҳар бир таҳқирловчи буйрукка итга ўхшаб, бутун қобилиятини ишга солиб, ажойиб-ғаройиб

тарзда итоат қиларди. Шу пайт сахнада гўзал бир киз пайдо бўлди. У ўргатилган одамга яқин келиб, унинг иягини силади, юзини юзига ишқади, бироқ у ҳамон тўрт оёқлаб, хайвон бўлиб тураверди, бошини сарак-сарак қилди. Ул гўзалга тишларини кўрсата бошлади, охири унга худди бўрига ўхшаб, шундай тахдид қилдики, киз бечора кўрққанидан қочиб кетди. Унинг олдига шоколад келтириб қўйишди, бироқ униям беписанд искаб кўриб, нари сурди. Охирида яна оппоқ кўзичоқ ва семизгина, олачипор уй қуёнини олиб келишди, шунда фаросатли, зийрак одам сўнгги бор кучини ишга солиб бўри ролини қойилмақом қилиб ўйнади. Жон талвасасида типирчилаётган жониворларга тирноқ ва тишларини ботириб, териларини шилиб, титиб, бурдалаб, гўштини тириклайин чайнай-чайнай, уларнинг илиқ-иссиқ қонини ҳам кўзларини юмиб, хузур қилиб ича бошлади...

Ушбу манзарадан дахшатга тушиб, эшикдан қочиб чиқиб кетдим. Мазкур мағиявий театр ҳам ҳеч қандай жаннат эмас экан, унинг сиртигина гўзал эди, холос, ботинида эса барча жаҳаннамлар жамулжам эди. Э худо, наҳот бу ерда ҳам ҳеч қандай нажот йўли бўлмаса?!

Кўрққанимдан орқа-олдимга қарамай, тирақайлаб қоча бошладим. Оғзимда қон ва шоколаднинг бир-биридан бемаза таъмини туярқанман, дилимда бу қайғули, ғамгин, маъюс ғалаён тўлқинидан узокроқ бўлиш истаги туғилди, кўнгил энди дилкашроқ суратлар, манзараларни кўмсарди, улар томон ич-ичимдан тиришиб, ғайрат билан интилардим. «*О дўстлар, унақа эмас-да энди!*»\* — бу сўзлар ич-ичимда қўшиқ мисол жарангларди ва мен шу дамда уруш дахшатларини, фронтнинг

---

\* *О дўстлар, унақа эмас-да энди!* — Хессенинг «Нойе Цурхер Цайтунг»да босилган мақоласи сарлавҳаси (3.11.1914). Унда адибнинг урушга бўлган муносабати очиқ-ойдин баён этилган.

кўркинчли фотосуратларини, устма-уст қалашиб, уйлиб ётган мурдаларни, уларнинг газниқобдан буришиб-бужмайиб кетган башараларини эслаб, ваҳимага тушдим. Одамларга дўст, урушга қарши бўлган мендек бир одам, ушбу суратларни кўриб, қанчалар даҳшатга тушганман, ўйласам, ўшанда ҳалиям эси йўқ ёш бола эканман-да! Бугун эса, шуни билдимки, ўз ботинимда ин қурган худди шундай даҳшатли, худди шундай ваҳшиёна ва машъум, худди шундай хом ва бемаъни фикрлар ҳамда суратларни ҳеч бир хайвон ўргатувчи, ҳеч бир вазир, ҳеч бир генерал, ҳеч бир телба ҳатто хаёлига келтиришга ҳам қодир эмас экан.

Енгил тин олиб, хўрсинарканман, театр бошланишидаги ёзув, унга жон-жаҳди билан интилган бояги йигитча ёдимга тушди, бу ёзув:

### Барча қизлар сеники

деб аталарди, умуман айтганда, ҳозир кўнгил аслида худди шуни тилаб тургандек туюлди. Лаънати бўри оламидан қутулганимга шукур қилиб, хурсанд ҳолда ичкари кирдим.

Бу ердаги манзара менга нақадар яхши таниш ва шу қадар ақл бовар қилмас даражада эдики, титраб кетдим — ёшлигим, ўсмирлик ва йигитлик даврим бутун бўй-басти билан кўз олдимда намоён бўлиб, юрагим ҳам худди ўша даврдагидек беҳаловат ура бошлади. Ҳозиргина кўрган-кечирганларим бамисоли ҳовурдек кўтарилиб, мен яна қайтадан ёш, навкирон бўлиб қолган эдим. Бундан бир соат муқаддам, бир неча дақиқалар олдин яхши биламан деб ўйлаганим муҳаббат, истак-талаб, соғинч ва қўмсаш кекса бир одамга мансуб муҳаббат, соғинч-интилиш эди. Энди эса мен қайтадан ёшариб, вужудимдаги кайнок аланга, улкан истак-иштиёқ, худди март ойининг

нам-илиқ шамолидан эриб бораётган ишкибозлик, буларнинг барчаси ёш, навқирон ва хақиқий эди. О, унут бўлган оловлар нақадар гуриллаб алангаланар, қай бир замонларнинг оҳанглари оламини тутган, томирларда кон гупурар, ич-ичимдан хайқириқ туғён уриб келар, дилим кўшиқ бўлиб янграрди! Мен ўн беш ё ўн олти яшар ўспирин эдим, каллам лотин, юнон тилларига бўлган хавас ҳамда гўзал шоирона сатрлар билан, фикрларим интилишлар ва шухратпарастлик, хаёлларим эса санъаткорона орзуларга лиммо-лим, бироқ вужудимда бўй кўрса-таётган муҳаббат алангаси, мана шу барча ловиллаб ёнаётган алангалардан кўра теранроқ, кучлироқ ва дахшатлироқ эди.

Мен тоғ тепаликларидан бирида эдим, бу ердан туғилиб ўсган она шахрим кўриниб турарди. Димокка нам илиқ шамол ва илк бинафшалар хиди урилар, шахарча тарафда дарё оқариб кўринар, туғилиб ўсган уйим ҳам кўзга ташланарди ва буларнинг барчаси кўклам шамолида шу қадар теран, шу қадар ғайритабий, ақл бовар қилмас даражада равшан ва нурафшон товланардики, ёшлик чоғларимда дунёга илк шоирона нигоҳ билан боққан пайтларимни ёдга солар эди. Ҳамон тепаликда турардим, шамол сочларимни тортқилаб ўйнарди; муҳаббат соғинчидан ўзимни йўқотиб, хаёлга берилиб, энди кўкараётган бутанинг ярим ниш урган куртагини чирт узиб, искаб (шунда яна ҳаммаси кайтадан ёдимга тушди), уни ҳали ҳеч бир киз ўпмаган лабларим билан ўйнаб, чайнай бошладим. Худди мана шу тахир, ўтқир аччиқ таъм баҳона сўнгги ўспиринлик йилларимда кечган унутилмас бир лавҳани қайта бошимдан кечирдим. Баҳорнинг илк кунлари эди ўшанда, якшанба куни, тушдан сўнг ёлғиз ўзим сайр қилиб юрган эдим, Роза Крайслерни учратиб қолдим, у билан журъатсизгина саломлашдим, шундаёқ уни каттик севиб қолган эканман.

Ўшанда ул гўзал киз ўзи ёлғиз, хаёл суриб, тоққа чиқиб келган пайти экан, мен унга журъатсизгина пешвоз чиқиб, йўғон қилиб ўрилган сочларини томоша қилганим, юзининг икки чаккасидаги тутам-тутам сочларини шамол тортқилаб ўйнарди. Бу кизнинг гўзаллигини, унинг шамол билан нақадар гўзал ва ажойиб сирлашаётган нозик сочларини, эғнидаги юпка ҳаворанг кўйлаги ҳам ёш, навқирон гавдасига қанчалик ярашиб, иштиёқ ҳамда соғинч уйғотишини ҳаётимда илк бор кўриб турардим, чайналган куртакнинг аччик, ўткир таъми вужудимни баҳорнинг қувонч ва ташвишлари билан тўлдиргани каби, кизни кўрганимда мени муҳаббатнинг даҳшатли шубҳалари, хотинлар тўғрисидаги гумонлар ва фавқулодда имконият ҳамда ваъдаларнинг, таърифга сифмайдиган роҳат-фароғат, ҳузур-халоватнинг, ақл бовар қилмайдиган саросиманинг, кўркув ва изтиробларнинг, теран нажот ҳамда оғир гуноҳларнинг ғулғуласи чулғаб олди. О, баҳорнинг аччик таъми тилимни нақадар ёндириб, куйдирарди шу дамда! О, шамол унинг кизарган юз-кўзлари узра ёйилган сочларини ўйнашини кўрсангиз эди!.. Ниҳоят, у менга яқин келди, шу лаҳзада унинг юзи ним кизариб, атрофга разм солди; шундан сўнг, бошимдан диндорлар қалпоғини олиб, унга салом бердим, Роза ҳам тараддудланиб, саломимга жилмайиб алик олди ва бошини кўтариб, секин, дадил ва ўйчан қадам ташлади, ҳозир уни мен унга ғойибона йўллаётган минглаб муҳаббат тилакларим, талаб-истакларим ва чуқур ҳурмат-эҳтиромим чулғаб олган эди.

Бир пайтлар, бундан ўттиз беш йил муқаддам, яқшанба куни худди шундай бўлган эди. Ўшандаги воксаларнинг барчаси: тепалик ва шаҳар, март шабадаси ва куртак хиди, Роза ва унинг жигарранг сочлари, тўлибтошиб, чулғаб бораётган иштиёқ-интилиш ҳамда ширин

оғули кўрқув, мана энди худди шу лаҳзада қайта так-  
рорланаётган эди. Барчаси худди ўша муҳаббатим ҳаётим-  
да кейин бошка ҳеч қачон учрамагандек туюлаверади.  
Бироқ бу гал уни бошқачарок кутиб олишим мумкин  
эди. У мени кўргач, бир оз кизариб кетди ва буни сез-  
дирмасликка ҳаракат қила бошлаганидан мени ҳам севи-  
шини билиб олдим, бу учрашув менга қандай аҳамиятли  
бўлса, унга ҳам худди шундай эди. Ва бу гал у ёнимдан  
ўтиб бўлгунга қадар бошимдан қалпоғимни олиб, тура-  
вериш ўрнига, кўрқув ва тортинчоқликни йиғиштириб  
қўйиб, ғайратим жўшиб:

— Роза! — дедим унга. — Хайрият, келибсан, сен гўзал,  
гўзал кизсан. Мен сени шунчалар севаманки...

Балки бу сўзлар ўша дақиқалар учун топиб айтилма-  
ган гаплар бўлиши мумкин, аслида доно гапларга ҳожат  
ҳам йўқ, ўзи шундоғам тушунарли эди. Роза аёлларга  
хос бўлмаган тарзда юришдан тўхтаб, менга қаради ва  
аввалгидан ҳам кўра кизаринкираб, деди:

— Грюс Гот\*, Ҳарри, мени чинданам севасанми?

Шу дамда унинг соғлом, бақувват чехраси яшнаб,  
жигарранг кўзлари чакнаб турарди, сездимки: бутун  
ўтган умрим ва муҳаббатим Розани ўша яқинбада қўлдан  
чиқариб юборган лаҳзамдан бошлаб, нотўғри ва чигал  
ҳамда бемаъни бахтсизликларга тўла бўлган экан. Энди  
эса хато тузатилган, энди ҳаммаси ўзгарган, ҳаммаси  
яхши бўлган эди.

Биз қўл ушлашиб, секин бирга кета бошладик. Шун-  
дай бахтиёр эдикки, таърифига сўз ожиз эди, хижолат  
тортганимиздан нима дейишни, нима қилишни ҳам бил-  
мас эдик, саросимада тезрок чопа бошладик, нафасимиз  
тиқилгунча лўкиллаб югурдик, сўнг тўхташга мажбур

---

\* Грюс Гот – баварияликларда «салом» дегани.

бўлдик, бироқ кўлларимизни ҳамон кўйиб юбормасдик. Биз иккаламиз ҳам ҳали бола эдик, нимадан бошлашним билмасдик, ўша якшанба куни бир-биримизга ҳаттоки илк бўса ҳада қилолмаган бўлсак ҳам, биз ниҳоятда бахтиёр эдик. Бирпас туриб қолдик, сўнг майсалар устига чўкдик, мен унинг кўлини олиб сийпадим, у эса бошқа кўли билан сочларини журъатсизгина силаб кўйди, сўнгра ўрнимиздан туриб, бўйларимизни ўлчаёт бошладик, аслида менинг бўйим уникига қараганда сал-пал баланд эди, бироқ мен бунга рози бўлмай, иккаламизнинг ҳам бўйимиз теп-па-теп эканлиги, худойим бизни бир-биримиз учун яратганини айтиб, кейинроқ турмуш қуришимиз мумкинлигини ҳам кистириб ўтдим. Шу пайт Розанинг кўнгли бинафша тусаб қолди ва биз тиззалаб, қалта ўсган баҳорги майсалар орасидан бинафша излай кетдик, қалта пояли бир неча бинафша топдик, уларни бир-биримизга тортиқ қилдик. Ҳаво салқинлашиб, кеч кириб қолгач, Роза уйга қайтишим керак, деди. Шунда иккаламиз ҳам маъюс бўлиб қолдик, чунки уни кузатиб қўя олмасдик, шундай бўлса-да, барибир, орамизда қандайдир сир пайдо бўлган, бу эса биз эга бўлган энг гўзал туйғу эди. Мен тоғлар устида қолдим, тик жарлик тепасида ерга ўтириб олиб, Розанинг бинафшасини хидлай бошладим, кўзларим эса ҳув пастликда, шаҳар томон олислаб кетиб бораётган кичкинагина жуссада эди, ана у қудук ёнидан ўтиб, кўприкдан ҳам узоклашди. Энди у уйига етиб олган, у хонадан бу хонага кириб чиқарди, мен эса бу ерда, тепада, ундан узокда эдим, аммо бизни қандайдир ришта, қандайдир оқим, қандайдир сир-синоат боғлаб турарди.

Биз бутун баҳор давомида у ер-бу ерда, гоҳ қоялар устида, гоҳ боғ девори олдида учрашиб юрдик, настирин гуллай бошлаган чоғда журъатсизгина илк бўсанинг таъмини тотиб кўрдик. Бизнинг бўсамиз ҳали у қадар



кайноқ эмасди, мен унинг қулоқлари узра тушиб турган кўнғироқ сочларини силаб-сийнарсанман, муҳаббат ва қувончимни у билан баҳам кўрардим, ҳар бир журъатсизгина ҳаракат, ишқ-муҳаббат тўғрисидаги қовушмаган гапларимиз билан, бир-биримизни ҳадиксираб кутиш орқали янги бахт-омад сари ишқ-муҳаббат пиллапоясидан яна бир поғона кўтарилиб борардик.

Шундай қилиб, Роза ҳамда бинафша билан бошланган бутун ишқий ҳаётимни яна бир бор бошдан кечирдим, бунда бахт-омад юлдузлари чарақлаб турарди. Роза кетиб, унинг ўрнида Ирмгард пайдо бўлди. Қуёш янада қиздириб, юлдузлар янада тиникроқ нур соча бошлади, бироқ менга на Роза, на Ирмгард насиб этди, поғонама-поғона кўтарилишимга, кўп ўқиб-ўрганиб, кўп нарсани ўз бошимдан кечиришимга тўғри келди, бу йўлда эса Ирмгардни ҳам, Аннани ҳам йўқотдим. Бир пайтлар ёшлигимда севганим ҳар бир кизни яна қайтадан севардим, уларнинг ҳар бирида муҳаббат уйғота олардим, ҳар бирига нимадир бериб, ҳар биридан нимларнидир олардим. Илгари ўй-хаёлларимдагина яшаган тилак-истаклар, орзу-умидлар ҳамда имкониятлар мана энди рўёбга чиқиб, уларни ўз бошимдан кечираётган эдим. Эй, сиз гўзал гуллар, Ида ва Лора, барча-барчангизни бир замонлар бутун ёз бўйи, ой сайин, кун сайин нақадар севардим!

Англаб етдимки, ҳозир кўрганим ўзини астойдил ишқ-муҳаббат дарвозасига урган, келишган, ёқимтой йигитча эдим, мен ҳозир ўзимнинг бир бўлагимни, ўз вужудим ҳамда ҳаётимнинг ўндан бир, мингдан бир бўлагини тўла намоён қилиб турардим, у ўз «мен»имнинг бошқа барча фигураларига малол келмаган, мутафаккирнинг оромини бузмаган, Чўл бўрисиини қийнамаган, уни ҳали бирор шоир, ўткир хаёлпараст ё насиҳатгўй қайчиламаган эди. Йўк, йўк, мен шу тобда муҳибдан ҳеч бир ўзга

кимса эмас эдим, мен мухаббат бахти ҳамда изтироби билан нафас олардим. Ирмагард менга ракс тушишни, Ида ўпишишни ўргатган эди, энг гўзал Эмма эса, куз окшомларининг бирида, элма\* дарахтининг шовиллаб турган куюк барглари остида кўнғиртус сийнасини ўптириб, шодлик тўла жомни қўлимга тутказганди.

Хуллас, Паблонинг мўъжазгина театрида кўп нарсани кўрдим, бошимдан кечирдим, буларнинг мингдан бирини ҳам сўз билан таърифлаб бўлмайди. Бир пайтлар ўзим севган қизларнинг барчаси яна меники эди, ҳар бири менга берадиганини бериб, мендан оладиганини оларди. Не-не мухаббат, не бахту иқбол, қанча лаззат, қанча чигаллигу изтиробларни кўрмадим, хаётим мобайнида бой берилган барча мухаббатлар мана энди шу кайғули дамда мўъжизавор тарзда боғимда қайтадан гуллаб-яшнаб турарди, улар маъсума, нафис гуллар, ёрқин кизариб товланаётган гуллар, тез сўлийдиган қорамтир гуллар эди, уйғонаётган дилдаги эзгу орзулар, куйдираётган ғам-алам, кўркув тўла ўлим талвасаси, яшнаётган янгиланишлар эди. Менга учраган аёлларнинг бирлари шошилинич ва шиддатли ҳаракатла қўлга киритилар, бошқа бировларига эса узок ва пишиқ-пухта тараддуд билан эришишнинг ўзи бахт эди. Барчаси ўз холича, барчаси меники бўлди. Тўк жигаранг кўзлари ғалати, зиғирдек майин сочли аёл ҳам шу ерда эди, мен у билан бир вақтлар тезюрар поезднинг йўлагида, дераза ёнида чорак соат бирга бўлгандим, у кейинчалик кўп марта тушларимга ҳам кириб чиққан эди, бир оғиз гапирмаса-да, бироқ у мени ишқ-мухаббатнинг мислсиз, даҳшатли, ҳалокатли санъатларига ўргатди. Сокин ва вазмин, силлиққина, хира жил-

---

\*Элма – кайрағочнинг бир тури.

майиб турадиган, силлик тим кора сочли, кўзлари сузилган хитой аёли хам, мен уни Марселда, бандаргоҳда учратгандим, кўз кўриб, кулок эшитмаган, акл бовар килмайдиган ажойиб нарсаларни биларди. Хар бирининг ўзига хос сир-синоати бўлиб, улардан ўз юртлари тупроғининг хиди келарди, кулишлари ўзгача эди, хар бири ўзича шарм-иболи, ўзича беҳаё, бешарм эди. Бири келиб, бири кетарди. Оким эди уларни менга олиб келган, мени уларга олиб борган, улардан узоклаштирган, сеҳр-жодуга, хавф-хатарга тўла, кутилмаган тасодифларга бой ўйноки, болаларча сузиш эди буларнинг барчаси. Мен шу дамда ўзим хайрон колардимки, Чўл бўрисининг, яъни менинг бир қарашда шунчалик ночор, бебахт туюладиган рўшнолик кўрмаган ҳаётим аслида ошик-маъшуклик, қулай имконият-тасодифларга ҳамда васвасаларга шу қадар бой бўлган экан. Мен улардан кочиб, деярли барчасини бой берганман, уларга қарамасдан этак қоқиб, хаммасини бир зумда унутганман — лекин бу ерда уларнинг барчаси, юзлаб, ёппасига ҳозир эдилар. Мен ҳозир уларни кўриб, берилиб, бағримни очиб турардим, уларнинг қизғиш тус ғира-шира жаҳаннамга аста сингиб борардим. Ўша, Пабло бир пайтлар таклиф қилган васваса, унга ҳатто ўзим ҳам тўла тушуниб-фаҳмлаб етмаган бошқалари, илгариги хаёлий ўйинлар мана энди мени ўз измига олди. Кўп ишлар, кўп ўйинлар бўлиб ўтди, буларни сўз билан айтиб бўлмайди.

Васваса, иллат ҳамда низо-можароларнинг бепоён окимида сузиб, ахийри яна юзага қалқиб чиқдим, энди мен билимли, донишманд эдим, тажрибам ҳам етарли эди, Хермина учун хар нарсага шай эдим. Минг бир киёфамнинг энг сўнгиси, охири кўринмас қаторнинг адо-

ғидаги энг сўнги ном, бу — Ҳермина эди, ниҳоят, эс-хушимни йиғиб олиб, мазкур ишқ-муҳаббат эртагига нукта қўйдим, чунки мен уни сеҳрли кўзгунинг ғира-ширасида учратмоқчи эмасдим, унга шохмот ўйинимнинг ўша атиги бир донасигина эмас, балки бутун бир Ҳарри тегишли эди. Эҳ, мен энди шохмот доналари ўйинини шундай бошлайки, токи ҳаммаси унгагина тегишли бўлсин, аҳду паймонлар амалга ошсин.

Оқим мени курукликка чиқариб ташлади, мен яна театрнинг жимжит йўлагига турардим. Хўш, энди нима қилиш керак? Мен шошиб чўнтагимни пайпаслаб, до-началарни кидира бошладим, бироқ ушбу истак ҳам аллақачон сусайиб, сўниб бўлган эди. Мени эшик-ларнинг, ёзувларнинг, мағиявий кўзгуларнинг битмас-туганмас, чексиз, бепоён олами қуршаб олган эди. Беихтиёр кейинги лавхани ўқиб, дахшатдан титраб кетдим:

### Қонга бўялган муҳаббат

деб ёзилган эди унда. Шунда тўсатдан ялт этиб, бир воқеа ёдимга тушди: ўшанда Ҳермина ресторанда шароб ичиб, овқатланиб ўтириб, кўкқисдан дахшатли бир тарзда жиддийлашиб, суҳбатимиз мавзуга чуқур маъно берган, мени уни ўз қўлларим билан ўлдиришим учунгина ўзига ром, мафтун қилаётганини айтганди. Кўз олдим қорон-ғилашиб, қалбимни кўрқувдан иборат ғалаён эгаллади, тўсатдан кўз олдимда ҳамма нарса, тақдир-қисматим қайтадан намоён бўлиб, мушкул аҳволга тушиб қолганимни вужуд-вужудимдан ҳис қилиб турардим. Умидсизланиб, бир оз мағия билан шуғулланиб, шохмот тахтамни тартибга солиб, уни қайтадан тузиш мақсадида доналарни олмоқчи бўлиб, чўнтагимга қўл солдим. Бироқ

доналар жойида йўқ эди. Доналар ўрнига, қўлимга пичок илинди. Қўркқанимдан йўлак бўйлаб югургилаб кетдим, эшиклардан ўтиб, кутилмаганда улкан кўзгуга рўбарў бўлдим. Кўзгуда худди ўзимга ўхшаган баланд бўйли, улкан, чиройли бўри жимгина олазарақ қараб турарди. У кўзларини пирпиратиб, менга қараб иршайаркан, тишлари орасидан қизил тили кўриниб кетди.

Пабло қаердайкин? Ҳермина-чи? Шахсни шакллан-тириш хусусида зўр бериб, гапдонлик қилаётган бояги аклли йигит-чи, у қаерда колдийкин?.. Мен яна кўзгуга қарадим. Энди кўринишим зўр эди. Баланд ойна ортидаги бўри энди йўқ эди. Кўзгуда мен — Ҳарри турарди, унинг чехраси кулранг тусда, барча ўйинлардан холи, барча иллатлардан чарчаган, ранги докадек оқарган, шундай бўлса-да, барибир, у одам эди, у билан гаплашса бўларди.

— Ҳарри, — дедим унга, — бу ерда нима қиялсан?

— Ҳеч нарса, — жавоб берди у ойнада туриб, — кутяпман, холос. Ўлимни кутяпман.

— Ўлим қаерда экан? — сўрадим ундан.

— Ҳозир келади, — деди у. Шунда театр ичкарасидаги бўм-бўш хоналардан мусиқа, гўзал ва қўрқинчли мусиқа садоси, «Дон Жуан»даги\* тош меҳмоннинг чиқишига ҳамоханг янграйдиган ўша мусиқа овози эшитилди. Нариги дунёдан, умри бокийлар тарафдан худди шарпага ўхшаш, этни жунжиктирадиган ваҳимали оҳанглар тараларди. Моцарт! — ўйладим мен ва ўз ботиний ҳаётимнинг энг севимли ҳамда юксак суратларини ўзимча чорлай бошладим.

Шу пайт ортимда кулги, жарангдор ва муздек совук кулги янгради, у гўё одамзоднинг қулоғи эшитмаган изтиробнинг у дунёсидан эшитилаётгандек, тангрилар юморидан туғилгандек эди. Ортимга ўгирилдим, бу кулги

---

\* «Дон Жуан» — «Дон Жованни» (1787), Моцарт операси.

бутун вужудимни музлатиб юборган, ҳам завқимни ошириб, хурсанд қилган эди, чунки шундок қаршимдан Моцарт юриб келарди, у кулганича ёнимдан ўтиб, шошилмасдан, вазмин ва хотиржам ложа эшикларидан бирига қараб юрди, уни очиб, ичкарига кирди, мен беҳад орзуманд, иштиёқманд ҳолда унга эргашидим, у ёшлигимдан сифинган санам, кўнгил орзуси, мен умр бўйи меҳр-муҳаббат ҳамда эъзоз-эҳтиром билан интилган манзил эди. Яна мусика янгради. Энди театр ўрнида ҳеч нарса кўринмас, чор-атрофни қоронғилик чулғаб олган, ложалар панжараси ёнида эса ... Моцарт турарди.

— Қаранг-а, — деди Моцарт, — саксофонсиз ҳам иш битаркан-ку. Гарчи ўзимнинг бу ажойиб мусика асбобига яқинлашгим келмаётган бўлса ҳам.

— Биз қаердамиз? — сўрадим ундан.

— Биз Дон Жованнининг сўнгги пардасини томоша қилаётибмиз, ана, Лепорелло аллақачоноқ тиз чўккан. Ажойиб кўриниш, мусикаси ҳам эшитимли, ана шунақа. Гарчи ундан инсонийлик уфуриб турса-да, барибир, кулги у дунёни, охиратни ёдга солади, шундай эмасми?

— У яратилган сўнгги буюк мусикадир, — дедим мен мактаб муаллимига ўхшаб тантанавор охангда. — Албатта, ундан кейин Шуберт\*, яна Ҳуго Волф\*\*, ундан кейин эса, бечора гўзал Шопенни\*\*\* айтиб ўтмасам бўлмайди. Пешонангиз тиришиб кетяптими, маэстро — ха-я, яна Бетховен ҳам бор, уям ғоят ажойиб. Бирок буларнинг барчаси, қанчалик гўзал бўлишмасин, улар қандайдир қисм-парчалардан, бўлак-бўлақлардан ибо-

---

\* Шуберт — Франц Шуберт (1797–1828), бастакор.

\*\* Ҳуго Волф — бастакор, мусика мунаққили (1860–1903).

\*\*\* Шопен — Фредерик Шопен (1810–1849), поляк бастакори.

рат. Яхлит, бир бутун, мукаммал қуйма асарни эса, Дон Жованнидан буён хали одамлар яратолганлари йўк.

— Хаяжонланманг, — кулди Моцарт, ваҳимали киноя билан. — Ўзингиз ҳам мусикачига ўхшайсиз, шундайми? Мен эса бу машғулоти аллақачон бас қилганман, дам олишга чикқанман. Факат, баъзан эрмак юзасидангина, оз-моз кўз ташлаб тураман.

У гўё дирижёрлик қилмоқчидек, қўлларини кўтарди, шунда аллақерда ойми ё бошқа само ёриткичининг хира нурлари кўринди, панжара оша пастга карагандим, беҳад, жуда катта фазо бўшлиғига кўзим тушди, унда туман ва булутлар сузиб юрар, олисда тоғлар, денгиз соҳили элас-элас кўзга ташланар, шундоққина оёқларимиз остида сахро-биёбонга ўхшаш текислик узок-узокларга қадар ястаниб ётарди. Унда узун соқолли, дилгир қиёфали мухтарам кекса бир жаноб ўз ортидан қора кийинган бир неча ўн минглаб кишиларни эргаштириб, аста одимлаб борарди. У маъюс кўринар, тушкун қиёфада эди, шунда Моцарт:

— Кўряписизми, бу Брамс\*. У нажот сари интилмоқда, бироқ унғача ҳали анча вақт бор.

Мен қора кийимли мана бу минглаб одамлар ўша овоз ҳамда ногаларнинг ижрочилари эканлигини, уларнинг ўша ажойиб ҳукмдан сўнг ўз партитураларида\*\* ортикча бўлиб қолишлари мумкинлигини билиб олдим.

— Чолғу хаддан зиёд кўп, — бош чайқади Моцарт.

Шундан сўнг ҳаял ўтмай, Рихард Вагнернинг\*\*\* ҳам худди шундай катта оломонни бошлаб бораётганини

\* Брамс — Йоханнес Брамс (1833–1897), бастакор.

\*\* *Партитура* — кўп овозли мусика асарида ҳамма қисмларнинг мажмуи.

\*\*\* *Рихард Вагнер* — бастакор (1813–1883).

кўрдик, минглаб одамлар оғир кадамлар ташлаб боришарди; сардор ҳам сабр-чидам билан аста, базўр босиб борарди.

— Ёшлик чоғларимда, — хазин сўз котдим мен, — бу иккала мусикачини бўлиши мумкин бўлган энг катта зиддиятлар сифатида кабул қилишарди.

Моцарт кулди.

— Ха, бу ҳамиша шундай. Бир оз масофадан туриб қаралганда, бундай зиддиятлар ҳамиша бир-бирларига ўхшаш бўлиб кўринган. Дарвоқе, кўп чолғулаштириш на Вагнернинг, на Брамснинг шахсий хатоси бўлган, балки бу улар яшаган замонга хос адашиш эди.

— Қандай қилиб? Нима, энди бунинг жабрини улар иккаласи тортишлари керакми? — ёзғирдим мен қораловчи оҳангда.

— Албатта. Бу — босқичлардан иборат йўл. Улар ўз даврининг қарзидан қутулганларидан кейингина, ўчинтиком олиш учун арзигулик шахсият қоладими-йўқми, маълум бўлади.

— Бироқ улар бунинг учун ҳеч нарса қила олмайдилар-ку!

— Албатта, ҳеч нарса қила олмайдилар. Одамато олмани еб қўйган экан, улар нима ҳам қила оларди, аммо, барибир, бунинг жабрини тортаверадилар.

— Бу дахшат-ку.

— Шундай, ҳаёт ҳамиша дахшатдан иборат. Бизнинг эса, қўлимиздан ҳеч нарса келмайди. Шундай бўлса ҳам, барибир, жавобгармиз. Инсон туғилиши биланок, гуноҳга ботади. Модомики, буни билмас экансиз, тузукки-на диний сабоқ олишингизга тўғри келади.

Ҳақиқатан ҳам ночор, танг аҳволда эдим. Шу тобда ўзимни ўзим кўриб турардим, ана, ўлгудай чарчаган зиёратчи сахро бўйлаб охират сари кетиб бормоқда, елкаси-



да ўзим ёзган кераксиз китоблар, уларда барча асарларим, барча мақолаларим жамулжам эди, кетидан булар устида ишлаган ҳарф терувчилар жамоаси, буларнинг барчасини ютишга мажбур бўлган ўқувчилар оммаси боришарди. Э, худойим! Одамато-ю олма ҳам ва колган бутун дастлабки, энг асосий гуноҳ ҳам шу ерда эди. Демак, бу ер поёни йўқ аъроф-махшаргоҳ\* эди, аввал гуноҳни ювиб, тавба-тазарру қилмоқ лозим эди, ундан кейингина, буларнинг барчасининг ортида бир оз шахсиятим, бир оз ўзимгагина хос бўлган нарса ҳам бормикин ёки менинг бутун хатти-ҳаракатларим ва бунинг барча оқибатлари денгиздаги бўш кўпик, воқеалар гирдобидаги бемаъни ўйиндангина иборат бўлганмикин, холос, деган савол туғилиши мумкин эди!

Моцарт менинг чўзинчоқ юзимни кўриб, қаттиқ кула бошлади. Кулгидан толмай, ҳавода муаллақ ўмбалок ошиб тушди-да, чуриллаб, булбулдек сайрай кетди. Бунинг устига, гапни ҳам қотириб ташлади:

— Эй, болам, нима бало, тилинг куйдириб, нафасинг қисяптими? Ё ўқувчиларингни, ўша ярамасларни, бечора очофатларни, ё ҳарф терувчиларингни, ўша бидъатчиларни, лаънати ғаламисларни, қилич қайровчиларни ўйлаяпсанми? Сен жодугар, билсанг, булар жуда кулгили, менга деса баттар бўл, лекин эҳтиёт бўл, ўтириб қўйма тагин! Э, сен лақма, бир ёқда босмахона бўёғинг, бир ёқда дилингда изтироб, мен сенга шам садақа қилай, бу шунчаки ҳазил, агар билсанг. Валдирадинг, шалдирадинг, тўс-тўполон, шумлик қилиб, думингни ҳам ўйнатдинг, барибир, узоққа боролмадинг. Жин урсин-а сени, бировдан ўғирлаб олган бемаъни ёзув-чизувларинг кимга ҳам керак, ҳай майли, худо ўзи ёрлақасин...

---

\* *Аъроф маҳшаргоҳ* – католиклар афсоналарида: жаннатга киришдан олдин ўлганларнинг жони гуноҳлардан покланадиган жой.

Бу гаплар менга қаттиқ ботди. Фазабим кўзиб, ғам-андухга берилиб ўтирмасдан, шартта Моцартнинг кокилига ёпишдим, у эса учи-и-иб кетди. Кокил худди комета думига ўхшаб, узайгандан узаяверди, ахийри бир учига осилиб олдим-да, дунё бўйлаб қуюндай учиб юравердим. Жин урсин, шунақаям совук дунё эканки, нақ юпка муз хавосидан иборат экан! Тагин чидашаркан-да, бу умри боқийлар. Аммо-лекин муздек ҳаво баҳри дилимни очиб юборди, бунга бир зумдаёқ, ҳушимни йўқотмасимдан олдин амин бўлдим. Вужудимга аччиқ, ўткир, пўлатдек метин, совук қувноклик, шодонлик ина бошлади. Худди Моцартга ўхшаб, жарангдор, шўх ва самовий кулгим келди, бироқ ушбу он нафасим тугаб, ҳушимдан кетган эдим.

\* \* \*

Ўзимга келганимда, калаванинг учини йўқотган, холдан тойган эдим, йўлакнинг у ер-бу ерида оппоқ нур жилваланарди. Мен ҳали умри боқийлар ҳузурида эмасдим. Камина ҳамон жумбоклар, изтироблар, Чўл бўрилари ҳамда азобга тўла мушкулот ва чигалликлардан иборат бўлган бу дунёда эдим. Яхши жой эмасди бу ер, унга чидаб туриш амримаҳол эди. Унга нукта қўйиш пайти келганди.

Девордаги каттакон кўзгуда Ҳарри менга рўбарў турарди. Унинг кўриниши яхши эмас, профессорникига ташриф буюрган ўша окшом ҳамда «Чўл бургути»да бўлган бал пайтидаги киёфадан деярли фарқ қилмас эди. Бироқ орадан йиллар, асрлар ўтган; Ҳарри энди улғайган, у ракс тушишни ўрганган, мағиявий театрларни бориб кўрган, Моцартнинг кулишларини тинглаган, у энди ракслардан, аёллар ва пичоклардан кўрқмасди. Бир неча асрлар ўтгач, ўртамиёна қобилият ҳам камол топади.

Кўзгудаги Харрини узок кузатдим: мен уни ҳалиям яхши танирдим, у хали ҳам март ойининг якшанба кунларидан бирида, қоялар устида Розани учратиб қолиб, унга бошидаги диндорлар қалпоғини олиб, салом берган ўша ўн беш яшар Харрига бир оз ўхшаб кетарди. Бирок ўшандан буён у бир неча юз ёшга улғайган, муסיқа ҳамда фалсафа билан шуғулланган, бошидан кўп кўргиликларни кечирган, «*Пўлат дубулга*»да эльзас шаробидан сипқорган ва самимий, оқ кўнгил олимлар билан Кришна ҳақида баҳс-мунозаралар қилган, Эрика ва Марияни севган, Ҳерминага дўст бўлган, автомобилларни ўкка тутган ҳамда силлиққина хитой аёлни кўрган, Гёте ва Моцартни учратган ҳамда ўзи ҳалиям банди бўлган замон ва сохта вокелик тўридан турли дарчалар очган. Ўзининг ажойиб шоҳмот доналарини яна йўқотиб қўйган бўлса-да, чўнтагида энди унинг зўр пичоғи бор эди. Олға бос, қари Харри, кекса хорғин йигит!

Жин урсин, намуноча аччиқ бўлмаса бу ҳаёт! Мен кўзгудаги Харрининг юзига қараб туфлаб юбордим, уни оёқларим билан босиб, чил-чил синдирдим. Тинимсиз гувиллаётган йўлак бўйлаб секин юриб, шу қадар кўп гўзал нарсаларни ваъда қилган эшикларни диққат билан кўздан кечира бошладим: энди уларнинг ҳеч қайси-сида ёзув деган нарса йўқ эди. Аста-секин қадам ташлаб, мағиявий театрдаги жами юз эшикнинг барчасини айланиб чиқдим. Нима, мен бугун бал-маскарадда бўлмаганмидим? Орадан гўё юз йиллар вақт ўтган эди. Энди бошқа ҳеч қандай йил-пил деган нарса ҳам бўлмайди. Яна битта иш қолган эди — мени Ҳермина кутаётганди. Ўзиям тўймисан-тўй бўларди-да!.. Маънос галаён тўлқинлари узра сузиб, ғамгин йўлимда давом этдим. Мен қул эдим, мен Чўл бўриси эдим. Жин урсин ҳам-масини!

Сўнги эшик олдида туриб қолдим. У ерга мени ғамгин ғалаён бошлаб борган эди. Эй Роза, о олис ёшлигим, эҳ Гёте ҳам Моцарт!

Эшикни очдим. Унинг ортида оддий ва гўзал манзарага дуч келдим. Полга тўшалган гилам устида икки киши ётарди. Улардан бири гўзал Ҳермина, бири эса барно йигит Пабло эди. Улар ёнма-ён донг қотиб ухларди. Бир-биридан чиройли инсонлар... Ҳерминанинг чап кўкраги остида янги пайдо бўлган думалок хол қорайиб кўриниб турарди, у ишқдан сархуш Пабло тишларининг изи эди. Худди ўша хол устига пичоқни урдим, ўзиям сопиғача кириб кетди. Гўзал Ҳерминанинг кўзлари бир зум очилиб, оғрик ва таажжуб билан боқди. Таажжуб нечун? — ўйладим ўзимча. Шунда унинг кўзларини ёпиб қўйишим кераклигини англадим. Бирок кўзлар ўз-ўзидан яна юмилди. Тамом. У фақат салгина ёнбошлаб олди, шунда унинг қўлтикости чуқуридан сийнаси томон гўзал нозик соя тушиб, жилваланди, у менга ниманидир эслатмоқчи бўлди. Эслолмадим. Шундан сўнг, у кимир этмай қолди.

Унга узок қараб турдим. Ниҳоят, худди уйқудан уйғонгандек, сескандим, кетмоқчи бўлдим. Шу пайт Пабло кимирлаб, кўзларини очди, керишганича гўзал мурда узра энгашиб, жилмайди. Бу бола ҳеч қачон жиддийликни ўрганмас экан-да, ўйладим мен, қачон қарасанг, жилмайгани-жилмайган. Пабло гиламнинг бир бурчини авайлаб буклади-да, Ҳерминанинг кўкрагига қадар, жароҳат кўринмайдиган қилиб ёпиб қўйди, сўнг охиста юриб, ложадан чиқди. Қаёққа кетдийкин? Ҳаммаси мени ёлғиз ташлаб кетишса-я! Мен усти ярим очик мурда билан қолдим, мен уни севардим, хавас қилардим. Унинг оқарган пешонаси узра ўсмирларникига ўхшаш жингалак сочлари тушиб турар, юзи ошпоқ оқарган, фақат

хиёл очик қолган оғзи бир оз қизаринқираб кўринар, кичкина, бежирим қулоқни ярим ёпиб турган сочларидан муаттар бўй анқирди.

Мана, ниҳоят, унинг тилаги ҳам амалга ошганди. Ҳали у бутунлай меники бўлиб улгурмасидан, махбубамни ўлдириб, ақлга сиғмайдиган иш қилиб қўйган эдим. Мана энди чўк тушиб қотиб қолгандим, бу иш ўзи қанақа бўлди, яхшими, ёмонми, тўғри бўлдими ё аксинчами, буни билолмай ҳайрон эдим. Бу ишимга ҳалиги ақлли шоҳмотчи нима деркин, Пабло-чи? Мен ҳеч нарсани билмасдим, бу ҳақда ўйлай ҳам олмасдим. Суратлардагидек чиройли даҳан сўниб бораётган чехрада тобора қизаринқираб кўринарди. Менинг бутун ҳаётим, озгинагина бахтим, омадим ва севгим ҳам худди мана шу ҳаракатсиз қотиб қолган даҳанга ўхшаш: бир оз қизғиш, ўлик, жонсиз чехрада акс этган эди.

Энди ўша жонсиз чехрадан, жонсиз оппоққина елкалардан, жонсиз оппоқ қўллардан аста-секин кўркув, кишки ғамгинлик ва ёлғизлик нафаси уфурарди, унинг аста кучайиб бораётган совуғида қўлларим ва лабларим тош қота бошлади. Нима бало, қуёшни сўндириб қўйдимикан? Ё бутун мавжудот юрагига болта урдимми? Қонотнинг қаттиқ совуғи бостириб келдимикан ё?..

Тош қотган пешонага, ҳаракатсиз қўнғирок сочларга, қулоқ супрасининг хира, совуқ йилтирашига титраб-қақшаб термилиб турардим. Улардан эсаётган совуқ эса жуда кучли, шу билан бирга гўзал ҳам эди: у мусиқа янглиғ янграрди!

Нима, бир замонлар бахт-омаддек туюлган бундай кўркув-даҳшатни илгарилари ҳис қилмаганмидим? Бир пайтлар ушбу мусикани ҳам тинглаб кўрмаганмидим? Ҳа, уни Моцарт ҳузурида, умри боқийлар ҳузурида тингланган эканман. Бир пайтлар, қаердандир топиб олганим шеърини сатрлар ўз-ўзидан ёдимга кела бошлади:

Бироқ биз топишиб олдик  
Юлдуз янглиғ самода,  
Кун, тун, соат бизга бегона,  
На эркак, на аёлмиз, на ёш, на қари...  
Вазмин ва сокин то абад умримиз,  
Вазмин ва нурли мангу кулгимиз...

Шу пайт бирдан ложа эшиги очилиб, Моцарт кириб келди, уни иккинчи бор қараганимдан сўнгина танидим, у кокилсиз, бриджисиз\* ва тўқали туфлисиз, замонавий кийинган эди. Келиб, ёнимга шунчалик тикилиб ўтирдикки, сал бўлмаса Ҳерминанинг кўксидан тиркираб оқаётган қонга булғанмаслиги учун уни ушлаб қолишимга бир баҳя қолди. У полда ўтирган кўйи шу атрофда турган бир талай майда асбоб-ускуналар билан андармон бўлиб, уларни суриб-тўғрилаб, бураб-махкамлай бошлади. Авзойидан жуда муҳим бир иш билан банд эди, мен унинг абжир, чаккон бармоқларига ҳавасим келиб қараб турардим, қани энди шу бармоқлари билан бир рояль чалиб берса, дердим. Ўй сурибми, сурмайми, гўзал, ақлли қўлларига қараб турарканман, унинг ёнимдалигидан, ёлғиз эмаслигимдан ҳам хурсанд, ҳам бир оз ҳадиксирардим. Аслида унинг нима иш қилаётганига, нималарни бураб-қотириб, қуймаланаётганига заррача эътибор ҳам бермадим.

У ўрнатиб, тузатган нарса радиоаппарат экан, ниҳоят, унинг мурватини бураб, деди:

— Мюнхендан гапиряпти, Хендел янграмоқда, фамажор\*\*, concerto grosso\*\*\*.

---

\* Бриджи – этик шим.

\*\* Фа-мажор – фа – мусиқа гаммасининг тўртинчи нотаси, мажор – кўтаринки, шодиёна руҳдаги мусикий соз тури.

\*\*\* Concerto grosso (умал.) – «катта концерт», бу ерда: бир неча қисмлардан иборат асар.

Аслида куриб кетгур шакилдоқ воронкадан чиқаётган нарсани эшитиб, ҳам таажжубландим, ҳам дахшатга тушдим, чунки у нарса бронхиал балғам билан чайналган сакичнинг коришмаси эди, буни граммофонларнинг эгалари ва радио абонентлари ўзаро келишиб олиб, мусика деб аташарди — ҳақиқатан ҳам мана шу балғам аралаш бўғиқ хириллаш ортида, худди қалин жилд ортида ноёб сурат яширингани каби, ўша ажойиб мусиканинг асл тузилишини, ажойиб композицияни, вазмин кенг нафасни, торли мусика асбобининг ширали овозини пайқаб олиш мумкин эди.

— Э худойим-ей, — дедим мен дахшатга тушиб, — нима қияпсиз ўзи, Моцарт? Шу бўлмағур ишлар ҳазилинги, чинми? Замонамизнинг зўр ғалабаси, унинг санъатни маҳв этиш йўлидаги сўнгги музаффар қуроли бўлган ушбу қўрқинчли матоҳни бизга қолдириб нима қилардингиз? Шу шартми энди, Моцарт?

Шунда ҳалиги ваҳимали одам бирам кулди денг, унинг кулгиси совук ва бўғиқ, унсиз ва ҳаммаёқни бузиб юборгудек эди. У менинг азобланишларимга ич-ичидан роҳатланар, лаънати шакилдоқ воронкани суриб-тўғрилаб, бураб-қотириш билан машғул эди. Хонага таралаётган бузуқ, жонсиз, оғули мусика товуши тинай демасди, у эса кулганича менга жавоб қилди.

— Ўзингизни босинг, кўшнижон! Дарвоқе, ритардандога\* эътибор бердингизми-йўқми? Зўр фикр, химм? Ҳой бесабр одам, сиз олдин бу фикрни — ритардандони бир ўйлаб кўринг, — ана, бас садоларини эшитяпсизми? Улар тангрилар янглиғ илгариламоқда — ана энди кекса Хенделнинг бу ғоясини безовта қалбингизга сингдиринг-

---

\* *Ритардандо* — мусиканинг аста-секин пасайиши, сусайиши.

да, ўзингизни босиб олинг! Сиз йигитча, киноя ва ҳаяжонни йиғиштириб, аввал бир тинглаб кўринг-а, қаранг, бу кулгили аппаратнинг аслида аҳмоқона ва бемаъни туюлган пардаси ортида ўша ажойиб мусиқанинг олис кифаси ўтиб бормоқда! Диққат билан тингланг, бундан бир нима ўрганса бўлади. Шунга эътибор берингки, бу телба овозли карнай дунёдаги энг аҳмоқона, энг тақиқланган ва энг кераксиз бўлиб кўринган ишни қилаётган ҳамда аллақерда чалинган мусиқани танлаб ҳам ўтирмай, хом ва ғўр, бунинг устига аянчли тарзда бузиб, расвосини чиқариб, уни бир бегона, ўзига қарашли бўлмаган хонага эшиттираётган экан – бу билан гарчи у ўша мусиқанинг бирламчи руҳига зиён етказолмаса-да, фақатгина ўзининг ожиз техникаси-ю укувсиз тор амалиётини унда синаб кўраяпти, холос! Яхшилаб эшитиб олинг, йигитча, бу сизга керак! Иккала қулоғингиз билан ҳам эшитинг! Ҳа, шундай. Сиз энди радиодан расвоси чиққан Ҳенделнинг ўзинигина тингламанг-да, – у-ку шундай, энг хунук кўринишда ҳам, барибир, ажойиб – сиз, қадрли дўстим, радио тингласангиз, бутун ҳаётнинг ажойиб ўхшашликларини ҳам кўрасиз. Агар радио тингласангиз, ғоя билан ходиса ўртасидаги, абадият билан вақт ўртасидаги, илоҳийлик билан инсонийлик ўртасидаги қадимдан давом этиб келаётган курашни тинглаб, кўриб-билиб борасиз. Худди радио дунёнинг энг гўзал мусиқасини ўн дақиқа давомида мумкин бўлмаган хоналарга, мешчанлар меҳмонхоналарига ва чордоқ-болохоналарга, жавраётган, ошалаб овқат еяётган, эснаётган, уйқуни ураётган абонентларга пайдар-пай эшиттирганидек, бу билан, гарчи ўша мусиқанинг руҳини бутунлай сўндира олмаса-да, уни хиссий гўзаллигидан маҳрум этиб, бузиб, тимдалаб-юмдалаб, шилимшиқ парда би-



лан қоплаб олгани каби — ҳаёт, воқелик ҳам дунёнинг чиройли, гўзал ўйинларини ерга кўтариб уради, Хенделни ўрта саноат корхоналаридаги балансни яшириш техникаси тўғрисидаги маърузани кузатиб боришга ундайди, мафтункор оркестр садоларини шилимшиқ парда билан қопланган ёқимсиз овозга айлантиради, ўзининг техникасини, ўзининг ишчанлигини, ўзининг бузук эҳтиёжини, ўзининг ғоя ва воқелик ўртасидаги, оркестр билан кулоқ (тингловчи) ўртасидаги ноз-кичиғини ҳамма ерда бирдай тикиштираверади. Бутун ҳаёт аслида шунақа, болам, бизлар эса, тақдирга тан бермай иложимиз йўқ, агар бизлар эшак бўлмасак, бунга кулиб қўяқоламиз. Сизга ўхшаган одамларга радиони ёки ҳаётни танқид қилишни ким қўйибди. Яхшиси, аввал тинглай билишни ўрганинг! Жиддий қабул қилишга арзийдиган нарсаларни жиддий қабул қилишни ҳамда бошқа нарсалар устидан кулишни ҳам ўрганиб олинг! Ё бирон ишни яхшироқ, олийжаноброқ, ақллироқ ва дидлироқ қилиб қойиллатиб қўйган жойингиз борми? О йўқ, мсье Ҳарри, бунақаси хали сизда бўлмаган. Сиз ўз ҳаётингизни даҳшатли касаллик тарихига, истеъдодингизни эса, бахтсизликка айлантираиб юборгансиз. Сиз, кўриб турибманки, шундай эсбо, ғоят гўзал, дилбар бир кизни нима қилишни билмасдан, бечорага пичоқ санчиб, уни нобуд қилиб ўтирибсиз! Нима, шу ишингизни ҳам тўғри деб ҳисоблайсизми?

— Тўғри? Э йўқ! — дедим мен каловланиб. — Э худо, намунча ҳаммаси бу қадар нотўғри, ахлоқона ва чатоқ бўлмаса! Мен хайвонман, Моцарт, ақлсиз, ваҳший хайвонман, мен касалман, айниганман, сиз минг қарра ҳақсиз. Аммо бу кизга келсак: унинг ўзи шуни хоҳлади, мен фақат унинг истагини бажардим, холос.

Моцарт унсиз қулди, бироқ зўр марҳамат қилиб, радиони ўчирди.

Ўзим ҳам ҳозиргина оккўнгиллик билан ишониб турган бундай даъвом, ўзимни бу тарзда ҳимоя қилишим кутилмаганда ўзимга ҳам ғоят бемаъни туюлиб кетди. Шу топда тўсатдан бир нима эсимга тушди — бир пайтлар Ҳермина менга Вақт ва Абадият ҳақида гапирган чоғида, унинг фикрларини шу захоти ўз фикрларимнинг кўзгуда акс этиши деб қабул қилишга тайёр турган эдим. Бирок Ҳерминанинг ўзим томонимдан махв этилиши ҳақидаги фикри унинг ўз ният-мақсади бўлган, бунда менинг заррача таъсирим йўқ эди ва мен буни табиий ҳол деб қабул қилган эдим. Аммо нега энди мен ўшанда шунчалик ёқимсиз ва шу қадар даҳшатли фикрни қабул қилиб, унга ишонибгина қолмасдан, балки уни ҳатто олдиндан ҳам билиб, фаҳмлай олган эканман? Балки у менинг ўз фикрим бўлгандир? Унда нега энди мен Ҳерминани айнан бошқа бир бегона эркак кучоғида яланғоч ётган чоғида ўлдирдим? Ҳамма нарсадан вокиф ҳамда истехзо, кинояга тўла жарангларди Моцартнинг унсиз кулгиси...

— Ҳарри, — деди у ниҳоят, — сиз қизикчи экансиз. Нима, бу гўзал киз сиздан пичоқ уришдан бошқа ҳеч нарса сўрамаган экан-да, шундайми? Бу гапингизни бориб бошқаларга айтинг! Тағин пичоқни шунақаям бошлаб урибсизки, бечоранинг жони чиқиб бўпти. Балки энди ушбу хонимга нисбатан кўрсатган илтифотингиз сабабларини тушунтириб берарсиз. Ё бунинг оқибатларидан ҳам тониб, жуфтакни ростламоқчимисиз?

— Э йўқ! — қичқирдим мен аччиғим чиқиб. — Нимага тушунмайсиз? Жуфтакни ростламоқчимисиз дейди-я! Менга қилмишимга яраша жазоланишдан, жазоланишдан ва жазоланишдан, бошимни кундага қўйиб, жазоланишдан ва махв этилишдан бошқа ҳеч нима керак эмас.

Моцарт менга шундай масхараомуз тикилдими, унга тоқат қилиб бўлмасди.

— Сизга ҳис-ҳаяжондан берганакан-да, ўзиям! Лекин сиз ҳали юморни ўрганиб оласиз, Ҳарри. Юмор — хамиша маъюс, ғамгин кулги демақдир, уни зарур бўлган-да, балки дор остида ўрганиб оларсиз. Бунга тайёرمىсиз, ишкилиб? Шундайми? Яхши, ундай бўлса, прокурорга бораверинг. Такдирга тан бериб, судьяларнинг юмордан холи бутун аппаратига чидаб берасиз. Қамоқхонада эса бир кун тонг саҳарда каллангизни сапчадай узиб ташлашади, шу билан қутуласиз. Демак, шунга тайёрсиз?

Тўсатдан кўз олдимда ялт этиб, қуйидаги ёзув пайдо бўлди:

### Ҳаррининг қатл этилиши

ва мен бунга, албатта, рози эдим. Тўрт девор орасидаги яп-яланг, хувиллаган, бефайз ховли, панжарали деразалар, озода қилиб тайёрлаб қўйилган гильотина,\* бошлари-га мантия кийиб олган, эгниларида сюртук, бирталай жаноблар қуршовида эрталабки аёздан қунишиб, юрагим ожиз кўрқув олдида бир қисм бўлиб турардим, лекин қилмишимга иқрор ва жазога тайёр эдим. Буйруқ овози янграши билан юриб олдинга чиқдим. Прокурор бошидан қалпоғини олиб, йўталди, унга қўшилиб, қолган бошқа барча жаноблар ҳам томоқ қириб, йўталиб олдилар. У қўлидаги ёзиқ расмий қоғозга қараганича, ўқий бошлади:

— Жаноблар, олдиларингизда турган Ҳарри Ҳаллер бизнинг мағиявий театримизни қасддан суиистеъмол қилганликда айбланади. Ҳаллер гўзал суратхонамизни воқелик деб аталмиш рўё билан чалкаштириб юбориб, ойнада акс этган қизни кўзгуда тасвирланган пичоқ билан

---

\* *Гильотина* – бош оладиган жоди (дастлаб 1792 йилда Францияда ишга солинган).

уриб ўлдириб, бу билан нафақат юксак санъатни оёқости килди, балки яна юмордан холи бир тарзда театримизни ўз жонига қасд килиш механикасига истифода эттириш нияти ҳам борлигини намойиш этди. Бунинг учун биз Ҳаллерни абадий ҳаёт жазосига маҳкум этиб, уни театримизга кириш ҳуқуқидан ўн икки соат муддатга маҳрум қиламиз. Бундан ташқари, айбланувчининг устидан бир марта яхшилаб кулиб ҳам оламиз, у бу жазога ҳам лойиқ. Қани, жаноблар, бошладик: бир-икки-уч!

Йиғилганлар баравар кулиб юборишди. Бу кулги юксак хор кулгиси, нариги дунёдан эшитилаётган кўркинчли, одам боласи чидай олмайдиган кулги эди...

Ўзимга келганимда, Моцарт боягидек ёнимда ўтирарди. У елкамга қоқиб, деди: — Ана, ҳукми ҳам эшитдингиз. Энди бундан буён ҳаёт радиомусикасини тинглаб боришга кўникишингизга тўғри келади. Бу сизга маъқул бўлади, деб ўйлайман. Қобилиятингиз ўта суст, тентаккинам, лекин сиздан ўзи нима талаб қилинаётганини аста-секин тушуниб оласиз. Сиз кулишни ўрганишингиз лозим, сиздан мана шу нарса талаб қилиняпти. Сиз ҳаёт юморини, бу тирикликнинг ғамгин, маъюс кулгисини англаб етишингиз лозим. Аммо-лекин сиз ўзингиздан талаб қилинаётганидан бошқа дунёдаги жамики нарсага тайёрсиз! Сиз кизларни пичоқ билан ўлдиришга тайёрсиз, сиз ўзингизни тантанавор тарзда қатл эттиришга ҳам тайёрсиз, сиз эҳтимол, ўзингизни ўзингиз юз йиллар танқид килиб, кийнаб-азоблаб, ҳатто бичиб ташлашга ҳам тайёрдирсиз, шундай эмасми?

— О, албатта, бажонидил тайёрман, — дедим мен ноилож.

— Ана шундай! Сиз, саховатли жаноб, ҳар бир аҳмоқона ва юморсиз тадбирга, нимаики ҳаяжон-эҳтиросли ҳамда нодонлик бўлса, ҳаммасига тайёрсиз! Хўш, энди

менга келсак, бу сизнинг барча романтик пушаймон ҳамда тавба-тазарруларингизни сарик чақага ҳам олмайман. Сиз қатл этилишга, бошингизни олдиришга розисиз, одам деган шунақаям қутуриб кетадими! Бу бемаъни омом учун сиз ҳали ўнта қотиллик қилишга ҳам тайёрсиз. Сиз кўрқок, ўлишга тайёрсиз, аммо яшашга эмас. Жин урсин, яшашингиз керак-ку, ахир! Ўзи сизни энг оғир жазога ҳукм қилишса, тўғри бўларкан.

— О, бу қанақанги жазо бўларкин?

— Масалан, дейлик, қизни қайтадан тирилтириб, икковларингизни уйлантириб қўямиз.

— Йўқ, бўлмайди, мен бунга рози эмасман. Бу бахтсизлик бўлур эди.

— Гуё қилган қилмишингиз бахтсизлик эмасдай гапирасиз-а. Бироқ энди ҳис-ҳаяжон, эҳтирос ва қотилликка чек қўйиш керак. Эс-ҳушингизни йиғиб олинг, энди! Сиз яшашингиз керак, шунингдек, қулишни ҳам ўрганиб олишингиз лозим. Сиз ҳаётнинг лаънати радиомусикасини тинглашни, унинг ортидаги рухни ҳурмат қилишни, ундаги қувноқ вағир-вуғур устидан қулишни ўрганиб олишингиз лозим. Тамом, сиздан ортик ҳеч нарса талаб қилинмайди.

Тишни тишга босиб турарканман, секин сўрадим:

— Мабодо йўқ десам-чи, жаноб Моцарт? Агар мен сизни Чўл бўрисининг тақдирига аралашиш ҳуқуқидан мосуво қилсам-чи, унда нима бўлади?

— Унда, — деди Моцарт бамайлихотир, — мен сенга яна ажойиб сигаретамдан бир дона чекиб кўришни таклиф қиламан.

Шундай деб, нимчасининг чўнтагидан сигарета чиқариб, менга тутқазди, бироқ у энди Моцарт эмасди, балки дўстим Пабло эди. Унинг ажнабийларга хос қора кўзлари менга қараб турар, шу туришида у дончалар

ёрдамида менга шохмот ўйинини ўргатган ҳов ўша одам билан эгизакка ҳам ўхшаб кетарди.

— Пабло! — кичкирдим мен сесканиб. — Пабло, биз қаердамиз?

Пабло менга сигарета бериб, олов тутди.

— Биз, — жилмайди у, — менинг мағиявий театримдамиз. Мабодо тангони ўрганмоқчи ё генерал бўлмоқчи ёки Улуф Александр (Искандар) билан сухбат курмоқчи бўлсанг, буларнинг барчаси энди кейинги гал, албатта, ихтиёрингда бўлади. Аммо-лекин шуни айтишим керакки, сен бир оз ҳафсаламни пир қилдинг. Сен бунда ўзингни яхшигина йўқотиб қўйдинг, менинг мўъжазгина театримдаги юморни ёриб ўтиб, бемаза иш қилдинг, пичоқ ишлатиб, бизнинг гўзал суратлар оламмизни вокелик доғлари билан булғадинг. Бу, албатта, яхши иш бўлмади. Буни, менимча, Ҳермина билан менинг бирга ётганимни кўриб, рашқдан қилган бўлсанг керак, шундайми? Афсуски, ушбу фигура билан муомала қилишни эплаёлмадинг — мен сени ўйинни яхшироқ ўрганиб олган бўлсанг керак, деб ўйлагандим. Энди эса хатони тузатишга тўғри келади.

У бармоқларида шу заҳоти миттигина ўйин доначасига айланиб қолган Ҳерминани олиб, яна ҳозиргина сигарета чиқарган нимчасининг чўнтагига солиб қўйди.

Ширин, оғир тутун хиди ёқимли анқиди. Шу топда мен бир йил ухлашга ҳам тайёр эдим.

О, мен энди ҳаммасини, Паблони ҳам, Моцартни ҳам англаб етдим, қаердадир ортимда унинг даҳшатли кулгиси қулоғимга чалинди. Ҳаёт ўйинларининг юз минг фигураси чўнтагимда эди, мен энди уларнинг барчасини яхши билардим, уларнинг мазмун-моҳиятини ҳаяжон

билан олдиндан сезиб, айтиб бера олардим. Ўйинни яна қайтадан бошлашга, унинг азобларини яна бир бор бошдан кечириб, тотиб кўришга, унинг бемаъниликлари олдида қайтадан изтиробга тушишга, қалб-кўнглимнинг жаҳаннами узра яна бир бор ва кўп марта кезиб, тентиришга ҳам тайёр эдим.

Ахир бир кун, пайти келиб, фигуралар ўйинини мен ҳам яхшироқ ўйнай оларман. Бир кунмас, бир кун кулишни ҳам ўрганиб олардим. Пабло мени кутарди. Моцарт мени кутарди...



## Х О Т И М А

Асарларни ўқувчи маълум даражада тўғри ёки нотўғри тушуниши мумкин. Кўп ҳолларда эса бу нарса муаллифга боғлиқ бўлмайди, натижада асарни тўғри тушуниш ўрнига англашилмовчилик содир бўла бошлайди. Баъзи бир муаллифнинг шундай ўқувчилари борки, унинг асари ўзидан кўра ҳам уларга кўпроқ равшан ва тушунарлидир. Бундан ташқари, англашилмовчиликлар ҳам муайян шароитларда самарали бўлиши мумкин.


Ҳар ҳолда менга «Чўл бўриси» китобларим орасида кўпроқ нотўғри тушунилган асар бўлиб кўринади. Кўпинча унинг ўқувчилари хайрихоҳ, инкор қилиш у ёқда турсин, ҳатто қойил қолишган китобхонлардир, уларнинг ушбу китоб ҳақидаги фикрлари, шу билан бирга, ғалати ва ҳайратланарли ҳамдир. Бундай ҳолатларнинг кўп учраш сабаби қисман, ҳа, қисман шунда кўринадики, эллик ёшли муаллиф томонидан ёзилган ҳамда айнан шу ёш муаммоларидан ҳикоя қиладиган ушбу китоб жуда кўп ҳолларда бутунлай навқирон ўқувчилар қўлига бориб тушган.

Бирок менинг ёшимдаги китобхонлар орасида ҳам шундайлар кўп учрайдики, улар каминанинг китобидан мутаассир бўлишган, лекин қизиғи шундаки, улар асар мазмун-моҳиятининг атиги ярминигина тушуниб этишган, холос. Ушбу ўқувчилар, менинг назаримда, Чўл бўрисида ўзларини топишган, ўзларини унга ўхшатиб, у билан тенглаштиришган, унинг изтиробларига шерик



бўлишиб, орзуларини баҳам кўришган, шу аснода эса, улар бир нарсани назардан кочиришган, у ҳам бўлса шуки, ушбу китобда Харри Халлер ва унинг муаммоларидан ташқари яна бошқа нарсалар хусусида ҳам сўз борадики, Чўл бўриси ва унинг зиддиятли ҳаёти узра иккинчи, янада юксакрок, боқий бир дунё кад ростлаб туради ва «трактат» ҳамда китобнинг Рух, санъат ва «умри боқийлар» ҳақида ҳикоя қилинадиган ўша барча жойларида Чўл бўрисининг изтироблар оламига бошқа бир дунё — ижобий, қувноқ, ақл бовар қилмайдиган, мислсиз ва Вақтга боғлиқ бўлмаган, абадий Илоҳий Дунё карама-қарши қўйилади, чунончи, китоб изтироб ва мусибатлардан сўйласа-да, бироқ у асло руҳи тушган, тушкун кайфиятдаги одамнинг эмас, балки диндорнинг китобидир.

Мен, албатта, китобхонларга ушбу қиссамни қандай тушунишлари хусусида маслаҳат бера олмайман ва бермоқчи ҳам эмасман. Ҳар бир ўқувчи ундан ўзига керакли ва фойдали хулосани ўзи чиқариб олаверсин! Чўл бўриси ҳақидаги ҳикоя, гарчи хасталик ва тангликни тасвирласа-да, бироқ бу хасталик ўлимга олиб бормади, бу танглик эса таназзул эмас, балки аксинча: шифо, даво, муолажадир. Кўпчилик китобхонлар мана шу нарсани эътиборга олиб қўйсалар, мен хурсанд бўлар эдим.



## МУНДАРИЖА

Рухий олам изтироблари .....	3
Мукаддима .....	12
Херри Халлер .....	33
Чўл бўриси хакида трактат .....	52
Хотима .....	260

Адабий-бадий нашр

**Ҳерманн Хессе**

**ЧЎЛ БЎРИСИ**

*(роман)*

кайта нашр

Олмон тилидан Мирзаали АКБАРОВ таржимаси

Мухаррир *Р. Субҳон*

Бадий муҳаррир *И. Йўлдошев*

Техник муҳаррир *Т. Харитонова*

Мусаххих *М. Якубджанова*

Компьютерда саҳифаловчи *Ф. Чанишева*

Нашриёт лицензияси АИ №158, 14.08.2009. Босишта 2015 йил

3 мартда рухсат этилди. «Газетная пухлая» қоғози.

Бичими 80×100<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. «Peterburg Uz» гарнитурасида офсет  
усулида босилди. Шартли босма табоғи 12,21.

Нашр табоғи 12,29. Адади 2000 нусха.

Буюртма №15-24

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

## **Ҳессе, Ҳерманн**

**Х — 43** Чўл бўриси: роман, қайта нашри, таржимон  
М. Акбаров. — Тошкент: «O'zbekiston», 2014.  
264 б.

ISBN 978-9943-28-162-2

Ҳерман Ҳессе (1877–1962) XX аср олмон адабиётининг йирик намояндаларидан бири, адабиёт соҳасидаги Халқаро Нобель мукофотининг совриндори. Унинг кўплаб роман, қисса, ҳикоялари, шеърлари, сиёсий ва адабий-танқидий руҳдаги асарлари чоғи этилган.

Илк бор 1927 йилда босилиб чиққан «Чўл бўриси» романи Ҳерманн Ҳессега оламшумул шуҳрат келтирган теран психологик асардир. «Чўл бўриси»да ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ҳал этилмаган маънавий-рухий зиддиятларни енгилш йўлидаги саъй-ҳаракатлар каламга олинади.

Ёзувчи Томас Манн ушбу роман хақида шундай деб ёзган эди:

«Чўл бўриси» менга анчадан буён илк бор хақиқий китоб мутулааси не эканини қайтадан ўргатган асардир».

**УЎК: 821.512.133**

**КБК 84 (4 Гем)**



41800c







«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-162-2



9 789943 281622